

ЭРКИН ТУРСУНОВ

ТИББЕТТИКНИНГ
БАРҲАЕТ
СИЙМОЛАРИ

ЭРКИН ТУРСУНОВ

**ТИББИЁТИМИЗНИНГ
БАРҲАЁТ СИЙМОЛАРИ**

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 37.013(072)
КБК 5г (5Ў)
Т46

Т46 Э.Турсунов. Тиббиётимизнинг барҳаёт сиймоларин. –Т.: «Fan va texnologiya», 2012, 328 бет.

Ушбу илмий-бадний очерклар тўплами: Республикада тиббиётимизнинг илм, амалиёт, тиббий таълим, соғлиқни ташкил этиш соҳаларида фаолият кўрсатган маҳаллий олимларимизнинг илмий-амалий, ташкилотчилик салоҳиятларинин, улар ҳақидаги кичика биографик маълумотларин ёритишга бағишланган. Тўпламининг моҳиятини кадриятларимизни чуқурроқ ўрганиш ва келажак ёшларимизга етказиш, ўтган буюк олимларимизнинг илмий салоҳиятларидан баҳраманд бўлиш ва улардан намуна олиш ҳамда шу асосда миллатимиз тиббиёт тарихинин чуқурроқ ва қайтадан ёритишда деб биламиз. Тўплам ТошПТИ «Одам анатомияси ва гистология» кафедраси профессори Э.А.Турсуновнинг ИСС-2012-6-27 инновацион лойиҳаси ва таҳрири асосида тайёрланди.

Тўплам таҳририяти:

Профессорлар: Шухрат Отахонов – ЎзР ССВ Бош бошқармаси бошлиғи, Талат Соатов – ЎзР ФА академиги, Мирсодиқ Исхоков – Шарқшунослик институти Марказий Оснё халқлари тарихи кафедраси мудирин, Хуррам Ҳайдаров – ТошПТИ Фалсафа ва Ўзбекистон тарихи кафедраси мудирин, Шариф Отабосв – Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, Врачлар малакасинин ошириш институти профессори, Нанма Маҳмудова – Соғлом авлод орденин совриндори, ТошПТИ кафедраси профессори, Ибодат Соатова – Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Ўзбекистана газетаси Бош муҳаррири ўринбосари, журналист

Илмий муҳаррир: Абдулла Худойбергенов – ЎзР Врачлар
Ассоциациясин раиси, профессор

Тақризчилар: Нажийулло Шомирзасв – тиббиёт фанлари докторин,
ТМА профессори;
Ҳомид Ёкубов – тиббиёт фанлари докторин, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

Тўплам ТошПТИ илмий Кенгашининг 2012 йил 26 сентябрдаги 8-сон қарорига асосан чоп этилди.

ISBN 978-9943-10-823-3

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2012.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг тарихи ва кадриятлари адолатли равишда тикланди ва яна ҳам тикланиб бормокда. Шу жihatдан олганда Президентимиз И.А.Каримовнинг 1995 йил 23 февралда Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Ўзбекистон тарихига катта баҳо бериб ўтганилигини эслаш жоиздир: «...бизнинг Ватанимиз нафакат Шарк, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон тап олмокда. Бу қадимий табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олим уламолар, сиёсатчи саркардалар стишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган». Шунинг учун ҳам келажакимизнинг қанчалик порлоқ, қанчалик юксак бўлиши бу бизнинг кадриятларимизни ва тарихимизни ўрганишимизга, билишимизга ва эъзозлашимизга боғлиқдир.

Тиббиётимиз тарихини оладиган бўлсак, ҳеч кимга сир эмаски у жуда қадимийдир, унинг тарихи «Авесто» га ва ундан олдинги даврларга бориб такалади. Ўзбекистон тиббиётини унга катта ҳисса қўшган, уни ривожлантирган буюк алломалар иби Сино, Улугбек каби инсонларсиз тасаввур қилиб бўлмайдди. Лекин тиббиёт бир жойда тўхтамайдиган, доний равишда ривожланиб борадиган соҳа, шунинг учун буюк алломаларнинг худудимизда яшаб ўтган шогирдлари, улардан руҳланган тиббиёт ходимлари тиббиётимизни доний равишда тараккий эттирдилар ва ҳозирда ҳам ривожлантириб бормокдалар.

Ҳозирда Ўзбекистон тиббиёти фани ҳар томонлама ривож топган, назарий ва амалий жihatдан юксаликка қўтарилган соҳалар каторидан муносиб ўрин олдики, буни хориж ҳам тап олмокда. Бунда тиббиётимизнинг илк ва кейинги босқичларида илм соҳасида, ташкилотчилик соҳаларида фидойилик кўрсатган олимларимизнинг, давлатимизнинг ижтимоий-тиббий соҳаларида олиб бораётган оқилона сиёсатининг ўринлари катта бўлмокда. Кўп олимларимиз оғир уруш йилларида, турли касалликлар эпидемияси тарқалган даврларида ҳам катта жасорат кўрсатганлар. Биз буларни асло унутмаслигимиз керак.

Шунингдек, кейинги йилларда фаол хизмат қилиб, тиббиётимизни янги назарий ва амалий билимлар билан бойитган ва бойитаётган шифокор олимларимиз, халқимиз саломатлиги йўлида сама-

рали хизмат қилаётган тиббиётимизнинг фидойи ташкилотчилари ва энг асосийси давлатимизнинг тиббиёт илми равнақиға қўшаётган эътибори ҳисобига Ўзбекистон тиббиёти мустақиллик йилларида яна ҳам улкан муваффақиятларға эришди.

Ушбу илмий-бадий очерклар тўпламида Ўзбекистон тиббий илмий соҳаси ривожига юксак ҳисса қўшган салоҳиятли олимларимиз, тиббиётимизнинг фидойи жонкуяр ташкилотчи олимларининг илмий ҳаётини фаолиятларидан лавҳалар келтирилган. Зеро, Президентимиз айтганидек, «Фанга интилиш, ҳаётини илмға бағишлаш қаҳрамонлик билан баробар. Шунинг учун бу фидойи инсонларға эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг бурчимиздир».

Очигини айтадиган бўлсак, тиббиётимиз тарихида ўзбекистонлик олимларимиз роли ҳали тўла ёритилмаган, илмий-амалий салоҳиятларини кенг ёритиш ва уларнинг тарихда тутган ўринларига адолатли баҳо бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Ўзбекистон тиббиёти олимлари жаҳон тиббиёт фани соҳасига ўзларининг янги илмий ғоялари, даволаш ва профилактик усуллари билан кириб бормоқдалар ва уни бойитишға катта ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Тиббиётимиз ривожида хориж олимлари билан биргаликда бўлаётган ҳамкорлик ҳам катта роль ўйнамоқда. Мустақиллик йилларидан бошлаб бундай ҳамкорликлар тиббиёти кучли ривож топган Олмония, Америка, Жанубий Корея каби давлатлар билан янги поғоналарға кўтарилиди ва мустақил Ўзбекистон тиббиёти жаҳон андозаларига тенглашиб олди.

Келажакда вазирлигимиз қошидаги Тиббиёт тарихи музейида «Олимлар бурчаги» ташкил этилса ва унда Ўзбекистонда фаолият кўрсатган ва кўрсатаётган маҳаллий олимларимизнинг тарихий манбалари тўпланадиган жойға айланса мақсадға мувофиқ бўлар эди. Чунки, Мустақилликдан аввалги ва Мустақиллик даври Ўзбекистон тиббиёти тарихини тўла қонли яратиш даври келди деб ҳисоблаймиз. Бизнинг Тиббиёт тарихи китобларимизда хориж тиббиёти тарихиға баъзида кўпроқ ўрин бериб юборганмиз, ваҳолонки, ўзимизнинг бой тарихимизни чуқур ўрганишни замон талаб этмоқда.

Очеркларни тайёрлашда бизға кўмаклашган фидойи инсонлар кўп бўлди, айниқса, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари, Врачлар Ассоциацияси фаоллари Президиуми аъзолари, Фахрийлар кўмитаси аъзолари кўп ёрдам бердилар. Тўғри, айрим қаҳрамонларимиз ҳақида маълумотлар тўплаш анча қийин кечди.

Яхшиям саховатли, азиз инсонлар бор, ишларимиз доим олға юради. Биз истардикки, ўтган буюк устозларнинг шогирдлари, кариндош-уруғлари, яқинлари бизни тўғри тушуниб, маълумотлар тўплашда самимий ёрдам берсалар, очеркларимиз янада мазмунли, янада таъсирчан бўлади. Чунки, олдинда яна савобли ва машаққатли меҳнатларимиз бор. Ҳозирда ҳаёт ва фаоллик билан тиббиётимизга хисса қўшаётган олимларимизнинг ҳаётидан бўладиган лавҳалар кейинги китобларимиздан жой олади деган умиддамиз.

Тўпламнинг биринчи қисмига тиббиётимизнинг ҳозирда марҳум улуғ фидойилари киритилди, айрим сабаблар билан биринчи китобга кирмаганлар иккинчи китобга киритилади. Кейинги тўплам-китобларимизда катта обрў-эътиборга, давлатимиз, элимиз хурматига сазовор бўлган олимлар, шифокорлар, ташкилотчилар ҳаётларидан лавҳалар берилди. Биринчи китобда тартиб билан шифокор олим-академикларимиз, буюк хизматлари учун Давлат мукофотига сазовор бўлганлар, Соғлиқни сақлаш бўйича вазирларимиз, фан арбоблари, тиббиёт соҳаси институтлари ректор ва директорлари лавозимида ишлаганлар ҳаёти ва ижоди келтирилган. Улардан ташқари, маҳаллий олимларимизнинг етилишида Республикамиз ҳудудида туғилиб, яшаб, фидойи хизмат қилган русийзабон олимлар ҳам китобимиздан жой олишган. Кейинги китоблар нашрида тиббий муассасалар раҳбарларини, шу соҳадаги жамоатчи ташкилотларни, салоҳиятли ва изланувчи олимларга эга тиббий хусусий корхоналар раҳбарларини биз билан доимий ва биргаликда ҳамкорлик қилишга ундаб қоламиз.

Ўйлаймизки, бу тўплам тиббиёт институти талабалари, кенг жамоатчиликнинг тиббиётимиз тарихини, тиббий тарихий кадриятларни ўрганишида ҳамда ёшларимизни маънавий-маърифий тарбиялашда жуда қўл келади. Биз, ҳаёти ҳозирги ёшларга намуна бўладиган айрим олимларимизнинг ҳаётини, ҳаётда қўрган машаққатларини, меҳнатсиз, ижодий изланишларсиз олим бўлиш мумкин эмаслигини англаган ҳолда, кенгрок ёритдик.

Шуни таъкидлашни истардикки, ушбу тўпламни ташкил этиш нияти анча олдин пайдо бўлган эди, матбуотда бир неча мақолалар эълон қилган эдик, лекин китоб шаклида чиқаришда моддий қийинчилик бор эди. **Фан ва технологияларни ривожланишини мувофиқлаштирувчи қўмита, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ушбу мавзу лойиҳасини қўллаб-қувватлади, лойиҳа қабул қилинди ва биз**

лойиҳа асосида кўлингиздаги тўпламни нашрга тайёрладик. Тўпламни тайёрлашда бизга астойдил ёрдам берган шифокор ёзувчилар, Ёзувчилар уюшмасининг аъзолари Искандар Раҳмон, Алижон Зоҳидий, журналист Саодат Ибодова, қорақалпоғистонлик журналист А.Нурниязовга, Вилоят шифокорлар ассоциацияси раҳбарларига ва бошқа фидойи инсонларга ўз миннатдорчилигини билдириб қоламиз.

Муаллиф

АКАДЕМИКЛАРИМИЗ

Унинг жарроҳлик илми ва амалиётига қўнган ҳиссасини баҳолашга суз топши қийин. Академик Воҳидов юрак ва томирларда энг мураккаб жарроҳлик муолажаларини қиладиган юзлаб талатли шогирдларни тарбиялади.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов

ВОСИТ ВОҲИДОВ!



Бу номни эслашнинг ўзнёк инсонга катта қувонч ва фахр туйғусини бахш этади, дилингда шу инсондек пок ва ҳалол, шу инсондек ташаббускор ва меҳнаткаш, шу инсондек бурчига содиқ ва эли учун ҳар нарсага тайёр, шу инсондек зукко, билимдон бўлиб яшашни Аллоҳ менга ҳам насиб этсин, шу инсондек боқий дунёга кетганимда, элим бир улуг инсондек ардоқлаб, авайлаб, хотирлаб юрсинлар дегинг келади. Ҳа, Аллоҳ ҳар кимга шуни насиб этсин.

Восит Воҳидович Воҳидов 1917 йилда Жанубий Қозогистоннинг Туркистон шаҳрида дехқон оиласида туғилди ва 77 йил яшади. Бу йиллар унинг учун, Ўзбекистон учун, жарроҳлик илми учун тарихда ўчмас йиллар бўлиб қолди.

Восит Воҳидов туғилган йиллар ўз сурони билан тарихий йиллар эди. Давлатда очарчилик, касалликлар, айшқиса, юқумли касалликларнинг кўплиги, камбағаллик ҳукм сурган, сиёсий жанглар авж олаётган йиллар эди. Восит аканинг отаси Абдувоҳид Холметов 9 фарзанднинг отаси, оналари Ҳожар она фарзандлар тарбияси билан банд эдилар. Ҳамма ўғиллар меҳнаткаш инсон бўлиб, она тебратилишга қарашар эдилар.

Восит ака 13 ёшга тўлганда, ота - онадан айрилади ва 1931 йилда Фарғонага йўл олади. У ерда кишлоқ хўжалиги бўйича ишчилар факультетида, сўнгра Тошкентга келиб, режа - иктисод техникумида икки йил ўқийди. У Тошкентда С.Юлдашев (кишлоқ хўжалиги соҳасида катта олим бўлган) билан дўстлашиб қолишади, дўсти ТошМИга, Восит ака кишлоқ хўжалиги институтига киришадиган бўлишади. Такдирни қарангки, Восит ака ТошМИга келганда, анатомия кафедрасига кириб, тиббиётни яхши кўриб қолади ва 1934 йилдан Тиббиёт институти даволаш факультети талабаси бўлади, С.Юлдашев эса, ҳозирги Қишлоқ хўжалиги Аграр университетига ўқишга киради.

Ўқиш йиллари осон бўлмади. Ўқитувчилар асосан русийзабон кишилар бўлгани учун дарслар рус тилида ўтилар, кейин таржимон, ўзбек тилига таржима қилиб тушутирар эди. Имтиҳон ҳам таржимонларсиз ўтмас эди, имтиҳон вақтларида кечаси - кундузи дарс тайёрлашар эдилар. Талаба Воҳидов клиник фаһнлардан жарроҳлик ва терапияни яхши кўриб қолади.

1935 йилда институтга Тошкент Давлат Тиббиёт институти - ТошДавТИ номи берилади. Шу йилларда машҳур жарроҳлар П.Ф.Боровский (госпитал хирургия кафедраси мудирини), П.П.Ситковский (факультет хирургияси каф мудирини), Н.С.Перешивкин (умумий хирургия кафедраси мудирини) машҳур эдилар. Восит ака улардан таълим олди, уларга ҳавас қилди ва кейинчалик бир умрга жарроҳликни танлади. Жарроҳлик тиббиётда ўта жавобгарлиги бўлган йўналиш, жарроҳ эса, доим фаол, драматик тўқнашувларга доим тайёр туриши лозимлигини билган шахс, у тезкор, шошилишч ҳолатларда адашмайдиган, аниқ, тўғри қарор қабул қиладиган шахс. Восит ака буни талабалик давридаёқ ҳис этган эди.

Лекин Восит ака 1939 йилда институтни битиргач, проф О.Н.Павлова (госпитал терапия кафедраси мудирасини) қўлида терапевт бўлиб ишда қоладилар. Лекин бу узокқа бормади. Бир неча ойдан сўнгра, В.Воҳидов Қирғизистонга ҳарбий шифокор сифатида жўнатилди.

Норин шаҳрида қизиқ воқеа рўй беради. Қабулга бир аёл ўтқир кўричак ташҳиси билан келди. Жарроҳлик ёрдами керак. Лекин қорин бўшлигини очиш учун етарли шароит йўқ. Аёл жарроҳлик столига етиб келгунча ҳаётдан умиди қолмаганиди, лекин Восит ака уни қутқариб қолади. Шу соатдан бошлаб В.Воҳидов фақат жарроҳ бўлиб ишлашга яна ҳам қатъий қарор қилади, лекин

унинг бу қарори анча кеч амалга ошади.

1946 йилда уруш тугагач, терапия кафедрасига қайтади, энди у уйланган-онилан эди, лекин бир кун ҳам терапевт бўлиб ишламайди. Павлова ёш Воҳидовдаги жаррохликка бўлган интилишни билди, уни ўз қўли билан ўша вақтдаги машҳур жаррох профессор С.А.Маъсумов қўлига топширади. Шу кундан бошлаб В.Воҳидов жаррох бўлиб ишлай бошлади. Ва энди у ўзининг ниятига етганди.

В.Воҳидов суткасига 18-20 соатлаб ишлайди, ойига 10-12 мартагача навбтчиликда турди, у катта машаққатлар билан жаррохлик йўлига кираётган эди. Восит акадаги катта кизиқиш, билимга чанқоклик, унинг аъзолар, (айниқса, томирлар) топографиясини яхши билгани С.А.Маъсумовни қувонтирар эди. Агар касаллик тарихни бузиб ёзилса, профессор бу тарихни иккига бўлиб ходимга қайтарар эди. Ва уни қайтадан саводли қилиб тиклашга мажбур қилар эди. Шунинг учун ҳам тарихда С.А.Маъсумов мактабини кўрган жаррохлар ўта хурматли ва билимдон эдилар.

В.Воҳидовга «Йирингли касалликларда ошқозон ости безининг функциялари» мавзусида номзодлик диссертациясини тайёрлаш юклатилди. Шу йилларда унинг иккинчи фарзанди Одилбек туғилади.

В.Воҳидов касалларда 2940 анализ ўтказди. Ўзи итлар топиб тажриба ўтказди. У вақтларда изланувчи А дан Я гача ўзи бажарар, «кора» ишларга ҳам қаровчилар бўлмасди, итларга овқат бериш, боқиш, парвариш қилиш, ҳамма-ҳаммаси изланувчининг бўйнида бўларди. Ишга қаттиқ берилган Воҳидов икки йилда ишни тугатди: Хулоса аниқ: йирингли касалликларда ошқозон ости безида ташки секреция жароҳат топади, олдин трипсин ва липаза, кейин диастаза ва амилаза секрецияси бузилади, натижада углевод алмашинуви ҳам бузилади, фақат инсулин юбориш фойда беради. Хулосалар итларда ва касалларда бир хил чиқди. 1950 йилда муаффақиятли химоя бўлди.

В.Воҳидовда кўп қирраликка йўл очилди, абдоминал, жигар ва ўт йўллари бўйича жаррохлик ишлари яхши кетди. 1957 йилдан бошлаб, ўпка жаррохлиги унинг учун асосий мавзу бўлди ва шу соҳада докторлик диссертациясини тайёрлади. 1962 йилда москвалик жаррох проф. Б.Э. Липберг, ўзбек олими. проф Х.Г.Фофуров илмий раҳбарлигида ишни якунлади ва муаффақиятли химоя қилди. Восит ака ишига ўша вақтдаги машҳур олим, жаррох, академик Л.К. Богуш оппонентлик қилди.

Қаранги, муаллифлардан бири шу йилларда Тош ДавТИ ёшлар комитети фаолларидан эди. 1961 йили бир талаба фаоллар йигинида В.Воҳидов сўзга чикиб шундай деган эди:

- Билиб қўйинг, жарроҳ – бу терапевт + жарроҳ дегани, кўпчилигингиз жарроҳ бўлишни хоҳлайсиз, шу формулага тушаолсангиз яхши эди, лекин иккисида ҳам аъло деган сўзни эсан чикарманг. Олимнинг ўзи ҳам шу формула асосида ишларди.

Хўш, бу докторлик ишида нималар ҳал килинган эди. Аввало, бу иш клиник-экспериментал характерда бўлиб, ўнта нтда тажриба ҳам килинган. Ишда клиник, биокимёвий, морфологик, физиологик (томирларга туш қуйиш усули) жарроҳлик усуллари қўлланди. Плеврал ёпишманинг кон томирлари респиратор функцияда катнашишлиги аникланди. Бронхиал артерияда кон тўхташи ўпка ҳажмини камайтиради, склерозни тезлаштиради, альвеолалар бўшлигини торайтиради, бронхларни деформацияга олиб келади, нафас сусаяди. Аксиича ўпка артерияси бекитилса, нафас сусаймайди. Бронхиал артерия ва плеврал битишма томирлари ҳисобига васкуларизация қарор топади, жароҳатланган ўпкада респиратор функция сақланиб қолади.

60-80-йилларда ТошДавТИда жарроҳлик кенг камрўвда ва илмий асосларда ўрганилди. Ўйлаб талантли маҳаллий жарроҳлар етишиб чиқдилар (профессорлар С.М.Агзамхўжаев, Р.М.Нурмухаммедов, Д.С.Ғуломов, М.А.Ашрапова ва ҳ.к.) Уларнинг ҳар бири маълум жарроҳлик йўналишнинг ривожлантира бошладилар геронтологик, гастроэнтерологик, гепатологик, торакал, томир ва юрак, эндокрин ва йирингли касалликлар жарроҳлиги каби йўналишларда яхшигина муваффақиятлар қўлга кирмоқда эди. Бу йилларда жарроҳлик фанида назарнётчилар, экспериментаторлар билан яхши ҳамкорлик ўрнатилган эди. Ўзбекистонда нафас аъзолари бўйича пластик жарроҳлик асосчиси, тажрибакор, ОХТА кафедра мудирин профессор Ф.Ф.Амиров, талантли гистолог олим К.А.Зуфаровлар билан бўлган ҳамкорлик катта ютуқларга олиб келмоқда эди. 1960 йиллардан бошлаб, юрак порокларини жарроҳлик йўли билан даволаш бўлими очилди.

1963 йилда Москвада клиник ва экспериментал хирургия илмий текшириш институти хирургия кафедраси билан бирлашиб, катта жарроҳлик маркази пайдо бўлди. Кон томир хирургияси ривож топа бошлади. Бу ишлар бошида машҳур талантли жарроҳ, академик Иттифок СС вазири Б.В.Петровский турар эди.

В.Воҳидов эса, 60-йиллардан бошлаб Тошкентда шундай махсуслашган жаррохликни ташкил этишни ўзига мақсад қилиб қўйганди. У Москвага бориб, у ердаги Хирургия марказини ўрганиб Тошкентда унинг филиалини очишни Давлат олдига қўйди ва бунга эришди. Бу ишга ўзи бош-қош бўлди, лойиҳаларни ниҳоят аъло даражада «тиббийлаштирди», дастлаб бу институт «Кўкрак хирургияси» деб номланди. Ҳозирда эса, Республикамизда ягона мустақил ихтисослашган илмий амалиёт «Хирургия маркази» бўлиб колди.

В.Воҳидов ташкил этган бу марказни Жаррохлик маркази эмас, тиббий марказ деса ҳам бўлади. Чунки, марказ асосан жаррохлик муолажаларига мўлжалланган бўлса-да, у ўта кенг камровли. Тиббиётда қўлланиладиган ташхис усулларининг ўта замонавийлиги, ўта кенг олиб борилиши биргина жаррохлик касалликларини эмас, бошқа касалликларни ҳам билиб олишга ёрдам беради. Олимнинг буюк хизмати шундаки, даволаш ва ташхисга ёрдам берадиган, жуда кўп илмий муаммоларни ечишга қаратилган замонавий асбоб - ускуналар билан жиҳозланган ўндан кўп тажриба, микробиология, патологик анатомия, эндоскопия каби бўлимлар фаол ишлаб боради. Бу бўлимларда ўнлаб фан докторлари етишиб чиқди, ўнлаб монографиялар яратилди. Шунинг қувонч билан таъкидлаш лозимки, 2012 йил мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида ушбу марказ ўта замонавий янги кардиохирургия бўлими очилди ва унда президентимиз И.Каримов катнашди. Мухтасар қилиб айтишган бўлсак, Восит ака республика мида биринчилардан бўлиб:

– Юрак ва қон томирлари касалликларини жаррохлик усули билан даволаш бўйича кардиохирургия, ангиохирургия ривожига асос солди, бу соҳада марказлар очилишига сабабчи бўлди.

– Гипотермия ва сунъий қон айланиш аппаратини қўллаб, очик юракда жаррохлик муолажасини ўтказди.

– Ўз ўқувчилари билан перитонитларни жаррохлик усулида даволаш усулларини ишлаб чиққан.

– Абдоминал жарроҳликни ривожлантирди, кизилўнгач, ошқозон, ичак, жигар ва жигар ўт йўллари касалликларини жарроҳлик усулида даволашни сифатли даражада йўлга қўйди. Ўз шогирдлари билан жигар циррозлари, холециститлар, цирроз қолдирган асоратлар, циррозларни даволаш устида чуқур изланишлар олиб борди ва маълум ютуқларга эришди.



В.Воҳидов ўз шогирдлари билан

– Торакал жарроҳликни ривожлантириб, нафас йўлларида пластик операцияларни йўлга қўйди.

– Жарроҳлик фани ва унинг илмий амалий салоҳиятини баланд кўтарди ва бу соҳада:

– жуда кўп ўзига ўхшаш талантли, ғайратли, фидойи олимлар, шифокорларни етказди, жарроҳликни деярли ҳамма соҳаларида янги изланишларни йўлга қўйди.

– Йирингли жарроҳликни ривожлантирди, йиринг чакирувчи микробларнинг хиллари бу ерда чуқур ўрганилди.

– Собиқ иттифокнинг йирик илмий ташкилотлари билан ҳамкорликда экстракорпорял детоксикация йўлга қўйилди.

– Оғир экзо-, эндотоксикацияни даволаш усуллари ишлаб чиқилди, сорбцион детоксикация ишлатилди.

–Ташхис соҳасида кўкрак ва қорин бўшлиғида эндоскопиянинг турли усуллари кенг қўлланилди, республика эндоскопик маркази ташкил этилди. Бу марказ эндоскопия усулларини республикада тарқалишига ёрдам берди.

– Биз бу ерда кўп марта биринчи сўзини ишлатдик. Тўғри, бир инсон шунча ишларни ўзи бажара олмайди, лекин Восит Воҳидовичда бўлган катта маҳорат, талант, ташкилотчиллик, у тайёрлаган жуда кўп илми бакувват олимлар, шифокорларнинг хизмати катта.



**ЎЗР ФА академиклари ёш олимлар билан бирга.
Биринчи қаторда чандан тўртинчи проф. В.В.Воҳидов.**

Олимнинг ўзи 300 дан кўп мақола, бир неча монография ёзган, 20 га яқин фан доктори, 50 дан ортиқ фан номзодини тарбиялаб, Республика жаррохлик тизими ривожига катта ҳисса қўшган бўлса, шогирдлари унинг изидан бориб ўзлари ҳам ўнлаб олимларни тарбия қилдилар ва бу ишларни давом эттирмоқдалар. Бу билан Восит Воҳидов яратган жаррохлик мактаби янада ўсиб, янада юксалиб бормоқда, бу мактабнинг устози эса Ўзбекистон жаррохлигининг ёркин ва ҳеч қачон сўнмас-юлдузига айланиб қолди.

*Профессорлар Ф.Г.Назиров
А.М.Худойберганов
Э.О.Турсунов*

АБДИРОВ ЧОРДЖҮЙ



Қорақалпоғистон Республикаси тиббиёт-ти ривож, тиббиёт илмининг йирик намоён-даси, тиббий таълим ва тиббиёт соҳасининг йирик ташкилотчиси, академик олим Чоржуй Абдиروفга бориб тақалади.

Бу олим Республикамиз Олий Мажли-сида Экологик комитетга раис бўлган, Республикамизда иммунология ва микробио-логия фани соҳасида кўзга кўринган, Қора-қалпоқ тиббиётини узок йиллар бошқарган фахрий, барҳаёт инсонлардан биридир.

... 90-йилларнинг охирлари эди. Каминна ҳар ойда бир-икки марта ТошПТИ Нукус филиалига бориб дарс бериб келар ва филиалдаги аҳволдан анча хабардор эдим. Ўша даврдаги СС вазири, ҳозирда ТМА ректори Ш.И. Каримов ва ТошПТИ ректори, ҳозирда СС вазири муовини А.В.Алимовлар мени Нукус филиалини чуқур ўрганиш учун вакил килиб юборишди. Топширик аниқ бўлди – ҳолатини реал ўрганиш ва таклифлар киритиш эди. Мен иш давомида академик Ч.Абдиروف билан суҳбатлашдим. ҚҚ тиббиёти, филиалдаги аҳвол ҳақида анчагина тасаввур олди.

Мен Ч.Абдировни 90-йиллар бошларида Питерда илмий сафарда юрган чоғимда Иттифок Марказий телевидениесида Парламент йиғилишида Экология бўйича сўзлаганларини, улар номзодини Экологик комитет раиси лавозимига кўйилганини кўрган эдим, шулар ҳақида ҳам эслашдик. Ч. Абдиروف филиалда микробиология кафедраси мудирини ҳам бўлиб ишлар эди, уларнинг маърузаларини эшитдик, микробиология ва иммунология фанидан талабаларининг ўзлаштиришини ҳам ўргандик. Шу кунини уларнинг талабаларга ўқиган маърузаларини ҳам эшитдик. Фикрлар теран, орқада қолган хайрли ишлар сероб, гайрат, ташаббус бор, оптимист инсон, булар менга жуда ёқди.

Ч. Абдиروف 1933 йил Қорақалпоғистонда туғилган, 1955 йили ТошМИ ни имтиёзли тугатиб, институтнинг микробиология кафедрасида аспирантурада ўқиган ва номзодлик диссертациясини ёқлаб, олимлик даражасига биринчи қадам босган. Ватанпарвар олим ўз ватани Қорақалпоғистонга келиб, 1961 йилда Республика ФА ҚҚ филиали қошида микробиология лабораториясини ташкил

этади. У илмий изланишларни ташкилотчилик ишлари билан бирга олиб боради. 1964–69 йилларда ЎзИТ Дерматология институтининг ҚҚ филиалини очади ва унга директор бўлиб тайинланади. Кейинги етти йиллик умрини ҚҚ Республикаси СС вазирни сифатида соғлиқни сақлаш ишларига бағишлайди.

Ч. Абдиров номзодлик ишида нейсерий микроорганизмларининг сапрэфит ва патоген турларини, одамда касаллик чақириш хусусиятларини ва биринчи марта бу бактерияларининг таснифини яратади. Энг хавфлиси микробнинг шилликли тури (т.мукозус) экапигини аниқлайди. Бу ишнинг тиббиётда катта амалий аҳамияти бор эди. Унинг Нукусда ташкил этган лабораторияси бутун ҚҚ Республикасида сув хавзалари ва сув манбаларини санитар-биологик нуқтан назардан баҳолашда катта роль ўйнайди. Олим лаборатория ходимлари билан биргаликда микроорганизмларни ташки муҳитда тарқалишида сувнинг аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, сув хавзаларининг гидрокимё режимини, микроорганизмларнинг сув муҳитида органик моддалар ташишини ҳам ўрганди. Қисқа вақтда Республика бўйлаб сув экологияси бўйича анча маълумотлар йиғилди. Олимнинг ташаббускорлиги раҳбариятга ҳам ёқди ва уни аввал Дерматология институтига директор, сўнг СС вазирни этиб тайинладилар.

Олим ва ташкилотчи Ч.Абдиров 1972 йил Республикада лепра касаллигини ўрганиш бўйича олиб борган ишларини жамлаб, илмий хулосалар қилди ва «Факторы иммунологической реактивности, эпидемиологии и методы борьбы с лепрой» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. У Республикада ягона лепролог олим эди. Энди у микроорганизмлар экологияси ва у билан инсон организми ўртасида кечадиган иммунологик жараёнларни ўрганишга катта куч бағишлади. Бу илмий йўналиш Қорақалпоғистонда пайдо бўлаётган «Орол ва Оролбўйи муаммолари»га жуда мос эди. Ч. Абдиров ЎзР ССВ га қарашли Қорақалпоғистон клиник ва экспериментал медицина институтини очишга катта ёрдам берди, институтнинг илмий йўналишини белгилади ва кейинчалик институт директори бўлиб тайинланди. Институтнинг асосий вазифаси Орол бўйи минтақасида пайдо бўлаётган критик экологик ҳолатни тиббий биологик жиҳатдан чуқур ўрганиш, таклифлар киритиш эди.

Худудда пайдо бўган носоз экологик ҳолатда инсоннинг адантив имкониятларини, касалликлар турлари ва уларнинг ривож-

ланиб бораётганликларини, кўпайиб бораётган юкумли касалликларда иммун жараёнининг сусайганлиги, микроорганизмларнинг янги шароитларга мослашув хусусиятларини ўрганишда ва шу билан бирга касалларни даволаш усулларини ишлаб чиқишда олим ва унинг шогирдлари томонидан ишлаб чиқилган қатор концепциялар пайдо бўлди. Олим томонидан биринчи марта касалликка иммуногенетик мойиллик, касал ва микроорганизмлар ўртасидаги антигенлик ва иммунобиологик боғланишлар бўйича янги ғоялар яратилди. Ч. Абдиров юкумли ва паразитар касалликларда умумэкологик муаммолар ва улардан ташқари иммуногенетик ҳолатнинг ролига, микроорганизмлардаги мутантларга алоҳида эътибор берди. Бу билан олим муҳит, микроорганизмлар, иммун ҳолат ва касаллик ўртасидаги боғланишларни чуқурроқ ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Камина ушбу очеркни тайёрлашда Марказий Илмий кутубхонадаги Ч. Абдировнинг номзодлик, докторлик диссертацияси авторефератларини ва илмий мақолаларини ўрганиш давомида олимнинг бу соҳада жиддий ишлаганликларига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, унинг авторефератларидаги хулосаларнинг сони ҳар бирида ўндан кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири янги маъно англатади, уларда бир-бирига боғланиш мавжуд, лекин қайтарилиш йўқ. 1980 йилда олимнинг ўта хавfli инфекциялар кўзгатувчиларининг паразитлик хусусиятлари, улар билан инсон организми ўртасидаги иммунобиологик жараёнларни ўзида акс эттирган «Паразитизмнинг иммунобиологик аспектлари» монографияси («Имунобиологические аспекты паразитизма») нашрдан чиқади. Лепрология ва лепра касаллигига қарши кураш бўйича қатор янги ғояларни эълон қилади ва тавсиялар тақлиф этади. Бу билан лепра касаллигига қарши тадбирлар ишлаб чиқаришга асос яратади. Олимнинг катта илмий салоҳияти, шогирдлари билан олиб борган тажрибалари, қилинган илмий амалий хулосалари «Табиат, атроф-муҳити ва инсон саломатлиги» муаммоларини ечишда ҳозирда жуда кўл келмоқда.

Олимнинг ташкилотчилик таланти анча юқори эди. 1976 йилда ҚҚ Давлат университетини очилади ва Ч. Абдиров уни 9 йил давомида бошқаради. Бу даврда университетда таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифатга катта эътибор берилади. Жуда кўп талантли ёшлар тарбия топади. Университет Республика учун биргина кадрлар базаси эмас, республикада илм базасига айланади, кўп

илмий-муаммоли лабораториялар очилади, олимлар етишиб чикади. Буларнинг ҳаммасида жонкуяр олимнинг меҳнати ётарди. Олим бир неча марта Ўзбекистон, Қорақалпоғистон Олий мажлисларига депутат бўлиб сайланади ва у ерда ҳам фаоллик билан ишлайди бир неча йил давомида Олий Мажлиснинг Экология комитети раиси лавозимида ишлайди.

Олим 100 дан ортиқ, илмий мақола, 8та монография, 3та услубий қўлланма чоп этди, ундан кўп олимлар етиштирди, Республикада энг эътиборли олим, комил инсон даражасига чиқди. 1979 йил хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлди. Ч. Абдиров ҚҚ ФАнинг академиги бўлди, ҚҚ Республика академиясини бир неча йиллар бошқарди, ЎзР ФА вице президенти бўлди, фанлар таракқиётига ўзининг ҳиссасини қўшди. ЎзФА ҳақиқий Академиги бўлиб сайланди, Академияда биологик фанлар бўлимида фаол ишлади. У Президент сайловида президентнинг ишончли вакили бўлди. 1992 йил Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг миннатдорчилик хатини олди.

Чоржўй Абдировнинг ҳаёт йўли бошқаларга намуна бўладиган илмпарвар олим, жонкуяр ташкилотчи, ватанпарвар инсоннинг ҳаёт йўлидир. Бу йўл тарих саҳифаларида барҳаёт қоладиган инсонларнинг ҳаёт йўлидир.

Эркин Турсунов

АЛИМОВ ШОКИР



Умрининг қирк йилдан зиёдини халқ соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, ўша пайтларда ўлкамизда тез ва кўп учрайдиган юқумли снл касаллигига қарши курашнинг энг жонқуяр ва фидойи ташкилотчиларидан бири ва бу борада юксак мартабаларга кўтарилган таникли олим Шокир Алимович Алимов эдилар.

Ш. Алимов 1912 йилнинг 28 сентябрида Тошкент шаҳрида туғилди. Шокиржон ёшлигидан ақлли, доно, зийрак ва тийрак, меҳнатқаш, тиришқок бўлиб улғайди. Бошланғич ўрта таълимни мактабда ҳамда ота-онасидан олган Шокиржон тез орада мустақил ҳаёт йўлига кирди. Дастлаб, Бекобод туманидаги мактабда зиёкорлик кила бошлади. 1930 йили Самарканд тиббиёт институтига ўқишга кирди. У айни пайтда кундузги ўқишдан кейин, кечалари кунора снл касалликларига қарши курашиш диспансерида навбатчи тиббий ходим бўлиб ҳам ишлай бошлади. Мазкур тиббий муассасадаги ҳаёт ва бу оғир дардга чалинган беморларнинг тушқун кайфияти, аянчли тақдири билан яқиндан танишиши туфайли бўлажак шифокорда шу соҳа муаммолари билан шуғулланиши режаси шаклланди. Турли илмий тўғарак ва анжуманларда фаол катнашиб, тиббиёт сирларини сичқовлик билан ўргана бошлаган Шокир Алимовнинг илмий тадқиқот ишларига бўлган иштиёқи тобора ошиб борди, устозлари назарига тушди.

1935 йили институтни имтиёзли тугатган Шокир Алимовни Ўзбекистон туберкулёз илмий тадқиқот институти клиник ординатурасига ўқишга юборишди. Шу тариқа, у 1936 йилдан бошлаб, мазкур жамоа билан тақдирини боғлади, илмий тадқиқотчиллик, ташкилотчилик, ўзининг ташаббускорлик, тадбиркорлик хусусиятларини намоён этиб, эл-юрт эътиборини қозонди. В.П. Серебренниковнинг тавсиясига кўра, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссариатининг буйруғига асосан Шокир Алимов 1938 йили Тошкент шаҳридаги туберкулёзга қарши курашиш диспансери бош шифокори, 1939 йили эса, у Фарғона вилояти Шохимардондаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги махсус сихатгоҳ раҳбари лавозимига тайинланди.

Ишга жон-жаҳди билан астойдил киришиб кетган тиббиётчилик ташкилотчи, изланувчан шифокор, киска фурсатда мазкур баланд тоғли, соф ҳаволи иклимий шароитда сил касаллигига чалинган беморларни даволашнинг самарадорлиги ҳақида дастлабки илмий хулосаларини жамлай бошлади. Аммо тўсатдан бошланиб қолган Иккинчи жаҳон уруши олимнинг режаларига раҳна солди. Унинг ўзини жангга юборишларини сўраб, ҳарбий маҳкамага қилган мурожаатлари жавобсиз қолдирилди. Чунки уруш туфайли фронт ортига, Ўзбекистонга эвакуация қилинган минглаб ярадор ва бемор ҳарбийлар, шунингдек, ота-онасиз қолган етим-есир болалар, ёлғиз кексалар ичида ҳам сил касаллигига чалинганлар анчагина эди. Турли тиббий муассасалар, эвакуацион госпиталлардаги мазкур оғир дардга чалинган беморларни махсус тиббий кўрикдан ўтказиш, даволаш, жанговар сафга қайтаришни ташкил этиш осон иш эмас эди. Бу ўта муҳим ва долзарб муаммоларнинг ечимини оқилона топишда ҳам Шокир Алимов катта шижоат ва жасорат кўрсатди. Ниҳоят, 1946 йили Шокир Алимов ўзининг дастлабки илмий кузатишларини умумлаштириб, «Ҳамза номлидаги сихаттоҳ – сил касаллигига чалинган беморлар учун тоғли-иклимий даволаш манзилидир» мавзусидаги номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади, 1947 йили эса, собиқ иттифок Тиббиёт Фанлари Академиясининг туберкулёз институти докторантурасига қабул қилинди.

Айни куч-қувватга, ақл-заковатга тўлиб-тошган Шокир Алимов яратилган қулай имкониятдан унумли фойдаланди ва 1951 йили «Ўзбекистонда туберкулёз касаллигининг ўлкага хос эпидемиологияси ва патологияси ҳақида материаллар» мавзусидаги докторлик ишини якунлайди. Ҳеч муболағасиз айтиш жонски, бу ўта кенг камровли, йирик ва пухта пишик, пойдевори мустаҳкам илмий асарда сил касаллигининг ўлкамизга хос кўринишлари, турли шаҳар ва кишлоқлардаги илмий-жўгрофий хусусиятлари ҳисобга олиниб, батафсил баён этилгани учун ҳам ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

1951 йилдан 1976 йилгача Шокир Алимов Ўзбекистон сил касалликлари илмий тадқиқот институти директори, Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти ўлка сили касалликлари кафедраси мудури лавозимида кизгин ташкилотчилик, илмий-мураббийлик ишларини ҳам амалга оширди. Энг аввало, Шокир Алимов ўз фаолиятини ишчан ва тадбиркор ходимларини танлаш,

уларни жой-жойига қўйиш, республикамиздаги шу соҳага тегишли тиббий муассасалар тизими ва тармоғи самарадорлигини обдон ўрганиш, чуқур таҳлил қилишга қаратди. У ҳамкасблари билан тез-тез хизмат сафарларига чиқиб, ҳар бир вилоят, унинг чекка қишлоқлари иклимий-жўтрофий хусусиятлари, айниқса, аҳолининг яшаш шароити билан яқиндан танишди, баъзи ҳудудларда сил касаллигининг кўрсаткичлари нима учун юқори эканлиги сабабларини чуқур ўрганди. Ўтган XX асрнинг ўрталари, 50-йилларида Ўзбекистон олимларининг аниқлашларига кўра, бу юқумли касалликнинг энг юқори чўққиси Қашқадарё, ўзлаштирилаётган Мирзачўл, Сирдарё вилоятлари аҳоли чекига тушганлиги сир эмас. Шунинг учун ҳам бу сафарлар чоғида тўпланган маълумотлар ҳар томонлама чуқур таҳлил этилгач, аҳоли ўртасида сил касаллигини аниқлаш ва даволаш, унинг олдини олиш бўйича кенг кўламдаги муҳофазавий чора-тадбирлар мажмуи яратилди. Кейинчалик, бу тадбирларнинг ижроси республика бўйлаб уюштирилган илмий-тиббий экспедициялар томонидан текширилди, аҳоли ўртасида сил касаллигини аниқлаш мақсадида оммавий тусда тиббий кўриклар ўтказишга киришилди. Натижада республикамизнинг вилоятларида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, жарроҳлик ва бронхологик хизмат соҳаси мавжуд бўлган махсус шифохоналар куриб, ишга туширилди. Бу тадбирлар сил касаллиги олдини олиш, беморларни даволаш самарадорлигини ошириш, пировард натижада, хасталик бўйича ўлим кўрсаткичларининг бироз камайишига олиб келди.

Ш. Алимовнинг бевосита ташаббуси ва иштирокида республикадаги кам қувватли, самараси паст сил касалликлари шифохоналари, вилоят, шаҳар, туманлардаги ана шундай махсус тиббий муассасалар, сихатгоҳлар билан бирлаштирилди, йирик-йирик даволаш соғломлаштириш масканларига айлантирилди. 1985 йили профессор Ш. Алимовнинг ташаббуси билан собик иттифокда илк бор Наманган вилоятидаги «Пахтали кўл» сихатгоҳида ташкил этилган янгилик, яъни сил касаллигига чалинган беморларнинг касбий маҳоратларини ошириш, уларни меҳнат билан даволаш, селоматликларини тиклаш муаммоси илмий жиҳатдан тўлиқ асосланди. Кейинчалик, бу илғор даволаш усули бутун иттифок, ҳатто хорижий давлатлар бўйича қанот ёзди, Ўзбекистон тиббиёти нуфузини янада оширди. Зеро, сил касалликларига чалинган беморларни махсус шифохона, шароитида узоқ муддат ичида, бир неча ойлар,

хатто йиллар давомида узлуксиз даволаш учун беморларнинг саломатликлари аста-секин тикланишида меъёрлашган жисмоний ҳаракат ва меҳнатнинг аҳамияти ниҳоятда зарур ва беқиёсдир. Шунинг учун ҳам туберкулёз муаммолари бўйича қилинган илмий-тиббий янгилик дастлаб бутун иттифок, кейинчалик республика-мизда ўтказилган илмий анжуман, симпозиум, хатто Варшава шаҳридаги Халқаро конгресс минбаридан ҳам баралла жаранглади. Профессор Ш. Алимов «Ўпка силига чалинган беморларнинг реабилитацияси тажрибаси» номли рисоласини ёзди, бу ҳақда махсус кинофильм яратди, бир неча шогирдлари эса, ўзларининг номзодлик ва докторлик ишларини мазкур мавзуга бағишладилар. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, собиқ иттифокда Ўзбекистонда биринчи марта сил касаллигига қарши аҳоли ўртасида оммавий равишда кимё-профилактика усули кенг амалга оширилди, бу касаллик кўрсаткичларининг сезиларли пасайишига олиб келди.

Бундан ташқари, Ш. Алимов раҳбарлигида 1962 йилдан бошлаб БЦЖ эмдорисини тери орасига юбориш усулини қўллаш жорий этилди. Мазкур ноёб эмдорини иссиқ иқлим шароитида сақлаш, шунингдек, туберкулин юборилганига салбий таъсир кўрсатган ёки умуман унга акс-садо бўлмаган ҳолатларда қўшимча эмдори қўлланиши туфайли ёш болалар ва ўсмирлар ўртасида иммун тизимининг фаолияти ошиши, касаллик кўрсаткичининг бир қадар камайишига эришилди. Институт жамоаси бутун диққат-эътиборини сил касаллигининг турли аъзолардаги дастлабки кўринишини барвақт аниқлашнинг барча усул ва шаклларини янада ривожлантириш, бунинг учун аҳолини оммавий равишда рентген-флюорография текширувидан ўтказиш, олинган фото тасвирларни марказлашган ҳолатда оқилона ва сифатли ишловдан ўтказиш, уларни қўйиш, ўрганиш, таҳлил қилишга қаратгани бежиз эмас. Шу мақсадда яна бир собиқ иттифокда илк бор Ўзбекистонда республика, вилоят ва шаҳарлар босқичида марказлашган флюорография хизмати соҳаси, флюорографик марказлар ташкил этилди.

Шокир Алимов ўз илмий йўналишларида сил касаллигининг таъхиси ва қиёсий диагностикасига алоҳида эътибор берди. Шу мақсадда дастлаб, 1955 йилда бронхологик ҳога, 1962 йилда шу номдаги таъхис бўлими ташкил этилди. Кейин бронх-ўпка соҳасидаги шикастланишларни махсус асбоб-ускуналар ёрдамида текширишнинг кўплаб янги усуллари такомиллаштирилди. Жумладан, ингаляция воситасида бронхдаги шилимшиқ суюқликни олиш, унинг таркибидаги туберкулёз микробактерияларини аниқлаш имконияти 32 фоиздан ошди. Бронх-ўпка касалликларида бронхоскопия, фибробронхоскопия каби мураккаб-текширув, шунингдек, катетеризацион биопсия усуллари кўллаш ҳам амалиётга кенг жорий этилди. Ш. Алимов шогирдлари билан ҳамкорликда 1966 йилда илк бор сил касаллиги кечиши жараёнининг фаоллигини белгилувчи клиник ва биокимёвий мезонлар ўлчовини аниқлашга киришди. Оқибатда, қон зардобидаги оксидловчи ва тикловчи ферментлар, хусусан, мис ва церулоплазмин моддаларининг туберкулин синамаси қўйилгунча ва ундан кейинги микдорини белгилашга эришилди. Институт радиологларининг ташаббуси билан фтизиатриянинг турли соҳаларида касалликни аниқлаш учун радиофаол моддалар, радионуклидлар воситасида 30 га яқин математик моделлаштиришдек усуллар ишлаб чиқилди. 1960 йилда институтда узок вақт антибактериал доривор воситалар билан даволанган беморлардаги патоген замбуруғлар асцергиллёз, стрептотрихоз, актиномикоз ва бошқаларни аниқлаш, даволаш мақсадида микрологик лаборатория ташкил этилди. Бундан ташқари, Ш. Алимов ўз фаолиятида сил касаллигига чалинган беморларни даволашда нафақат химиотерапевтик моддалар, балки уларнинг мажмуини патогенетик воситалар, хусусан туберкулин, БЦЖ вакцинаси билан биргаликда қўллаш, ҳатто жарроҳлик усулларида оқилона зарурлигини таъкидлади. 1965 йилдан бошлаб, ўпка ва юкори нафас олиш йўллари шикастланган беморларни даволашда сил касаллигига қарши доривор воситаларни аэрозол усулида қўллашга киришилди. Кейинчалик бу усул фақат фтизиатрия соҳасида эмас, нафас олиш йўллари шамоллаган, носпецефик ҳолатларда ҳам кенг қўллана бошлади.

Профессор Ш. Алимов 1965 йилларда ўз қарашларини сил касаллигига қарши ишлатилган кўплаб доривор воситаларининг ақс таъсири, уларнинг асоратлари сабабларини аниқлашга йўналтирди. Олим ўз илмий кузатишлари, тавсиялари билан АҚШ, Ҳиндистон, Италия, Туркия, Бирлашган Араб Республикаси, Польша, Франция,

Япония, Германия ва бошқа жойларда ўтказилган нуфузли анжуманларда иштирок этди, юртимиз шарафини юкори кўтарди, уни улуғлади. 1968 йили АҚШнинг Чикаго шаҳрида чоп этилган «Оламга машхур фан фидойилари» туркумига кирган олимлар каторидан муносиб ўрин олди.

Ш. Алимовнинг раҳбарлигида 10 га яқин докторлик, 40 дан зиёд номзодлик ишлари ҳимоя қилинди, унинг 7 рисоласи, 150дан ортқ илмий мақолалари эълон қилинди. Ш. Алимов Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги (1968 йил), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1962 йил) унвони ҳамда кўплаб юксак давлат нишонлари соҳиб бўлди. Ш. Алимов 1976 йили 64 ёшида ҳаётдан бевақт кўз юмди. Гарчи Ш. Алимов орамизда жисман бўлмаса-да, руҳан халқимиз, ҳамкасблари, шогирдлари, оила аъзолари қалбида мудом яшамокда. Олим бошлаган улуғвор ишлар, унинг орзулари, ишларини, издошлари изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Ҳозирги пайтда Республикамизда сил касаллигига қарши курашиш мақсадида ҳукукий асос ва махсус ташкилий тузилма яратилган. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги» Фармони ва «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Республика фтизиатрия ва пульмонология илмий текшириш институти негизида Ш. Алимов номидаги Республика ихтисослашган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий маркази ташкил этилган». Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 мартдаги «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикасида сил касаллиги билан касалланганини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи қабул қилиниши устоз Шокир Алимовнинг элим деб, юртим деб ёниб яшаган, фидойи олим, ибратли ҳаёт соҳибининг барҳаётлиги нишонасидир.

Искандар Раҳмон

АСҚАРОВ АКБАР



Ўзбекистон тиббиётининг кўзга кўринган фидойи инсонларидан бири, хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессор **Акбар Асқаров** номи ни фахр билан тилга олса арзийди. 1902 йилнинг 25 сентябрида Тошкент шаҳрида хунарманд касиб оиласида таваллуд топган чақалокнинг кулоғига азон айтиб, яхши ният билан унга Акбар дея исм қўйишди. Яратганининг энг улуғ ва табарруқ каломи ҳар сафар номи айтилганида унинг мурғак жисми жонига аллақандай сеҳрли таъсир эта бошлади, зеҳни ўткир, тиришқок, зийрак бўлиб ўсди. Ондада тўнғич фарзанд бўлгани боис тез орада ота-онасининг оғирини енгил қилиши билан баравар. 1918 йилда ўқитувчилар тайёрлаш курсини тугатган Акбар бирин-кетин ўрта мактаб, билим юртиларида мураббийлик қила бошлади.

Лекин тиббиёт илмига ташналик уни ўша пайтларда ташкил этилган Ўрта Осиё Давлат университетининг тиббиёт факультетига етаклаб келди. У бу ерда бир гуруҳ ўзбек талаба ёшларидан: Турсунхўжа Нажмиддинов, Мирносир Исмоилов, Қурбон Усмонов, Миркомил Мирсоатов, Юнусжон Аҳмаджонов, Ҳабиб Иноятов, Шариф Рахимов ва бошқалар билан бирга ўқиб, етук олимлардан тиббиёт сирларини ўрганди, изланди, ўзини қизиқтирган қўплаб саволларга жавоблар топа бошлади. Шарқ табобатидан, айниқса, буюк олим ва мутафаккир Абу Али ибн Сино хазинасидан озмиқўпми хабардор бўлган, унинг асарларини ўқишга «тиши» ўтган Акбар Асқаров изланишларининг дастлабки пайтлариданок, тиббиётнинг бу соҳасига эътибор бўлмасида, келгусида бу соҳани чуқур ўрганиш - ҳаётга кенгрок татбиқ қилишга аҳд қилди.

1928 йили университетнинг тиббиёт факультетини муваффақиятли тугатган ёш мутахассисни таниқли олим, факультет терапияси кафедраси мудирин бўлиб ишлаётган М. Слоним бошлиқ жамоага ординатор қилиб ишга олишди. Кейинчалик Акбар Асқаров Тошкент тиббиёт институтида ташкил этилган тропик касалликлар клиникасида таниқли ва машҳур олимлар, профессорлар А. Крюков ва И. Кассирский билан ёнма-ён илмий тадқиқот ишларини олиб

бориб, улардан кўп нарсаларни ўрганди. 1931 йилда Акбар Аскарлов ўриндош сифатида ўзбек экспериментал тиббиёт институтида катта илмий ходим лавозимида фаолият кўрсата бошлади. 1936 йилда эса номзодлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди. Дастилабки ютуқларидан руҳланган ёш олим тропик касалликлар бўйича Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтида ажойиб маърузалар ўқиди, кўпчилик назарига тушди. 1939–1944-йилларда А. Аскарлов Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтини тропик касалликлар кафедрасига бошчилик қилди. 1945–1978-йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтини даволаш факультетини терапияси кафедрасини бошқарди. 1947 йилда докторлик диссертациясини ёқлади. Дарвоқе, узок йиллар мобайнида кўплаб малакали ва стук тиббий ходимларни тайёрлаш ҳамда Ўрта Осиёда кенг тарқалган безғак, қапа иситмасини бартараф этиши, колит, меъда-ичак йўлларидаги сурункали яра касалликларни, шунингдек, жигар хасталикларини олдини олиши ва даволашда шарқ табобатини ашъаналарни, айниқса, парҳез таомларни ҳаётга татбиқ этишдаги фаоллиги, долзарб мавзуларда ёзган илмий масалаларни, рисоаларни ҳамда устозлик фаолияти эвазига 1943 йилдаёқ Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзолигига сайланган эди.

Акбар Аскарлов фаолиятида ҳар бир нарса воқеани зимдан кузатиши, унинг жиддий илмий ва кескин ечимини топишда ўзига хос қатъийлик, илмий изланишларининг дастлабки пайтларидан оқ ўзини кўрсатган эди. Масалан, унинг 1928 йилларда бошлаган илмий изланишларида сурункали меъда-ичак касалликларини колит (кўланж) ва унинг яраси келиб чиқишида асосий эътибор ва сабабчи ичбурук (дизентерия) касаллигининг таёқчаларини эканлигини аниқ айтилган эди. Бу ўз вақтида катта ихтиро эди, десак муболаға бўлмайди.

Унинг тинимсиз изланишлари меваси бўлмиш «Ўзбекистонда сурункали колитларнинг кечини» (1947) рисоласи олимнинг йўғон ичакдаги яра касаллигининг кечини ва даволаниш бўйича нақадар билимдон, шифокор бўлганлигидан далолатдир. Фақат бугунга эмас, иқтидорли олимнинг «Ичбурук касаллигининг атипик шакллари масаласига доир» номли рисоласи ҳалига қадар ўзининг раво ёзилиши ва ҳаётини бонс, илмий-амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Асарда ўт пуфаги ҳамда жигардаги сурункали касалликларнинг келиб чиқишида ичбурук таёқчаларининг зарарли асорати борлиги алоҳида таъкидланган. Бундан ташқари, олим томонидан

кўп йиллик тажриба асосида амалиётда фойдаланиш учун сурункали меъда-ичак хасталикларини даволашга тавсия этилган ўзбек миллий парҳез таомларининг рўйхати тузилиши, айниқса, диққатга сазовордир.

Илмий тадқиқот, мураббийлик фаолияти билан қанчалик машгул бўлмасин профессор Акбар Аскарлов ўзининг серкирра олимийги, кўпгина шарқ тиллари ҳамда табобати хазиналаридан яхши хабардорлиги боис, тиббий билимларининг тишиб-тинчимас тарғиботчиси ҳам эди. Бу борада буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунари»ни ўрганиш, унинг ўзбек ва рус тилларида нашр этилишида муҳаррир сифатида қатта меҳнат қилиб, жамоат ишларида фаол қатнашди. У узок йиллар мобайнида «Овқат ҳазм қилиш аъзоларининг физиологияси ва патологияси» номли журнал таҳририятида ҳайъат раиси, кўплаб илмий-амалий анжуманлар, сайёр сессиялар, шунингдек, мавзуга оид илмий тўпламларнинг фаол иштирокчиси, ташаббусқори эди. Унинг қўлдан келган ҳаётдаги ибратли илмий-мураббийлик, ташкилотчилик фаолияти ҳақида кўпдан кўп шогирдлари ва ихлосмандлари хануз фақат меҳр-муҳаббат, фахр-ифтихор билан ёдга олишадди.

Масалан, иқтидорли олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Манзура Ҳамидованинг хотираларига эътибор берайлик:

– Мен 1945–48 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг факультатив терапия клиникасида ординатор бўлиб ишладим. Кафедра бошлиғи профессор Акбар Аскарлов кўлида тарбия олдим, ички касалликлар сирини ўргандим.

Устозим ўзларига ва бошқаларга жуда талабчан, адолатли, ростгўй ва самимий инсон эдилар. Ёшларга билим бериш, иш ўргатиш, уларнинг ўсиб-ўнатишига оталарча қатта эътибор берардилар. Устозимнинг ғамхўрликлари Профессор Акбар Аскарлов мактабидаги талабачаник, касаллар тарихига эътибор, беморга зарур бўлган барча текширишларнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши, айниқса, бемор рентгенхонада текширувдан ўтказилмаётганида даволовчи шифокорининг шахсан иштирок этиши, беморни кўриш учун маслаҳатга чақирилган мутахассис кўригида шифокорнинг қатнашиши қатъий талаб қилинарди. Бу оддий ва пихоятда муҳим қонун-қондалар менинг қон-қонимга сингиб кетган эди. Буни умрим бўйи шогирдларимга уқтирдим ва талаб қилдим. Табарруқ инсон профессор Акбар Аскарлович Аскарлов шо-

гирди, унинг издоши бўлганимдан беҳад миннатдорман».

«Уч тиббиёт даргоҳида тобланган шифокор хотиралари» китоби муаллифи, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Доннёр Облоёр ўгли ўз эсдаликларида шундай ёзади: «Қуларнинг бирида профессорга касаллик тарихини оғзаки баён қилаётганимда у киши сўзимни бўлдилар: «Фикрингни англай олмадим. Димоғинг билан гапирма. Шошилмасдан, нафасингни ростлаб, жумлаларни аниқроқ, қисқароқ тузиб, фикрингни қайта тушунтир», дедилар. Хижолат бўлганимни сезиб, ўзлари мактабда, техникумда қандай қилиб ўқувчиларга дарс берганликлари тўғрисида гапириб, кўпроқ овоз чиқариб китоб ўқишим зарурлигини айтдилар, домла шундай очик, камтарини, беназир одам эдилар».



ТошМИ факультатив терапия кафедраси ходимлари ва ординаторлари. Биринчи қаторда чапдан бешинчи А.А.Асқаров, 1978 йил

1978 йили 76 ёшида ҳаётдан кўз юмган профессор Акбар Асқаровдек тиббиёт йўлидаги толмас устознинг илмий-мураббийлик, шифокорлик анъаналарини мишгаб садоқатли шогирдлари, издошлари давом эттиришмоқда. Ҳа, Акбар Асқаровдек устозлар доим барҳаётдир.

Искандар Раҳмон

ЗОҲИДОВ АБДУЛЛА



Атоқли олим, оташин ватанпарвар Иттифок Тиббиёт фанлари профессор Зоҳидов Абдулла Зоҳидович 12 июль 1910 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. 1928–1933 йиллар Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг талабаси бўлди; 1933–1939 йиллар Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг юқумли касалликлар кафедрасини аспиранти, кейинчалик ассистентлик лавозимида ишлади.

1939–1946 йилларда Ўрта Осиё ҳарбий округида чегара кўшиқлари таркибида ҳарбий шифокор-гигиенист лавозимида санитария-эпидемиология лабораториясини бошқарди. 1946–1947 йили Тожикистон тиббиёт институтининг умумий гигиена кафедраси мудири (Душанба шаҳри) бўлиб ишлади.

1947–1960 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтининг Умумий гигиена кафедраси доценти ва санитария-гигиена факультети декани, Коммунал гигиена кафедра мудири, 1950–1967 йилларда Ўзбекистон илмий-текшириш санитария-гигиена за касб касалликлари институтини директори лавозимларида ишлади.

1966 йили Республикада эпидемияга қарши курашда, актив қатнашганлиги учун Меҳнат Қизил байроқ ордени билан мукофотланди ва шу йили «Ўзбекистон шароитида коммунал гигиенанинг асосий муаммолари» мавзусида докторлик диссертацияни ёқлади; 1967–1977 йилларда Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг Умумий ва радиацион гигиена кафедраси мудири ва 1971 йилда собиқ иттифокнинг Тиббиёт академияси аъзолигига сайланди.

Абдулла Зоҳидович Зоҳидовнинг илмий-педогогик ва жамоатчилик фаолияти биз учун ниҳоятда қимматлидир. Ўлка гигиенашунослик фанининг Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида ривожланиши Абдулла Зоҳидович Зоҳидов номи билан боғланган.

У Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг иқтидорли битирувчиси сифатида, юқумли касалликлар кафедрасида аспирантурада қолдиришди. Таниқли олим профессор Н.Н. Рогоза раҳбарлигида 1938 йили кандидатлик диссертациясини ёқлайди ва ўша кафедрада ассистентлик лавозимида ишлай бошлайди. Армия сафида хизмат қилган йилларида Ўрта Осиё ҳудудларида турли эпидемик касалликларга қарши олиб борилган чора ва тадбирларда

фаол катнашиб, чегара қўшилари ва аҳоли ўртасида эпидемик касалликларни олдини олишда у ақл-заковат жасорат билан натижада кўп касалликлар тарқалишини олди олди. Хизматлари инобатга олиниб, орден ва медаллар билан мукофотланди.

1947 йили ҳарбийликдан бўшаб, ўзининг тақдирини Тошкент Давлат Тиббиёт институти билан боғлади. У аввал умумий гигиена кафедрасида доцентлик ва санитария-гигиена факультети декани лавозимларида ишлаб ўз вазифасини аъло даражада бажарди, ўзининг бир томондан педогогик, иккинчи томондан олим ва раҳбарлик қобилиятини кўрсата билди. Деканат ишлари юкори босқичларга кўтарилди, факультетда ўқитиш жараёнилари яхшиланди, кафедраларда тартиб-интизом кўтарилди.

1949 йили Тошкент Давлат Тиббиёт институти раҳбарияти томонидан А.Зоҳидовни янги очилган коммунал гигиена кафедрасининг мудури лавозимида ишлади. 1950 йилдан бошлаб Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Ўзбекистон илмий текшириш санитария-гигиена ва касб касалликлари институтига директорлик лавозимида ўтказилди.

А.Зоҳидовнинг директорлик лавозимидаги ташкилотчилик, илм-фан тараккиятини яхши йўлга қўйиш йўлларини яхши билганлиги сабаб унинг олижаноб умид ва ғояларини амалга оширишга имкониёт яратди. Унинг асосий мақсади Ўзбекистонда гигиена фани ва амалиёти санитария ишларини ривожлантириш, бунда ўлкамизнинг ҳар қандай ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда илмни ривожлантириш эди. Иккинчи томондан, республикада гигиенист олимларини кўнайитириш ва бу борада кадрлар тайёрлаш эди, учинчидан, илм ва амалиётда янги услубиятлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этишига қаратилган эди. 17 йил институтга раҳбарлик қилиб 68 та фан номзодлари ва 4 та фан докторларини етиштиришига муваффақ бўлди. Бу катта ишлар ҳисобга олиниб Республикамиз раҳбарияти унга 1958 йили Республикада хизмат кўрсатган шифокор, 1963 йилда Республикада хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, 1965 йилда ККА Республикасида хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби деган улуғ унвонлар берилди. 1966 йилда эпидемияга қарши курашда кўрсатган жасоратларини ҳисобга олиб, у «Меҳнат Қизил байроқ» ордени билан мукофотланди.

Институт директорлик вазифасида ишлаб туриб, жуда кўп илмий ишларни ўлкамизнинг ўзига хос гигиеник муаммолари – аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва тупрокни турли ифлосланишлардан асраш, аҳоли турар жойларини санитария ҳолатини, қолаверса, юқумли касалликларни тарқалишини олдини олишга бағишлашга эришди.

Академик А.Зоҳидов кўп киррали олим, ажойиб нотик, жамоатчилик ишларига ўта жавобгарлик билан қарайдиган инсон эди. У Бутуниттифок гигиенистлар ва санитария шифокорлари жамияти Президиуми аъзоси, Республика ССВ қошидаги олимлар кенгашини аъзоси, «Ўзбекистон тиббиёт журнали» тахририяти аъзоси, Иттифок «Гигиена ва санитария» журналинини редакция кенгаши аъзоси эди.

А.Зоҳидов Республика учун кадрлар тайёрлашга катта эътибор берди. М.Т.Тахиров, Ш.Т.Атабаев, Р.А.Якубова, Н.И.Ильинский, Р.У.Убайдуллаев, Т.И.Искандаров, Л.А.Пономарёва ва бошқа кўп олимлар Абдулла Зоҳидов ёрдамида докторлик, кандидатлик диссертацияларини ёқладилар. Домланинг ўзлари Марказдаги нуфузли илмий текшириш институтлари билан келишиб, Ўзбекистондан жуда кўп илмий ходимларини ўша институтларга юборибгина қолмай, балки уларнинг докторлик, кандидатлик диссертацияларига илмий раҳбарларни ҳам топиб берар эди. Устоз келажакдаги тиббиёт гигиена фанисиз ривожланиши мумкин эмаслигини билар эди ва шунинг учун қўлидан келганча ҳаммага ёрдам қўлини чўзар эди.

Зоҳидов А.З. жуда кўп вақтларини тиббиёт ва гигиена фанида эришган муваффақиятларини аҳолига етказишга, тарғибот ва ташвиқот ишларига сарфлар эди, аҳоли ва талабаларни соғлом турмуш тарзи қоидалари билан таъминтирар ва уларни зарарли одатлардан асрашга ҳаракат қилар эди. 40 дан ортиқ оммабоп мақолалар, китобчаларини чоп этган, радио ва телевиденияда кўп чиқишлар қилган. А.Зоҳидовнинг илмий асарлари давлатимизнинг кўп қарорларида ўз аксини топди: бу асосан сув ҳавзаларини, атмосфера ҳавосини асраш, саноат корхона чиқинди сувларини тозалаш ва бошқалар.

А.Зоҳидовнинг «Ўзбекистон Республикасида коммунал гигиена муаммолари» га бағишланган докторлик диссертацияси санитария ва гигиена соҳасидаги айрим, муаммолар ечимини тўла-тўқис ёритишга бағишланди. Зоҳидов раҳбарлигида 95 табоқли

Ўзбекистон санитария гигиена илмий текшириш институтининг 7 та йиғма мақолалар китоби (Труды Института) чоп этилди. Бу китобларда гигиена фанининг кўп қиррали муаммолари ёритилган. Унинг раҳбарлигида Ўзбекистон илмий текшириш санитария гигиена ва касб касалликлари институти томонидан ишлаб чиқилган 120 та гигиеник кўрсатмалар, 58 рационализаторлик тавсиялари амалга оширилди, саноат корхоналари ва аҳоли турар жойлари билан санитария химоя зоналарда кўлланилди ва амалга оширилди. Профессор Зоҳидов раҳбарлигида 4 та фан докторлари ва 23 та фан номзодлари тайёрланди. Унинг 150 дан ортиқ илмий ва амалий мақолаларида саноат корхоналари жойлашган ҳудудларда атмосфера ҳавосини турли захарли газ, чағи, кул ва бошқалар билан ифлосланишни олдини олиш, камайтириш, саноат корхоналари чикинди сувларининг тоза сув ҳавзаларига тушмаслиги, аҳоли турар жой тупроқларини чикинди, маиший ахлатлардан озод қилиш ва уни олдини олиш масалалари фундаментал даражада ёритилган, ишлаб чиқариш корхоналари муҳитида инсон организмига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг олдини олишга бағишланган.

1977 йили бизнинг орамиздан кўзга кўринган олим-педагог, жамоат арбоби, оташин олим дунёдан ўтди, аммо у жуда катта гигиеник таълим, катта салоҳиятли гигиенистлар мактабини қолдирди.

*Шариф Отабоев Беруний
давлат мукофоти совриндори,
ХЭХФА академиги, профессор*

ЗОКИРОВ ИСЛОМ



Ўзбекистон акушерлик ва гинекология фаһи асосчилари ва жонкуярларидан бири, Республика акушерлик-гинекология жамиятига узок йиллар ранслик қилган академик, олим ва тиббиёт соҳаси ташкилотчиси Зокиров Ислом Зоҳидович жаҳон таниган олимлар сарасига қиради.

И.Зокиров 1928 йилда Самарқандда туғилган, 1948 йилда СаМТИни имтиёзли диплом билан тугатган, институтда давлат стипендианти бўлган. СаМТИ да акушерлик ва гинекология бўйича клиник ординатор, ассистентликдан кафедра мудири, академиклик даражасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтган. Олим ёшлиқдан узокни кўра биладиган, тиббиётни тушунган ҳолда кузатувчан бўлганлиги учун юқумли касалликларни ҳомилдорликка таъсирини ўрганишни ўзига талабалик йилларидан мақсад қилиб олади. Бу мавзунинг Республикамызда долзарб эканини ҳам ординаторлик давридаёқ янада яхши чуқурроқ англаб етади ва 1953 йилда «Безгакининг ҳомилдорлик, туғруқ ва чилла даврига таъсири» мавзусида номзодлик химоясини ёқлайди.

60-йиллардан бошлаб у Республикада кўпайиб бораётган вирусли гепатит касаллигининг ҳомилдорликка таъсири, касалликнинг оналар ўлими ва перинатал ўлимидаги ролни ўрганишга қаттиқ бел боглайди. Вирусли гепатитнинг кечиниши, клиник-биокимёвий хусусиятларини тўлиқ билиш учун Россиянинг СПб шаҳрида йирик инфекционистлар қўлида ўқиб келади ва 1959 йилда унинг катта ташаббуси билан Республикада биринчи марта Самарқанд шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида вирусли гепатит билан касалланган ҳомилдор аёллар учун махсус ихтисослаштирилган бўлим очилади. Янги бўлимда илмий-амалий ишлар юқори савияда олиб борилади.

Ҳомилдорликка экстрa генитал касалликлар, айниқса, юқумли касалликларнинг таъсирини, уларнинг берадиган асоратларини ўрганиш бу дунё акушер гинекологиясида долзарб муаммолардан ҳисобланади. Республикамызда бу мавзуга биринчилардан бўлиб қўл урган олим И.Зокировдир. 1965 йилда у «Боткини касаллигининг ҳомилдорлик, туғруқ, ҳомила ва чакалоқликка таъсири» мавзусида

докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади ва бу ишга катта баҳо берилди.

Олимнинг кейинги ютуғи шунда эдики, у ишончли илмий раҳбарга айланди ва катор шогирдлар тайёрлаб, ўз илмий мактабинини яратди. Бу мактабда Республикаимизнинг деярли барча худудларида учрайдиган юкумли ва ички экстратегиятатал касалликларнинг хомиладорликка ҳамда хомилага таъсири ҳар томонлама ва чуқур ўрганилдиким, бу билан олим ўша даврда Бутуп иттифок ва жаҳон даражасига кўтарилди. У шогирдлари А. Якубова, Д. Шамсутдинова ва бошқалар билан вирусли гепатитда она ва бола ўртасида молда аламиниув бузилишлари, қон кетишларнинг патогенези, даволаш усуллари, айниқса, фето-плацентар комплексининг ҳолатини чуқур ўрганади.

И. Зокиров ҳаётда ҳам, меҳнат ва илмий жараёнда ҳам ўта фаол инсон бўлган. У шогирдлари билан бажарилган номзодлик ишлари якунига кўра тўлақонли монографиялар чиқариб борган ва илм-фанни ривожлантирган.

Ўзининг докторлик диссертацияси асосида «Ботқин касаллигида хомиладорлик ва хомила», Ж.Шокиров ва Л.Мардоновлар билан ревматизм ва юрак порокларида олиб борган ишлари бўйича «Ревматизм ва хомиладорлик», Ф. Гариб ва В. Фальянилар билан бирга хомиладорликда ва бошқа касалликларда иммунологик ҳолатни ўрганиш асосида «Кечки токеникоз ва хомиладорликни кўтара олмаслик иммунологияси» каби катор монографияларни чоп этди.

Кенг камровли олим хотини-қизларда учрайдиган турли ўсма касалликларига, йўлдош касалликларига, айниқса, йўлдош тўсиғи муаммоси билан кечадиган касалликларга ҳам катта эътибор берди. Айниқса, олим ва унинг шогирдлари томонидан гестозлар ва уларнинг хомиладорликни кўтара олмаслик, амнион сувларининг эрта кетиши, йўлдошнинг барвақт кўчиши жараёнларидаги родини ўрганиши, гестозларнинг шакллари, ташхиси, патогенетик даволаш усуллариининг ишлаб чиқилиши бу фан соҳасидаги катта ютуқлар эди.

Олим жарроҳлик усули билан туғдиришга алоҳида эътибор берди ва бу соҳада бир неча шогирдлар етказди. Кесар кесиш жарроҳлиги оқибати, унга бўлган кўрсатмалар ва асоратлари чуқур ўрганилди. Ва бу асосда олим шогирдлари билан биргаликда «Кесар кесиш операцияси йиришгли септик асоратларининг олдини

олиш усули» бўйича патент олган.

Олим ва унинг шогирдлари тугилиш нисбатан юкори кўп болалик оилаларда, киска интервалли хомиладорлик ва туғруқнинг кўплиги, туғиш ёшидаги аёлларда генитал ва экстрагенитал касалликлар билан хомиладор бўлган аёлларнинг ўлими юкори даражада экаплогини кўрсатиб, бу масаланинг ижтимоий ва тиббий мохиятини кўп марта таъкидлади ва шохят 1974 йилда ЎЗР ССВ кўрсатмаси асосида Республикада Акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институтини очилиши лозимлигини асослаб берди ва шу номдаги институтини очишга рухсат олинди. Ҳозирда бу институт макоми жуда ривож топган ва вилоятларда унинг бир неча филиаллари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, репродуктив саломатлик ва соғлом болани тарбиялаш ва вояга етказиш бўйича Давлатимиз ташаббуси билан қилинаётган ишлар унинг катта орзуси эди ва ҳозирда бу орзулар амалга ошиб, оналар ва болалар ўлими бир неча баробарга камайгандир. Олимнинг ташаббуси билан 1980 йилда СамТИ да «Бачадон миомаларини жаррохлик йўли билан даволаш масалалари» мавзусида, 1983 йилда «Аёллар репродуктив тизимининг гиперпластик жараёнлари» мавзусида илмий симпозиумлар ўтказилди.

Унинг раҳбарлигида 60 га яқин номзодлик ва 8 та докторлик диссертацияси ёқланди, 260 дан кўп илмий мақолалар ва 11 та монография чоп этилди. Олим ўз шогирдлари билан институт талабалари учун бир неча ўқув дарсликлари ва қўлланмалар ёзди. И.Зокиров ва М.Бадриддинов таҳрири остида «Патологик акушерлик» (1991), Я.Аллаяров билан бирга «Акушерлик терминларининг русча ва ўзбекча изоҳли лугати» (1994) каби китоблар нашрдан чиқди. Олим СамТИ олимлари томонидан тайёрланган 11 та чоп этилган илмий тўпламларининг масъул муҳарриридир. Ҳомила ва чакалокларининг меъърий ва патологик ҳолатлари бўйича олим томонидан ёзилган бир неча мақолалар Тарту шаҳрида 1989 йилда чоп этилган «Перинатология бўйича клиник маърузалар» монографиясига киритилган. Унинг мақолалари СПб да чоп этилган «Внутриутробная инфекция» (1963), «Многотомное руководство по акушерству и гинекологии» қўлланмасида (Москва, 1968) чоп этилган.

Тиббиётимизнинг забардаст олими 1995 йилда ЎЗР Фаилар Академиясига аъзо бўлиб сайланди. У бир неча бор Ўзбекистон

акушерлик ва гинекология илмининг ютуқларини ва умуман бу фаннинг муаммоли нуқталарини Америка, Мексика, Италия, Венгрия, Руминия, Япония, Польша, Олмония, Австрия, Туркия, Сингапур, Греция каби давлатлар, Москва ва бошқа МДХ шаҳарларида бўлиб ўтган илмий анжуманларда баён этди. Олим жамоатчилик ишларида ҳам фаол бўлиб, Республика ОАК эксперти, иктисослашган кенгаш раиси лавозимларида ишлаган.

И.Зоҳидовичнинг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У бир неча орден ва медаллар соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзР ФА академиги. Унинг тиббиёт фанига қўшган беназир хиссаси ўзидек барҳаётдир.

Эркин Турсунов



ЗУФАРОВ КОМИЛЖОН

Машхур морфолог-комусий олим Ўзбекистон ФА академиги, Беруний номи Давлат мукофотининг совриндори, жаҳонда соҳа бўйича энг обрўли Нуркишиев медали соҳибни, МДХ давлатлари анатомлари, гистологлари, эмбриологлари Ассоциацияси раисининг муовини, Ўрта Осиё ва Қозоғистон Морфологлари Мувофиқлаштирувчи Кенгаш раиси, Ўзбекистон гистология мактабининг асосчиси, Республикада биринчи электронмикроскопиянинг ташкилотчиси буюк олим

ва номига мос комил инсон **Комилжон Аҳмаджонович Зуфаров**нинг номи Ўзбекистон тиббиётида ўчмас ҳарфлар билан ёзилган.

Комилжон Зуфаров 1925 йилда Тошкентда деҳқон оиласида туғилди. 10 синфни аъло баҳолар билан тугатиб, 1942 ТошДавТИ нинг даволаш факультетига ўқишга киради. Лекин I курсни тамомламай ҳарбий хизматга йўл олади. 2-Украина Фронти таркибида Россия, Украина, Молдова, Руминия жангларида иштирок этиб, 1945 йилда Урушдан қайтади ва Тошкент Тиббиёт институтида яна ўқишни давом эттиради.

У 1951 йилда институтни имтиёзли диплом билан битириб, Москвада Марказий психиатрия илмий-текшириш институти патогистология лабораториясига аспирантликка киради ва 1954 йилда ФАН номзодлик ва 1962 йилларда Ўлка тиббиёт илмий текшириш институтида патогистологик ядро физикаси институтида радиацион цитология лабораторияси мудирини вазифаларида ишлайдди. Бу Янги ташкил этилган илмий даргоҳларга гистологиянинг замонавий илмий йўналиши нейроэндокрин йўналиши бўлади.

Ёш олим 1962 йилдан бошлаб ТошДавТИ гистология кафедрасига мудир этиб тайинланади. 1965–1971 йилларда ТошДавТИ ректори лавозимида ишлайдди. 1966 йилда кафедра қошида «Муаммоли клиник-экспериментал биофизик илмий текшириш лаборатория» сини ташкил этади. Бу даврларда у ўзининг ҳақиқий, катта илм соҳибни ва ташкилотчиси, изланувчан олим, маҳоратли педагог ва талантли жамоатчи эканлигини кўрсатди.



Комилжон ака шогирдлари-кафедра профессорлари О.Партиев-ТошМИ проректори, Қ.Тўхтаев – (кейинчалик ТМА гистология каф. мудури), В.Гонтмахер-ЭМ лабораторияси мудури, Қ.Расулев (кейинчалик ТМА профессори, давлати факультети декани), А.Юлдашев(ҳозирда ТМА гистология ва биология каф. мудури) лар билан илмий мунозари қилмоқда.

К.Зуфаров 60-йиллар бошиданок талантли изланувчи, фидокор олим сифатида тиббиёт ва биологиянинг заминий фани-морфология соҳасига гистолог олим сифатида кириб келди. Қисқа муддат ичида Республикада морфология фани ривожланишини юкори кўтарди ва бу билан назарий ва амалий тиббиёт ривожига катта ҳисса қўшди. У Ўлка институтида тузган патогистологик лаборатория, ЎзР ФА Ядро физикаси институтида тузган радиацион цитология лабораторияси билан нейроэндокрин гистологияга биринчи бор асос солди. Энг муҳими, ўз атрофига иктидорли маҳаллий ёшларни йиғди ва уларни чуқур илм йўлига олиб кирди.

1966 йилдан бошлаб, ТошДавМИ да у яратган Муаммоли Клиник экспериментал биофизик лаборатория ва гистология кафедре жамоаси қисқа вақт ичида услубий, илмий-ижодий жихатдан тез ўсиб кетди, олим раҳбарлигида ТошДавТИнинг стук кафедре ва лабораториялари «Ҳазм аъзолари физиологияси ва патологияси» муаммоли мавзуси атрофида бирлашди, олимларнинг катта салоҳиятли жамоаси К.Зуфаров атрофида тўпланди. Энг замонавий: клиник, биокимёвий, морфологик, физиологик, биофизик аспира-

цион биопсия, радионизотоп ташхис, эндоскопия, электронмикроскопия, цитофотометрия, гистокимё, электронхемилюминесценция, ёруғлик ва электронмикроскопик автордиографияга кенг йўл очилди.

70–80-йилларга келиб, К.Зуфаров собиқ иттифокда энг машхур морфологлар каторидан жой олди, дунёга ташилди. Олим ва унинг шогирдлари сийдик, эндокрин, хазм аъзоларида олиб борган замиший ишлар билан ҳаётий жараёнлар-филтрация, секретсия, сўрилиш жараёнларининг ҳужайравий, субҳужайравий асосларини тўлиқ кўрсатиб бердилар. Ҳар бир жараён ва жараён босқичларида иштирок этувчи нозик тузилмалар ҳақида биринчи бор аниқ маълумотлар олинди. Тузилмалар ва аъзоларда, касалликда, жарроҳлик муолажалардан сўнг кечадиган адаптатив-компенсатор жараёнларнинг структур асослари Тошкентда олим раҳбарлигида жуда ҳам моромига етказиб ўрганилди ва забардаст олимнинг ғоялари тўлиқ тасдиқланди.

К.Зуфаров фаолиятида аъзолар ва тизимлараро муносабатлар, уларнинг касалликлари, турли экстремал ҳолатлардаги ўзгаришларига компенсатор жараёнларнинг тузилмаларининг зўриқиши, структур бирликларнинг тўпланиши, нисбий стабиллашув, суб ва декомпенсация каби кетма-кет келувчи босқичлари, адаптация ва компенсацияда ҳужайра пролиферацияси, ҳужайра ичи регенерацияси, ошқозон резекциясидан сўнгги синдромлар, атрофия асослари, гипертрофия, нефронлардаги тўқ ҳужайралар, буйрак ЮГА нинг фаолияти ҳақидаги қатор гипотеза ва ғоялар олимнинг номи билан боғлиқ бўлиб қолди.

К.Зуфаров катта талант эгаси, илм ташкилотчиларидан ҳисобланади. Қилинган ҳар бир ишнинг илмий-амалий аҳамиятига алоҳида эътибор беради. Олим тиббий-биологик ва клиник кафедра ходимлари билан ҳамкорликда катта ишларга қўл урди. У раҳбарлик қилган гистология кафедраси ва унинг қошидаги лаборатория ходимлари у билан ҳамкорликда ишлаган бир неча олимлар гуруҳи асосида яратилган илмий жамоа ниҳоятда салоҳиятли, дунёга машхур илмий жамоага айланди. Бу жамоа хорижий олимлар иштирокида Тошкентда ўтказилган бир неча илмий анжуманларда ўзининг ниҳоятда кучли эканлигини, унинг бошида К.Зуфаровдек забардаст олим борлигини кўрсата олди. Олим яратган ва раҳбарлик қилган муаммоли клиникоэкспериментал биофизик лаборатория «собиқ иттифокда услубий электронмикроскопик мар-

каз» деб тап олинди. Чунки, бу ерда Итифок ва чет эллардан бир неча олимлар электронмикроскопик гистологиядан таълим олдилар ва докторлик номзодлик химоясини қилдилар. Кафедра ва унинг қошидаги лаборатория Қозоғистон ва Ўрта Осиё Республикалари морфологлари марказига айланди. Бу мактабда морфологиянинг ҳамма соҳаси ўта кучли ривож топганди. Гап шундаки, Рига ва Душанбе шаҳридаги дунёга машхур гепатологлар илмий мактаблари, Санкт-Петербург физиологлари, Москваининг гастроэнтеролог, гистолог, анатомлари К.Зуфаров мактаби билан ҳамкорлик қилдилар. Патогистолог россиялик олим В.Серов, анатом М.Сапин, нейростолог Н.Боголепов, гистологлар А.Студитский, Ю.Афанасьев, чет эллик машхур олимлар америкалик Д.Родин, венгриялик Саптоготан, словакиялик Дворжак каби катор олимлар К.Зуфаровнинг яқин дўстлари бўлиб қолди, бу дўстлик ўзаро илмий ҳамкорликдан келиб чиққан самимий дўстлик эди.

К.А.Зуфаровнинг ўз шогирдлари ва машхур чет эллик олимлар билан биргаликда ҳамкорликда яратган «Актуальные вопросы компенсаторно-приспособительных процессов» - 1970, «Электронмикроскопический атлас органов и тканей» - 1971, «Нейроэндокринная система» - 1971, «Компенсаторно-приспособительные процессы в кишечнике» - 1974, «Цитофункциональные особенности почки» - 1971, «Приспособительные процессы в органах грудной полости при некоторых операциях на легких» - 1977, «Влияние некоторых пестицидов на лекарственные препараты, метаболизирующих в печени» - 1979, «Лейкоциты и клетки рыхлой соединительной ткани» - 1978, «Функциональная морфология эндокринных желез» - 1982, «Ультраструктурные основы системной организации органов и тканей» - 1983, «Органы иммунной системы» - 1986, «Компенсаторно-приспособительные процессы при субтотальной резекции толстой кишки» - 1996, каби катор элга яқин тарихда ўчмас китобларини биргича морфологлар эмас, балки клиницистлар, назарий тиббиёт ходимлари учун ҳам асосий қўллашма бўлиб қолган. Олимнинг китоб ва мақолаларига МДХ ва узок хориж олимлари юксак баҳо бердилар. К.А.Зуфаровнинг мақолаларининг 1000 дан кўп нуسخаси чет элга жўнатилган.

К.Зуфаров моҳир педагог, таланти методист, билимдон олим. У биринчи бўлиб собиқ итифок даврида «Гистология» дарслигини ўзбек тилида ёзди ва hozir бу китобнинг учинчи нашри чиқди, унинг ноёб схемалари ва гисторасмлари Москвада ва Тошкентда

чоп этилган дарслик ва атласларга киритилган.

К.А.Зуфаров раҳбарлигида 56 фан доктори ва 156 фан номзоди тайёрланди. Етишиб чиққан олимлар орасида Грузия, Москва, Тожикистон ва бир неча узоқ хорижий давлат вакиллари бор. Олим шогирдлари, орасида Ж.Ҳамидов, К.Юлдашевлар—академик, 3 олим Давлат Беруний мукофоти совриндори, 56 олим кафедра ва лаборатория мудирлари, 3 олим ректор, 7 олим проректор, 21 олим декан лавозимларида ишладилар ва ишлаб келмоқдалар.



*К.Зуфаров шогирди, ТМА ОХТА каф. мудирини проф.
Н.Шомирзаев билан ўзаро суҳбатда*

Олимнинг ўз шогирдлари билан яратган «Чақалокларда она сутининг буйракда парчалаши» буйича кашфиёти жаҳон фанида катта ютуққа эга бўлди ва Ўзбекистон морфология фани обрўсини янада ошириб юборди.

Олимнинг хизматлари Давлат томонидан юксак кадрланди. 1968 йилда 43 ёшида ЎЗР ФА га ҳақиқий аъзо бўлиб сайланди. Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлди, катор Давлат орденларини олди. К.Зуфаров ўндан кўп ойномаларда тахририят ва редакцион кенгаш аъзоси, бир неча чет эл анатомлари, гистологлари, эмбриологлари жамиятларининг фахрий аъзоси бўлиб келди. Олимга бўлган ишонч шу даражада юксак эдики, у Тошкент-

да туриб, Иттифок Академияси аъзоси бўлмасада, Иттифок Академияси ишчи гуруҳининг бошлиғи эди.

К.Зуфаров узок йиллар собиқ иттифок даврида Ўзбекистон-Венгрия дўстлик жамияти Европа мамлакатлари билан интернационал дўстлик, илмий-жамоатчилик ришталарини боғлашда маълум даражада роль ўйнайди. 1977–1987 йилларда Ўзбек Миллий энциклопедияси бош муҳаррири лавозимида ишлайди ва унинг раҳбарлигида миллий энциклопедиямизнинг 14 жилди охиригача чоп этилади. Шу қаторда унинг фаоллигида «Ўзбекистон Республикаси», «Тошкент», «Сихат-саломатлик» энциклопедик китоблари ҳам нашр этилади. Олимнинг буюк хизматларини Давлатимиз Биринчи Давлат мукофоти билан тақдирлайди.

1987–1992 йилларда К.Зуфаров Республика ФА нинг «Фан ва турмуш», илмий-оммабоп ойномасида бош муҳаррир лавозимида ишлайди. Олим шу йилларда ойноманинг илм-фан ютуқлари тарғиботидаги ролини оширишда, илм фанининг амалий ҳаётга кенг йўл олишида, мустақиллик йилларида миллий кадриятлар, ўзбек тилининг давлат тили сифатида кенг ривож топишида фаолият кўрсатди.

Ҳа, устозимиз, буюк олим ўзидан қолдирган ўлмас китоблари, ноёб ғоялари, шогирдлари билан доим тириклар қаторида туради. У ўчмас ном қолдирган буюк олим ва барҳаёт инсондир.

Эркин Турсунов

ИСМОИЛОВ НОСИР



Биринчи ўзбек академик шифокори
 Носир Исмоилов 1901 йил Тошкент шаҳрида деҳкон оиласида туғилган. 8 ёшида миллий-рус мактабида ўқиб, уш 16 ёшларида тугатган. 2 йил давомида отаси билан деҳқончилик қилган, сўнгра, 1918–1923 йилларда эса мактабда бошланғич синфларга ўқитувчилик қила бошлаган. Айни бир вақтда Н.Исмоилов Ўрта Осиё давлат университетининг ишчилар факультетида ўқиди (1920–1922 йй.), Талабалик йилларида фуқаролар урушида катнашди ва хотин-қизларни ҳимоя қилгани учун кувғинга учради.

1923 йилда Н.Исмоилов ўзбек ёшларидан биринчи бўлиб, Ўрта Осиё Давлат университетининг Тиббиёт факультетига талаба бўлиб киради, яхши ўқийди ва амалиётларни аъло даражада бажаради. Университетни 1929 йил битириб, шифокор номига эга бўлади. 1925–28 йилларда Тиббиёт техникумининг кечки бўлимида дарс ҳам берди, раҳбар вазифасини ҳам бажарди. Ўша вақтларда ўзбек тилида тиббиёт соҳасида дарс берувчи ўқитувчилар жуда кам эди. Шу йиллар Н. Исмоилов ижодкор домла бўлгани учун, ўзбек тилида биринчи мартаба дарслик яратди. «Қасалларни парвариш қилиш» (1936 й. I нашр, 1961й. II нашр)

Н. Исмоилов 1929–32 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети Тиббиёт факультетининг терапия кафедрасида шифокор-ординатор сифатида ишлади ва билимдон шифокор бўлиб етишди. 1932 йилдан 1942 йилгача Тошкент Тиббиёт институтининг терапия кафедрасида ассистент, доцент лавозимларида ишлади, 1935 йилда тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини ҳам олди.

Унинг илмий ишлари асосан ичак касаллиги билан боғланган эди. У шу пайтларда маҳорати ошиб бораётган олимлар қаторидан жой олди, моҳир педагог бўлиб етишди. Бу икки хусусият ўша даврларда ҳаммада ҳам етишмасди. Айниқса, унинг беморларни қузатиш, даволаш, касалликни таҳлил қилиши шогирдлар учун бир мактаб эди.

Талабаларни терапия ва ички касалликлар сирларини ўргатишга, уларнинг бу соҳада амалий кўникмалар ҳосил қилишига Н.Исмоилов педагог сифатида катта эътибор беради. Айниқса, олимнинг клиникада кўрсатмалли «беморларни кўрувлари» кўпчиликл шифокорларга намуна бўлиб қолган. 1942 йилда доцент Н. Исмоилов Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг ички касаллик пропедевтик кафедрасида мудирлик лавозимига сайланади ва профессор бўлганидан сўнг ҳам, умрининг охиригача шу лавозимда ишлайди (1974 й.).

1948 йилда ўзбек олимлари орасида биринчи бўлиб, «Аддисон-Бирмер касаллиги, чиллашир, пеллаграда кўмикда қон яратиши» мавзусида ўзининг докторлик диссертациясини ёқлайди. Олим танлаган бу касалликлар қонда ўзгариш билан боғланган бўлиб, кўпчилик инсонларда, айниқса, Ўрта Осиё шароитида кўп учрайдиган дард эди.

Н. Исмоиловнинг бу илмий текширув ишлари ўз долзарблигини шу қунгача йўқотмади. Шу мавзу асосида олим 1949 йил «О кишечных заболеваниях в Средней Азии» номли монографиясини чоп этди ва ундан хозиргача тиббиёт намоёндалари амалда фойдаланишди. Шу билан бир қаторда, Н. Исмоилов аҳоли истеъмол қиладиган бугдой унида учрайдиган захарли моддаларнинг одам жигарига таъсирини ўрганиб, «Гельмотропный токеникоз» номли монографиясини чоп этди (1948 й.). Н. Исмоилов, Н. Мажидов билан ҳамкорликда «Клиника, диагностика и лечение трихотрихоксикоза» монографиясини чоп этди (1970 й.). Шундай монографиялар асосида замонавий даволаш ва профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш натижасида, Ўзбекистон аҳолиси орасида бундай дардлар йўқолиб кетди.

Н. Исмоиловнинг кейинги илмий излашниш мавзуси кенг бўлган меъда-ичак, юрак-қон-томир, сил ва ички органлар захмига бағишланиб, 150 дан ортиқ илмий асарлар, 8 та монография ва 2 ўқув қўлланмалар чоп этди. У 1947 йилда тиббиёт олимлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Фанлар Академиясига ҳақиқий аъзоли этиб сайланди, сўнгра ва 1951 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилди. Шу йиллардан бошлаб Н.Исмоилов Абу Али ибн Сино (Авиценна) меросини «Тиббиёт қонунилари» қадимий араб тилидан ўзбек ва рус тилларида 5 жилдли (6 китоб) асарини яратишда ва чоп этишда фаоллик кўрсатди ва бош таҳрирчилардан бири бўлди (1952–59 й.).

Шундай фидокор олимлар туфайли ўзбек тилига ўгирилган Абу Али ибн Сино асари – ўзбек халқининг ўлмас тиббиёт мероси бўлиб қолди. Буюк шифокор ва олим Н.Исмоилов раҳбарлиги остида 5 тиббиёт фан докторлари етишиб чиқди, шогирдларининг кўпчилиги ички касаллик клиник кафедраларида етук мудир, профессор, доцент ва ассистентлар лавозимида ишлаганлар ва улар ҳам кейинчалик устозлари йўлидан бориб, шогирдлар тайёрлаганлар. Н. Исмоиловнинг шогирдлари билан яратган илмий мактабининг ютуқлари катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, Республикада тиббиёт фанининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган. Домланинг кўпчилик илмий асарлари ўлка касалликлари, айниқса, ошқозон-ичакнинг сурункали яллиғланиши, гелиотроп захарланиши ва висцерал захм соҳасидаги изланишлари соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фанининг муҳим, долзарб муаммоларини камраб олган. Олим тиббиёт ютуқларини кенг жамоатчиликка тарғиб қилувчи, истеъдодли, зиёли инсон эди. У яратган асарлар ва илмий йўналишлар халқимизнинг маънавий бойлиги бўлиб қолди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг «Ахборот»- «Известия», ЎзР ССВ «Тиббиётнома журнали», Ўзбек энциклопедияси бош таҳририят хайъати аъзоси сифатида катта ижод қилган, Республика терапевтлар илмий жамоаси раиси, Тошкент шаҳар ва туман депутати бўлиб сайланган.

Ҳалол ва жамоатчилик меҳнати учун 4 орден (1932, 1945, 1946, 1970 йй.), 2 марта Республиканинг Олий Кенгаш фахрий ёрликлари (1937, 1941 йй.) ва кўп медаллар билан мукофотланган.

Ўзбекистонда тиббиёт фанининг ривожига қўшган ҳиссасини, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда ўзбек халқи олдидаги хизматларини инобатга олиб, олимнинг номи I- Тошкент Тиббиёт институтининг ички касаллик пропедевтик клиник кафедрасига (1995 й.) ва Юнусобод тумани Оқибат маҳалласидаги кўчага Н. Исмоилов номи берилган. Тиббиёт оламида бу улуг инсон, буюк олим ва мохир шифокор ўздан ўчмас барҳаёт хотира қолдирган. Айрим шогирдлари хотираларини эслайлик:

Профессор Э. Й. Қосимов, ТМА ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг собиқ мудури ёзади: «Носир Исмоилович биз талабаларга ўқиган маърузаларида бемор билан биричи бор учрашув ички касалликлари пропедевтикаси клиникасида содир бўлишини ва бу жараён талабалардан деонтологик ахлоқ ва одобни, Гиппократ қасамёдига содиқ бўлишни талаб этишини таъкидлар

эдилар. У кишидан эстафетани олган бугунги профессор-ўқитувчилар домланинг ўғитларини ҳисобга олиб, кафедрамизда ҳар йили анъанага айланган 3- курс талабалари билан деонтологик «Клиникага йўл» тадбирини ўтказиб, талабаларни тиббий касамёдлар билан таништирамиз. Шу маросимда биз деонтолог олимлар, домлар каторида Носир Исмоиловичнинг муборак номларини эслаб, рухларини шод этамиз».

Профессор У. Б. Шаранов. ТошПТИ, ички касалликлар кафедраси собиқ мудири ва профессори: «Тош МИ нинг, мухтарам домла раҳбарлик қилган Ички касалликлар пропедевтика кафедраси ходимлари ўлкада учрайдиган ичак, жигар касалликларининг келиб чиқиши, патогенези ва уларни даволашни ўрганишган. Н. Исмоилов ёзган «Ўрта Осиёда учрайдиган ичак касалликлари» китобида ичак касалликларининг келиб чиқиш сабабларини муфассал кўрсатган. Ичак касаллигининг сурункали хилларида бемор баданидаги ўзгаришларни ҳам ўрганишган. Шу мавзуларга бағишланган иккита докторлик, бешта номзодлик диссертацияси ёқланган. Юрак томир тизими касалликларини ўрганишга бағишланган илмий ишлар 80 та мақолаларда баён этилди».

Эркин Турсунов



КАССИРСКИЙ ИОСИФ

Настоящий клиницист, один из учителей Узбекской школы терапевтов-гематологов Кассирский Иосиф Абрамович родился 16 апреля 1898 г в г. Новый Маргилан (с 1924 г—г. Фергана). Дед его выходец из западных губерний России, после участия в среднеазиатских походах русских войск нашёл пристанище в Фергане. В 1875 году у него родился сын Абрам Иосифович—отец будущего ученого. После установления советской власти Абрам Иосифович работал в Наркомате хлопковой промышленности Туркестанской Республики. Мать И.А.Кассирского Дина Львовна родилась в г. Вильно (с 1939 г. Вильнюс) в 1880 г. Она обладала хорошими музыкальными способностями. Умерла в 36 летнем возрасте. Семья Кассирских имела шестерых детей.

И. А. Кассирский поступил в гимназию, где хорошо изучил французский, немецкий и латинский языки. Именно в гимназические годы были заложены основы его особой эрудиции.

Иосиф Абрамович с детства любил читать книги, занимался музыкой и научился играть на фортепьяно и на флейте, освоил потную грамоту. Благодаря этому в последующем в компании друзей он виртуозно играл, особенно, на флейте.

В 1915 году И.А Кассирский окончив гимназию поступает в один из передовых в России Томский университет, который имел всего один медицинский факультет. Здесь он был под влиянием руководителя терапевтической факультетской клиники известного ученого профессора Михаила Георгиевича Курлова (1859-1932), который в 1890 г был приглашен сюда из клиники В. А Манассеина после защиты докторской диссертации.

В связи с началом гражданской войны И. А. Кассирский с армией С.М. Буденного участвовал в походах на Дон, Северный Кавказ и в операциях против Махно и при этом выполнял шифокоробные функции. В июле 1920 г, он был направлен в Саратовский университет, в составе которого был единственный медицинский факультет. В то время здесь работал известный ученый хирург С.И.Спасокукоцкий. Окончив выше названный университет Иосиф Абрамович получил диплом Лекаря. Затем он едет в Ташкент и по-

ступает ординатором в терапевтическую. Клинику Туркестанского университета, возглавляемую профессором Александром Николаевичем Крюковым. В 1923 году он был избран ассистентом выше указанной клиники, а в 1930 г. доцент той клиники тропических болезней и ещё через год после этого, последовательно, профессором и заведующим этой кафедры. Уже к тому времени И.А.Кассирский стал одним из признанных ученых –медиков Средней Азии. Изданный в 1931 г капитальный труд И.А.Кассирского (совместно с Л.Ф.Буровой) «Тропические болезни Средней Азии» был первым такого рода руководством, который служил главным подспорьем при ликвидации наиболее распространенных в крае заболеваний.

И.А.Кассирский в 1931 г опубликовал ряд статей, посвящённых разработанному им методу исследования костного мозга с помощью предложенной автором иглы для стерильной пункции.

В 1934 г И.А.Кассирский был приглашен в Москву научным руководителем терапевтического отделения ведущей железнодорожной больницы, названной потом Центральной клинической больницей № 4 Министерства путей сообщения (МПС) бывшего Союза, где в 1935 г организовал курсы совершенствования шифокорей терапевтов, которые через год преобразованы в кафедру терапии (а затем гематологии). В данной клинике сформировался основной костяк научной школы И.А.Кассирского, куда входили А.И. Воробьёв, Г. А. Алексеев, Д. А. Левина, М. Г. Абрамов, Л. И. Идельсон, М. Д. Бриллиант, Л. Д. Гриншпун, Ю. Л. Милевская, Н. Е. Андреева, А. В. Демидова, К. П. Иванов, Е. П. Пяткин, Е.В.Флейшман и др. Эти соратники и ученики Иосифа Абрамовича, каждый в отдельности совместно со своим наставником был первопроходцем по тем или иным проблемам клинической гематологии. И.А.Кассирским в клинике были утверждены «обходы без обходов», что позже переросло знаменитые утренние конференции. Вот что пишет о них академик А.И.Воробьёв, ученик и завешанный преемник И.А.Кассирского по кафедре-на конференциях докладывали живую жизнь, борьбу оставшего наедине со смертью дежурного шифокора. Ведущий конференцию испытывает предельное напряжение, ловит каждое слова, каждый оттенок рассказа, пытается воссоздать картину прошедших событий, выпутаться из диагностического лабиринта. Он быстро прокручивает в своем мозгу похожие ситуации, прочитанное и рассказывает готовое решение или перечень своих сомнений. На этих конференциях Иосиф Абрамо-

вич рассказывал и эпизоды своей жизни, к месту вспоминал о А.Н.Крюкове, В.Ф.Войно-Ясенецком и других. Далее он отмечает, также в диагнозах И.А.Кассирский не ошибался, лучшего диагноза не запомнилось, тропические болезни знал лучше всех, в микроскоп смотрел сам, сердце выслушивал точностью превышающей возможности фонокардиографии.

В годы второй мировой войны И.А.Кассирский занимал должность главного терапевта Главного шифокоробно-санитарного управления. Народного комиссариата путей сообщения бывшего Союза и продолжал хорошо известные ему исследования в области инфекционной патологии и других проблем внутренней медицины, применительно условиям военного времени занимался также важными вопросами трансфузионного обеспечения раненных бойцов.

Характеризуя личность И.А.Кассирского в целом следует отметить, что он входил в число лидеров мировой гематологии и интернистов широкого профиля. Он был большим знатоком географической патологии, кардиологии, ревматологии и клинической фармакотерапии. И.А.Кассирский был незаурядным популяризатором достижений медицинской науки в целом и гематологии, в частности. Однако пропагандировать псевдопавловской учение или антигенетические теории себе не позволял. Среди 40 книг и монографии ученого были такие капитальные руководства, как «Болезни системы крови» (в соавторстве с Г.А. Алексеевым) и «Клиническая гематология» («первый из них выдержал 3 издания»), «Очерки рациональной химиотерапии» (совместно с Ю. Л. Милевской), «Лекции о ревмотизме», «Очерки гигиены жаркого климата», «Язвенные колиты в средней Азии», «Болезни жарких стран» («совместно с Н.Н.Плотниковым) и другие. Среди подготовленных И.А.Кассирским 40 докторов наук было много ученых из Средней Азии. Из соратников и учеников его по Узбекистану профессор З.И.Умидова, Э.И.Атаханов в дальнейшем стали член-корреспондентами АМН бывшего Союза, профессор А.А.Аскарлов — член-корреспондентом АН Узбекистана. В конце 1970 года автор этих строк имел счастье находится некоторое время в Москве в клинике руководимой И.А.Кассирским, тогда в первую очередь он интересовался вопросом выполнения докторской диссертации и спросил какая помощь нужна в этом плане. На это было доложено, что такая работа под руководством профессор Ю.И.Лорне ведется и некоторая методическая поддержка оказывается его соратником доктором медицин-

ской науки Л.И.Идельсоном. Этот, казалось бы, маленький эпизод указывает на его внимательность, большую человечность и бескорыстную заботливость.

Заслуги И.А.Кассирского перед медицинской наукой способствовали его избранию действительным членом АМН бывшего Союза. За большие усилия в развитии клинической медицины и подготовки высококвалифицированных кадров в Республики ему было присвоено звание «Заслуженного деятеля науки Узбекистан».

Как пишет один из биографов ученого Рудольф Ильич Воробьев (1988): И.А.Кассирский не мыслил себе жизни вне работы. Будучи тяжело больным, уже с трудом вставая с постели, он приезжал в клинику, вел утренние конференции, читал лекции, консультировал. Последний раз в клинике И.А.Кассирский был за четыре дня до кончины. Он знал, что смертельно болен, уходя со всеми попрощался, понимая, что больше не вернется. Умер И.А.Кассирский 21 февраля 1971 г. похоронен в Новодевичьем кладбище Москвы.

Профессор: С. М. Бахромов
Академик АМН России

МАЖИДОВ НАБИ



Ўзбекистон Республикаси Фанлари ва Ўрта Осиё медицина фанлари академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, т.ф.д., профессор Наби Мажидович Мажидов тиббиёт соҳасининг йирик намояндаларидан биридир.

Н. Мажидов 1928 йил 10 декабрда Тошкент шаҳрида туғилди. 1946 йил ўрта мактабни тугатиб, Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирди ва 1952 йилда институтни аъло баҳолар билан битирди. У талабалар илмий жамиятининг (ТИЖ) фаол иштирокчиси, талабалик илмий ишн Ўзбекистонда ва Бутуниттифок талабалар илмий анжуманида совриндор ўрин эгаллади. Институтни тугатгач, неврология кафедрасида клиник ординатор, кафедранинг ассистенти, кейинчалик доценти бўлиб ишлади ва 1966 йилдан бошлаб кафедра мудури лавозимига сайланди.

У талабалик даврида бошлаган ишлари асосида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, 1961–65 йиллар Москвада Н.Н.Бурденко номидаги нейрохирургия институтида йирик олимлар раҳбарлигида малакасини оширди ва илмий ишларини давом эттирди. У 1965 йилда Москвада машҳур невролог профессор М.Ю.Рапопорт бошчилигида «Калла суяги орка чуқурчасининг сурункали фиброзланувчи лептоменингитлари» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Истеъдодли олимнинг изланишлари неврология соҳасининг ангионеврология, нейроонкология, нейрониммунология, нейропсихология, соматоневрология ва бошқа соҳалари ривожига асос солди, бутун куч ва ғайратини неврология фанининг асосий йўналишларидан бири бўлган церебрал лептоменингитлар ва хориоэпендиматитларнинг этиологияси, патогенези, клиник манзараси, кечиб даври ва даволаш муаммоларини ўрганишга бағишланган. Олим томонидан ишланган сурункали лептоменингитларнинг классификацияси 1972 йил невропатолог ва психиатрларнинг Бутуниттифок илмий жамияти томонидан яқдидлик билан қабул қилинди ва ҳозирда қўлланиб келинмоқда. Бу соҳада у кўплаб шогирдлар яратди, монографиялар, илмий мақолалар чоп этди.

Олимнинг бош мия қоринчалари клиник-анатомик хусусиятларига бағишланган илмий ишлари фақатда ўчмас из қолдирган. 1986 йил тиббиёт Фанлари Академиясининг «Катта тиббий қобусномаси»да (БМЭ) «Хориозпендиматитлар» номли янги атаманинг пайдо бўлиши Н.Мажидов номи билан боғлиқдир. Унинг бош мия касалликлари соҳасидаги илмий ишлари нафақат юртимизда, балки хорижий мутахассислари томонидан ҳам эътиборга лойиқ.

Иктидорли олим Америка, Польша, Болгария, Олмониянинг невролог олимлари орасида маърузалар қилди. Американинг тиббиёт дорилфонуни клиникаларида беморларни кўриқдан ўтказди. Греция давлатида беморларни консултация қилди ва бир неча касалли даволаб қайтди. У бош мия қоринчалари касалликларининг бошланғич даври, клиник манзараси, патогенези, замонавий ташхис усуллари ва профилактикасига онд муаммоларни чуқур ўрганди ва бу соҳанинг зукко билимдонига айланди. Шогирдлари билан бирга олиб борган бу изланишларининг меваси «Бош мияга қоринчаларнинг», «Инсултгача бўлган цереброваскуляр касалликлар» номли монографияларда баён қилинди.

Иктидорли олим Америка, Польша, Болгария, Олмониянинг невролог олимлари орасида маърузалар қилди. Американинг тиббиёт дорилфонуни клиникаларида беморларни кўриқдан ўтказди. Греция давлатида беморларни консултация қилди ва бир неча касалли даволаб қайтди. У бош мия қоринчалари касалликларининг бошланғич даври, клиник манзараси, патогенези, замонавий ташхис усуллари ва профилактикасига онд муаммоларни чуқур ўрганди ва бу соҳанинг зукко билимдонига айланди. Шогирдлари билан бирга олиб борган бу изланишларининг меваси «Бош мияга қоринчаларнинг», «Инсултгача бўлган цереброваскуляр касалликлар» номли монографияларда баён қилинди.

Серкирра олим ўз илмий ишларида буюқ қомусчи Абу Али ибн Синонинг тиббий ғояларига алоҳида ўрин беради. Олим буюқ аллома Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига бағишланган таътилларини ўтказишда ҳам кўп жонқуярлик қилди. Бу санага бағишлаб у «Абу Али ибн Синонинг неврологик шуктаи назари ва дунёқарашини» номли ажойиб монографиясини чоп этди, Ҳозирда бу китоб иккинчи марта нашр этилган.

Профессор Н.М.Мажидовнинг ўнлаб шогирдлари hozirgi кунда республикамизнинг турли тиббий муассасаларида ишлаб, халк саломатлиги йўлида ва фан чўққиларини эгаллашда илмий ва амалий изланишлар олиб бормоқдалар. Профессорлар Х.М.Ҳалимова, М.М.Асадуллаевлар устозларидек Тошкент Тиббий академиясида илмий-амалий ишлар билан бир каторда малакали шифокорлар тайёрлашда самарали меҳнат қилмоқдалар. Республика Кардиология Марказида ташкил этилган кардиоцеребрал лабораторияни бутунги кунда унинг шогирди проф. О.Хўжаев бошқариб, бормоқда ва юрак, бош мия қон томир хасталиқларини замонавий усулларда даволашда яхши натижаларга эришмоқда.

Н.Семашко номидаги тиббий тиклаш ва физик усуллар билан даволаш илмий текшириш институти неврология бўлими бошлиғи проф.Б.Орифжонов ТошТМА Ургенч филиали, неврология кафедрасининг мудири проф.И.А.Қиличевлар ҳам, проф. Н.Мажидовнинг илмий ғояларини ҳар томонлама ривожлантириб асаб касалликларини олдини олиш каби долзарб муаммоларни ўрганишда давом этмоқдалар. Унинг қатор шогирдлари Россияда, Корея Демократик Республикасида, Ҳиндистон ва Афғонистон давлатларида хизмат қилмоқдалар.

Н.М.Мажидовнинг илмий-изланувчанлик ишлари ўқув-педагогик ишлари билан чамбарчас боғлиқдир. У моҳир педагог сифатида амалиётга оид янги қўлланмаларни ва фаннинг замонавий ютуқларини ўқув жараёнига татбиқ этишга алоҳида эътибор берди. Унинг бир неча марта қайта нашрдан чиққан «Умумий неврология» дарслиғи бу соҳада талабаларнинг асосий дарслиғи бўлиб хизмат қилмоқда. Олимнинг талабалар, шогирдлар билан оддий суҳбати, илмий мунозараси, беморлар билан мулоқоти унинг инсоний ва педагогик сифатларидан дарак беради.

Н.Мажидов илмий-ташқилотчилик фаолияти ҳам баракалидир. У 15 йил давомида (1967–1982 й.) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг олимлар тиббий кенгаши (УМС) нинг раиси лавозимида. 1982–1986 йилларда Семашко номидаги физиотерапия ва курортология Илмий-текшириш институтининг директори лавозимида ишлади. Республикамизда физиотерапия ва курортология соҳаси ривожига катта хисса қўшди, тиббий метеопрогноз ва метеопрофилактика, игна билан даволаш ва физиотерапия масалларига алоҳида эътибор берди.

Н.М.Мажидов 1991 йилда республикада Неврология илмий марказини ташкил этди ва у ерда илмий, педагогик ва даволаш ишларини ташкилотчилик фаолияти билан бирга олиб борди. Марказнинг ходимлари профессор ангионеврологиянинг муҳим муаммоларини ўрганишда давом этмоқдалар, айниқса, бош миё магистрал артериялари зарарланганда бош миё кон айланишининг бузилиши, уни даволаш ва олдини олиш; жумхуриятимизнинг турли ҳудудларида бош миё кон томир касалликларининг эпидемиологияси ва уларнинг гелногеофизик, метеорологик омиллар билан боғлиқлигини ўрганиш, профилактик тадбирларни кўллашга алоҳида эътибор берилди. Бу йўналишларда 4 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди, қатор илмий мақолалар чоп этилди ва илмий излашлар янада чуқурроқ давом этмоқда.

Номи дунёдаги 500 лидернинг бири деб тан олинган олим Н.Мажидов чет элларда ўтказилган бир неча съездлар, симпозиумлар қатнашчиси. У 1972 йилдаги Бутуниттифок невропатологлар жамияти Пленумининг ҳамда Ўзбекистон невропатолог ва психиатрлари I-II-III съездларининг ва конференциялари, регионлараро симпозиумларнинг ташаббускори ва ташкилотчиси. Наби Мажидович Бутуниттифок невропатолог ва психиатрлар жамияти бошқаруви президиуми, Физioterapia ва курортология жамияти, «Ўзбекистон тиббиёти журнали» ва Россияда чиқадиган «С.С.Корсаков номидаги невропатология ва психиатрия журнали» таҳририятининг аъзоси, Россия катта тиббий комсуномаси неврология бўлимининг муҳаррири, 1991 йилдан 1999 йилгача «Сихат-саломатлик» журналининг бош муҳаррири бўлиб, эл хурматига сазовар бўлди. У 40 йилга яқин Республика невропатологлар илмий жамиятига раислик қилди.

Академик Мажидов 1998 йилда Ўзбекистонда чиқарилган «Неврология» журналининг асосчиси ва у умрининг охиригача бу журналга бош муҳаррирлик қилди. Журнал саҳифаларида неврологиянинг долзарб масалаларини, неврология фанининг бошқа клиник фанлар-касалликлар билан узвий боғлиқлигини кўрсатувчи қатор мақолаларнинг (яъни психоневрология, кардионеврология, нейрохирургия, нейроэндокринология, физиотерапия каби фанлар) чоп этилишини ташкил этди, неврологик ташхисларга профилактик муаммоларга катта эътибор қаратди.

Проф.Мажидов Н.М. раҳбарлигида 50 дан ортиқ кандидатлик ва докторлик диссертациялари тайёрланди, юзлаб амалиётчи шифокор-неврологлар етишиб чиқди. Олим 8 патент, тиббиёт олий ўқув юртлари учун 4 та дарслик, 40 дан ортиқ услубий тавсия, тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган 37 та тематик тўплам муҳаррири, 500 дан зиёд илмий ишлар муаллифи сифатида тиббиёт хазинасига салмоқли ҳисса қўшган улкан олимдир, унинг тиббиёт соҳасидаги катта хизматлари тиббиётимиз саҳифаларида барҳаёт қолгай.

Эркин Турсунов

МАҚСУМОВ ЖАЛОЛ



Ўзбекистон рентгенология фани тараққиёти асосчиларидан бири тиббиёт фаилари доктори, профессор, собиқ иттифок Тиббиёт Фаилари Академиясининг аъзоси, тиббиёт соҳасининг ташкилотчи олими. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, узок йиллар ТошДАВми рентгенология кафедрасини бошқарган Жалол Носирович Мақсумов 1920 йилда Тошкентда хизматчи оиласида туғилган.

Шифокор бўлишни орзу қилган ўсмир йиғит 1935 йилда ТошМИ ишчилар факультетида ўқийди, унга институтни даволаш факультетини тугатиш насиб этади ва институтни 1942 йилда битириб, 1945 йилгача Жаҳон урушида қатнашди, ёш ўзбек йиғити Москва Ҳарбий округида хаво десант бригадасида тиббий санитария хизмати бошлиғи бўлиб хизмат қилади. Кейинчалик Украина фронти қисмларида, Харьковда Ҳарбий лазарет бошлиғи сифатида ишлайди, ярадорларга хизмат кўрсатишида ўта фаоллик кўрсатади ва катор орден ва медаллар соҳиби бўлади.

Айниқса, урушнинг ғолибона юриш давларида Дон дарёси нариги қирғоғида немислар қуршовида қолган солдатларни (тунда хаво тўлдирилган қайиқларда олиб ўтиб) саклаб қолмиш «тунги операциясида» кўрсатган жасоратлари учун мамлакатнинг энг олий орденларини олишга муносиб деб топилади. Қаҳрамонимиз Днепрпетровск, Днепродзержинск, Кременчуг, Никопол каби катор шаҳарларни озод қилишида ҳам фаол қатнашди. Биз очеркимизда ўша дахшатли уруш кунларини эслашимиз — бу тарих бўлса-да, бизнинг кўпгина қаҳрамон олимларимиз, айниқса, урушда қатнашган тиббиёт соҳаси олимларимиз Жалол акадек кунларни бошларидан ўтказишган, иккинчидан Президентимиз айтганидек, «бизнинг ҳозирги фаровон ҳаётимизнинг бир учи ўша мард ўғлонларимизнинг қаҳрамонликларига ҳам бориб такалади. Биз буни ҳеч унутмаслигимиз керак».

Камини бу камтарни олим, шифокор билан икки марта суҳбатлашган... 70-йилларнинг охирлари эди. Мен ТошМида профессор терапевт К.Боҳодиров клиникасида даволанаётган эдим, палатага Жалол ака ва мудир Каримулло ака билан кириб келишди, яхши суҳбатлашдик. Менинг шеърларимдан, айрим очеркларимдан

хабардор эканлар. Улар Каримулло акага ичакни рентгенда кўриш учун барийни анор нусти эритмасида тайёрлаш кераклигини айтдилар. Бу усул яхши натижа беришини алоҳида таъкидладилар ва Москвада ҳам қўллаганликларини айтдилар.

Иккинчи учрашув 80-йиллар охирида Москвада Онкология институтида бўлган эди. Институт директори собик иттифок Тиббиёт фахлари Академиясининг Президенти – Блохин Академия мажлисларини ўзининг институтида ўтказар ва мажлисга институт ходимлари чакирилар экан. Каминна институт патоморфология лабораторияси профессори Ю.Машковцев олдида докторлик ишлари ҳақида гаплашгани боргани, уларда шу йиллари чиққан Швеция давлатининг янги апарати бўлиб, унда хужайра электронмикроскопик тузилмаларини ҳажмий микдорини ўлчаш мумкин эди. Шу куни институтда ССВ ва ТМА нинг кўшма мажлиси бўладиган кун экан, мени ҳам мажлисга олиб кириб кетишди. Мажлисда вазир С.Буренковнинг гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. «Ҳозир ошкоралик даври, очиқ гаплашсак бўлаверади, биласизларми, олий тиббий таълим бизда энг яхши даражада бўлса ҳам, мамлакатимизда 40 фоизга яқин малакасини ошириш керак бўлган шифокорлар бор, бизга Академия ёрдам бериши керак».

Жалол ака Академия аъзоси эдилар ва улар ТошПТИ профессори, академик С.Шамсиев билан бирга ўтиришган эди. Мен улар билан саломлашдим ва танаффус вақтида бафуржа гаплашдик. Иттифокда 40 фоиз чаласавод шифокор бўлса, бизда улар канча экан деган савол уларда ҳам, менда ҳам пайдо бўлган эди. Шунда Жалол ака яхши таклифлар айтган эдилар.

Урушдан қайтгач, Ж.Мақсумов ТошМИ рентгенология кафедрасида ординатор, аспирант лавозимларида ишлайди, 1948 йили ўша даврнинг энг муаммоли мавзуларидан бири ошқозон рақ касаллигини бағишланган. «Ошқозон рақининг замонавий рентген ташхиси» мавзусида номзодлик ҳимоясини қилади. Кейинги ҳаётини Москвада Марказий Врачлар малакасини ошириш институтида докторантурада ўтади ва 1952 йилда рентгенология кафедраси профессори, 1962 йилдан кафедра мудири лавозимига ўтади. У ўз ишида ўт копи касалликларидан янги модда билитрастин ишлатиб, холецистографияга янгилик киритди. Унинг раҳбарлари ўша даврдаги энг кучли рентгенолог академиклар, Давлат мукофоти совриндорлари С.А.Рейнберг ва И.Л.Тагер бўлишган. Унинг яратган янгиликларидан ўша даврда ҳатто Кремль шифохонасида

хам фойдаланишган. Олим биринчи марта «Ўт тошлари импрегнациясининг феномени» ни яратган, унинг томонидан ишланган ошқозон ва 12 бармоқли ичак касалликлари ташхисида қўлланиладиган нур ташхиси, ўт йўлларида ишлатиладиган рентгенрадионуклид комбинациясидаги контраст, йўғон ичак касалликларида қўлланиладиган нур ташхислари амалий тиббиётда қўлланилиб келинади. Қарангки, 13 йилдан сўнг, 1952 йилда олим яратган феномени, кейинчалик Америка олимлари топишган.



*Профессор Ж.Н. Мақсумов сафдошлари билан,
1968 йил муддатидан бир йил олдин, яъни икки йил ичида
докторлик диссертациясини муваффақиятли якумлади.
1954 й. ТошМII*

Ж.Мақсумов ташаббускор олимларимиздан бўлган. Улар Биоорганик кимё институти ходимлари билан биргаликда янги рентгенконтраст модда яратишганки, бу модданинг ўпка бронх дарахти ва ошқозон-ичак рентгенологиясида қўлланиши яхши натижалар бериши тажрибада тасдиқланган ва бу моддага патент берилган. Препаратнинг хорижий шундай препаратлардан қолишмаслиги ҳам тасдиқдан ўтган.

1962 йилдан Ж.Мақсумов ЎзР ССВ Илмий Кенгаши раиси вазифасида иш бошлайди. 1976--1986 йилларда Республика ССВ бош радиология лавозимида ишлайди. Шулар билан бир қаторда Иттифок Катта Тиббий Энциклопедияси 3-нашрида рентгенология қисмининг бош муҳаррир ўринбосари, Республикада Атом энер-

гиясидан фойдаланиш Мувофиқлаштирувчи комиссия Тиббий секцияси бошлиғи, Республика рентгенологлар, радиологлар жамияти раиси каби катор жамоатчилик вазифаларини ҳам бошқарди. У Иттифок ва Республикада тиббиёт соҳасидаги бир неча журналларда таҳририят аъзоси бўлган. У узоқ йиллик иши давомида Республика тиббий илми соҳасида кўп хайрли ишлар қилди, рентгенология-радиология фани ривожига катта ҳисса қўшди.

Ж.Максумов ўз иш фаолияти даврида 40 дан ортиқ фан докторлари ва фан номзодларини етиштирган, 200 дан кўп мақола ва қўлланмалар чоп этган, ёзилган 13 монографияда рентгенология - радиология фанларининг турли муаммолари, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фани таракқиёти масалалари ақс эттирилган. У 1969 йили Иттифок Тиббиёт Фанлари Академияси аъзоси этиб сайланади, унга тиббиёт фани, соғлиқни сақлаш соҳасидаги улкан ишлари учун «Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилди. Олим кўкрагини 20 га яқин орден ва медаллар донм беаб турган.

Бутун умрини элига, Ватанига катта садокат билан бағишлаган, Республика тиббиёт илмининг ривожига беазир ҳисса қўшган, неча минглаб талабаларга билим берган, ўз соҳасида юзлаб етук олим ва касб эгаларини етиштирган олим-шифокор Жалол Максумов тиббиётимиз тарихидан, халқимиз қалбидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган.

Эркин Турсунов, Дамир Заретдинов

МУРОДХҲҲАЕВ НАРИМОН



Тўғри сўз, очик гаплашадиган, ўзини ҳамма билан барабар кўрадиган, дўстига, она-ласига, ота-онасига вафодор, фарзандпарвар **Наримон Муродхўжаев Саидқодирхўжа ўғли** 1929 йили Тошкентда тугилди. 1945 йилда 8 синфни битириб, ТошМИ тайёрлов курсида ўқиди, сўнг институтга кирди ва уни 1951 йили имтиёзли диплом билан тугатади.

Ўқиш тугаши билан уни Германияга ҳарбий шифокор бўлиб ишлашга юборишади. Шифокорлик ишлари билан бирга у илмий ишлар қилади ва маърузалар ўқийди. 1955 йилдан бошлаб Санкт-Петербург (СПб) Ҳарбий-Тиббий академиясида радиолог-рентгенолог лавозимида ишлай бошлайди. Ўша даврда, Наримон ака ёзини бўйича, академияда учта вазифани ўтар эди: ҳарбий тиббиётин илмий асослаш, ҳарбий шифокорларни тайёрлаш (бирламчи махсус курсларда ўқиш, малакани ошириш, услубий кўрсатмалар, дарсликлар тайёрлаш ва ҳ) ва илмий ишлар билан шуғулланиш. Академия ўша даврда деярлик ҳозирдагидек «Нур касаллиги» билан ҳам шуғулланади. Наримон аканинг омади келиб (у бу Академияда ишлаган биринчи ўзбеклардан эди), у ўсма касалликларни даволайдиган бетатрон аппарати билан ишлайди. Академияда Наримон ака машҳур рентгенолог-радиолог олимлар-академиклар Г.А. Зедгендзе, Линденбрaтенлар билан танишади.

1960 йилларга келиб, Муродхўжаев мажбурий ҳарбий хизматдан озод бўлиб Тошкентга қайтди. У 1963 йилгача СПб нейрo-хирургия институтида бўлим бошлиғи сифатида бетатрон аппаратида ишлади ва жуда кўп нарсани ўрганди. Бетатрон жуда катта (рентген аппаратларидан катта) аппарат бўлиб, унинг нури одам организмида рентген нуридан ҳам чуқурроқ кириб борар ва бошқа кўп афзалликларга эга эди. Бу аппарат онкологик касалликларда ҳам ташхис учун, ҳам даволаш учун ишлатилар эди. Олим жуда кўп касалларни кўриб ва уларда даволаш ишларини олиб борди, илмий анализлар ўтказди ва мақолалар ёзди.

1962 йилда Москвада 8-онкологлар конгрессида у маъруза билан катнашади ва ўз маълумотлари билан ўртоқлашади. Конгрессда катнашган Ўзбекистон Онкология институти директори,

бағри кенг профессор Ж.М.Абдурасулов олимни Тошкентга ишга таклиф этади. Ва шу билан унинг ҳаёти она шаҳри Тошкент билан боғлиқ бўлиб қолади.

Ҳа, Тошкентда ҳали марказий шаҳарларидагидек шароит йўқ, лекин онкология институти профессори машҳур биокимёгар А.И.Николаев ва унинг шогирдлари нурланувчи радиация, антибиотиклар, ядрохимикатлар таъсирида оксилларнинг антигенлик хусусиятларини ўрганишни бошлаб юборишган эди. Институтнинг радио изотоп бўлимига Муродхўжаев бошлик бўлиб тайинланди ва биринчи галда жигар онко касалликларида ўтказилаётган радиоизотоп ташхисининг зарарли жойи борми деган мавзуда иш бошлаганди. Маълум бўлишича, изотопнинг ҳатто кичик дозалари ҳам ўзгариш чакирар экан. Лекин институтда ишлаш шароити жуда яхши эмас эди, институт шаҳар онко диспансери биносига жойлашганди.

Шу йилларда икки нарса ҳал қилингандек эди. 1963 йилдан бошлаб институт раҳбарияти ташаббуси билан институтнинг янги биноси қурила бошланди, иккинчидан 1964 йилда Тошкентда ўтадиган Бутуниттифоқ рентгенологлар ва радиологлар съездида янги тиббий асбоблар кўрагазмаси бўлади ва бу кўрагзмадаги барча жиҳозлар институтга қолдирилади. Бу жуда катта ютуқ эди. 1970 йилда илмий ишлар учун янги бетатрон аппарати олинди. Бундан бир йил олдин Москвада Наримон ака «Радиоизотопное исследование печени в экспериментальной и клинической практике» мавзусида докторлик химоясини қилди, машҳур олимлар бу ишга катта баҳо бердилар.

Институтнинг илмий мавзуси лазер нурлари, ўтапаст температура, ультратовуш, гипертермия, гипергликемия таъсирида рақ ўсмаларининг радиосезгирлигини оширишга бағишланди. 1964–74 йиллар ичида олим раҳбарлигида бажарилган 8 та номзодлик химоялари шу соҳадаги ишлардан эди. Олим 1973 йилдан ТошМИ Онкология кафедрасида иш бошлаб, бир вақтда институтда доволаш факультети декани лавозимида ҳам ишлайди. 1976 йил олим Республика Дўстлик жамияти аъзоси сифатида Америкада бўлади ва у ердаги билим олиш, онкология масалаларини яхши ўрганиб қайтади.

1977 йилдан бошлаб, у Онкология институтига директор лавозимига тайинланади. Институтда кенг масштабда катта ишлар олиб борилади, институт Республикада ягона илмий-амалий марказ

бўлиб барча вилоятлардаги онко диспансерлар фаолиятини каттик назоратга олади, ҳар йили икки кунлик ўқув семинари ташкил этилади, ҳамма диспансерлар орқали вилоятларда онкология хизмати сифати анча яхшиланади. Олим бир вақтда Республика ССВ бош онкологи вазифасини ҳам бошқаради.

У 1978 йил СПб лик олимлар билан кўкрак саратони бўйича Америкада ўтказилаган Халқаро конгрессда катнашади, Ўзбекистонда бу касаллик тахлили бўйича маъруза қилади. У иккинчи сарфарда кўп нарсаларни эътибор билан ўрганиб қайтади.

– кўкрак саратони дунё бўйича кўпаймоқда.

– Америкада сут бези бўлакчаси раки, иттифокда эса сут йўллари раки кўп учради.

Илмий салоҳиятли кадрлар ниҳоятда кўп, жиҳозлар ва кадрлар юқори даражада етарли, масалан, биргина Америка Саломатлик институтининг патоморфология лабораториясида 18 та профессор ишлайди.

– касалхоналарда саховатли, текинга касални парвариш қиладиганлар кўп.

Ўша даврларда–Америкада шифокор бўлиш учун 25-27 йил ўқиш керак, яъни: -12 йил мактабда, 4 йил коллежда, 4 йил тиббий мактаб ёки тиббий факультетда, 4-7 йил резидентура (магистратурада), сўнг махсус соҳа шифокори бўлаолади. Яна бир нарса. Олим Америка Миллий тиббий кутубхонасида ҳам бўлади. Бу кутубхона дунёнинг ҳамма мамлакатидан Ер йўлдоши орқали тиббий адабиёт олади ва ЭВМ да сақлайди. Истаган олим истаган мақоласини икки дақиқа ичида компьютер экранда топа олади ва мақолалар нусхасига эга бўлади.

Шу йили Наримон ака Аргентинада Х11 Халқаро ракка қарши конгрессда катнашади. Бу ерда ҳам кўкрак саратони асосий мавзу бўлади. Биринчи марта кўкрак саратонида эстрогенлар ишлатиш, иммунотерапияни қўллаш масалалари кўтарилади. Олимни ажаблантирган нарса шу эдики, рак касалликлари иттифокда бошқа мамлакатлардагидан кам бўлмасада, бу Халқаро анжуманда катнашган 8189 делегатдан фақат 14 таси иттифокдан эди (АҚШдан 1000, Япониядан 500 киши катнашганди). Демак, иттифокда онкологияга эътибор суст, ҳатто 14 кишига 14 кунга бор йўғи 18 доллардан пул олишга руҳсат берилган эди. Иттифок вакиллари меҳмонхонада овқат пишириб ейишган кунлари бўлган. Ана Сизга ўша даврда олимларга кўрсатилган ҳиммат!

Шу йилларда, жаҳон микёсида онкология соҳасида Ўзбекистон олимлари кўзга кўриниб қолган эдилар, шу муносабат билан 1979 йилда Тошкентда 111-Бутуниттифок онкологлар съезди бўлиб ўтади, бу анжуманда Ўзбекистон олимларининг онкология соҳасидаги эришган муваффақиятлари яққол кўринади. Съездда Наримон Муродхўжаев Бутуниттифок онкологлар жамияти раиси муовини ва «Вопросы онкологии» журнали тахририятига аъзо бўлиб сайланди.

Мустақиллик йилларининг бошларида анчагина кийинчиликлар бўлди, айниқса, москваликлар чет элга борувчи делегация таркибига Ўзбекистондан вакилларни қўшишмай қўйишди, кўп алоқалар вақтинча узилиб қолди. Шунга карамай, институтда илмий ишлар янги йўналишларда давом эттирилди. Наримон ака таклифи билан Рак касалликларида генетик омиллар ўрганила бошланди ва ЎзР ФА қошида «Одам патологиясининг генетик асослари» илмий Кенгаши тузилди.

Н.Муродхўжаев ташаббуси билан, бетатрондан кейин бир неча янги тиббий даволаш ва ташхис аппаратлари олинди, моноклонал антителолар ишлайдиган завод қурилди, институт ходимларининг моддий томонларига катта эътибор берилди. Олим 19 та патент 244 мақола, 10 та монография муаллифи, 13 фан доктори, 41 фан номзоди тайёрлаган, ОАК эксперти бўлиб ишлаган. Улкан хизматлари эвазига катор орден ва медаллар соҳиби бўлган. У Ўзбекистонда ўсма касалликларида биринчи радиоизотоп ташхисини қўллаган, биринчи бетатрон ва линияли тезлатгичларини қўллаб, рак касалликларида нур терапиясини Ўзбекистонда кенг қўллаган олим. У тиббиётимиздаги буюк хизматлари билан ўчмас из қолдирди.

Эркин Турсунов

МУСАБОВЕВ ИСХОК



Тиббиётнинг хакикий жонкуярларидан бири, тиббиётда ўзига хос мактаб яратиб кетган фидойи инсон, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, Бериний давлат мукофотининг совриндори Исхоқ Курбонович Мусабоевдир. У 1910 йилнинг 22 октябрида Фаргона вилоятида таваллуд топган. Касалликдан азият чеккан ва унинг кўз олдида жон берган ота-онаси ҳамда синглисидан жудо бўлган

мургак қалб келажакда шифокор бўлишни ўз олдига мақсад қилиб кўяди.

Қалби ўқсик, ўқишга ташна бўлган олимнинг ёшлиги етимхонада ўтади. Интернат директори болажон, кўнгли тоза инсон экан, у Исхоқжонни ўз фарзандидек кутиб олди. У интернатни аъло баҳоларга тугатгандан сўнг, 6 нафар иқтидорли талабалар каторида Самарқанд тиббиёт техникумида, сўнг, Фаргона тиббий билим юрталарида ўқиб, Самарқанд Тиббиёт Институтига кириш учун йўлланма олади. У институтда ўқиб юрган кезларидаёқ, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг муовини сифатида фаолият олиб борди.

Институтни битиргач, Самарқанд туман соғлиқни сақлаш бўлими мудирини лавозимида ишлайди ҳамда 1935–1938 йилда безгак, бруцеллез, ич терлама касалликлар аҳоли орасида кенг тарқалганлиги сабабли у «Ич терлама (қорин тифи) касаллигининг давосида қон қуйишининг ахамияти» мавзусида илмий иш бошлади ва уни тугатмай, 1941–42 уруш йилларида жанговор шифокор сифатида хизматиши адо этди. Урушдан қайтгач, ТошМИ да номзодлик ҳимоясини қилди, сўнг Термиз шаҳрига юқумли касалликлар профилактикасини олиб бориш учун жўнатилди.

Фидойи инсон 1944–1949 йилларида Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг юқумли касалликлар кафедрасида доцент, 1951 йилгача шу кафедранинг мудирини сифатида иш олиб борди ва 1951 йилда Москвада «Ич терлама касаллигида жигарнинг фаолияти» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

– Мен раҳматлик онамнинг ўлим олди ҳолатини ҳеч қачон кўз олдимдан кетказа олмайман, – дейди домла аллақандай бир ички дард билан. Унинг баданида тошмалар тошиб кетган, алангаю-оташ бўлиб ёнар, ич оғриғидан қаттиқ қийнаётган эди, мен учун энг азиз инсон-волидамнинг айнан мана шу ҳасталиқдан бевақт ҳаётдан кўз юмганига ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун ҳам бу касалликнинг давосини топишга бел боғладим.

И.Мусабоев 1952 йили Ўзбекистонда эпидемиология, микро-биология ва юкумли касалликлар Илмий текшириш институтини очишга эришганидан кейин узок йиллар бу қутлуг даргоҳда турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келди. 1963 йили И. Мусабоевни эпидемиологлар, микробиологлар ва юкумли касалликлар бўйича илмий жамият ранси этиб сайладилар. Шу сабабли мазкур фанлар бўйича малақасини оширишга келган шифокорларни ўқитиш дастурини ишлаб чиқиб, шу йўналишдаги кафедранинг бошқарди. 1964 йили Венгрияда микробиологларнинг халқаро анжуманида қатнашди ва маъруза қилди. Муҳокамада кўп мунозара бўлди, кўплаб касалликларни ядрохимикатлар билан захарланиш деб баҳолашди. Шу йили И. Мусабоев Тиббиёт Фанлар Академиясининг йўлланмасига кўра, Африка қитъасига юбориладиган вакилларга раҳбарлик қилиб, бу мамлакатда тарқалган эпидемия ва пандемияларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатди.

Олим ҳаётиндан бир лавҳани эслади:

– Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятининг Гурлан туманида тарқалган, юзлаб одамларнинг жонига зомин бўлган Эл-тор вабоси тўғрисида сўзлаб бериш мен учун ниҳоятда оғирдир. 1965 йилнинг 6 августи, кеч соат 17.00 вазир Б. Маъзумов кўнғирок қилиб, Хоразм ва Қорақалпоғистонда қандайдир касаллик тарқалганлигини ва ундан кўплаб одамлар ҳасталаниб, ҳаётдан кўз юмаётганлигини ташвиш аралаш гапирди ва шошилинч сафарда бўлишимни буюрди.

Эртаси соат 10.00 лар атрофида Нукусда бўлаётган мажлисда ҚҚ Республикаси СС вазири Р.М. Бобоназаров аҳвол хусусида маълумот берди ва сўзининг якунида : «Бу аллақандай химикат билан захарланишга ўхшаб кетади» – деди. Шунда мен сўзга чиқиб:

Касални кўрмасдан туриб, унга ташхис қўйиш мумкинми, бу тахминлар ногўғри бўлиши турган гапку, – дедим. Касалларни ўрганиш учун уч соат муддат беришди. Нукус юкумли касалликлар шифохонасига бордик. 100 ўринга мўлжалланган касалхонага 300 дан ортик бемор аралаш - куралаш жойлаштирилган бўлиб, янги келганлар вафот этаётганлар билан қўшилиб ётарди. Тиббиёт ходимларининг қўли-қўлига тегмайди. Республика Марказий шифохонасининг терапия бўлимида аҳвол ундан ҳам баттар, ўлим ҳолати 30 фоиздан ортик эди. Беморлар шунчалик сувсизланиб, жонсизланиб колган эдиларки, биз ҳатто уларга ёрдам ҳам беролмай колар эдик. Касалларни, мурдаларни синчиклаб текшириб чиқдик ва бир фикрга келдик, лекин вабо микробиологик ташхис қилинмаган. Яна йиғилдик, раислик қилувчи Ҳукумат вакили М.Мусахонов сўзни менга берди. Маълумотларимни мажлис аҳлига такдим қила туриб, сўзимнинг охирида: «Клиник, дифференциал киёс ва эпидемиологик нуктаи назаридан қаралганда гарчанд ҳали лаборатория йўли билан тасдиқланмаган бўлса-да, бу вабонинг айнан ўзидир» дедим., «Бўлиши мумкин эмас», деган гаплар бўлди. Эпидемияга қарши йўриқнома ишлаб чиқиш комиссияси раиси этиб мен тайинландим, комиссияга аъзо қилиб А.Зоҳидов, И.Шифрин, А.Петрова, Б.Маъзумовлар киритилди. Тез фурсатда Қорақалпоғистон ва Хоразмда фавқулудда ҳолат эълон қилиниб, карантинга олинди, икки-уч соат ичида шошилиш чора-тадбирлар тўғрисида йўриқномалар ишлаб чиқилди. Орадан бир кун ўтмасдан мен вабо вибрионларини микроскоп орқали топиб, ташхисни ойдишлаштириб бердим. Шу тарика юзлаб фуқароларимизнинг ҳаётига таҳдид солган эпидемиянинг олди олинди.

Олимни ўша йилидаёқ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига сайладилар, мамлакатимизнинг бир неча юксак мукофотларига сазовор бўлди. И.Мусабоевнинг халқимиз саломатлиги йўлидаги меҳнатлари инobatга олиниб, унинг номи Англиядаги Халқаро интеллектларнинг «Ким аслида ким?» китобига киритилди. Устознинг илмий салоҳият йўлида яратган мактаби юртимиз ва хорижлик мутахассислар томонидан эътироф этилди.

У ўзининг сермахсул ҳаёти мобайнида 600 га яқин илмий мақолалар, 33 та монография, шифокорлар учун 5 та қўлланма ва 90 та илмий мақолалар тўплами яратган. Унинг бевосита раҳбарлигида 90 нафар фан номзоди ва 20 нафар олим эса, фан доктори даражасига етишди. Унинг барча шогирдлари олий ўқув юртлири

ва илмий текшириш институтларида фаолият юритиб халкимиз саломатлиги йўлида хизмат килмоқдалар.

Улуг замондошимиз Исҳоқ Қурбоновичнинг яратган илмий-тиббий мактаби, шунингдек, соҳада килган ихтиро ва кашфиётлари, бой мероси нафақат республикамизнинг, балки жаҳон тиббиёти фани тараккиётига ҳам катта хисса қўшганлигини эътироф этиш жониздир. Зеро, олим ҳаёти ва фаолиятининг серкирралиги, избратли умр йўли тўғрисида кўплаб мақолалар, ўнлаб рисоалар битилган ва кинофильмлар яратилган.

Алижон Зоҳидов

НИКОЛАЕВ АЛЕКСАНДР



Александр Иванович Николаев известный ученый биохимик, является одним из основателей иммунологической науки в Республике. А.И.Николаев родился в 1922 году в Рязанской области России в семье служащего. Закончив в 1939 году школу, он поступил в Одесский медицинский институт. В 1942 году был мобилизован в ряды Советской Армии. С 1942 по 1945г. А.И. Николаев служил помощником начальника взвода разведки. После победы над фашисткой Германией в 1945 году был демобилизован, и в 1946 году восстановлен на 3-й курс лечебного факультета ТашГосМИ, который закончил в 1949 году и был оставлен на кафедре биохимии института.

В 1949 и 1952 годы занимался на Военном факультете при Академии противохимической защиты.

После демобилизации с 1952 по 1958 годы работал преподавателем Военной кафедры Ташкентского Государственного медицинского и фармацевтического институтов. В 1956 году защитил кандидатскую диссертацию, а в 1962 году докторскую.

С 1958 по 1968г.г. Николаев А.И. работал заместителем директора Научно исследовательского института радиологии, рентгенологии и онкологии миинздрава РУз.

В этот период свои исследования он посвятил на разработке профилактики и лечения онкологических заболеваний, а так же лечению лучевых осложнений. Эти исследования проводились в тесном контакте с ведущими радиобиологами страны. Огромный труд в этом направлении нашел отражение в ряде статей, диссертациях его учеников, в исследованиях по радиобиологии, иммунологии и биохимии.

А.И. Николаев обладал удивительным чувством нового, актуального, необходимого в науке. С самого начала своей научной деятельности он способствовал реализации научных исследований, идеи своих учеников, определяя перспективы научных исследований, представляя им самостоятельность. Его ученики плодотворно развивают исследования в различных лабораториях институтов Академии наук и на кафедрах медицинских вузов Республики Узбекистан.

С 1968 по 1975 г.г. А.И. Николаев работал проректором по науке и профессором кафедры биохимии Ташкентского Государственного медицинского института. Организаторский талант, интеллигентность, тактичность и доброта позволили ему за сравнительно короткий срок сконцентрировать научные силы ведущих лабораторий и кафедр института на наиболее современные и актуальные проблемы медицины.

Круг его научных интересов охватывает ряд больших вопросов в различных отраслях медицины и, в особенности, иммунологии.

А.И. Николаев изучал аутоиммунные реакции в течении различных заболеваний, аутоантитела при хроническом тонзиллите и ревматизме, частоту и значение аутоиммунных изменений при заболеваниях желудочно-кишечного тракта, развитие аутоиммунных реакции при лучевой болезни, цитотоксическое действие аутоантител сыворотки лейкозных больных на ткань селезенки, биосинтез иммуноглобулинов на клеточном и субклеточном уровнях.

По результатам вышеуказанных исследований в эти годы А.И. Николаевым был издан ряд монографий: «Микроэлементы при лучевой болезни» (1968г.); «Иммунные реакции при химиотерапии»(1969г.), «Методы определения аутоантител и их сравнительная оценка»(1971г.), «Аспекты общей иммунопатологии»(1977г.), «Аспект частной иммунологии»(1978г.). В этих монографиях отражены общие закономерности в области иммунологии, течение иммунных, аутоиммунных процессов при различных заболеваниях. Уделял особое внимание иммунологическим исследованиям при интоксикации организма различными пестицидами и был соавтором монографии «Пестициды и иммунитет».

С 1975 года А.И. Николаев стал работать в Ташкентском медицинском педиатрическом институте проректором по науке и заведующим кафедрой биохимии. С 1985 года кафедра начала разрабатывать новую тему: «Молекулярные механизмы иммуногенеза и изыскание средств их регуляции». Актуальность темы определяется большим удельным весом вторичных иммунодефицитных заболеваний, которые могут возникнуть при вирусных хронических и бактериальных инфекциях, при различных хронических заболеваниях, при голодании, стрессовых ситуациях, хирургических операциях, аутоиммунных болезнях и при применении иммунодепрессантов, антибиотиков, гормонов.

Исследованиями сотрудников кафедры биохимии под руководством А.И. Николаева было выявлено, что при дефиците гормонов тимуса в органах и клетках иммунной системы, субклеточных структурах происходит глубокая метаболическая перестройка, предшествующая количественным и функциональным изменениям в иммунной системе. На основании этих исследований было установлено, что вторичные иммунодефициты при гормональной недостаточности тимуса обусловлены сочетаниями нарушений разных звеньев метаболизма в целом организме. Это необходимо в клинической трактовке патогенеза многих заболеваний и в разработке мероприятий для терапии и профилактики. По этой теме на кафедре была защищена одна докторская и пять кандидатских диссертаций.

Под руководством А.И. Николаева сотрудниками ЦНИЛа был изучен иммунологический статус много рожавших матерей и роль материнского молока в регуляции иммунной системы. Было выявлено, что дети, родившиеся от много рожавших матерей, наиболее ранимые в иммунологическом отношении. На основании результатов проведенных исследований был предложен ряд профилактических и оздоровительных мероприятий, которые позволяют педиатрам предотвратить повышенный риск по развитию вторичного иммунодефицита. Разработаны методы иммунокоррекции через рациональное витаминизированное питание матери и ребенка и профилактическое введение гаммаглобулина, интерферона.

А.И. Николаев сочетал научно-педагогическую деятельность с общественно-политической работой. Он на протяжении многих лет являлся членом УМС Минздрава РУз, членом редакционной коллегии «Медицинского журнала Узбекистана», заместителем председателя подсекции «Охраны окружающей среды АН РУз», принимал активное участие в качестве председателя по проверке научной деятельности научно-исследовательских институтов и медицинских вузов Узбекистана.

Большие заслуги А.И. Николаева перед Родиной отмечены Государственными наградами: дважды награжден орденом Красного Знамени и орденом «Знак почета», грамотами Верховного совета РУз, знаком «Отличник здравоохранения».

В 1979 году А.И. Николаев был избран академиком АН РУз, и ему было присвоено почетное звание «Заслуженный деятель науки и техники Республики Узбекистан».

А.И. Николаевым создана уникальная научная школа. Под его руководством защищены 17 докторских и более 90 кандидатских диссертаций, опубликовано 12 монографий, 275 научных статей. Он особое внимание уделял подготовке ученых из местных кадров.

А.И. Николаев являлся олицетворением трудолюбия, принципиальности, честности и самое главное, примером человека с высокими эстетическими принципами, внимательности к окружающим, требовательности и справедливости. Кафедре биологической химии института с 1996 году присвоено имя Николаева А.И.

Будучи проректором по науке и заведующим кафедрой биохимии А.И. Николаев в полной мере проявил научно-организаторские способности, широкий научный кругозор, интуицию ученого, дающую возможность правильно ориентироваться в различных областях знаний и отраслях науки. Под его руководством изучались биохимические нарушения при патологии органов пищеварения и печени, исследовались фосфолипидный, гликолипидный состав пораженных органов, пути коррекции выявленных нарушений, влияние на организм ядохимикатов, широко используемых в сельском хозяйстве. Для решения вышеуказанных проблем были использованы самые современные методы биохимии, биофизики и иммунологии. По результатам этих исследований были успешно защищены одна докторская и пять кандидатских диссертаций.

Светлая память о А.И. Николаеве - выдающемся ученом, талантливом учителе, кристально честном и чутком человеке навсегда сохранится в сердцах его учеников и последователей, и у тех кто вместе с ним трудился.

*Академик Саатов Т.С.
Профессор Турсунов Э.А*

ОБИДОВ АБДУРАҲИМ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Обидов Абдурахим Обидович Ўз ФА Академиги. Собик иттифок ТА ва Республикаимизнинг етук микробиолог олимларидан бири бўлган. У Тошкентда 1929 йилда тугилган.

А.Обидов 1953 йил ТошМини тугатиб, Тошкент вилоятида шифокор, бош шифокор лавозимларида ишлаган ва кейинчалик илмий фаолият билан шуғулланган. Аввал Тошкентда жойлашган Иттифок тасарруфидаги Тошкент Вакцина ва зардоб институтда илмий ходим лавозимида ишлаган, аспирантурада ўқиган ва 1959 йили «Дизентерия чакирувчи Флекснер таёкчасининг сунъий равишда олинган типик, атипик вариантларини киёсний ўрганиши» мавзусида номзодлик химоясини қилган.

50–70-йилларда Республикада юқумли ичак касалликлари айниқса, дизентерия касаллиги кўп учрар эди ва шунинг учун ҳам бу мавзу долзарб масалалардан бири эди. Иккинчидан, бўлажак олим Тошкент вилоятининг Юкори-Чирчик туманида ишлаган пайтда дизентерия касаллигини кўп кўрган ва бу касалликни чакирувчи микроблар хусусиятини ўрганиш унда илмий кизиқиш уйготганди.

60- йилдан бошлаб микробиолог олим Ўз ФА қошидаги Ўлка тиббий-илмий текшириш институтида (ушбу институт ўлка касалликлари камайганлиги ва республикада бўқок, диабет касалликларининг кўпайиб бораётганлиги сабаб, Эндокринология илмий текшириш институтига айлантирилган) микробиология лабораториясида ишлади ва уч йилдан сўнг уни Тошкент Вакцина ва зардоб илмий текшириш институтига директор лавозимига тайинлашди. У биргина илмий текшириш институти эмас, унинг қошидаги бактерияли ва вирусли препаратлар тайёрловчи корхона директори ҳам эди. Корхонанинг шаҳар ва шаҳардан ташқарида 20 дан кўп бинолари бор эди ва унда 1200 ходим ишларди. Олим директорлик лавозимида 18 йил, то 1981 йилгача ишлади ва бир вақтнинг ўзида (1972 йилдан бошлаб) ТошМининг микробиология ва вирусология кафедраси мудури вазифасини ҳам ўтади.

Кўпчиликнинг таъкидлашича А. Обидов директор бўлган йилларда мазкур илмий тиббий корхона тараккий топган. Институт биринчидан, бактерияли ва вирусли препаратлар билан биргина Ўзбекистон ва Ўрта Осиё Республикаларини эмас, балки дунёнинг 40 та мамлакатига шартнома асосида препаратлар етказиб берар эди. Бу жараённинг икки моҳияти бор эди. Биринчидан, бу препаратларда Ўзбекистон, Тошкент номи бор эди, узоқ мамлакатлар, элатларда «Тошкент препарати», ўзбек препарати» деган номлар сакланиб коларди. Бу ҳақда матбуотларда ҳам хабарлар берилган. Иккинчидан, касалликни олдини олиш ва вакцинация усули билан касалликни даволашда Тошкент препаратлари жуда кўл келар эди. Институт ва корхонанинг кенг қамровда ишлаши ва раҳбариятнинг катта ташаббуси билан Тошкентда чиқариладиган препаратлар турі 130 га етиб борди ва ўша даврда иттифокда энг обрўли корхоналардан бирига айланди.

Олим ишлаб чиқариш масалалари билан бирга илмий ишлари ҳам давом эттириб, дизентерия касаллигини чакирувчи иккинчи хил микроблар устида изланиш олиб борди ва 1965 йилда Москвада « Эшериха коли ва Шигелла, Флексперларнинг жинсий гибридизацияси» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Ва шу билан бирга илмий кадрлар тайёрлашга ҳам улгурди. Унинг кўл остида 4 та фан доктори ва 41 та фан номзоди етишиб чикди. Унинг ўзи 6 та монография, 9 та патент, 300дан кўп мақола муаллифи эди. Айниқса, ўзи раҳбарлик қилаётган институтнинг илмий амалий салоҳиятини кўтаришда катта ишлар қилди. Унинг раҳбарлигида 20 дан кўп бинолар қурилиб, ишланаётган препаратларнинг сони, сифатига ва айниқса, лаборатория ҳайвонларининг тўғри овқатланиши, сакланиши, тиббий кўриклардан ўтиб туриши, уларнинг соғ бўлишига эътибор кучайтирилди.

А.Обидов ўз ҳаёти давомида бир неча хорижий мамлакатларда илмий сафарларда бўлиб, Ўзбекистон микробиология фани байрогини баланд кўртарди, илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйди, чет элларда ўрганган амалиётларини Тошкентда қўллади.

1978 йил олим учун жуда омадли йил бўлди. У бир йилнинг ўзида Тиббиёт фанлари академиясига ва Ўзбекистон Фанлари академиясига мухбир аъзо бўлиб сайланди. 80-йилга келиб, ЎЗР ФА сига ҳақиқий аъзо бўлиб сайланди.

А.Обидовнинг илмий-амалий ва илмий-педагогик соҳадаги ютуқлари Давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У

«Хурмат белгиси» ордени, «Шухрат» медали ва бошқа катор медаллар билан тақдирланган, Франциянинг «Франция Пастери» медалини олган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими» унвонига сазовор бўлган, «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонни совриндори.

Мамлакатимизнинг йирик микробиолог олими, педагог, академик Абдурахим Обидов ўз шогирдлари ва кенг жамоатчилик қалбида абадий қолган барҳаёт инсондир.

Эркин Турсунов

ОРИФОВ ЎКТАМ



Ҳа, сўз ЎЗР ФА ва Россия Тиббиёт Фанлари Академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўктам Орифов хақида бормокда. Улар 1927 йилда Жиззах вилоятида туғилган ва 1948 йилда Самарканд Тиббиёт институтини тугатиб, шу институтда клиник ординатор, ассистент, доцент, кафедра мудирини, декан, проректор, сўнг Республика Соғлиқни сақлаш вазирини муовинини, ТошМИ ректорини вазифаларида ишлаган ва 1964 йилдан умрининг охиригача ҳозирги Тошкент Тиббиёт Академияси жарроҳлик кафедрасини мудирини лавозимида ишлаб келган.

Ўктам аканинг ҳаёт йўли бир қараганда кўп олимларникидек оддий кўринса-да, лекин унинг босиб ўтган ҳаёт йўли ўта мураккаб, ташвишли ва қувончли дамлардан иборат. У шундай хотирлайди:

«Онам ўта саховатпеша, меҳрибон, ширинсухан ва ҳайратда қолдирадиган даражада сабр-қаноатли ва садоқатли аёл эдилар. Отам қамоққа олинган, дастлаб Тошкентдан қувғин қилинганмиз. Жиззахда яшаётган пайтларимизда у ерда ҳам тазйиқ бошлангач, «Халқ душмани оиласи» сифатида бадарга қилинганмиз. Кейинчалик билишимча, «Халқ душманининг оиласи» саноати ривожланган шаҳарларда қўпоровчилик қилиши мумкин, дея сурғунга жўнатилар экан. Ваҳолонки, ўша даврда Жиззахда бор йўғи биттагина оҳак заводи бўлган экан. Аммо ўша пайтларда «салла деса каллани олувчи» туман ижроқўми фаолларидан бири бизга кўп эсабру ситамлар қилган. Хуллас, онам уч фарзандлари, яъни бизлар билан Хоразм вилоятининг Хонқа тумани ҳудудига бадарга қилингандик. Ҳаммаёқ батчиқ, қалмишзор, пашиша-ю, сўналар чақавериб бадалларимиз яра бўлиб кетганди. Аксига олиб, ўша йиллари безгак касали тарқалганди. Онам кўни билан рўзгор тебратиши учун тер тўқар, кечаси ухлаёлмай гингишиб чиқадиган укамни пашишалардан қўриб, тонг орттирардилар. Бир неча йиллик сарсон-саргардончиликдан сўнг, ниҳоят тоғам бизни яширин тарзда Жиззахга қайтариб кўчириб келганлар. Орадан қанча сувлар оқиб ўтиб кетди...

1953 йили мен Самарқандда Республика клиник шифохонасининг бош шифокори ва СамТН жарроҳлик кафедрасининг ассистенти бўлиб ишлардим. Кечаси ярим тунда оғир аҳволдаги бемор шифохонага тушганлиги хабарини етказмигач, тезда етиб бордим. Қарасам, Жиззахдан бизни қувиб, жабр ситам етказган ака қон қайт қилиб ётибди. Мен у кишини бир кўримидаёқ танисамда, сир бой бермадим. Зарурий муолажаларни қилиб, аҳволлари оғир бўлгани учун, тез операция столига олдик». Азиз китобхон! Сиз бу хотира туфайлик бир томондан оғир қушлар кечирган инсоннинг одамийлигидан ва собиқ тизимдаги адолатсизликдан хабардор бўлдингиз.

Ўқтам аканинг катта ташкилотчилик қобилияти, илмга чанқок ва илмпарвар олимлиги унинг ТошМНда ишлаб юрган даврларида намоён бўлди. Улар Тошкент давлат тиббиёт институти жарроҳлик кафедрасига мудирлик қилган даврда кафедра 240 ўрнили замонавий клиник базага эга бўлиб, шу даврда қуйидаги махсулаштирилган жарроҳлик марказлари ташкил этилди ва бу марказларда жарроҳликнинг янги усуллари қўлланила бошланди:

- а) жигар-ошқозон ости беши ва биллар тизим жарроҳлик маркази;
- б) ошқозон-ичак тизими жарроҳлик маркази;
- в) буйракни кўчириб ўтказиш маркази ва гемодиализ лабораторияси;
- г) колопроктология маркази ва ҳ.к.

1972 йил 14 сентябрда Ўрта Осиё худудида биринчи бор сурункали буйрак етишмовчилиги билан оғриган беморга буйрак кўчириб ўтказиш операциясини профессор Ўқтам Орифов муваффақиятли тарзда амалга оширди ва шу даврдан бошлаб буйракни кўчириб ўтказиш Тошкентда муваффақиятли йўлга қўйилди. Ошқозон, ўн икки бармоқ ичак ярасини даволашда қатор янгиликларнинг қўлланилишини муваффақиятли тарзда ўтабошлади. Абдоминал жарроҳлик соҳасида ҳам кўплаб янгиликларга асос солинди.

1975 йилда кафедра қошида аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказганда тўқималар номувофиқлигини бартараф этадиган илмий-текшириш лабораторияси ташкил этилди.

Шулар билан бир қаторда янги дориларни синаб кўриш ва уларни яратиш устида ҳам самарали ишлар олиб борилди. Янги самарадор иммунодепрессив дориворлар – Батриден, Мегосин ишлаб чиқилди.

Дунёда биринчи бўлиб эшак Антилимфоцитар иммуноглобулини олиниб, клиник трансплантологияда муваффақиятли қўлла-

нилди. Бу ишлар оддий бир ўзбек олимнинг жарроҳлик билимини, қолаверса, тиббий билимнинг ривожига кўшган катта хиссасидир.

Ўқтам Орифов кўпқирралик олим эди, у биргина жарроҳлик фаолияти билан чекланмади, доим изланишда бўлди, ўз шогирдларини ҳам изланишга етаклади, жуда кўп шогирдлар етиштириб ўлкамиз тиббиётининг ривожига улкан хисса қўшди. Унинг раҳбарлигида инсулинга боғлиқ қандли диабет касаллигини даволашда қоракўл кўзичокларининг ошқозон ости безидан олинган Лангерганс (оролча) хужайралари ёрдамида даволаш клиник амалиётида муваффақиятли қўлланилди. Бу услуб амалиётда 150 бор қўлланилиб, ўз самарадорлигини исбот этди.

Дунё хисоб-китобли, ҳар нарсанинг ўлчови бор, лекин ҳар инсонда бу ўлчов ҳар хил, яъни қилган меҳнатига яраша ҳосили бўлади. Ўқтам ака раҳбарлигида 25 та докторлик, 80га яқин номзодлик диссертациялари муваффақиятли ҳимоя қилинган. Ў.Орифов томонидан 450 илмий мақола, 18 рисола, 3 нафар ўқув қўлланма чоп этилган, 30 дан ортиқ патентлар олинган. Ўқтам Орифов кузатувчан, янгиликка иштилувчан, катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган инсон. Уларнинг хотираларини шогирдлари М.Мурод шундай келтиради:

«Умрим мобайнида Жағубий Америка ва Австралиядан бошқа дунёнинг барча мамлакатларида бўлишга муваффақ бўлдим. Албатта, ўзга юртларга сайру саёхатни эмас, илмнинг янги уфқларидан баҳраманд бўлишни ўйлаб борганман. Энди айрим муваффақиятларимиз ва муаммолар борасида қисқача тўхталсам:

Трансплантология соҳасидаги энг салмоқли ишлар Осиё ҳудудида биричи бўлиб, Ўзбекистонда амалга оширилган эди. Буйракнинг кўчириб ўтказиш операцияси Жаҳонда илк бор 1950 йилда амалга оширилган бўлса, собиқ иттифок ҳудудида уни биричи бўлиб 1965 йили профессор Б.В.Петровский амалга оширган эди. Аммо Москва ва Тошкентдаги шарт-шароитлар бир-биридан ер билан осмондек фарқ қиларди. Шундай бўлса-да, ўта захматли бу ишларни Ўзбекистон шароитида йўлга қўйиш учун экспериментал ишлар қила бошладик. Тажрибаларни 1968 йил бошлаган бўлсак, одамдаги илк амалиётни, яъни операцияни 1972 йил 14 сентябрь кунини амалга оширдик. Ҳозирги кунга қадар 300 дан зиёд кўчириб ўтказиш операцияларини муваффақиятли амалга оширганмиз.

Ўн беш йил давомида Тошкент Тиббиёт институтига ректорлик қилдим. Имкон қадар адолат тарозисининг мувозанатини сақлашни уддалай олганман. Қабул пайти, имтиҳондан «икки» олганларнинг ишини эринмасдан ўзим қайта кўриб чиқардим. Қайта имтиҳонларда ўзим қатнашардим. Мактабни олтин медаль, техникумни имтиёзли диплом билан тугаллаганлар билан имтиҳонлар олдидан салоҳиятини билиш учун суҳбатлар ўтказардим. Умуман, имтиҳонларда атайин адолатсизлик бўлишига йўл қўймаганман.

«1964 йилнинг октябрь ойида Соғлиқни сақлаш вазирининг муовини сифатида иш бошладим. 1965 йилда эса Қорақалпоғистон ҳудудида машъум вабо эпидемияси бошланди. Вазир зудлик билан ўша ҳудудга юборилди ва саккиз ой мабайнида Тошкентда бўлмади. Шу пайтларда вазирлик масъулиятини зиммамга олишимга тўғри келган... шифокорларга қўл келиб асқотадиган йигирма битта кўрсатма – йўриқномалар ёзганман. Тиббиёт соҳасининг заҳматлари боис, жаҳоннинг бирор бир мамлакатида бир йил ичида йўқотилиши уддаланмаган дарддан бир йил фурсатда қутилиш Ўзбекистондагина уддаланилган эди...

1966 йилдаги машъум зилзиладан бир кун олдин Соғлиқни сақлаш вазирини ишдан олишган эди. Барча зилзила офати билан андармон бўлиб, янги вазирни тайин этиш ҳам унитилди. Шу сабаб тўрт ярим ой давомида вазир вазифасини уддалашимга ҳам тўғри келди. Қаранги, бу бало-қазо боис, тиббиётимизнинг беш минг ўриндан иборат шифо масканларини йўқотдик. Аммо ўта устомонлик ва тадбиркорлик билан йил охиригача бу ўринларни тиклай олдик. Ҳатто Москвадагилар ҳам хангу манг бўлиб қолишди. Тошкент шаҳридаги деярли барча интернат мактабларни шифохонага айлантирдик. Бу интернатларда ётоқхона, ошхона, ювиш хоналари мавжудлиги бизга қўл келди ва арзимас маблағлар эвазига улар замонавий шифо масканларига айлантирилди. Албатта, бу ишларни амалга ошириш учун катта тўсиқлар, қаршиликларни бартараф этишга тўғри келди. Ўша пайтдаги Марказқўм котибларидан бирига, бу интернатлардаги 70 – 90 фоиз болаларнинг ота-оналари борлиги, уларнинг аксарияти мажбурлаб олиб келинганлиги ва бу мактабларни ёпиш ҳеч қандай йўқотишга олиб келмаслигини тушунтиргунимизча не-не маломат тошларига рўбарў келганмиз. Ўз соҳамиз зиммасидаги заҳматларни бартараф этиб, эндигина бир

муддат тин олай деб турган пайтимизда Тошкент шаҳридаги ховлилардан бирида вабо пайдо бўлди. Қоидага кўра, Тошкент шаҳри ёпилиши лозим эди, аммо Москвадан рухсат берилмади. Колаверса, бу касаллик учраганлиги ўта махфий сир сифатида сакланди ва бирор бир қоғозда қайд этилмади. Аммо бу касалликка учраган микроҳудудни зудлик билан чегараладик. Шу ҳудуддаги 17 минг аҳолини бир ҳафта ичида уч маротаба тўлик текширувдан ўтказдик. Натижада, ҳам касаллик тарқалишини бартараф этдик ва тиббий текширувлардан ўтказилган аҳолининг бошқа касалликларини ҳам даволадик. Худога шукурки, вабо касали ўша ховлида уч кишидан бошқа ҳеч кимга юкмади.»

Ҳа, Ўктам Ориповнинг ҳаёти бошқа олиму шифокорларга ўрнак бўладиган ҳаёт. Қаранг 4 кизу 1 ўғил отаси бўлган, катта олимлик даражасига кўтарилган Ўктам ака бир вақтлар ноҳақлик қурбони бўлган оталари Орифбек аканинг фарзанди эди. Орифбек ака Республика оксоколи Йўлдош Охунбобоевнинг котиби лавозимида ишлаган, ўша 30-йилларнинг алғов-далғов пайтларида ноҳақ қамалган ва 1937 йилда адолатсизларча отиб ташланган. Кейинги йилларда ҳам бу оила (1983-84) тазйикла яшаган. Шундай бўлса-да, Ўктам акадаги ирода, илмга бўлган ҳавас, инсонийлик, мардлик, илмпарварлик, мақсад сари бетиним курашлар, уни доим олға етаклади, бу курашларда мўътабар аёллари Розияхон опа ҳам елкадош бўлдилар.

Ўктам Орифов бизнинг Республикага эмас, хорижга ҳам танилган катта олимдир. У Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, халқаро гепатологлар жамияти аъзоси, Будапешт Тиббиёт университети фахрий доктори даражасига кўтарилган олим. Уларнинг фарзандлари ҳам тиббиёт соҳасида баракали хизмат қилмоқдалар, улардан бири Тамара Орифова Ўзбекистон Иммунология институти директори сифатида Республикада иммунология соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Ҳа, Ўктам Орифов Ўзбекистонимизнинг буюк олимлари қаторидан муносиб жой олган, халқимиз фахрланса арзийдиган олим сифатида қолажак.

Биз ушбу очеркни тайёрлашда Ў. Муҳаммад Муроднинг китобларидан фойдаландик. Ундан ташқари, маълум муддатда бу улуг инсон қўллари остида озгина бўлса-да ишлаганимиз (Ўктам ака ректор бўлиб келганларида камини институт ходимлар касаб

уюшмаси раиси муовини эди). улар билан бирга ишлаган кўпгина дўстларимиз, ҳамкасблар билан бўлган мулоқотлар, Ўқтам аканинг шогирди академик Шавкат Каримов, жарроҳ-ангиолог жияним профессор Турсунов Бахтиёр билан бўлган суҳбатларимиз жуда ҳам кўл келди.

Эркин Турсунов

ОТАХОНОВ ЭРГАШ



Ўзбекистон Фанлар ва Иттифок Тиббиёт Фанлари Академиясининг аъзоси, машхур ўзбек олим, терапевт-гематолог **Эргаш Исабоевич Отахонов** биргина Республикада эмас, балки жаҳонга танилган терапевт-гематолог олимлардан саналади. Исабой ака ўгли Эргаш Отахонов Наманган шаҳрида, хизматчи оиласида туғилди. Отахон ака 9 та фарзанд кўрди, лекин умрлари қисқа экан, 8 таси дунёдан ўтди, ҳатто ўша замонда прим қилиб, Чинниҳон деган етим қизни боқиб олишса ҳам, ажал бу уй-ни четлаб ўтмади. Биргина Исабой ўгли Эргаш тирик қолди, холос.

Тиббиётнинг ривож топмагани, даладаги огир меҳнат, фақирлик, зах, гарибона кулбаларда ҳаёт кечириш туфайли вабо, ўлат, чечак, тошмали терлама, безгак, бруцеллез, ришта, чиллашир, пеллагра, тиф, бўқок, тери-таносил касалликлари, трахома, сил ва бошқа шунга ўхшаш касалликлар кенг тарқалган ўша замонларда болалар ўлими ҳам анча юқори эди. Буларни кўрган Эргаш улғайгач шифокор бўлишга аҳд қилди.

У дилидаги ниятини ўзи билан бирга ўқинётган синфдошлари Ёлқин Тўракулов ва Сайфи Шамсиевлар билан ўртоқлашди. Эргаш, дўстлари билан Намангандаги медицина ишчи факультетига (мед-рабфак) ўқишга киради ва уни аъло баҳолар билан битирди. 1931 йилда Тошкент медицина институтида ўқишни бошлаб, талабалик даврида терапия кафедрасида талабалар илмий тўғарагида фаол қатнашади. У 1936 йили институтни имтимёзли диплом билан битиргач, Наманганга қайтиб келиб иш бошлади, сўнгра, ТошМИ терапия клиникасига аспирантурага киради.

Лекин ўртада ҳарбий хизмат (у Қора денгиз флотига - Севастопол шаҳрида хизмат қилган), турли хулудлардаги шифокорлик ишлари уни вақтинчалик аспирантурани тўхтатишга мажбур этди. Ва ниҳоят ТошМИ даргоҳида 1941 йилда у муддатидан илгари «Турли хил (анемия) камқонлик патогенези ва клиникаси» мавзусида номзодлик ҳимоясини қилди.

40-50 йилларда ТошМИ га маҳаллий кадрлар жуда керак эди. Ҳали рус тилини яхши билмайдиган талабаларга асосан русийзабон домлалар дарс беришар эди. Эргаш акага ўхшаш ўқитувчилар

анконинг уругидек кам топиларди. Доцент, профессор даражасига чиққанлар эса, бир-икки санокли эди. Шу даврда Эргаш ака икки нарсани англаб етди: бири тезликда докторлик ишнини қилиш лозим, иккинчидан, турмуш масаласини хал этиш эди.

1956 йилда ёш олимни Андижон тиббиёт институтининг очилишига, комиссия таркибида жўнатилди. Эргаш Отахонов институт очилишида қатнашди ва бира тўла турмуш масаласини ҳам хал қилиб келди. Ўша йили иктисодчи Қумрихон ая билан уларнинг тўйлари бўлди. У беш фаразанд—шундан тўрт олим—шифокорнинг отаси бўлди: Отахонова Лиля—Тошкент Врачлар Малакасини ошириш институтида кафедра мудирини, Шовкат Отахонов—тиббиёт фаилари доктори, шифокор; Шухрат Отахонов—тиббиёт фаилари доктори, реаниматолог, хозирда ЎзР ССВ да Бош бошкарма бошлиғи, Нигора Отахонова—профессор ТМА онкология кафедрасининг мудирасини.

Э.Отахоновни номзодлик химоясидан сўнг кўпчилик ҳам-касблари гематолог-терапевт деб атайдиган бўлдилар, чунки у номзодлик ишида камқонлик сабабаларини, патогенези хақида янги тушуничалар киритди. Ёш олим терапия фанига кириб келаётган давр Ўзбекистонда ички касалликлар бўйича талайгина муаммолар хал қилинаётган пайтлар эди. Москвалик олим А.Н.Крюков, маҳаллий олимлар М.И.Слоним, И.А.Кассирский ва уларнинг шогирдлари ўлка касалликлари бўйича кўплаб амалий ва илмий ишлар бошлаган ва бажараётган эдилар.

20–40-йилларда спру, пеллагра номлари билан юритилувчи ва касаллик заминида энтерит касаллигининг ётишини, касалликни даволашда тўғри овқатланишини йўлга қўйиш масаласини, бактериал омиллардан ташқари бошқа омиллар, яъни иссиқ иқлим ва ш.к. ётиши аниқланаётган эди. Олим терапия билан бирга кўпроқ гематология сирларини ўргана бошлади. Шу даврда гематологияда иккита катта муаммо бўлиб, шулар атрофида катта тортишувлар бўлаётган эди.

Назарий томондан гемопозез хақида нечта қон яратувчи она хужайра бор? Ҳамма қон шаклли элементлари бир она хужайрадан ривожланишимиз ёки она хужайралар кўпми, деган муаммо ётарди. 1920–25 йилларда Санкт-Петербургда гистолог олим А.Максимов унитар назарияни яратди. Тошкентда эса Н.Н.Крюков ва унинг шогирдлари ҳам шу назария бўйича ишлар эдилар. Лекин дуалистлар лимфопозез ва миелопозез икки она хужайраларидан бошланади де-

салар, триалистлар учта она хужайра ҳақида гапирар эдилар. Қисқаси, гематологияда назариялар курашни кетмоқда эди.

Иккинчи муаммо, бу – Ўзбекистонда анемия–камқонлик касаллигининг кўплиги ва унинг сабабларини ўрганиш муаммоси эди. Э.Отахонов бу муаммолар бўйича ўз устозлари ёрдамида бетиним ишлади ва биргина гематология бўйича 15 дан ортик илмий мақола эълон қилди, даволаш усуллари тўғри йўлга қўйиш асосий вази-фа бўлиб қолган эди.

1942 йилдан Э.Отахонов Ўзбекистон Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтига директор этиб тайинланди ва унинг олдида катта режалар пайдо бўлди: докторлик ҳимояси, шогирдлар тайёрлаш, терапия соҳасига янги ташхис, даволаш усуллари киритиш ва бошқалар шулар жумласидан эди.

Жаҳон урушидан сўнг, Ўзбекистон Ҳукуматининг илмий кадрлар тайёрлаш ҳақидаги махсус қарори билан бир неча олимлар ичида 4 та фан номзоди–терапевт Э.Отахонов, педиатр С.Шамсиев, биокимёгар Ё.Тўрақулов, патанатом А.Магрупповлар 1945 йилда Москвага докторантурага жўнатилди. Отахонов Марказий малака ошириш институтига–устозлари А.Крюков, И.Кассирский олдига борди.

А.Крюков 1920 йилда Москвадан Тошкентга ёрдамга келган, дунё таниган олим, гематолог, терапевт, Тошкентда кўп шогирдлар тайёрлаган. И.А.Кассирский асли Фарғонада туғилган бўлиб, Москвада ўқиган сўнг Тошкентга келиб, А.Крюков билан бирга ишлаган. У ҳам дунёга танилган олим – гематолог, терапевт. Улар Тошкентда ишлаб, кўплаб шогирдлар тайёрлашган ва ўчмас из қолдиришган. Э.Отахонов И.А.Кассирский қўлида докторлик ишини бошлади.

У ўз илмий йўналишида гематология ва гастроэнтерологияни таълади. Ҳазм аъзолари касалликларини анемия билан боғлиқлиги ҳақида катор ғояларни илгари сурди ва биринчилардан бўлиб, бу икки тизимнинг ўзаро морфологик ва функционал боғлиқлигини илмий ва амалий асослаб берди. Бу билан фанда янги йўналишни ривожлаштирди.

Олим 1949 йилда докторлик ҳимоясини ёқлади. У биринчилардан бўлиб, турли анемия ва эритремия касалликларида эритроцитларнинг кислородни ташиш, кислородни ажратиш, тўқималарга узатиш функциясидаги махсус хусусиятларга эга бўлган ўзгаришларни аниқлади. Фанда бу катта янгилик эди. 1952 йилда «К пато-

генезу важнейших заболеваний кроветворной системы» монографиясини эълон килди.

1951 йилдан бошлаб, янги очилган ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасига мудир бўлиб ўтди. Э.Отахонов янги илмий педагогик жамоани туза олди, чет элдан янги жихозлар келтирди. Олимнинг катта меҳнати туфайли гастроэнтерология ва гематология бўйича кенг масштабли ишлар бошланиб кетди. Гастроэнтерологиянинг энг муҳим муаммолари – сурункали ҳазм найи касалликлар этиопатогенези, кечиш хусусиятлари, даволаш усулларига катта эътибор берилди. Биринчи галда ичак касалликлари таиланди: спру, диспепсия, энтероколит, энтерит, колитларнинг жигар касалликлари билан муносабати ҳам ўрганилди. Бу ишлар ўша даврда икки катта янгиликка олиб келди: анемиянинг энтероген механизмлари очилди ва сурункали энтероколитнинг Э.Отахонов номи билан айтиладиган янги халқаро таснифи (классификацияси) яратилди.

Отахонов биринчилардан бўлиб хомилдор аёлларда мегалобластлар гиперхром анемиянинг, фоллев кислота, витамин В₁₂ ва зардобдаги темирни етишмаслигидан келиб чиқишини исботлади. Шу билан бирга микроэлементлар СО, Си ларнинг етишмаслиги кўрсатилди. Бу ҳам катта янгилик эди. Олимнинг яна катта хизматларидан бири, бу – ҳазм найи, айниқса, ичак касалликларида оксил гидролизатларини қўллашни йўлга қўйиши эди. Гидролизин Л-103, аминокептид-2 каби оксил ўрнида қўлланувчи суюкликлар биринчилар қатори Тошкентда текшириб кўрилди ва қўлланди. Э.Отахонов клиник гастроэнтерологияни Ўзбекистонда юкори даражада ўрганиб, бу фаани бойитди. Кўп очилмаган кирраларни очиб берди ва 1957 йилда энтероколитларнинг биринчи бор таснифини яратди ва уни илмий амалий асослади. Унинг фикрича, энтероколит икки хил, ингичка ичак жароҳати устувор бўлган энтероколит ва йўғон ичак жароҳати устувор бўлган энтероколит бўлишини аниқлади. Собиқ иттифок терапевтларининг XIV анжуманида ва 1960 йилда Токиодаги халқаро анжуманида Э.Отахоновнинг ишчи таснифи қабул қилинди ва тарихга кирди.

60–70-йилларда олим ташкил этган биофизик лабораторияда нурланган витамин В₁₂, олеин кислотаси, нейтрал ёғлар, оксиллар сўрилиши ўрганилди. Бу билан ўша йиллардаги «Ҳазм физиологияси ва патологияси» муаммоларининг ечилишига катта салмокли ҳисса қўшилди. Аслида, академик К.Зуфаров ва Э.Отахоновлар биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда «Ҳазм физиологияси ва патоло-

гияси» бўйича Республика муаммоли комиссия тузилишини ёклашган ва амалга оширган олимлардан ҳисобланади. Бунинг қатор сабаблари бор эди:

Ўзбекистонда катта олимлар М.И.Слоим, Н.Н.Крюков, И.А.Асқаров, И.А.Кассирский, Н.И.Исмоилов, Э.И.Отахоновлар томонидан ҳазм аъзолари касалликларини Ўзбекистонда кўп учраши, уларнинг патогенези, клиникаси, кўпайиш сабаблари, улар қолдираётган асоратлар бўйича анча маълумотлар тўпланган эди.

Э.Отахонов лабораториясида ҳазм аъзолари касалликлари бўйича энг замонавий жиҳозлар билан янги усулда ишлар бошланган эди ва бу лабораторияда шу соҳада ишлайдиган олимлар тўпланган эди.

К.Зуфаров кафедрасида ва бошқа кўп тиббий биологик кафедраларда бу соҳа бўйича замонавий морфо-цитохимик усулларни қўллаб ишлайётган ёшлар бор эди.

Яна бир муҳим жиҳат, К.Зуфаров ТошДавТИ да ректор, Э.Отахонов ССВ да Илмий кенгаши раиси эди, бу ҳам айрим техник қийинчиликларни йўқотишга ёрдам берарди, икки олим ҳам Ўзбекистонда гастроэнтерологияни янги қирраларда ривожлантиришида бир муштарак фикрда эдилар.

Бу икки олим ортидан эргашувчилар ҳам кўп эди.

Шунинг учун ҳам ЎзССВ да тузилган комиссиялар ичида «Ҳазм физиологияси ва патологияси» муаммоли комиссия иши жуда баракали ва сермахсул бўлди. 60–70-йилларга келиб, энг муҳим янгиликлар татбиқ этилди:

- сурункали энтероколит ичакнинг паразитар ва бактериал касалликлари оқибатида келиб чиқади;
- сурункали энтероколит ошқозон касаллиги оқибатида ҳам келиб чиқади;
- сурункали энтероколит ошқозон ахилиясида (бу ҳолатда оксилларнинг тўлиқ парчаланмаслигида дисбактериоз шаклланади), бижғиш диспепсияси келиб чиқади ва энтероколитга олиб келади;
- энтероколит ривожидида климатик омил, овқатланишнинг бузилиши, бир хил овқатланиш роль ўйнайди;
- ошқозон, жигар ва ичакнинг касбий касалликлари ҳам сурункали энтероколитга олиб келади;
- сурункали энтероколит анемияга олиб келади, у ҳам ўз вақтида қатор асоратлар беради.

Э. Отахонов 1952 йилдаёқ «Анемия ҳақида ҳозирги замон таълимоти» маколasiда эритропоззни фолиев кислота, витамин В₁₂ ва фенилаланиннинг бошқариши ҳақида маълумот берган эди. Аддиссон – Бирмер касаллигида гемоглобинлар турларининг ўзаро муносабати бузилишидан кўра, кўпроқ нормобластик кон яратишдан мегалобластик кон яратишнинг устулиги ётиши ҳақида ҳам олим ўз фикрини айтиб ўтган эди. Олим ўз гоёларини иттифокнинг марказий ойномаларида эълон қилди ва машхур «фигура»лардан бирига айланди. Шу икки қатор шеър Э.Отахоновга айтилгандек эди:

*Ўзингни илм билра безатгин,
Фақат қилхоб қийган эмасдур гўзал.*

Э.Отахонов қисқа умри давомида кўпгина хориж мамлакатларида бўлиб (яна иттифок даврида! У вақтларда Республикалардан хорижга чиқиш жуда қийин эди), йирик ўзбек олими сифатида танилди. Э.Отахонов 1957–1967 йил ичида 5 та катта хориж мамлакатларида бўлди. Ва катта маърузалар қилди. Шундан энг таассуротга бой бўлгани, бу Франция ва Япония сафари эди.

1960 йилда Э.Отахонов Токиода бўлиб ўтган халқаро гематологларнинг VIII Конгрессида қатнашиб, «Сурункали касалликларининг кон тизимига таъсири» мавзусида маъруза қилди, ичак касалликларида «анемик синдром» нинг келиб чиқиши сабаблари ҳақида ўз фикрини билдирди. Бу анжуманда яна бир бор ўзининг сурункали энтероколит бўйича таснифини ҳам тасдиқлашиб олди ва мустақил фикрларини билдириб, ўзининг йирик олим эканлигини кўрсата олди.

Тарихга назар ташласак, кўпгина катта олимлар ўзларининг асосий иш жойларидан ташқари, бирон даргоҳда ёки раҳбар, ёки бўлим бошлиғи лавозимларида ишлашган. Э.Отахонов ассистентлик давридаёқ «Гематология ва кон қуйиш институти» да директор, ТошДавТИ да илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида ҳам ишлади. Шу вақтда Давлатнинг «Олий ўқув юртларида илмий ишларни ташкил этиш» қарорини бажаришда кўп ишлар қилди. Э.Отахоновнинг ТошДавТИ да кўрсатган ташкилотчилик қобилияти туфайли уни Республика ССВ да тиббиёт фани штаби – Илмий Тиббий Кенгаш раиси лавозимида кўтардилар ва у бу лавозимда тарихда ўчмас излар қолдирди.

Олим 1956 йилда «Советское здравоохранение» журналидаги мақоласи ва 1958 йилда «Вестник Академии медицинских наук СССР» журналининг 6-сонида ўзининг ўша даврдаги ўткир чиқишлари билан қатнашди. «К вопросу о путях реорганизации медицинской науки» мақоласида Иттифок тиббиёт академиясининг Республика филиалларининг очилишини талаб қилди ва улар олди-га аниқ вазифалар қўяди, ўша даврда бундай чиқиш катта жасорат эди. Олим ўз мақоласида жуда бўлмаганда ТФАнинг Сибир, Ўрта Осиё, Кавказ, Белоруссия ва Прибалтика каби регионларини ташкил этиб, уларга биринчи галда ўлка патологияси, иқлим шароитлари, регионар хусусиятларидан келиб чиқиб ишлашни таклиф этди. Унинг таклифлари қисман бажарилди.

Олимнинг 1960 йилда «Тиббиёт институтларида илмий-текшириш ишларини ташкил этиш» мақоласида қўйган масаласи жуда ҳам долзарб эди ва бу даврда ҳар ким матбуотда бундай кескин чиқа олмас эди. Унинг таклифидан сўнг, Олий таълим вазирлиги ўзининг 100-буйруғига ўзгартиришлар киритди. Олий таълим вазирлиги қўшимча ёрдамчи ходимлар нормативларини ишлаб чиқди. У тиббиёт институтларида Марказий илмий текшириш лабораторияларини очиб ва уларда замонавий усулларни қўллашни таклиф этдики, бу ҳолат олимнинг узокки кўриши, вазифалар қўя билиши каби моҳирона хусусиятга эга эканлигини яна бир бор намоён этди.

Э.Отахонов Ўзбекистон терапевтлар жамиятининг раиси сифатида соҳа муаммоларини ечишда, Республикада салоҳиятли тадбирлар ўтказишда катта ишлар қилди.

Хулоса қилиб айтганда, Э. Отахонов қисқа умри даврида терапевтик мактаб яратди, бир қанча йиринк олимлар тайёрлади, фанда, ташкилотчиликда, соғлиқни сақлаш тизимида ўчмас из қолдирди.



*Э.Н.Отахонов ТошДавТИ илмий Кенгашида маъруза қилмоқда,
1965 й.*



**Ўзбекистон Фаилар Академияси Президенти Обид Содиқов
(2- қаторда охирида)**

Эркин Турсунов, Турғунулат Даминов

РАҲИМЖОНОВ АБДУМАННОП



«Ўғлим, шунинг эшитиб ол, ҳар бир инсон яхши касб эгаси бўлмағи лозим. Тўғри, ҳар бир касб халқ, ватан учун керак, лекин мен шифокорлик касбини жуда улуғлайман. Бу касб ўзинг, онланг ва халқ учун қанда ва донмо керак».

Бу сўзлар бундан 90 йиллар илгари Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтининг узок йиллар ишлаган собиқ ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Абдуманноп Раҳимжоновга, унинг отаси Абдурахмон қори Раҳимжон ўғли томонидан айтилган сўзлар эди.

А.Раҳимжонов 1943 йилда ТошМИнинг Даволаш факультетига ўқишга кирди ва 1947 йилда уни имтиёзли диплом билан биттириб, ўша вақтда профессор Б. Берлинер раҳбарлик қилаётган Травматология илмий текшириш институтининг нейрохирургия бўлимида клиник ординатор бўлиб ишга олинди. У ерда кўп ҳам ишламай Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтини Асаб касалликлари кафедрасига шу лавозим билан ишга ўтди. Бу ерга уни 1946 йилда шу кафедрага мудир бўлиб келган профессор Я.Гордон таклиф қилган эди. Абдуманноп ака институтда аъло ўқир, унга ўқишда тенг келадиганлар кам эди, биринчилардан бўлиб институтда 3 йил ўқиш давомида ўша даврдаги энг катта ва энг имтиёзли стипендиант бўлган эди.

Профессор Я. Гордон: «яхши нейрохирург бўлиш учун аввал яхши невропатолог бўлиш лозим» дея таъкидлар эди унга. Абдуманноп ака шу-шу невропатология билан қизиқиб қолди. Унинг невропатолог бўлишида ўша вақтда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазир муовини Х.Ҳакимов, институт директори Ж.Пўлатовлар ҳам керакли ёрдам кўрсатдилар. 1951–1954 йиллар А.Раҳимжонов аспирантурада ўқиди ва 3 йил давомида ревматизм касаллигида асаб тизимининг жароҳатланиш патогенезини ўрганди, биринчи бор «нейроревматизм» атамасини ишлатди. Ревматизм касаллигига қаршилик беморнинг асаб тизимида ревмоваскулит сабабларини ўрганди. Авваллари ревмоваскулит сабабларини эмболиядан ҳосил бўлади, деб тушунтирар эдилар. Ёш олим – бу ерда эмболия эмас,

томирларнинг яллиғланиши асосий эканлигини биринчи бор кўрсатди.

Муваффақиятли ҳимоядан сўнг, кафедрада ассистент бўлиб ишлади ва яна илмий изланишларда давом этди, янги материаллар, янги фикрлар тўпланиб борди. 1959–1960 йиллари кафедранинг докторанти бўлди. Икки йил давомида ҳозирги Москва Тиббий академиясида проф. В.В.Михеев раҳбарлигида таҳсил олди. Ёш олим ревматизм касаллигининг асаб тизими жароҳатларини чуқурроқ ўрганди. Мия ўзагига жойлашган оралник мия – (диэнцефалон) бу касалликда теша тегмаган бир муаммо эди. У буни ҳал қилиб берди. Ревматизмда диэнцефал жароҳати, унинг синдромлари (диэнцефал синдромлар) аниқланди, патогенези, даволаш усуллари ишлаб чиқилди. Иш катта муваффақият билан якунланди ва 1964 йилда ҳимоя қилинди. Бир йилдан сўнг Абдуманноп Раҳимжонов кафедра профессори, 1967 йилда кафедра мудирлигига сайланди ва умрининг охиригача кафедрада мудирлик қилди. Илмий ўлидаги муттасил меҳнат уни камолотга етказди, унга обрў келтирди. Неча-неча юзлаб касаллар ундан шифо топди. 1977 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», 1979 йилда Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси бўлди. Унинг қўл остида 4 нафар фан доктори, 26 нафар фан номзоди тайёрланди, бир қанча илмий мақола ва монография ёзилди.

Кейинги йилларда айрим олимлар ўз шогирдларидан нолиб қоладилар, одамгарчилик, ҳурмат, илмий ҳамкорликда айрим шогирдлар устозларини тан олмайдилар, баъзилари ҳатто устозини синдириб, тезроқ унинг ўрнига ўтирмоқчи бўладилар. Профессорликни олгач, илмдан тўхтаб, факат амал талашадиган бўлиб қоладилар. Бу ўринда Абдуманноп ака шогирдлари, устоз айтгандай намуна бўлса арзийдиган шогирдлар. Устоз уларга кейинги ишлари учун мавзулар бериб қўйган. Профессор Б.Ғофуров кафедрада мия қон томир касалликларида соннология, функционал асимметрия, вегетатив патология билан шугулланади. Профессор М.Отажонов Марказий илмий тадқиқот лабораторияси мудирини, кўпроқ паркинсонизм устида ишлайди. Кафедрада паркинсонизмнинг биринчи бор тажрибавий моделини хайвонларда яратилди. Абдуманноп аканинг ёшларга берган ўғитлари зое кетмади. Унинг бошчилигида 9 та муаллифлик гувоҳномаси олинди. Тошкент Ўсимликлар кимёси институти яратган дезоксипеганин дорисини чуқур ўрганиб чиқилди ва амалда исботини топди. Бундай синов-

дан ўтган дорилар сони кафедрада анчагина. Ҳозирга келиб, олимнинг 20 дан кўп «невара» фан номзодлари бор. Олим А.Раҳимжонов бошчилигида кафедра ходимлари бош мия кон томир касалликларини анчагина чуқур ўрганди. Олим яратган мактаб хорижда ҳам тан олинди. 1970 йилда Абдуманноп ака Истамбулда халқаро ревматологлар анжуманида маъруза килди ва дунёга танилди. Олим ва шогирдларнинг маърузалари Копенгагенда, Японияда бўлган бош мия касалликлари симпозиумлари, Лондонда паркинсонизмга бағишланган халқаро анжуманда эшитилди, профессор М.Отажонов койил қилиб маъруза килди. Булардан ташқари, миастения касаллигида синапслар ҳолати ўрганилди ва биринчи бор даволашда лазер қўлланилди.

Олимнинг узок кузатувлари шуни кўрсатдики, эпилепсияни даволашда уч нарсага алоҳида эътибор бериш керак. Эпилептик ўчоқ, наслий ҳолат, миyaning функционал ҳолати, ана шундагина тўғри даволаш йўли топилади. А.Раҳимжонов фикрича, ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан кенг тарқалган вегето – томир дистониясининг ҳомиладор аёлларга таъсирини ўрганишдир, чунки бу масаланинг оналик ва болаликни муҳофаза қилишда катта аҳамияти бор. Ҳақиқатан ҳам, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом авлод яратиш, бу ижтимоий масала – мустақил давлатимизнинг халқимиз соғлиғини сақлаш борасида олиб бораётган сиёсатининг катта бир қиррасидир.

Абдуманноп ака–зехни ўткир, режали ташкилотчи. У 1984 йилдан бошлаб институт ректори этиб тайинланди ва 20 йилдан кўп бу лавозимда бўлди. Абдуманноп ака Ўзбекистон ССВ бош невропатологи «Ўзбекистон тиббиёт журнали» таҳрир хайъати аъзоси, Республика невропатологлари уюшмаси раиси муовини, «Хурмат белгиси» ордени билан ҳам тақдирланган ҳамда «Соғлиқни сақлаш аълочиси» дир.

Абдуманноп ака ректорлик даврида катта ишларга қўл урилди: 5 каватли замонавий ўқув-даволаш, 9 каватли ўқув-тажриба корпуслари қурилди. 640 кишига мўлжалланган ётоқхона қад қўтарди. Ҳар йили институтда 4-4,5 минг шифокор малакасини ошириб кетади.

Республикада тиббий ислохотлар кетаётган бир вақтда, институт ҳам шунга кўра ўз режаларини тузиб олди ва шу режалар асосида ишлади. Тўғри, иктисодий қийинчилик даврида шифокорларнинг Тошкентга келиб ўқиб кетишлари анча мушкул, шунинг учун хар йили институт жамоаси 30-40 сайёр цикллар, семинарларни республиканинг турли вилоятларида ўтказиб туради. Шунча ишлар қилинган бўлса-да, уларнинг наздида институтда ечилмаган муаммолар кўп. Намуна бўларлик даражадаги малака ошириш учун мустақил клиник база режага киритилган бўлса-да, хали бу масала ечимини топган эмас.

1999 йилдан бошлаб республиканинг ҳамма тиббиёт институтларида умумий амалиёт шифокорлари (УАШ), бўлажак оилавий шифокорлар битириб чиқишди. Демак, институт келажакда УАШ ларни ўқитадиган ўқитувчиларни етарли қилиб танлаб олиши лозим. Аввалги 6-курсда дарс берадиган ўқитувчиларнинг ҳаммаси УАШ тайёрлайдиган ўқитувчи бўла олмайди. Уларнинг билим доираси анча кеңг, ҳам назарий, ҳам амалий билимларни яхши билишлари, хорижий тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишлари талаб этилади, чунки биз жаҳон андозасига мос шифокорлар тайёрлашимиз керак. УАШ ларни ўқитадиган ўқитувчилар қаерда тайёрланади, қаерда малакаларини оширади?! Бу ва бундай катор муаммолар Абдуманноп акани доим ўйлантириб турарди. Бу борадаги ишлар ҳам бирма-бир амалга оширилди.

Ўзининг ноёб таланти билан катта мактаб яратиб кетган устознинг эзгу ишлари шогирдлари, қолаверса, тиббиёт ахли учун бой мерос бўлиб, хар бир тиббиёт ходимининг фаолиятида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Барҳаёт устознинг номи қанча беморлар, шогирдлар, тиббиёт ахли қалбларида абадий сакланиб қолган. Институтнинг янги қурилган бинолари Раҳимжонов Абдуманноп ака барҳаёт деб, уфуриб турибди.

Эркин Турсунов

ТЎРАҚУЛОВ ЁЛҚИН



Инсон умри ўлчовли. Лекин абадий яшашга интилиш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб келган. Тарихда шундай шахслар борки, улар билан учрашув, бўлган мулоқот бир умрга ёдингизда қолади, бундай инсонлар билан бевосита бирга ишлаш насиб этса, уни Аллохнинг улуғ иноми деб билиш керак. Шундай кишилардан бири буюк олим

Ёлқин Холматович Тўрақулов

Ёлқин Тўрақулов 1916 йилнинг 10 ноябрида Қозоғистоннинг Мерки шаҳрида домла Холмат ота оиласида таваллуд топган. Бошланғич синфларда ўқиётган ёш ўқувчи Ёлқинни мактаб болалари «домланинг ўғли» лақаби билан деб чақирришар экан. Иттифок даврида бундай лақаб хавфлироқ эди. Шу туфайли ёш Ёлқин аввал Тошкентга келиб ўқиган, сўнгра Намангандаги интернат мактабда тарбияланган.

Ё.Х.Тўрақуловнинг илмий мероси ҳақида сўз юритишдан олдин у кишининг таржимаи ҳолидан айрим саналарни эслаб ўтсак:

15 ёшида ТошМИ талабаси, (Ё.Тўрақулов талабалик даврида кимё, биокимё фанидаё ўша даврдаги машҳур олим Ж.Сатторовдан яхшигина таълим олади). **20 ёшида**, талабалик давридаёқ, Ўзбекистон Давлат нашриётида медицина бўлимининг мудири, ТошМИ биокимё кафедрасининг ассистенти, **23 ёшида** Тошкент Фармацевтика институтининг директори ва айни вақтда ТошМИ биокимё кафедрасининг аспиранти, **25 ёшида** (1941й. 24 июнда) номзодлик диссертациясини ёклайди ва бир неча кундан сўнг, фронтга жўнайди, **28-ёшида** фронтда жиддий жароҳат олиб, Ўзбекистонга қайтади ва яна Тошкент Фармацевтика институтига директор этиб тайинланади, бир неча ойдан сўнг, Москва шаҳрига собиқ иттифок Тиббиёт Фанлари Академиясининг Биологик ва тиббий кимё институтига докторант сифатида жўнатилади. **31 ёшида** (2 йилдан сўнг) Ўзбекистон раҳбарияти қарори билан Москвадан чақириб олиниб, ТошМИ ректори лавозимига тайинланади.

39 ёшида педагогик жараёнининг моҳир ташкилотчиси сифатида Андижон Тиббиёт институтини ташкил қилиш вазифаси топширилади, айни вақтда биокимё кафедрасига мудирлик қилади; **41 ёшида** Ядро физикаси институти таркибида радиацион биофи-

зика ва биокимё бўлимини ташкил этди ва унга раҳбарлик қилди.

Шу йили, яъни 1957 йилда йирик давлат арбоби, Ўзбекистон ФА Президенти Х.М.Абдуллаевнинг ташаббуси билан Ёлқин Холматович Ўлка тиббиёт институтини ташкил қилади. У мазкур институтда ўлка патологиясини ўрганиш мақсадида қатор лабораториялар ташкил қилади. Институт таркибида Шарк табобати лабораториясининг ташкил этилиши алоҳида воқеа бўлди ва унинг олдига биринчи галда буюк мутафаккир - шифокор, энциклопедик олим Абу Али ибн Синонинг илмий меъросини ўрганиш вазифа қилиб қўйилди.

43 ёшида докторлик диссертациясини химоя қилди. 45 ёшида ЎзФА мухбир - аъзоси ҳамда Республика ФА Президиумининг бош илмий котиби, кейинчалик, мухбир-аъзолигига қарамай (тарихда бўлмаган воқеа), ЎЗР ФА вице-президенти этиб сайланган. шу билан бир вақтда 9 та институтни бирлаштирган кимё-технология ва биология фанлари бўлими ранги сифатида фаолият кўрсатади. 50 ёшида ЎЗР ФА ҳақиқий аъзоси бўлади.

1963 йилда Тошкент Давлат Университети, ҳозирда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети таркибида биокимё ва биофизика кафедрасини ташкил этади ва узок йиллар давомида унга раҳбарлик қилади.

1967 йилда Ё.Х.Тўрақуловнинг эзгу орзуси амалга ошади – у Академия таркибида Биокимё институти ташкил этади. Ё.Тўрақулов институтда лабораторияларни жиҳозлашга, кенг камровли иш режаларини белгилашга, катта миқёсда илмий-текшириш ишларини йўлга қўйишга улгурди. Институт қисқа вақт мобайнида собик иттифок даражасига кўтарилди. Аммо орадан 3 йил ўтгач, 1970 йилда Ҳукумат қарори билан Ё.Х.Тўрақулов Самарқанд Давлат университетига ректор этиб тайинланди ва унинг олдига университетнинг кадрлар таркибини яхшилаш ва ўқув жараёнининг сифатини такомиллаштириш вазифаси қўйилади. Қисқа вақт мобайнида олим бу вазифанинг ҳам устидан чиқади, янги лабораториялар ва Ботаника боғи ташкил этилади, педагогик жараён жонланди, илмий-текшириш ишлари сезиларли даражада ривож топади.

1972 йилдан у ЎЗРФА Президиумининг Биология фанлари бўлимини, кейинчалик янги ташкил этилган тиббиёт фанлари бўлимини бошқаради. Сўнгги 20 йилда (1976–1996) Ё.Х.Тўрақуловнинг ташаббуси билан Ўлка тиббиёт институти ўрнида ташкил топган Эндокринология илмий-текшириш институтига раҳбарлик қилди.

1987 йилда олим жамоатчилик асосида Республика ССВ илмий Кенгаши раиси этиб тайинланади.

Ё.Х.Тўракулов юкори даражада иш қобилиятига эга бўлган жўшқин ғайратли инсон бўлиб, кўп жамоат ишларини бажарар эдилар, ЎзР ФА Президиумининг вице-президенти лавозимида ишлаб турган кезларида бир вақтнинг ўзида 20дан кўп комиссия ва кенгашларга раҳбарлик қилган.

Олим ижодий фаолиятининг ўзига хослиги шундаки, унинг илмий изланишлари замонавий тиббий биологиянинг долзарб йўналишлари, тиббий эндокринология, биокимё, биофизика, молекуляр биология ва радиобиологиянинг туташ жойида олиб борилган. Унинг ижодий фаолиятида гормонлар биокимёси, хусусан ички секреция безлари тизимининг ҳамоҳанг ишлашида катта аҳамиятга эга бўлган қалқонсимон без гормонлари устидаги изланишлари алоҳида ўрин тутди. Чуқур изланишлар натижасида олим қалқонсимон без гормонларининг синтезланиш механизмлари сирларини очишга муваффақ бўлди, бу гормонларнинг синтезида алтернатив йўл мавжудлигини кашф қилди, яъни қалқонсимон без ҳужайраларида тиреоид гормонлар нафақат махсус оксил-тиреоглобулин таркибида ҳосил бўлиб қолмасдан, маълум шароитларда эркин йодтирозинларнинг ўзаро қўшилишидан ҳам ҳосил бўлишини исботлади ва бу йўлнинг қалқонсимон без физиологияси ва патологиясидаги моҳиятини кўрсатиб берди. 1964 йилда Е. Х. Тўракулов собиқ иттифокнинг энг олий мукофоти билан тақдирланди.

Тиреоид гормонларнинг оксиллар, карбонсувлар, липидлар алмашинувига таъсири, гормонларнинг генотроп самараси чуқур ўрганилди, она ва ҳомиланинг эмбриогенез давридаги ўзаро гормонал муносабатлари кенг тадқиқ қилинди. Ё. Тўракулов ва ходимлари томонидан Чернобил фожиасидан келиб чиққан тажриба асосида қалқонсимон безга маълум шароитларда ҳосил бўладиган радиоактив йоднинг салбий таъсиридан муҳофоза қилиш тўғрисидаги катта моҳиятга молик бўлган тавсиялар ишлаб чиқилди. Олимнинг лабораториясида тиреоид гормонларнинг таъсирини руёбга чиқарувчи ҳужайра ичидаги «воситачилар»нинг моҳияти ўрганилди. Тўқима ва аъзоларнинг тиреоид гормонларга сезгирлиги билан боғлиқ бўлган ҳужайра ичидаги «воситачилар»нинг циклик аденозинмонофосфатнинг микдорий ўзгариш қонуниятлари аниқланди. Бу изланишлари учун Ё.Х.Тўракулов бир гуруҳ шогирдлари билан 1985 йилда А.Беруний номидаги ЎзР Давлат мукофоти билан

тақдирланди.

Олим томонидан 1989 йилдан Эндокринология институтида республикада эндокринологиянинг равнаки учун янги истикболли йўналишлар очиб берилди. Ё.Х.Тўракулов раҳбарлигида кенг миқёсда каттали диабетнинг эпидемиологияси, хатарли асоратлари ва касалнинг олдини олиш тадбирлари, туғма эндокрин касалликлар ва эндокрин генетика бўйича изланишлар олиб борилди. Олим янги илмий биокимёвий йўналиш - нейроэндокринология ва шу соҳада лаборатория ташкил қилиб, унинг фаолиятига умрининг охиригача раҳбарлик қилди. Институт йирик эндокринологик марказга айланди, республикада кенг тармоқли эндокринологик дисциплиналар ташкил қилинди ва уларнинг фаолияти эндокринологик марказ тамонидан мувофиқлаштирилиб турилди.

Ё.Х.Тўракулов фаолиятининг яна бир муҳим илмий-амалий йўналишларидан бири, организмнинг йод етишмовчилик ҳолатларини, қалқонсимон без касалликларининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш, гормонал идоранинг бузилиши ва у билан боғлиқ бўлган ўсмирларнинг жисмоний ривожланишидаги кечикишларни тадқиқ қилиш билан боғлиқ.

Ё.Х.Тўракуловнинг маслаҳати ва раҳбарлигида 35 докторлик ва 80 дан ортиқ кандидатлик диссертациялари ёқланди. У кишининг шогирдларидан 5 таси ўз илмий мактабларини яратган академиклар, бир нечтаси илмий- текшириш институтларига, кафедра ва лабораторияларга бошлиқ ва кўзга кўринган профессорлардир. Олимнинг қаламига 10 монография, олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган ўзбек тилида ёзилган дарсликлар, юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган умумий биология ва молекуляр биологиядан дарсликлар, 700 дан зиёд илмий, илмий-оммабоп мақолалар ва рисоалар мансуб. Ё.Х.Тўракуловнинг 1959 йилда чоп этилган «Обмен йода и тиреоидные гормоны» китоби инглиз тилида Исроилда, 1972 йилда чоп этилган «Тиреоидные гормоны» монографияси АКШда халқаро илмий таржималар туркумида инглиз тилида чоп этилди. Албатта, бу олимнинг халқаро мавқеидан ёркин далилидир. Олим жуда кўп халқаро конгресслар, симпозиумлар, съезд ва бoshка илмий анжуманлар ташкилотчиси ва қатнашчиси. 1969 йилда Тошкентда 3,5 минг киши қатнашган 2-чи Бутуниттифок биохимиклар съездининг ўтказилиши Ўзбекистонда биокимёвий ишларнинг юқори мавқедалигини тан олишнинг ёркин далили эди.



«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» академик Ё.Х.Тўрақулов ўзининг тадқиқотчилик, илмий-мураббийлик, ташкилотчилик фаолиятини кенг миқёсдаги жамоатчилик ишлари билан чамбарчас олиб борган. Чунинчи, у Бутуниттифок эндокринологлари илмий-тиббий жамиятининг вице-президенти, Ўзбекистон биокимёгарлар жамиятининг раиси, кўп йиллар «Фан ва турмуш» илмий-оммабоп журналнинг бош муҳаррири, «Ўзбек комуснома»си бош таҳририяти аъзоси, «Русча-ўзбекча тиббий луғат», «Тиббиёт комусий луғати» масъул муҳаррири сифатида хизмат қилган.

Шубҳасиз, ўтмишдаги буюк алломаларимиз Беруний, Хоразмий, Абу Али ибн Сино номлари каби Ёлқин Холматович Тўрақулов номи ҳам дунё фани тарихида муносиб ўрин эгаллайди. Ёлқин Холматович Тўрақулов сиймосини кўз олдимизга келтирганимизда, бениҳтиёр буюк математик Н. И. Лобачевский сўзлари ёдимизга келади: «Табиат инсонга тугилишида сахийлик билан шундай инъомлар берганки, унинг кўнглига бошқалардан ўзиш, машхур бўлиш, кишиларни хайратлантириш, шуҳрат қозониш иштиёқини жойлаган ва шундай қилиб қамолотга эришишни ўзининг зиммасига юклаган»- деган эди олим. Бу сўзлар айнан Ёлқин Холматович Тўрақулов тўғрисида айтилгандек.

Бир қараганда устозимиз оддий инсондек, лекин уларнинг илмий салоҳиятини оддий сўзлар билан ифода этиш инҳоятда қийин. Ёлқин Тўрақуловнинг олимлик, ташкилотчилик, педагогик, устозлик маҳорати бебаходир. Бу инсон Ўзбекистон тиббиётининг барҳаёт машали бўлган ва шундай бўлиб қолажак!

*Т.Бобоев
И.Раҳмонов
Э.Турсунов*

УМИДОВА ЗУЛФИЯ



«Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайридир», дейди доно халқимиз. Шу маънода ҳозирги Тошкент Тиббиёт академиясининг тарих саҳифаларига назар ташлар эканмиз, ўтган давр мобайнида мазкур даргоҳга не-не улус ва муътабар зотлар келиб кетишмади, ўзларидан қанча ёрқин, ўчмас излар қолдиришмади, дейсиз.

Бутун умрини тиббиёт ва Ватан равнакига бахшида этган инсонлар тўғрисида қанча гапирсакда, сўз бойлигимиз, қолаверса, қаламимиз ожизлик қиладди... Қалбимиз тўридан жой олган, алоҳида ҳурмат ва эъзозга лойиқ ҳамкасб устоз, мураббийларимиздан бири, таниқли олима, ўзбек аёлларни орасида биринчи тиббиёт фанлари доктори, профессор Зулфия Иброҳимовна Умидова (1897–1980 йй.) эдилар.

1897 йилининг 1 июнида Тошкент шаҳрида, зиёлилар оиласида таваллуд топган Зулфия ёшлигиданок, ўта тиришқок, зехинли, удабурон, илмга чанқок бўлиб ўсди. У дастлаб, Тошкентдаги хотин-қизлар гимназиясида ўқиб, уни имтиёзли тугатди. Билимга ташна бўлган Зулфия етуклик шаҳодатномасини олгач, 1918 йилдан Петрограддаги аёллар тиббиёт институтида ўқий бошлади. Табiiийки, ўша даврдаги тарихий, сиёсий-ижтимоий жараёнлар ёш Зулфиянинг дунёқарашини янада шакллантириб, ўз соҳасининг етук ва билимдон бўлиб етишишига пухта замин яратди. У касб сирларини чуқур эгаллаш мақсадида тинмай ўқиди ва изланди. 1918–1920 йиллари Тошкентдаги Туркистон Халқ комиссариати тасарруфидаги 159-эвакогоспиталда, кейинчалик эса Соғлиқни сақлаш Халқ комиссариатида фаолият кўрсатиб, билим ва тажрибасини оширди. 1920–1922 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетининг тиббиёт факультетида таҳсил олган Зулфия Умидова тиббиётимизнинг дастлабки, илк қалдирғочларидан бири сифатида ўқишни аъло баҳолар билан тугатди. Ёш, талабчан мутахассис илк бор госпитал терапия клиникаси, 1926–1930 йилларда 2-шаҳар касалхонасида шифокорлик лавозимида фаолият кўрсатиб, беморларнинг дардига малҳам бўлди ва ўзини илмий-тиббий тадқиқот ишларига руҳан, маъна, жисмонан тайёрлади. Етук мутахассис 1930 йилда тиббиёт институтига қайтиб, ўзининг меҳнатсеварлиги ва касбига бўлган

иштиёқи туфайли госпитал терапия клиникаси ассистенти, доценти (1937–1944 йй.), кафедра мудирини (1945–1969) лавозимларида ишлади.

Ойлар ва йиллар ўтиб, тиббиётга бахшида этилган умр ўз маҳсулини берди. Сарҳадсиз изланишлар туфайли Зулфия Умидова 1937 йилда тиббиёт фаилари номзоди, 1946 йилда эса, докторлик диссертациясини муваффақиятли якушлади. Фидоийи ишсон ўзининг беминнат хизматлари туфайли Тиббиёт Фаилари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, фаил, давлат ва жамоат арбоби сифатида эл-юрт назарига тушди. Унинг тиббиётдаги муваффақиятлари ўша пайтларда Ўзбекистонда истикомат қилган А. Крюков, И. Кассирский, М. Слоиним, Н. Рагоза, Г. Манкус каби дунёга машхур тиббиёт олимлари билан ёнма-ён, ҳамнафас ва ҳамкорликда тинимсиз ишлагани, излангани билан чамбарчас боғлиқдир. У ўз устозлари ва ҳамкасбларидан нафакат клиник фикрлаш, тафаккур юритиш, ҳар бир беморга чуқур одоб ва юксак маланият билан муносабатда бўлиш, касалликларни синчковлик билан ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, оқибатларини илмий-тиббий, ижтимоий жиҳатдан самарали бартараф этиш ҳамда даволашга онд сабоқларни ҳам олди.

Профессор Зулфия Умидова ҳамда шогирдларининг асосий илмий йўналиши иссиқ иқлим шароитида юрак-томир тизимидаги адаптацион ўзгаришлар ва уларни даволаш муаммоларига қаратилди. Бу илмий ишлар туркумининг бошланғич қисми соғ одамларга иссиқ иқлим шароитининг таъсири ва улардаги гемодинамик ўзгаришларни ўз ичига олди. Изланиш натижалари олиманинг «Климатофизиология масалалари» номли монографиясида ўз ифодасини топди. Муҳими шундаки, иссиқ иқлим шароитининг юрак-томир касалликлари билан оғриган беморларга таъсири мазкур рисоаларда, яъни «Миокард инфарктининг клиникаси ва патогенези», «Пароксизмал тахикардиянинг клиникаси» (1936), «Юрак блокадасининг клиникасига доир» (1934), «Ўткир ревматизмда ЭКГ ўзгаришларини даволаш жараёнига боғлиқ жиҳатлари» номли қўлланмаларда тўлиқ баён этилди. Бу чуқур илмий изланишларнинг якуний сарҳисоби «Иссиқ иқлим шароитида соғ одамда юрак-томир тизимининг фаолияти ва миокард инфаркти ҳамда коронар этишмовчиликнинг бошқа формаларида касалликнинг ўзига хос клиник кечиши» деган мавзуда 1946 йили докторлик диссертация-

сига ва 1949 йилда «Иссик иқлим шаронтида юрак-томир тизимининг физиологияси ва патологияси» номли ажойиб монографиянинг чоп этилишига асос бўлди.



З.И. Умидова кафедра ходимлари билан касал кўрмоқда. 1960 й.

Мазкур илмий асарларда ёзиниң иссик кунларида юрак фаоллияти бузилмаган одамларда оғир асоратлар кузатилмаслиги, 1- ва 2- даражали гипертония касалликларига учраган беморларнинг ахволини оғирлаштирганни ҳам тажрибали мутахассис томонидан илмий асосланди. Шу туркумдаги илмий йўналишларнинг асосий омиллари юрак ишемик ва гипертония касалликлари бўлгани учун ҳам олима бу касалликларнинг турли шаҳар ва қишлоқлардаги одамларда қай даражада содир бўлаётганлигини ўрганиш мақсадида сайёр эпидемиологик тиббий текширувларга асос солди. Зулфия Умидованиң ташаббуси ва фаол иштироки билан клиника ва шифохоналарнинг терапия бўлимларида юрак-томир етишмовчилиги билан оғриган беморларга доимий кузатув ва муолажани муҳайё қиладиган интенсив даволаш хоналари ташкил этилди, тез тиббий ёрдамнинг ихтисослашган усуллари билан жиҳозланган кардиологик хизмат жорий этилди. У бошқарган клиникада республикада биринчи бор замонавий янги техник воситалар ёрдамида мураккаб (баллистокордиография, Мастер синамаси, яширин коронар етишмовчилигида фармакологик дорилар ёрдамида текшириш ва ҳ.к.) текширув усуллари қўлланилган.

Профессор Зулфия Умидованиң академик Восит Воҳидов

билан ҳамкорликда ишлаб, юрак пороклари билан касалланган беморларни консерватив ва хирургик йўл билан даволаш тизимига асос солгани ҳам таҳсинга сазовордир. Шунинг алоҳида кайд этиш жоизки, олима ўз илмий фаолиятининг энг етук даврида кардиология соҳасидаги изланишларини сарҳисоб қилиб, «Иссик иқлим кардиологияси очерклари» номли ноёб рисола ёздики, бу асар шу кунгача ўзининг долзарблигини йўқотгани йўқ, аксинча, умумий амалиёт шифокорларининг доимий услубий қўлламасига айланган. Юксак салоҳиятга эга бўлган терапевт-интернист олима Зулфия Иброхимовна корни тифи эпидемияси (1929 й.), ташхиси ва касалликнинг кечиши, гелиотроп гепатитнинг истисно клиникасида даволаш усуллари, очлик ва авитаминознинг гомеостазга таъсири каби муаммоларни ҳам чуқур ўрганган, эндокринология соҳасида ҳам катор илмий кузатишлар олиб борган.



3. Умидова I-Бутуниттифоқ кардиологлар създида қатнашган шогирдлари билан, 1966 йил.

Тиббиётимизнинг дастлабки қалдирғочларидан бири, машҳур олима, ажойиб ва камтарин инсон, қўли енгил шифокор, талабчан ва меҳрибон она, устоз ва мураббия Зулфия Умидованинг умри боқийдир. Унинг соғлиқни сақлаш тизимига оид янгиликлари ва амалдаги ишларини тиббиёт аҳли ҳеч қачон унутмайди.

*Искандар Раҳмон
Эркин Қосимов*

ШАМСНЕВ САЙФИ



Президентимиз И.А.Каримов 1995 йилининг 23 февралда Ўзбекистон Олий Мажлисининг биринчи сессиясида Ўзбекистон тарихига катта баҳо бериб ўтган: «Бу қадимий табаррук тунроқдан буюк алломалар, фозилу фузололар, олиму уламолар, сиёсатчи саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган».

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳудудида бошқа соҳалар каби тиббиёт соҳасида ҳам ўз даврининг машҳур олимлари ўтган. Шулардан бири, тиббиётнинг асосий соҳаларидан бири бўлган педиатрия фанини ривожланишига салмоқли хисса қўшган академик, атоқли педиатр, педагог Сайфи Шамсевич Шамснев бўлган.

С.Шамснев 1914 йилда Наманган шаҳрида этикдўз оиласида туғилган. Саккиз ёшида отасидан жудо бўлди ва аввалига болалар уйида тарбияланди, сўнгра оилада катта фарзанд сифатида оиласига ёрдам бериш учун оғир меҳнат қилишга мажбур бўлди. 1926–1931 йилларда етти йиллик мактабда таҳсил олиб, уни тугатгандан сўнг тиббиёт тайёрлов факультетига ўқишга киради. Шу билан биргалликда мактабнинг жамоат ишларида ва кечкурунлари саводсизликни тугатиш тўғаракларида фаол иштирок этиб, тиббиётга кизикиши сабабли аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш билан шуғулланади. Мактабни ва тайёрлов бўлимини 1931 йилда битиргач, ўша йилги Тошкент давлат тиббиёт институтининг илк ташкил этилган ва болаликни муҳофаза қилиш факультетига ўқишга киради. У 1936 йилда институтни имтиёзли диплом билан битиргач, ТошМИ даволаш факультетининг педиатрия кафедрасига аспирантурага қабул қилинади, илмий тадқиқот ва амалий ишлар билан шуғулланади. С.Ш.Шамснев 1940 йилда « Болалардаги колит ва дизентерияда гемотрансфузия» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Олимнинг ушбу мавзуда илмий тадқиқот ишларини олиб бориши бежиз эмас эди, албатта. Чунки ушбу касалликлар болалар ўртасида кенг тарқалиб даволашни самарали усулларини ишлаб чиқиш зарурати туғилган эди.

Олим 1945 йилларда кафедрада ассистент лавозимида ишлаб юрган пайтларида болаларда кўп учрайдиган тери лейшманиозини, безгак, анемия каби ўлкада кенг тарқалган касалликларнинг кечиш хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган. 1945–46 йилда С.Ш.Шамсиевни илмга чанқоқлиги ва меҳнатсеварлигини инобатга олиб, уни собик иттифок Тиббиёт фанлари Академиясининг академиги, меҳнат қаҳрамони, машҳур педиатр олим, Г.Н.Сперанский хузурига докторантурага юборилди. Чуқур илмий изланишлари натижасида ёш олим «Болаларда ангишвонагул доривор ўсимлигини қўллаш бўйича клиник-экспериментал тадқиқот материаллари» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Олим Тошкентга қайтиши билан 1952 йилда ТошМИ нинг болалар касалликлари пропедевтикаси кафедрасини бошқаришга киришади ва қисқа муддат ичида болалар касалликлари клиникасини жиҳозлаш ва кенгайтиришга муваффақ бўлади. Ташхис ва даволашнинг янги усулларини амалиётга кирита бошлайди.

Ўтган асрнинг 60- йилларидан проф. С.Шамсиев ва кафедра ходимларининг илмий йўналишлари болалар кардио-патологияси масалаларига бағишланди ва ревматизм, туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари, турли этиологияга эга бўлган миокардитларнинг ташхиси ҳамда уларни даволаш бўйича бир қатор ютуқлар қўлга киритилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Мазкур тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, 1966 йилда «Болаларда клиник электрокардиография», 1971 йилда «Болаларда клиник фонокардиографиянинг асослари», каби монографиялари яратилди ва улар болалар кардиоревмотологлари учун узок йиллар давомида асосий қўлланма сифатида хизмат қилиб келмоқда.

1972 йилда Тошкентда Ўрта Осиё Педиатрия Медицина институти ташкил этилиши муносабати билан С.Ш.Шамсиев ушбу институтнинг госпитал педиатрия ва 1982 йилдан болалар касалликлари пропедевтикаси кафедрасига мудирлик қила бошлайди.

1976–1980 йилларда кафедранинг асосий илмий йўналиши сифатида «Эрта ёшдаги болаларда ўткир зотилжам касаллигининг диагностикаси ва даволаш муаммолари» таълаб олинди. Олим шогирдлари билан эрта ёшдаги болаларда ўткир зотилжам касаллигида кортикостероидли терапияни қўллашни таклиф этди ва асоратли нейротоксикозда ёғларни қайта оксидлаш жараёنларига ижобий таъсир кўрсатиш ҳақида амалий тавсиялар берилди.

Эрта ёшдаги болаларда ўткир зотилжам касаллигини комплекс даволашда аминолон препаратини қўллаш ижобий натижалар берди. Болаларда зотилжам касаллигининг кечиши кўп жиҳатдан фаслга ҳам боғлиқ эканлигини илмий томондан асослаб берилди. Бунда Тошкент шаҳри шароитида эрта ёшдаги болаларда ўткир зотилжамнинг ривожланиши учун кулай бўладиган фасл-январь-апрель ойлари эканлиги, ушбу касаллик билан курашда организмнинг мослашиш хусусиятларининг роли муҳим эканлиги ва ушбу ҳолатнинг энг таранглашган даври эрталаб 6-9 да ва кундузи 15-18 соатлар бўлиб, ушбу омил даволаш жараёнида эътиборга олинishi-нинг зарурлиги кўрсатилди, бу билан биоритмнинг ролига эътибор берилди.

Замонавий клиник мембранология йўналишида, ўткир зотилжамнинг турли формаларида эритроцитларнинг таркибий-функционал тузилиши мажмуавий ҳолда таҳлил қилинди. Ўткир зотилжамни даволашда антиоксидантлардан витамин Е ва унитолни қўллашнинг самарадорлигини, ушбу жараёни кечишида антиоксидантларнинг хужайра мембраналаридаги ёғларни қайта оксидлашни сустлаштириш ва хужайра мембранасининг таркибий функционал тузилмаси мустаҳкамланиши асослаб берилди. Ўткир зотилжам билан оғриган болаларда гемокоагуляция бузилишида гепарин ва фибринолизин билан даволаш усулини қўллаш таклиф қилинган ва самарали натижаларга эришилган. Кўришиб турибдики, олим яратган мактаб педиатрия фақини ривожлантиришда долзарб муаммолар устида самарали илмий тадқиқотлар олиб бориб, Ўзбекистонда болалар ўртасида касалланиш кўрсаткичларини камайтиришда ўзининг салмокли хиссасини қўшган.

Дарвоқе, С.Ш.Шамсиевнинг фундаментал ишлари мамлакатимиздан ташқарида ҳам машҳурдир. Жумладан, рус тилида чоп этилган « Болаларда постсиндром терапияни асосий тамойиллари» (1974), «Эрта ёшдаги болаларда ўткир зотилжам» (1978), « Болалар шифокори амалиётида шошилчи терапия», « Болаларда сурункали энтероколит» (1977), «Участка педиатрлари учун қўлланма» (1982) ва бошқа кўплаб монографиялари педиатрлар учун асосий қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

С.Ш.Шамснев шогирдларидан Б.П.Аминов, И.А.Бодия, Ф.Х.Назармухамедов, А.Т.Окилов, Л.В.Клименская, А.Т.Султонов, Х.Н.Файзиев, А.Т.Тўраев, А.А.Ким, М.Н.Каримова, М.Д. Далжонов ва бошқалар педиатрия фанига салмокли хисса кўшдилар. Академик С.Ш.Шамснев халқаро педиатрлар конгрессларида катнашиб, ватанимиз педиатрияси шон-шухратини кўтаришга ўз хиссасини кўшди. Жумладан, олим 1961 йилда Японияда 11 Халқаро педиатрлар конгрессида, 1965 йилда Мексикада 12-Халқаро педиатрлар конгрессида, 1968 йилда Ҳиндистонда (Дехлида) 15-Халқаро педиатрлар конгрессида катнашиб, педиатриянинг долзарб масалалари бўйича маърузалар қилган.

С.Ш.Шамсневга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони берилди. 1974 йилда эса у собиқ иттифок Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланди ва катор давлат орден ва медаллари билан тақдирланди. ТошДав МИда узок йиллар педиатрия факультетининг декани вазифасида ишлади.

Академик С.Ш.Шамснев илмий амалий фаолиятида ўнта фан доктори ва 40 дан ортиқ фан номзодларига устозлик қилди. Унинг томонида педиатрияни долзарб муаммоларига бағишланган 20 дан ортиқ монография ва рисоалар, 15 дан ортиқ услубий қўлланмалар яратилиб, 150 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилинган.

1998 йилдан олимнинг номини абадийлаштириш мақсадида у ишлаган ТошПТИ нинг болалар касалликлари пропедевтикаси кафедраси унинг номи билан аталган. Академик С.Ш.Шамснев номли стипендия жорий этилган.

Академик С.Ш.Шамснев Ўзбекистонда илмий педиатрияга асос солган ва ўз мактабни яратган, болаларда энтероколит, зотилжам, юрак қон томир ва бошқа касалликларни ташхислаш ҳамда даволаш хизматини ривожлантирган, кўплаб шогирдлар етиштирган, катта ҳурмат ва эътиборга молик инсон бўлиб, мамлакатимиз педиатрияси соҳаси тарихида ўчмас из қолдирди.



Бу расм 1930-50 йилларда ТошМИИ да ўқиган кўп талабалар ҳаётига тегишлик. Расмда профессор Е.М.Шляхтин ўз талабалари билан. Расмда ўртада Е.М.Шляхтин ва унинг орқасида иккинчи қаторда Ё.Турақулов, Э.Отахонов ва бир расмдан кейин С.Шамсиевлар. 1932 й.

*Профессорлар Э.А.Турсунов
Х.Н.Файзиев*

ЮНУСОВ АДҲАМ



Юнусов Адҳам 1910 йилнинг 1 июнида кўҳна Тошкентда оддий хизматчи оиласида туғилди. Ёшлик йилларида болалар уйида тарбия топди. У ерда ўша кезлари бўлгуси уч йиррик олим-академиклар Адҳам Юнусов, Аҳрор Музаффаров ва ТошМИнинг, кейинчалик СамПИнинг профессори Карим Тоҳировлар бирга тарбияланишган эди. Улар болалик йиллариданоқ илмга ташна, ҳар бир янгиликка иштибоҳ бўлиб яшашди. Мактабдошлар орасида Адҳам ҳаммадан кўра идрокли, зуккорок кўринарди. 1929 йилда педагоглар тайёрлайдиган курсни тугатиб, мактаб ва рабфакда биологиядан дарс бера бошлади.

Бўлажак олим шахсий ҳаётида жўшқин дамлар бошланди. Ҳақиқий мусобақа, мунозара ва таҳсил оиларни етиб келди. 1932 йилда у Ўрта Осиё ипакчилик институтини тамомлаб, Тошкент Кишлоқ хўжалиги институтининг ҳайвонлар физиологияси кафедрасида ассистент, 1934–1941 йиллар давомида Тошкент давлат Тиббиёт институтининг нормал физиология кафедрасида ассистент, доцент вазифаларида ишлади. 1938 йилдан эса, ёш физиолог олим-профессор Н. В. Данилов раҳбарлигида «Одамда шартли рефлекс йўли билан тер ажралиши» мавзусида диссертация ёқлади.

Кашфиёт олим учун ўта машаққатли меҳнат, жасорат демакдир. Бусиз унинг тилсимлар сирини оча олиши, мавҳумликда борлигини кўра билиши амри маҳол. Ҳар бир кашфиётда шахс истеъдодли, теран идрок ва кучли прода намоён бўлади. Адҳам Юнусовичдаги ана шу хислатлари туфайли ҳам жонли мавжудот олами сирларига чуқур кириб борди, тилсимлар қалитини кўлга олди.

Кашф этиш фалсафаси шундай кучли оҳанграбоки, унинг домига илинган одам ўзлигини буткуя йўқотиб қўяди. У фақат яратиш, яратиш ва яна яратиш қувончи ва ташвишлари билангина яшайди, нафас олади. Адҳам Юнусовичда тафаккур ўткир эди, бошлаган ва дадил одимлаётган йўлнинг эртанги порлоқ уфқини аниқ, равшан кўриб турарди.

Истикболга хамина пешвоз чиққан биолог олим Тошкент Давлат Тиббиёт институтига ўқишга кириб, уни 1943 йилда битирди. Аммо ўқинини тугатмасиданок, Ватан химоясига ишлаётган Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қон қуйиш илмий текшириш институтининг директори этиб тайинланди. Истеъдодли олим бошқарган институт Жаҳон уруши даврида жуда кўплаб ҳарбий госпиталлар ва бошқа тиббий муассасаларни донор қони ва зардоблар билан таъминлаб турди, минг-минглаб юртдошларимизнинг ҳаётини саломатлигини сақлаб қолди. Айни вақтда чуқур ва асосли илмий ишларини, излаишларини сабот билан давом эттирди.

Болаларда тер ажралишининг юқори ҳарорат шароитида бошқарилишини ўрганиш долзарб илмий мавзулардан бири эди. Олим биринчи бўлиб болаларнинг ўсиш даврида ёшига караб тер безларининг терида жойланган пунктларини аниқлади. Юқори ҳарорат таъмирида бу безлар фаоллигини чуқур илмий таҳлил қилиб, терининг турли қисмларида тер ажралиши бир вақтда содир бўлмаслигини ҳам аниқлади. Айни бир пайтда ёшига караб бош мия ярим шарларининг пўстлоқ қисми билан тер безлари ўртасида узвий боғланиш мавжудлигини исботлаб берди. Бу соҳада олинган энг сўнгги янги маълумотлар натижалари 1947 йили Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифок Физиологлар, Биохимиклар ва Фармакологлар жамиятининг УП съезди муҳокамасига кўйилди. Съезд катташчиси академик Н. О. Рожанский бу ишга жуда юқори баҳо берди ва уни фан доктори илмий унвонини олинш учун диссертация сифатида химоя қилишни тавсия этди.

1948 йили Адхам Юнусович «Болаларда тер ажралишининг физиологик характеристикаси» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. 1943–1948 йиллар Адхам Юнусов фаоллигида чиннакам илмий башорат даври бўлди. Фармацевтика, педагогика ва кишлоқ хўжалиги институтларида Анатомиа ва Физиология кафедраларини бошқарди. Педагог олим сифатида минглаб мутахассис кадрлар тайёрлашга катта меҳнати сингди. 1948–1952 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг нормал физиология кафедрасига етакчилик қилди. 1952 йили заҳматқан олим Ўзбекистон Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди ва шу йили Республика Маориф вазирни этиб тайинланди.

Маориф вазирни лавозимида ишлаган вақтларда у кўпгина хайрли ишларга, эл таҳсинига сазовор бўлган ажойиб ташаббусларга қўл урди. Жумхуриятимизнинг деярли ҳамма вилоятларини ке-

зиб чиқди, жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан яқиндан тапишди, режалар тузилди ва янги-янги мактаблар ва педагогика институтларининг очилишига раҳнамоллик қилди, олис вилоят ва туманларда халқ маданий-маърифий турмуш шароитини яхшилаш ҳақида оталарча ғамхўрлик кўрсатди.

Эл хурматини қозонган олим 1953 йилда Ўзбекистон ФА Президиумининг бош котиби этиб сайланди ва 1956 йилда Академия шохобчасида физиология лабораториясини ташкил қилди. Маскур лаборатория 1958 йилга келиб, Академия таркибида янги очилган Ўлка ва экспериментал тиббиёт институтига қўшилди ва иккита физиологик лаборатория фаолият кўрсата бошлади.

Фанмиз учун у кишидек ҳақиқий жонкуяр одам камдан-кам топилади. 1961 йилда унинг раҳбарлигида физиология лабораторияларининг илмий йўналиши ва камрови нихоятда раиғ-баранг бўлиши билан бирга маҳаллий шароитларимизга оид кўпдан-кўп долзарб муаммолар ечимини ўз ичига олган эди. Масалан, юкори харорат таъсирида сув-туз алмашинувининг нерв системаси турли қисмлари иштирокида бошқарилиши, меъда ширасининг камайиши, ферментларининг фаоллиги, ичак деворида овқатнинг ҳазм бўлишидаги ўзгаришларининг механизми, уларнинг мия фаолиятининг ўзгариши билан узвий боғлиқ томонларини ўрганиш ана шулар жумласидандир.

Ичак деворларида овқатнинг ҳазм бўлиши жараёни, бу жараёнга юкори хароратнинг таъсири, меъда шираси таркибига тегишли ўзгаришлар етакчи олимнинг 60-йиллардаги катта илмий изланишлари мевасидир. Ҳаётининг сўнгги йилларида Адҳам Юнусов ўз илмий фаолиятини организмнинг юкори харорат таъсирига мослашиши, яъни адаптацияланишини ўрганишга бағишланди ва катта илмий ечимларни амалга оширди. Унинг бу соҳада зришган салмоқли ишларини ҳисобга олиб, Иттифок ФА Адҳам Юнусовни ЮНЕСКО томонидан тузилган халқаро биологик Дастур «Адаптация «миллий бўлимининг иттифок бўйича раиси этиб тайинланди.

Академик олим ёзган катта илмий асарлар, у таржима қилган ноёб дарслик ва қўлланмалар, илмий башоратлар ва жамоатчилик ишлари рўйхатининг ўзи катта китоб бўлади. Ундан зиёд монография, 200 дан ортик йирик илмий мақолалар ёзиб, нашр эттирди. Қисқа вақтда 29 нафар фан номзоди, 12 нафар фан доктори тайёрлади. Иттифоқимиз ва хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган жуда кўп илмий анжуманлар, халқаро конгресслар ва симпозиумларнинг

энг обрўли, нуфузли катнашчиси бўлиб келди.

Иттифокда ва чет элларда физиология соҳасида ўтказилган илмий анжуманларда кўп марта катнашиб, юкори ҳарорат таъсирида организмда содир бўладиган ўзгаришларни кенг муҳокамага кўйди. 1956 йил Белгияда, 1962 йили Голландияда, 1965 йили Японияда бўлиб ўтган Жаҳон физиологларнинг XX, XXI, XIII халқаро конгрессларида ва 1963 йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган Халқаро симпозиумда катнашди. Адҳам Юнусович мамлакатимиз физиология фанига жуда катта ҳисса қўшган атокли олимдир. У иттифокнинг машҳур физиолог олимлари, шу соҳада иш олиб бораётган илмий муассасалар, жамоалари билан доим мустақкам алоқа боғлаб келган. Иттифок ФА академиклари К. С. Биков, В. В. Париш, Е. М. Крепс, П. Г. Костюк, А. М. Уголев, ва шунингдек Буюк Британиянинг йирик физиологлари М.Этхольм, Ву Вейнерлар Тошкентга келиб, Ўзбек олими ташкил этган лаборатория илмий ишлари билан кизиқиб танишганлар ва юкори баҳо берганлар. Унинг яна катта хизматларидан бири—олий ўқув юртлари учун ёзилган физиология дарслиги, И. П. Павловнинг танлаган асарларини Ўзбек тилига таржима қилганлигидир. 400-йилларча тиббиёт институтларида кенг қўлланган Старлинг китобининг русча нусхасини у биринчи бўлиб, ўзбек тилига таржима қилди. Бундай дарслик маҳаллий Олий ўқув юртлари талабаларининг физиология фанини чуқур ўзлаштиришларида муҳим дастур бўлиб хизмат қилди. Бинобарин, унинг ўзи ҳам Ўзбек тилида бир қанча китоблар ва дарсликлар ёзди. 1948 йилда ўрта мактаблар учун «Анатомия ва Физиологиядан амалий машғулотлар» китобини, 1954 йилда педагогика институтлари учун «Одам физиологияси» дарслигини, 1957 йилда «Физиология терминларининг изохли луғати» ни, 1960 йилда ўз шоғирдлари билан ҳамкорликда кишлоқ хўжалиги институтлари учун «Физиология пратикуми» дарслигини нашр эттирди. Физиология фанини ўқитиш ва бу фани чуқурроқ ўзлаштиришда мазкур дарслик, китобларнинг аҳамияти бебаҳодир.

Булар қаторида яна И. М. Сеченов, И. П. Павлов, В. В. Паришнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган ўзбек олимнинг китоблари, айниқса, «Ташналикни қондириш» асари алоҳида диққатга сазовордир. Узоқ йиллар давомида Адҳам Юнусов Ўзбекистон физиологлар жамияти бошқарувиининг раиси бўлиб келди. У кишининг ташаббуси билан ҳар тўрт йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон физиологларининг конференцияларини чақириб туриш яхши анъанага

айланиб колган эди.

Унинг фанимиз таракқиётига кўшган катта хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Ўз вақтида устоз олим кўксини орден ва медаллар безади. 1960 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан ва Техника арбоби» унвони берилди.

«Инсоннинг қиймати –

Эмас сину зар,

Инсоннинг қиймати –

Илм ҳам хунар.»- деб ёзганди файласуф шоир А. Бедил.

Марҳум Адхам ака шу илмда қиймат топди. Унинг барҳаёт номи ва ибратли ишлари эл қалбида абадийдир.

Профессор Зиё Турсунов

ЮНУСОВ СОБИР



Бугунги кунда амалий тиббиётда кенг қўлланиладиган ўилаб машхур, дунё таниган дориларнинг асосчиси, табиий бирикмалар кимёси, дунё алкаллоидлар кимёси фани тараккиётига бекиёс хисса қўшган ва Ўрта Осиёда бу фани дунё микёсига олиб чиққан, таланти ўзбек фармаколог олими, академик **Собир Юнусов** республикамиз тиббиёти тарихида алоҳида ўрин тутди.

Олим хақида икки огиз сўз: у 1909 йил Тошкентда туғилган, педагогика техникумини, сўнг Тошкент Университети кимё факультетини тугатган, диплом ишини Москвада бажарган, 1939 йил номзодлик, 1949 йил докторлик диссертациясини ёқлаган. Бутун умрини Ўрта Осиёда ўсадиган доривор ўсимликлар ва улардан олинадиган доривор моддаларга бағишлаган. Унинг раҳбарлигида 20 дан кўп тиббиётнинг турли соҳаларида ишлатиладиган ва 10 дан кўп кишлоқ хўжалигида ишлатиладиган дорилар олинган ва улар хозирда муваффақият билан ишлатилмоқда. 1956 йил ЎзРФА қошида ўсимлик моддалари кимёси институтини ташкил этган ва умрининг охиригача унга раҳбарлик қилган.

У 1952 йилдан ЎзФА аъзоси ва вице-президенти, 1958 йилда собиқ иттифок ФА, 1962 йил Германия табиатшунослар академияси аъзоси бўлди. Буюк хизматлари эвазига Меҳнат Қаҳрамони, ЎзР Давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби каби катор унвонларга эга, дунёнинг энг машхур кимёгарларига бериладиган Д.Менделеев олтин медалига сазовор бўлган биринчи буюк ўзбек-олимидир.

Собир Юнусовнинг алкаллоидлар ва улардан одамлар, хайвонлар, ўсимликлар касалликларида ишлатиладиган турли дори воситаларини тайёрлаш мумкинлиги хақидаги фикрлари ўтган асрнинг 50 йиллардаёқ кўпчилилик олимлар томонидан тан олинган эди. Агар буюк аллома Абу Али ибн Сино доривор ўсимликларни касалликларга караб ажратган ва ишлатган бўлса, Собир ака шу ўсимликларда дори сифатида ишлатса бўладиган фойдали алкаллоидлар борлигини аниқлади.

Олим яратган кашфиётлардан бири, бу ҳар бир ўсимликнинг вегетация даврига, аъсосига, жойига қараб, алкаллоиднинг етилиши, тўпланишини билишнинг лозимлигидир, алкаллоидларнинг турли вазибалар ўташи ўсимлик онтогенезида шу омилларга боғлиқ. Олим ихтиро этган яна бир муҳим жиҳат, алкаллоидлар ўсимлик ўзининг янги авлод қолдирадиган жойида кўпроқ тўпланар экан. Бу жиҳатлар бир қараганда оддий нарсага ўхшайди, лекин буни илмий асослаш ва амалиётда бажариш, ўсимликлардан кимёвий моддалар олишда катта аҳамиятга моликдир.

С.Юнусов умрининг кўп вақтларини Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида ўтказган, у бир неча бор сафарлар уюштириб доривор ўсимликларни топишда, улардан фойдаланишда шахсан ўзи иштирок этган. Натижада, унинг раҳбарлигида институтда 1200 га яқин алкаллоидлар олинган ва ўрганилган. У моҳирона йўл тутиб даставвал олти лаборатория ташкил этган бўлса, кейинчалик улар сони турли бўлимлар билан бирга қўшиб ҳисоблаганда 30 га яқинлашиб қолди. Амалиётга 30 дан кўп дорилар тақлиф этилди. Мана ҳозирги кунда кардиологияда кўп қўлланиладиган антиаритмик препарат АЛАПИНИН дунёнинг турли мамлакатлари ва республикамизда кардиология соҳасида асосий қўлланиладиган препаратга айланиб қолган. Олим бу препарат учун бир неча шогирдлари билан биргаликда Давлатимизнинг энг нуфузли мукофоти—Беруний Давлат мукофотига сазовор бўлган. Кардиологияда кенг қўлланиладиган дори—СТРОФАНТИН ҳам шу ерда ўрганилган, унинг ўсимлик хомашёси, унинг захираси ҳам шу ерда аниқланган. Ҳаётга кенг қўламда кириб келаётган бу дорилар олимнинг ҳам, институт жамоасининг ҳам обрўсини ошириб юборди. Унинг даврида 230 фан номзоди, 30 дан кўп фан докторлари диссертациялар ёқладилар, бир нечалари академик даражасига кўтарилди. Биргина тиббиёт соҳасида ўндан кўп фан докторлари етишиб чиқди. Ва ҳозирда ҳам бир неча шифокорлар институт билан ҳамкорликда докторлик ва номзодлик ишларини бажармоқдалар.

С.Юнусов раҳбарлигида 292 хил ўсимликдан 1250 дан кўп алкаллоидлар олинди, шундан 540 тасининг тузилиши аниқланди. Биргина глюкозидлар лабораториясида 350 дан кўп глюкозидлар ўрганилди ва кардиологияда қўлланиладиган дорилар ЭРИЗИМОЗИД, ОЛИТОРИЗИД, СТРОФАНТИН АЦЕТАТ каби бир неча дорилар амалда қўлланила бошлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, шифокор фармаколог олима С. Азизова строфан-

тин бўйича докторлик диссертациясини шу ерда ёклаган. Дефолиант БУТИЛ-КАПТАКС, фунгицид УЗГЕН, ўсимликлар биостимулятори УЧҚУН га қапот берган олимлар ҳам шу даргоҳда С. Юнусовнинг шоғирдларидир. Кўп мамлакатларда ишлатилаётган кўп кирралик анаболик дори ЭКДИСТЕН ҳам шу даргоҳнинг маҳсулотидир. Акушерлик ва гинекологияда, витилиго касаллигида, косметикада қўлланилаётган бир неча дорилар ҳам шу ерда яратилган.

Касални шифокор даволайди. Саҳнада гўё биргина шифокор турганидек. Тўғри, биз саҳна ортида турганларни кўрмаймиз, ҳатто танимаймиз ҳам. Лекин уларга кўп нарсаси боғлиқ. Кимёгар фармакологлар ҳам шундай, алапинин ёзиб берган шифокорни биламиз, лекин сизга даво бераётган ўша алапинин дорисини яратганини билиб қўйсак, ёмон бўлмас.

Олимнинг узокни олдиндан кўра билиш қобилияти зўрлиги ҳаммани лол қолдирар эди. С.Юнусов раҳбарлигида институт эришаётган ютуқлар ҳатто Москвани ҳам эсанкиратиб қўйганди. Ўшанда дунёнинг машҳур олими, катта академия бошлиқларидан бири, москвалик академик Н.Несмеянов энди алкаллоидлар маркази Тошкентга ўтди, деб бежиз айтмаганди. Шу даврда С.Юнусов Меҳнат Қаҳрамонига айланади, Иттифок Академиясига сайланади. Ўзбек олимининг обрўси яна ҳам ортиб борар эди.

Талантли олим институтни Республикамизда ягона илмий амалий ишлаб чиқариш комплексига айлантирди, ўсимлик танланади, ундан кимёвий модда олинади, унинг таркиби ўрганилади, гуруҳи аниқланади, бир неча тажрибалар (турли хайвонларда) ўтказилади, синов учун клиникаларга (дори турига қараб кишлоқ хўжалиги ташкилотларига, ветеринария корхоналарига ва ш.к) юборилади – синовдан ўтиб, ижобий баҳо олгач, Давлат Фарма комитетидан руҳсат олинади, сўнгра институтда ишлаб чиқарила бошлайди ва заводга ишлаб чиқариш проекти топширилади. Ҳар бир дорининг–ҳар бир олинган кимёвий бирикманинг таркиби ўрганилиб, унинг кимёвий формуласи аниқланади. Мана Сизга бир дорининг ҳаёт йўли.

Яна бир ҳақиқатни айтиш керакки, синовга бериладиган дорилар фақат Республикамиз клиникаларига эмас, турли мамлакатларнинг турли клиникаларига юборилади. Биз рўйхатда синовдан ўтган дориларнинг рўйхатини кўрганда, Киев, Москва, Харьков, Молдова каби ўнлаб шаҳарлар клиникаларига, илмий текшириш

институтларига кўзимиз тушди. Ҳа, ҳақиқатни кўпчилик айтса, бу ҳақиқий ҳақиқатдир.

Мустақил Ўзбекистон диёримизнинг илмий амалий салоҳиятини дунёга танитишга катта ҳисса қўшган, талантли ва машҳур ўзбек олими Собир Юнусовнинг номи ўчмас ва барҳаётдир, чунки у яратган илм мактабимизнинг умри боқийдир.

Эркин Турсунов

ҲАМИДОВ ЖАҲОНГИР



Жаҳонгир Ҳақимович Ҳамидов 1930 йил 20 майда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топди. Ўрта мактабни тугаллагач, Тошкент медицина институти (ҳозирда Тошкент тиббиёт академияси)га ўқишга киради.

Ж.Ҳ.Ҳамидов ўз илмий фаолиятини 1953 йилда Тошкент тиббиёт институтини тугатгандан кейин, Москва шаҳрида аспирантурадан бошлаб, энг ардоқли олим ва жамоат арбоби даражасигача кўтарилди. 37 ёшида фан доктори бўлди, 57 ёшида ЎзР ФАнинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. 1980 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди. Ватанимизнинг энг нуфузли мукофоти фан ва техника соҳасидаги Беруний номи Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Устознинг илмий дунё қарашларининг шаклланишида машҳур олимлар Г.К.Хрущов, В.А.Григорьева, К.А.Зуфаровларнинг таъсири катта бўлди. У илмий изланишларини хужайра ва тўқима жараёнларининг пейрофизиологиясини ўрганишдан бошлади.

Ўтган асрнинг 60-йилларида радиоактив нурланишларнинг хайвон ва одам организмига таъсири дунё фанида ҳам ҳали яхши ўрганилмаган ва бундай изланишлар энди бошланаётганида Ж.Ҳ.Ҳамидов биринчилар қаторида радиоактив нурланишларнинг организмига таъсири жараёнида ички секреция безларининг фаолиятини синчковлик билан ўрганди ва бу соҳада устоз ҳали фанда номаълум бўлган бир қанча илмий янгиликларни кашф этади. Бу ишлар Ж.Ҳамидовнинг докторлик диссертациясига асос бўлди. Унинг докторлик диссертацияси бажарилишида номи дунёга машҳур бўлган олимларимиз – академиклар Е.Х.Тўракулов ва К.А.Зуфаровлар илмий маслаҳатлари билан катта ёрдам бердилар.

Олим 1966–1975-йилларда Тошкент тиббиёт институтида биология кафедрасига жамоатчилик асосида раҳбарлик қилди. Унинг бу йиллардаги фаолияти натижасида тиббий биология ва тиббий генетика фанлари шифокорлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган фанларга айланди.

ТошМИда ишлаган йилларида Ж.Х.Ҳамидов илмга чанқок, институтни энди тугатган ёшларни тўплаб, муҳим илмий муаммо — кон хужайралари ва кон ҳосил килувчи аъзоларнинг ривожланиши ва уларнинг ҳар хил ҳайвонларда радиоактив нурлар таъсирига сезгирлигини ўрганишга бағишланган илмий изланишларга раҳбарлик қилди. Бу муаммонинг танланиши бежиз эмас эди. Радиоактив нурлар биринчи навбатда кон хужайраларига салбий таъсир кўрсатади. Тажрибаларда олинган маълумотлар одамлардаги нур касалликлари механизмларини ўрганишда, уларни самарали даволашни йўлга қўйишда катта аҳамиятга эгадир. Тез орада бу ишлар илмий жамоатчилик тамонидан ижобий баҳоланди. 1969 йилда Ленинград шаҳрида ўтказилган анатомлар, гистологлар, эмбриологларнинг IX Халқаро конгрессида ТошМИнинг биология кафедраси умурткали ҳайвонлар кон хужайраларининг эволюцион физиологияси ва морфологиясини ўрганувчи асосий илмий марказ сифатида тап олинди. Илмий изланишлар натижаси бўйича бир неча монографиялар ёзилди.

Маълумки, ўша йилларда собик иттифокдаги мафкура таъсирида энг муҳим биологик фанлардан бири — генетика каттик тақик остида эди. Мактабларда ва институтларда генетика ўқитилмас, генетикага оид илмий изланишлар тақиқланган эди. Ж.Х.Ҳамидов генетика фанини ўқув дастурига киритишга катта ҳисса қўшди ва талабалар учун биринчи марта ўзбек тилида тиббий биология ва генетикадан дарслик яратди. Бу дарслик бир неча марта қайта нашр этилиб, ҳозиргача тиббиёт институтлари талабалари учун шу соҳадаги энг яхши дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Унинг ташаббуси ва бевосита фаол иштирокида собик иттифокда биринчилар қатори, Марказий Осиё мамлакатларида дастлабки Тошкент тиббиёт институти қошида тиббий-ирсий касалликлар тарқалишини ўрганишга, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга туртки бўлган тиббий генетика хизмати шаклланди. Бу жойда амалий ишлардан ташқари, илмий изланишларга ҳам катта эътибор берилди. Республикада биринчи марта тиббий-ирсий изланишлар услублари ўзлаштирилди, бошқа тиббиёт муассасаларида бу усуллар йўлга қўйилишига ёрдам берилди. Ўша илмий-амалий масканда айрим ёмон сифатли ўсмалар келиб чиқиши асосида хужайраларда хромосома бузилишлари аниқланди, бу ўша пайтларда энг катта илмий янгиликлардан бири эди.

Олим шогирдлари билан кейинги илмий изланишларни тиреоид гормонларнинг ирсий ахборотга таъсир механизмларини ўрганишга бағишланди. Бу муаммо бизнинг худудимизда жуда катта аҳамиятга эгадир. Чунки Ўзбекистонда қалқонсимон безнинг ҳар хил касалликлари жуда кенг тарқалгандир. Бу соҳада Ж.Х.Ҳамидов ўз устози Е.Х.Туракуловнинг изланишларини давом эттириб, тиреоид гормонлар таъсирининг ҳалигача фанда номаълум бўлган сирларини кашф этди. Хусусан, ирсий ахборотни тиреоид гормонлар орқали идора этилишининг оригинал тизимлари таклиф этилди. Бу тадқиқотлар яна бошқа муҳим илмий изланишларга йўллади. Шу вақтларда жуда кам микдорда радиоактив нурлар организм учун фойдали таъсир қилиши маълум эди, лекин унинг механизмлари яхши ўрганилмаган эди. Устоз ўз шогирдлари билан бу таъсирининг асосида кам микдорда нурлантирилганда тироксин гормони кўпроқ ишланишини аниқлади. Бу изланишлар натижасида товук тухумларига кам микдорда радиоактив нурлар билан ишлов бериб паррандачилик самарадорлигини ошириш технологияси яратилди. Бу усулнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши жуда катта иқтисодий фойда келтирди.

Ж.Х.Ҳамидовнинг яна бир муҳим илмий изланишларидан бири — ҳозирги замон биология фанининг энг қизиқарли ҳамда самарадор йўналишларидан бири — хужайра ва ген инженерияси ва биотехнологиясига бағишлангандир. Бу изланишлар жаҳон фани билан ҳамоҳанг равишда бошланди. Бу соҳадаги олинган қимматли маълумотлар натижасидан тиббиётда ирсий касалликларни даволашда, кишлоқ хўжалигида фойдали хусусиятларга эга бўлган ҳайвон зотларини яратишда, биологик фаол моддаларни олиш биотехнологиясини яратишда кенг фойдаланиш мумкин.

Ж.Ҳамидов фанининг ривожланиш истикболларини олдиндан башорат қила оладиган олим эди. 70-йиллардаёқ у биологик жараёнларни ўрганишда математик ва компьютер таҳлил усулларининг аҳамиятига катта эътибор берди ва бу усуллар унинг лабораториясида кенг йўлга қўйилди. Математик моделлаштириш усулидан ҳозирги замон биологиясининг энг муҳим муаммоларидан бири — нерв толаларини ўстирувчи омилни ўрганишда мохирлик билан фойдаланиш натижасида бу моддаларнинг тузилишида ҳали фанга маълум бўлмаган қатор аниқликлар аниқланди.

Ж.Х.Ҳамидовнинг серкиррали илмий фаолияти унинг чоп этилган 680 дан ортиқ илмий мақолаларида ўз аксини топган. Шулар жумласига 11 монография, 5 олий ўқув юртлари ва умумтаълим мактаблари учун дарсликлар, 11 ихтиро, 6 патент ва бошқа муҳим ишлар кирadi.

Ж.Х.Ҳамидов илмий ишлар билан бандлигига қарамадан, республикамизда амалга оширилаётган янги таълим тизимини амалга оширишда, катта ҳисса қўшган. У ўз устози Е.Х.Тўрақулов, бошқа ҳамкасблари ва шогирдлари билан ўрта таълим мактаблари, коллежлар ва академик лицейлар учун ўқув дастурлари ва дарсликлар яратишда фаол қатнашди. Унинг ҳаммуаллифлари, шогирдлари профессор Р.С.Солихов ва М.Г.Ҳафизовалар билан яратган «Умумий биология» дарслиги рус ва ўзбек тилларида чоп этилиб умумий ўрта таълим мактабларида кенг фойдаланилмоқда. Бу дарслик республикамизда тиббиёт фанлари бўйича яратилган дарсликлар орасида энг яхшиси деб тан олинди ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Устознинг фан ютуқларини оммалаштириш соҳасидаги ишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. У узоқ йиллар давомида Республика «Билим» жамияти бошқармасида фаол қатнашди, 64 та илмий оммабоп рисоалари чоп этилди. Унинг бу соҳадаги фаолияти «Илмий билимларни оммалаштиришдаги буюқ ҳиссаси учун» С.И.Вавилов номидаги медалъ билан тақдирланди.



*Устоз шогирдлари профессор Р.С.Солихов
ва М.Г.Ҳафизовалар билан иш устида.*

Ж.Ҳамидов кўп йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар Академияси биология бўлимининг раҳбари ва Биокимё институтининг директори лавозимида ишлади, серкиррали илм-ташқилотчиси сифатида танилди. У республикада биологик тадқиқотларнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшди.

Унинг раҳбарлигида 21 фан доктори ва 45 фан номзодлари тайёрланган. Унинг шогирдлари орасида А.Р.Беруний номли Давлат мукофоти ва бошқа нуфузли мукофотлар совридорлари бор, улар фақат Ўзбекистондагина эмас, ҳамдўстлик мамлакатларида, илмий тадқиқот муассасаларида, олий ўқув юртларида устознинг илмий анъаналарини ижодий давом эттирмоқдалар. Олимнинг илмий фаолияти жаҳондаги кўп мамлакатлар илмий жамоатчилиги томонидан таъминланган.

Америка Биографик институтининг Халқаро комиссияси томонидан Ж.Ҳ.Ҳамидовга фанни ривожлантиришдаги улкан ҳиссаси учун «1998 йил инсон» унвони берилган. Уша институт томонидан 1999 йилда «XX асрнинг буюк инсон» деган унвонга сазовор бўлган.

2000 йилда Англия Биографик Маркази Халқаро комиссияси томонидан «XX асрнинг атоқли номи» деган унвон берилди. 2010 йилда халқаро «Тинчлик мукофоти»ни олиш учун номинация қилинган.

Жаҳонгир Ҳакимович Ҳамидов фаннинг юкори чўккиларини кўра биллиб улкан ижодий режалар билан яшадилар. Амалга ошмай қолган режаларни устознинг билим салоҳиятларини ҳурмат қилувчи илмий ходимлар ва шогирдлари томонидан баҳоли қудрат рўёбга чиқарилмоқда.

*Профессорлар Т.А.Бабаев
Р.С.Салихов*

ЕШАНОВ ТУРСИНБОЙ



Қорақалпоғистонда аллергия ва иммунология фанларининг асосчиларидан бири, тиббиёт соҳасининг ташаббускор ва билимдон ташкилотчиси **Турсинбой Байжонович Ешанов** 1940 йилда Қорақалпоғистонда туғилган, Нукус тиббиёт техникумининг битириб ФАП-фельшер-акушерлик пунктида икки йил ишлаган. 1965 йили Самарқанд Тиббиёт институтига имтиҳон билан битириб, институтига фармакология кафедрасида стажёр – тадқиқотчи, Марказий Илмий лабораториясида илмий ходим бўлиб ишлаган ва 1970 йилда Н.Пирогов номида Москва Тиббиёт институтида «Экспериментальная терапия аллергического состояния препаратами корней каперцев колючих» мавзусида номзодлик ҳимоясини ёқлаган.

Ёш олим 1971–1972 йилларда ҚҚ Соғлиқни сақлаш вазирлигида даволаш бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади ва у шу даврдан бошлаб аллергия фанига бутун кучини бағишлади. Бунга қатор сабаблар бор эди. Биринчидан, республикада аллергия умуман ўрганилмаган, иккинчидан, аллергия касалликлар кўпайиб бормоқда, лекин уни даволаш йўллари талаб даражасида қўйилмаган. Шуларни инобатга олган Т.Ешанов зудлик билан аллергия гуруҳи тузди. Гуруҳ таркибида дерматолог, отоларинголог, терапевт, педиатр, окулист бор эди. Экспедицион иш бошлашдан олдин аллергия касалликлар симптоматологияси, патогенези, аллергия касалликларини ташхислаш ва даволаш каби қатор муҳим бўлган жараёнлар ўрганилди, махсус саволнома тузилди. Қисқа муддат ичида бутун республика аҳолиси ўрганиб чиқилди.

1972 йилда Ўзбекистон Дерматология ва венерология институтига ҚҚ филиали очилди ва унга ёш олимнинг директор этиб тайинланиши бошланган ишнинг муваффақиятли тугашига ва чуқур хулосалар қилишга имкон берди. У институтига 1985 йилгача бошқарди ва институтда шу даврда янги лабораториялар очилди, институтига мавқеи кўтарилди, 2 докторлик ва 5 та номзодлик диссертацияси бажарилди ва ҳимоя қилинди.

Олим ташкилотлик ишларидан ташқари ўз илмий ишларини давом эттирди, Марказий институтлар, лабораториялар билан алоқада бўлди. ҚҚда биринчи бўлиб Марказий касалхона поликли-

никасида аллергологик кабинет ва касалхонада махсус аллергологик бўлим ташкил қилди ва касаллар учун ётиб даволанадиган ўришлар ажратилди. Олим касалларни даволани ва таъхислаш учун Москва, Қозон ва бошқа шаҳарларидан аллергенлар олиб келди ва ўзи ҳам маҳаллий аллергенлар тайёрлаб ишлатди.

1987 йилда уни Ўзбекистон ССВ қошидаги Экспериментал ва клиник медицина институти ҚҚ филиалига директор этиб тайинлашди. Янги институт Республикада Оролбўйи аҳолисига носоз экологик омилларнинг салбий таъсирини ва ҳудуд учун хос бўлган ўлка касалликлар патологиясини ўрганадиган янги илмий марказга айланди. Олимнинг катта хизматларидан бири, Орол бўйи зонасида биринчи марта ҳудудда тарқалган аллергенлар ва аллергик касалликларнинг хусусиятларини, аллергик касалликларда иммунологик жараёнларнинг кечиниши чуқур ўрганди, аҳолини клиник-аллергологик текширишлар бўйича янги услубни яратди. Олиб борилган фундаментал изланишлар ва олинган натижалар қатор мақолаларда, номзодлик ва докторлик ишларида акс эттирилди.

Т.Ешанов тиббиёт соҳасининг йирик ташкилотчи намоёндаларидан ҳисобланади. У 1990–97 йилларда ҚҚ Соғлиқни сақлаш вазирлиги лавозимида ишлади ва қатор хайрли ишлага қўл урди. Биринчи галда ТошПТИнинг Нукус филиалини очишда катта ташаббускорлик қилди, филиалнинг ниҳоятда кераклигини раҳбариятга асослаб берди. Унинг раҳбарлигида Нукусда ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш билим юрти, Эллик қалъа тиббиёт билим юрти очилди. Булардан ташқари, ҳудуд учун жуда зарур бўлган Оролбўйи Болалар овқатланиш илмий текшириш маркази, В.Воҳидов номи Хирургия марказининг ҚҚ филиали, Республика ФА да Илмий марказ, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Нукусда таянч пункти каби қатор ташкилотлар очилди ва фаолият бошлади. Буларнинг ҳаммасида вазирнинг катта ташаббуси бор эди. Шу билан бирга, у бир неча йиллар давомида ТошПТИнинг Нукус филиалида фармакология ва патологик физиология факультетларида кафедрада мудирлик қилди ва дарс берди.

1975 йилда олим Ўзбекистон ФА нинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. ЎЗР ФАда вице-президент ва ҚҚР Академияси президенти лавозимида ишлади. У қаерда ишлагани ташаббусни қўлдан бермас, факат ҳаракат қилар ва бетиним ишлар эди. Олим профессор М.Ажибеков билан биргаликда икки томлик «Одам ва ҳайвонлар физиологияси» дарслигини яратди. Ушбу китоб Респуб-

лика Бердак мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, ТошПТИ профессори М.М.Ҳақбердиев билан биргаликда тиббиёт институтлари учун икки томлик «Патологик физиология» дарслигини чоп этди. Т.Ешанов 150 дан зиёд илмий ишлар муаллифи, шундан 20 таси монография ва дарсликлардир.

Олим раҳбарлигида 6 та номзодлик диссертацияси химоя қилинди, 5 та докторлик ишига консултантлик қилди. Унинг лепра ҳақидаги мақолалари XIУ ва XV лепра касаллиги бўйича халқаро конференциялар (АҚШ- Орланде шаҳри, 1993, Хитой-Пекин шаҳри, 1998) материалларида чоп этилган. Олимнинг ўзи АҚШ, Эрон, Туркия, Эстония-Таллин, Астрахань, Олмаота, Москва, Донецк каби қатор шаҳарларда илмий сафарларда бўлган ва маърузалар қилган.

Т.Ешанов олим ва ташкилотчи сифатида доимо фаол ҳаракатда бўлган. У бир неча марта Ўзбекистон, ҚҚ Олий Кенгашлари депутати, ОАК аъзоси, ҚҚ Бердак мукофоти кўмитаси раис муовини, «ЎЗР Қорақалпоғистон ФА хабарлари» журнали бош муҳаррири, ЎЗР даги бир неча нуфузли тиббий журналларда таҳририят аъзоси бўлган.

Камина Нукусга каттаб дарс бераётган йилларда Т.Ешанов билан кўп мулоқотда бўлганмиз, комиссия бўлиб келганда улар билан кўпчилик ичида очик мулоқот ўтказганмиз, М.Ҳақбердиев, Т.Ешановлар билан бирга «Патологик физиология» китобини чиқарадиган нашриёт типографиясида бўлганмиз. Чунки, китобнинг тезроқ чиқиши ТошПТИ учун ҳам, унинг Нукус филиали учун ҳам жуда зарур эди.

Олим бир мулоқотда филиал директори профессор Ж.Мамутов билан биргаликда «Биз ҳамма йўл ҳаражатларига тайёрмиз, сизлар бизга катта-катта олимлар, профессорлар, фан арбобларини маъруза ўқишга олиб келинг, бизнинг талабалар ҳам уларни эшитишсин, чунки филиал бир томондан, сизларники ҳам, бизга сифатли кадрлар тайёрлаб беришлар» деган гаплари ҳамон қулоғимизда жарағлаб туради. Худди улар айтгандек, кейинги сафарларда филиалга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фармаколог олим, профессор С.С Азизова, машҳур олим аллерголог-патофизиолог М.М.Ҳақбердиевлар бирга келадиган бўлди, залларга диапроекторлар қўйилди ва мазмуни маърузалар ўқилди, амалий машғулотлар тажрибалар, препаратлар орқали тушунтириб борилди.

Ҳа, олим киска умр кўрди, лекин оташин қалб эгаси бўлган бу инсоннинг қилган хайрли ишлари, илм-фанга, элига қилган буюк хизматлари тарихда барҳаёт бўлиб қолажак.

Биз ушбу очеркни ёзишда ҚҚ Врачлар уюшмаси Ижрочи директори шифокор-журналист А.Нурниязовнинг материаллари, Нукусдаги дўстларимиз филиал директори профессор О.А.Ата-ниязова, ҚҚ Врачлар уюшмаси раиси М. Мамбеткаримов ва шахсан қаҳрамонимиз билан уларнинг ҳаётлигида қилган суҳбатларимиз асос бўлди. Биз уларга ўз мишлатдорчилигимизни билдириб қоламиз.

Эркин Турсунов



ЮЛДОШЕВ КАРИМ

Яқинда ўзининг 80 йиллигини нишонлаган Тошкент Врачлар Малакасини ошириш институти биргина Ўзбекистон эмас, балки жаҳонга маълум ва машҳур шифокор олимлар, соғлиқни сақлашни ташкил этиш соҳасининг етук намояндалари, азиз ва табаррук устозлар, мураббийлар ишлаган табаррук олийгоҳ, келажак авлодлар учун ибрат мактабидир. Мазкур лавҳамиз қахрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Карим Юлдошев ҳаётининг баракали дамлари шу даргоҳда ўтган ва шу даргоҳда комилликка эришди.

К.Й.Юлдошев 1933 йилда Тошкентда туғилган. 1957 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатди. 1959 йилгача Мирзачўлда кишлоқ шифохонасида бош шифокор бўлиб ишлади, касалларни даволашда яхшигина кўрсаткичларга эга бўлди. Мирзачўлга борган профессор Э. Отахонов унинг ишларидан қониқиш топиб, ўз кафедрасига ишга таклиф этди. Ва шу сабаб, Карим Юлдошев академик Э.Отахонов қўлида янги ташкил этилган ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида клиник ординатор, аспирант, ассистент, доцент, профессор лавозимларида ишлади ва 1973 йилдан ТашВМОИ Юрак касалликлари ва функционал ташхис кафедрасига мудир лавозимига ўтди.

Маълумки, 50–70-йилларда профессор Э.Отахонов раҳбарлигида ошқозон-ичак касалликлари бўйича чуқур илмий изланишлар олиб борилди ва бекиёс илмий-амалий янгилıklar олинди. Шу йилларда кафедра энг замонавий жиҳозлар, усуллар билан қуролланган эди. К.Юлдошев кафедрага келганда бу ерда иттифоқда биринчилардан бўлиб ҳазм аъзолари касалликларида Гидролизини - 103, Амниопептид каби оксилли препаратлар қўлланилаётганди. Иш раҳбари Э.Отахонов ёш тадқиқотчиға оксилли препаратлар таъсирида бўладиган ўзгаришларни ўрганишни топширди. Натижа ёмон бўлмади. Олинган маълумотларға кўра, янги синтетик оксилли препаратлар ошқозон-ичак касалликларида гипопротенемия, аминокислоталар дисбалансини йўқотишға ва касалликнинг тузалишиға ёрдам беришини кўрсатди. Ва ниҳоят Карим Юлдошев

1964 йилда «Эффективность белковых гидролизатов и влияние их на белково азотистый обмен при некоторых заболеваниях желудочно-кишечного тракта» мавзусида номзодлик химоясини килди.

Ёш олим шу соҳада илмий ишларини чуқурроқ давом эттиришга қарор килди ва Э.Отахонов унга ингичка ичакни ўрганиш бўйича янги мавзу берди. Бироқ устоз бу қуниларга етиб келмади. Лекин узокни кўрабилган ва хаётдан умидини узган устоз Э.Отахонов бир куни К.Зуфаровга: «Сизга 4 та шогирдимни-бўлажак профессорлар Каримулло Баходиров, Альфред Харатьян, Карим Юлдошев ва Убайдулло Юлдошевларни қолдириб кетаяпман, уларнинг ишларини охирига етказишга ёрдам берасиз деган умиддаман» деган гапларини кўпчиликлдан ва изланувчиларнинг ўзларидан эшитганмиз. К. Зуфаров кафедранинг сешанба кундаги бир мажлисида шу ҳақда гапириб, 4 ёш олимни 4 гуруҳга боғлаб қўйдилар ва қандай ёрдам керак бўлса, ёрдам беришни гуруҳ бошлиқларидан илтимос қилдилар. Шунда бизнинг ичак гуруҳимиз К. Юлдошевга ичакдан олинган биопсия материалларини ишлашда ва расмларини тайёрлашда ёрдамлашган. Эсимизда қолган маълумотлар: К.Юлдошев материалларида сурункали энтероколитларда ичак шиллик пардаси ва унинг сўргичлари гипотрофияси, ингичка ичак энтероцитлари ичида «ингичка» хужайраларининг кўпайганликлари каби қатор патологик белгилар бўлган эди.

Компложон ака ўз сўзида турдилар ва 4 олим докторлик химоясини бажариб олди ва уларнинг ҳар бири профессор ва кафедра мудирини, Карим Юлдошев академик даражасигача кўтарилди. К. Юлдошев 1970 йилда «Клинико – морфологическое и функциональное состояние тонкого отдела кишечника при постгастрорезекционном синдроме» мавзусида докторлик химоясини бажариб профессор унвонини олгач ТашВМОИда кафедра мудирини, СС вазирлигида вазир муовинини, Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш институтида директор лавозимларда ишлади.

К.Юлдошев кейинчалик ТашВМОИда кардиология билан чуқурроқ шугулланди, миокард инфарктида бўладиган клиник, ЭКГдаги ўзгаришларини хужайравий ва биокимёвий ўзгаришлар билан таққослаш даражасигача борди ва бу соҳада бир неча шогирдлар тайёрлади, функционал таъхисни яхши йўлга қўйди. Иш натижаларига кўра, 1981 йилда «Юракнинг ўтказувчи тизимларининг касалликлари» монографиясини чоп этди, 1984 йилда чоп этилган «Электро-фонокардиографиядан қисқача қўлланма» китобида кнё-

сий ташхисга кўпроқ эътибор берди. 1988 йилда чоп этилган «Кардиологлар учун фармакологиядан қўлланма» монографиясида юрак-кон томир касалликларини даволаш усулларини кенг ёритиб берди. Кардиологияда долзарб мавзулардан бири бу «кардиоген шок» ҳисобланади. Олим бу синдром асосида ётадиган патомморфологик ўзгаришларни 1991 йилда эълон қилган «Кардиоген шок» китобида батафсил ёритиб берди.

Тиббий тикланиш ва физиотерапия пилмий-текширини инетитутида ишлаган йилларида асосий пилмий йўналишни «Физик омилларнинг организмга таъсири» бўлди. Бу долзарб мавзу бўйича юрак-кон томир тизими, асаб, бугин, ошқозон-ичак касалликларини реабилитацияси устида кенг камровда иш олиб борилди. Олим пилмий салоҳиятга ҳам кўн вақт ажратди. Унинг раҳбарлигида 11 олим докторлик ва 66 олим номзодлик диссертацияларини ёқлади. 550 та пилмий мақола, 22 та монография, дарслиқлар, услубий қўлланмалар олимнинг қаламига мансуб.

Тиббиётимизнинг кўзга кўринган намоянаси, таъобат фанининг ташкилотчиси, академик олим К.Ю.Юлдошев бир неча бор фахр билан Ўзбекистон таъобат фаии ютуқларини халқаро анжуманларда (Швеция, Япония, Германия, Франция, Чехословакия, Хиндистон, Сурия, Англия ва б.) кўрсата олган. К.Юлдошев кўп йиллар давомида «Терапевтический архив», «Клиническая медицина», «Вопросы курортологии, физиотерапии и лечебной физической культуры» журналлари, «Ўзбекистон тиббиёт журнали», «Сихат-саломатлик» журналларининг муҳарририят аъзоси, «ЎЗРФА маърузалари», «Теоретическая и клиническая медицина», «Патология», «Марказий Осн» тиббиёт журналларининг бош муҳаррири ўринбосари, Ўзбекистон терапевтлар пилмий уюшмасининг ранен сифатида ҳам катта иш олиб борган.

Олимнинг бой тажрибаи ва истеъдоди, соғлиқни сақлашни ташкил этишидаги фидокорона хизматлари муносиб тақдирланган. 1998 йилда у Халқаро академиклар жамиятининг академиги этиб сайланди. Карим Юлдошев бугун орамизда бўлмаса-да, ушнинг хайрли ва савобли ишлари, ўзидан қолдирган ёрқин ишлари, пилмий гоилари, ўшлаб китоблари доим бизга ҳамкор, мадақдор, йўлдош қақлигига заррача шубхамиз йўқ.

*Искандар Раҳмон
Эркин Турсунов*

ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ

АМИРОВ ФАЗЫЛ



Фазыл Файзрахманович Амиров, доктор медицинских наук, профессор, заслуженный деятель науки Узбекистана, лауреат Государственной премии, участник Второй мировой войны. Ф.Ф.Амиров родился 26 января 1914г. в г. Семипалатинске. С 1921 по 1931 г. учился в средней школе. С 1932 по 1933гг. обучался на подготовительном факультете медицинского института г. Ташкента. С 1933 по 1938гг. – студент Ташкентского медицинского института. Окончил институт с отличием. С 1938 по 1941гг. – аспирант кафедры Оперативной хирургии и топографической анатомии Таш-ГосМИ. В 1941 году добровольно ушел на фронт. С 1941 по 1943 гг. - командир медицинского санитарного взвода 6-й гвардейской танковой бригады Сталинградского фронта. Участвовал в битве за Сталинград. В 1942 году за участие в битве за Сталинград был награжден медалью «За отвагу».

В 1943 году работал ведущим хирургом эвакогоспиталя и был награжден орденом «Красная звезда». С 1944 по 1946 гг. в должности ведущего хирурга армии участвовал в освобождении Венгрии и Румынии. В 1945 году награжден орденом «Отечественной войны II-й степени, медалями «За оборону Сталинграда» и «За победу над Германией».

В 1946 году в звании майора медицинской службы демобилизовался из рядов Советской Армии, ассистент Ф.Ф.Амиров, обогащенный опытом военно-полевой хирургии, начал экспериментальную разработку ряда научных проблем на кафедре «Оперативной хирургии и топографической анатомии».

С 1947 по 1957 гг. работал заместителем декана лечебного и стоматологического факультетов. В 1949 году защитил диссертацию на ученую степень кандидата медицинских наук. После успешной защиты кандидатской диссертации Ф.Ф. Амиров был из-

бран на должность доцента и под руководителем академика А.Н.Бакулева начал разработку восстановительных операций на трахее и бронхах. Результаты исследований в последующем дали возможность выдвинуть идею о «щадящем» направлении в легочной хирургии и внедрить в хирургическую практику пластические операции на дыхательных путях. В 1954 году награжден медалью «За трудовую доблесть». В 1956 году награжден Почетной грамотой Верховного Совета УзССР.

В 1959 году защитил диссертацию на ученую степень доктора медицинских наук, на тему: «Пластические операции на трахее и бронхах».

С 1959 по 1967 гг. работал проректором ТашГосМИ научной части. В 1959 году выступал с докладом на съезде хирургов в Англии (Лондон). В 1960 году получил звание профессора и в этом же году выступал на съезде хирургов в Италии (Рим).

Профессор Ф.Ф.Амиров одним из первых в нашей стране работал в эксперименте восстановительные операции на дыхательных путях грудного отдела. Его монография «Пластика трахеи и бронхов», изданная в 1962 году, способствовала широкому внедрению этих операций в хирургическую практику. Она получила высокую оценку академиков А.Н.Бакулева, П.А. Куприянова, Б.В.Петровского, А.А.Вишневого, Л.К.Богуша, Е.Н.Мешалкина.

С 1966 по 1979 гг. профессор Ф.Ф.Амиров руководил кафедрой «Оперативная хирургия и топографическая анатомия». В 1966 году выступал с докладом на съезде хирургов в Германии (Берлин). В 1970 году награжден медалью «За доблестный труд». В 1971 году получил звание «Заслуженный деятель науки УзССР». В 1974 году присуждена Государственная премия СССР «За разработку реконструктивных операций на трахее и бронхах».

Профессором Ф.Ф.Амировым написано 10 монографий и 138 журнальных статей. Более 30 раз выступал с докладами на Всесоюзных и Республиканских съездах и конференциях. Под его руководством защищено 6 докторских и 20 кандидатских диссертаций.

Ф.Амиров был чутким и очень внимательным интеллигентным человеком. Он всегда старался каждому помочь встать на ноги. Вот что вспоминает о нём профессор каф. «Анатомия человека и гистология» ТашПМИ Э.Турсунов: «Фазыл Файзирахманович был очень интеллигентным, высоко воспитанным, культурным че-

ловеком, имел большой авторитет среди студенчества. В 1963 г., перед гос.экзаменами, он как проректор по науке Таш Гос Ми собирал всех выпускников отличников, которые в дальнейшем хотели продолжить свою учёбу в аспиранте или работать на кафедрах стажёрами исследователями. Он обещал, что каждый кто из них пойдёт в науку может воспользоваться его помощью.

Я выбрал кафедру ПВБ проф. Э.Атаханова, но меня не включили в список отличников, в связи с тем, что во время экзамена по химии за подсказку проф. А.Н.Крыженков выгнал меня с экзамена и поставил «двойку» и из-за этой «2» на пересдаче получил «4».

Как «комсомольского вожака» меня распределили в Томдинский район Бухарской области, но по воле судьбы я попал в г.Карши. Проработав там 3 года пришёл к Амирову. И по его рекомендации меня приняли на кафедру гистологии, возглавляемой проф. К.А.Зуфаровым, в качестве ассистента.

И благодаря этим великим людям я стал учёным морфологом. Вечная память таким людям!

Профессор Н.Х.Шамирзаев

АҲМЕДОВ НОСИР



Тиббиётимиз даргалари исми жисмига монанд инсонлардир. Ана шундай Худо ярлакаган фарзанд комил ва солиқ инсонлардан бири лавҳамиз қахрамони таникли олим Абу Райҳон Берунийи помидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, Республикада хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, фан арбоби, тиббиёт фанлар доктори, профессор **Носир Комилжон Аҳмедов** эдилар. Зеро, Носир дегани голиб музаффар, комил мукаммал етук баркамол, Аҳмад эса мактов ва олқишга сазовор деган маъноларини билдиради. Бу ноёб сифат фазилатлар шубҳасиз унинг исми ва жисмида ўз ифодасини топган эди десак асло муболага бўлмайди.

Носиржон 1922 йилнинг 5 декабрида Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида чойфуруш Комилжон, мўмина аёл Бўринисоларнинг серфарзанд оиласида кенжа фарзанд бўлиб дунёга келди. Отаси бевакт вафот этгач, муштипар онаси меҳрибон ака-опалари бағрида тарбияланди. Ўрта мактабда таълим олди. Заҳни ўткир тиришчок ва меҳнаткаш Носиржон ёшлигиданок илм фанга кизикди. Ҳаёт машаққатларини халол ва мардонавор енгишга киришди. Яхши соз чалиб ширани овози билан мумтоз куй кўшиқларини маҳорат билан ижро этарди. Бир оғиз сўз билан айтганда, у ҳар қандай давранинг беназир гули ва булбули эди, лекин мураккаб ҳаёт тақозоси билан умрини тиббиётга бахшида этишга азми қарор қилди ва ниятига эришди. Шу бонедан Носиржон дастлаб қисқа фурсат ишчилар факультетида таҳсил олгач, 1939 йили Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Бу орада 2-Жаҳон уруши бошланди, шу муносабат билан унинг ўқиши Саратов шаҳридаги Тиббиёт институтининг ҳарбий факультетига кўчирилди. 1943 йилнинг февраль ойида тезкор дастур бўйича ўқишни тугатган, эндигина 21 баҳорини қаршилаган шавқироп йиғит Носиржон ҳаракатдаги армиянинг 2- Украина Фронти таркибидаги ҳарбий-хаво десанти кўшиқлари сафига келиб кўшилди. Жасур ҳаракатчан Носиржон хизмат тақозоси билан парашутдан сакраш машқларини пухта ўзлаштирди, яхши кўникмалар ҳосил қилди, бироқ Кременчуг шаҳри яқинидаги аёвсиз жанг пайтида осмону фалакдан парашутдан сакраётган пайтида содир бўлган носозлик

туфайли оғир шикастланди. Шундан кейин у 1944 йили Тошкентга қайтарилди. Энди унинг тинч меҳнат фронтидаги жасоратли фаолияти бошланди. Жанг кўрган ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган Носир Аҳмедов Мирзачўл тумани соғлиқни сақлаш бўлимини бошқарди. Аҳолини ҳолдан тойдириб кўпчиликнинг ёстиғини қуритаётган безгак, ички терлама, ичбуруғ касалликларига қарши аёвсиз курашда фаол иштирок этди, эл- юрт эътиборига тушди.

Носиржоннинг илмий тадқиқот ишларига чанқоклиги уни Тошкент тиббиёт институтига етаклади. Ва ниҳоят у 1952 йили устозлари Б.А.Стеколников ва З.Г.Слободинлар раҳбарлигида «Оёғи ёки қўли кесиб ташланганда сақланиб қолган асаб толасининг морфологик ҳолати» деган долзарб мавзуда номзодлик илмий ишини муваффақиятли ёқлади. 1951–1955 йилларда эса Тошкент шаҳар Бешёғоч даҳаси Арпапоя кўчасидаги янги ташкил этилган 6- шаҳар касалхонасининг бош шифокори бўлиб кўпгина хайрли ва савобли ишларни амалга оширди.

1955 йилдан доцент Носир Комилович Аҳмедов бир гуруҳ таниқли олим мураббийлар Ёркин Тўракулов, Комилжон Зуфаров, Санд Румий билан бирга Андижон тиббиёт институтини ташкил қилишда қатнашиб, нормал одам анатомияси кафедрасини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди.

1957 йили Носир Аҳмедов улкан илмий режалар билан яна ўзининг жонажон институтига қайтди. Турли таассуротлар замирида йирик асаб толаларида содир бўладиган морфологик ўзгаришлар ва уларнинг тикланиш жараёнлари мавзусида олиб борган кўп йиллик изланишлари 1967 йили докторлик диссертацияси билан яқунланди. Кейинчалик у ТошМИ стоматология факультети нормал анатомия кафедраси мудири 1990–97 йилларда 2 - Тошкент давлат тиббиёт институтида анатомия кафедрасига мудар ва жамоатчилик ишлари билан қизғин шугулланди.

Унинг раҳбарлигида уч олим докторлик 20 дан зиёд шогирдлари номзодлик диссертацияларини муваффақиятли ёқашди. Тиниб-тинчимас олимнинг изланишлари самараси ўларок 200 дан ортиқ илмий мақолалар, 25 га яқин дарслик қўлланмалар яратилиши талабаларни ўқитиш жараёнида замонавий усул ва шакллар ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга кенг татбиқ этилди. Олим Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб «Одам анатомияси» бўйича ўқув атласини чоп этди. Бу ноёб дарслик ҳозирда талабаларга жуда қўл келади.

2002 йилнинг бошларида профессор Носир Комилович билан учрашиб, юзма-юз суҳбатлашган чоғимда ўзларига хос камтарлик билан шундай деган эдилар.

- Уруш катнашчиси, собиқ ҳарбий шифокор сифатида шунга амин бўлдимки, маълум сабабларга кўра, қўл оёғидан ажраб ампутация қилинган беморларнинг операциясидан сўнг, узок вақт, ҳатто йиллар давомида ўша йўқотган аъзоларида чидаб бўлмас кучли оғриқ сезиши, беҳуш бўлиб қолишларини кўп кузатганман.

Инсон танасидаги барча аъзолар ва тўқималарда ҳам худди шундай ўзаро ҳамкорлик, боғлиқлик бор. Периферик асаб тизимидаги сеҳрли ультратовуш нурлари таъсирини ўрганиш борасидаги кузатишларимиз шуни кўрсатадики, тана шикастланганда кон томирлари билан бир каторда асаб толалари ҳам шикастлангани боис, беморларни безовталаниши баъзи бир доривор моддалар, хусусан мумиё, балиқ ҳамда ультратовуш нурлари ва бошқалар билан доволаш яхши самара беради. Натижада, ўша шикастланган аъзо, тўқима атрофида кон, лимфа айланиши, унинг озикланишини яхшилланиши ҳисобига тикланиш жараёни кузатилди. Бундан ташқари, 1988 йилдан бошлаб, институтимиз «Одам анатомияси» кафедраси жамоаси ўқитишнинг янгича, замонавий уч погонали усулига ўтди. Бу илғор усул Америка, Греция, Туркия, Покистон ва бошқа давлатлардаги ҳамкасбларимизни ҳам қизиқтирди, ўзига эргаштирди. Турли йилларда ҳамкасбларимиз билан ижодий ҳамкорликда ўзбек тилида кўплаб илмий-амалий, назарий адабиётлар, дарсликлар, қўллашмалар ёздик, уларни нашрдан чиқардик. Жумладан, «Одам анатомияси», «Нормал ва патологик анатомия ва физиология», «Нормал ва топографик анатомияси атласи», Русча-ўзбекча тиббий лугат, Анатомиядан латинча-ўзбекча-русча лугат ва бошқалар. Энг қувонарлиси, Нормал ва патологик анатомия ва физиология дарслиги учун 1992 йил Абу Райҳон Беруний номи Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳиби бўлдим. Бу дарсликка эҳтиёж тобора ортганлиги сабабли 1993 йил учинчи марта қайта нашр этилди.



Анджсон тиббиёт институтда ишлаётган ёш тошкентлик олимлар ичида Носир Аҳмедов ҳам бор эди. Расмда чандан Н.Аҳмедов, Ё.Тўрақулов, К.Зуфаров ва бошқалар (1958й).

*Дарҳақиқат Абулқосим Фирдавсий ёзганидек:
Дунёда ҳамма нарса унутилади,
Паришон тўзонлар қўмиб кетади.
Фақат икки нарса қолур абадий:
Дононинг сўзиди, ботирнинг иши.
Юз йиллар ўтса ҳам ўлим билмайди,
Яхши сўз, яхши иш қилган киши.*

Кўп йиллик самарали устозлик, илмий-мураббийлик фаолияти ҳамда эл-юрт соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш етук ходимлар тайёрлаш, фахрий юксак унвон ва давлат мукофотига сазовор бўлган фидокорона хизматлари эвазига мухтарам устозимиз Носир Аҳмедов 2004 йилдан бери орамизда бўлмасаларда, ўзларидан қолдирган ёрқин излари минглаб издошлари қалбида барҳаётдир.

Искандар Раҳмон

ВОЙНО-ЯСЕНЕЦКИЙ

Валентин Феликсович Ясенецкий-Войно

... бир-биримизга ширин сўз билан ёки
бирон иш билан ёрдам беролмаган
кунимиз – ҳаётдан ўчирилган кундир.
В. Ф.Войно

(Бу олимнинг ҳаёти ва ишоди тиббиётимиз тарихига алоқадор бўлгани учун кенгроқ ёзишга ҳаракат қилдик).



Биз қахрамонимиз ҳақида очерк ёзаётганда уни кўрмаган ва у билан мулоқотда бўлмаган бўлсакда, кўп қийналмадик, чунки у йирингли хирургия асосчиси сифатида танилган олим. У киши тўғрисида жуда кўп монографиялар (Москвада, Парижда), мақолалар чоп этилган, 2009 йилда Россиянинг собиқ СС вазир, профессор, машҳур хирург Г. Шевченко В.Ясенецкий тўғрисида 622 бетлик монография чоп этган. Войно Ясенецкийдан эса, 205 бетлик «Я полюбил страданию» номли катта биографик очерк ҳам колган.

В.Ф. Ясенецкий 1877 йилда Керч шаҳрида туғилди. Валентин гимназия таълимини олгач, Киев университетининг тиббиёт факультетида ўқиди. Университетни имтиёзли диплом билан тугатгандан сўнг, Россия Кизил Крест шифохонасида ишлади. У ерда ҳамшира Анна Ланская билан танишиб, турмуш қуришади.

Улар Читадан Симбирия, сўнг Курск губернасига ишга ўтадилар. Қишлоқ шароитида В. Ясенецкий кўп нарсани ўрганади ва янгилıklar киритади. Аввало, қишлоқда амбулатор касаллар кўп, йилига 17 минггача касал кўради. Бир вақтнинг ўзида у хирургияда анестезия масалалари билан шуғулланади. У 1906–1908 йилларда 667 та операция (катта ва кичик) қилади, шундан 553 та касалда маҳаллий анестезия ишлатади. Бу йилларда анестезия масаласида жарроҳлар ўртасида тортишувлар кўп эди. У анестезияда адреналин-кокаин ишлатади (0,5 фонзли кокаинда 1:1000 адреналини). У немис тилини яхши билгани учун, Г.Брауннинг маҳаллий анестезияга бағишланган китобидан (1905й.чоп этилган) хабардор

бўлган (Ўша даврларда тиббиёт Германияда анча кучли ривож топган эди), ундан фойдаланган, машхур жаррох Н.Пироговнинг мақолаларини ҳам ўқиб турар эди.

Энг кизиги шундаки, оддий кишлоқ шифокори катта олим хирурглар билан анестезия масалаларида журналларда кизгин тортишади. У биринчилардан бўлиб, умумий ва маҳаллий наркозни бирга ишлатганда натижа яхши бўлишини, кишлоқ шаронтида перинеурал - нерв стволининг анестезия қилиш яхши натижа беришини кўрсатди. Стоматология соҳасида ҳам биринчи бўлиб, перинеурал анестезия қилган. «Хирургия» журналида чоп этилган икки ўта жиддий мақоласи уни Москвада ўқишига имкон беради. У шундай деб ёзади «Кишлоқ ҳаёти менга илмий иш ато этди».

У Москва Университети тиббиёт факультети хирургия кафедрасида экстери сифатида таълим олади. Унга диссертация мавзуси берилганда у ўзи кизикадиган мавзу—маҳаллий анестезия мавзусида ишламоқчи эканини айтади. Москва Тиббий экспериментал институтида ҳайвонлар устида жуда кўп илмий тадқиқотлар ўтказди. немис олими Г. Брауннинг айрим қондаларига ўзгартиришлар киргизади, масалан, учлик нервининг иккинчи шохини анестезия қилишда у кўз қосаси устидан эмас, балки паст ёки медиал томонидан анестезия қилишни таклиф этади ва бу усулнинг самарали эканини исбот этади. Уни мустақил фикрлайдиган, бўлажак жиддий хирург сифатида олимлар аста-секин таний бошладилар. У илмий жамият мажлисларида бемалол маърузалар қиладиган бўлди. Бирок Москвадаги моддий қийинчилик уни яна кишлоқ шаронтида ишлашга ундайди, у илмий ишни кишлоқда қилиш мумкинлигини тушуниб этади.

В.Ясенецкий Владимир губерниясида кенг қулоқ қўйиб ишлайди. Унинг таклифи билан тиббий журналларда губерния шифохонасининг йиллик ҳисоботлари илмий журналларда чоп этилади. Унинг номи Москвада ва чет элларда, айниқса, Германияда кўп тилга олишадиган бўлади. У Лейпциг журналларида мақолалар чоп этади.

1914 йилдан бошлаб В.Ясенецкий «Регионар анестезия» китоби устида ишлай бошлайди ва унинг гоёлари Германия-Россия уруши вақтида жуда қўл келади. У ишлаётган жойда ҳарбий лазарет очилади ва хирургик касаллар шу лазаретга жўпатилади. У шу йилнинг ўзидаёқ «Врачебная газета» саҳифасида «Қўл панжаларининг регионар анестезияси» мақоласини эълон қилади ва катта обрў

козонади, чунки кўп операцияларда унинг усулида анестезия қилинади. 1916 йилга келиб, В.Ясенецкий катта эксперимент ва касаллар устида олиб борган ишлари якутини жамлаб, уч бобдан иборат бўлган «Регионар анестезия» монографиясини ёзиб тугатади ва Петроградда 750 нусхада чоп этади. Монография тезда Москва Императорлик университетида, Варшавадаги шундай университет илмий Кенгашларида муҳокама қилинади. Москва Императорлик университети илмий Кенгаши бу монография учун В.Ясенецкийга тиббиёт доктори унвонини беради, монографияни эса диссертация ўрнида қабул қилади.

Монографияда анестезия масалалари, унинг хирургияда туган ўрни, қилинган экспериментлар, касалларда қилинган ишлари келтирилади. Муаллиф тажрибани аввал ҳайвонларда, мурдаларда ўтказди ва тўлиқ ишонгандан сўнг касалларда ўтказди. Олим Г.Браун, Ловенларнинг хатоларини топади ва ўз услубларини яратади. У феморалис, тибиалис, ишиадикус нервлари анестезиясини тамоман бошқача усулда қилади. Энг муҳими, Уруш йилларида 1912–1914, 1941–45 йилларда касалларда асосан В.Ясенецкий усулида анестезия қилинади.

1916 йилда Тошкент шаҳар шифохонаси бош шифокори лавозимига конкурс эълон қилинади, иккинчидан, касал хотинига Тошкент иклими тавсия этилади. Бу ҳолатлар қаҳрамонимизни Тошкентга етаклайди. Оила 2 минг километр йўл юриб, Тошкентга келади.

Тошкентда ҳозирги Жуковский касалхонаси ўрнида шаҳар касалхонаси жойлашганди. В.Ясенецкий шу касалхонада бош шифокор ва хирургия бўлими бошлиғи бўлиб ишлайди. Тошкент шу даврда икки–эски ва янги (руслар) шаҳрига бўлинганди, Хадра томонда маҳаллий аҳоли, ҳозирги Жуковский касалхонаси, Амир Темура хайкали атрофида асосан 1865 йилларда Туркистонни Россия босиб олгандан сўнг ва кейинчалик ҳар хил сабаблар билан Тошкентга келган русийзабон кишилар яшар эди. Вокзал атрофида ҳарбий госпитал бўлиб, у ерда ҳарбийлар даволанарди.

Тезликда В.Ясенецкийнинг обрўси ошиб кетади, чунки у турли, мураккаб жарроҳлик муолажаларини бемалол бажарарди, лекин касалхона шароити жуда яхши эмасди. Тошкентда бошланган Гражданлар уруши, очлик унинг орқасида ўғирликларнинг кўпайиши, большевикларнинг босқинчилиги, меҳр-шафқатсизлиги шаҳар ҳаётини анча бузиб юборганди.

1919 йилда Тошкентда ҳозирги Халқаро тантаналар уйи атрофида «Буфф» кафеси ўрнида Тошкент Олий тиббий мактаби очилади ва унга 150 талаба қабул қилинади. Шу йили Тошкентда Туркистон Давлат университети ТДУ очиш ҳақида қарор чиқади ва унинг қошида Тиббиёт факультети ҳам бўлиб, ўқиш 1920 йилдан бошланади. 5 та факультетга талабалар қабул қилинади, Олий мактаб тўлалигича тиббий факультетга ўтказилади ва бу мактабнинг 150 талабаси университет Тиббиёт факультети иккинчи курсига ўтказилади. Ўқиш Кадетлар корпуси (ҳозирги ТошМИ клиникаси, Польша рақиб ҳозирги «Главташкентстрой» шифохонаси) ўрнида, Тиббий Олий мактаб ва шаҳар шифохонасида олиб борилади. 102 профессорга штат ажратилади. Лекин ўқишга кирган маҳаллий ёшлар рус тилини билмаганликлари учун жуда қийналишади.

В. Ясенецкий Охта кафедрасига мудир этиб тайинланади ва касалхонада ҳам ишларини давом эттиради. 1920–21 ўқув йилида у дарсларни фақат касалхонада семинар ва амалиёт сифатида олиб борди.

В. Ясенецкий бир вақтнинг ўзида илмий ишларга ҳам вақт топади. 1922 йилда Туркистон шифокорларининг биринчи съездида 7 та энг долзарб маъруза билан катнашади: қорин тифи касалларида қариесага учраган ковурагаларнинг резекцияси, туберкулёзли гонитда хирургик даволаш, катарактани хирургик даволаш, кўкрак беги рақини даволаш, талокни хирургик йўл билан олиб ташлаш йўлини тўғри ташкил этиш, туберкулёзни даволашда Ўзбекистон иклимидан, Чимган санаториясидан фойдаланиш, йирингли хирургияни йўлга қўйиш. Энг қизиғи шунда эдики, ўша вақтда немислар таклиф этган кўпгина операцияларга тошкентлик жарроҳ янгилик қиритган эди.

Олим таклиф этган янгиликлар, биринчидан, тиф касалликларида ковурага тоғайларида қариес (йирингли касаллик, йирингда тиф палочкаси бўлади) бошланганда ковурагалар тоғайини радикал олиб ташлаш (чунки 50 йилларгача антибиотиклар бўлмаган), йирингни йўқотиш эса биринчи вазифа, иккинчидан, туберкулёзли гонитда икки томондан кесиш (немислар бир томондан, кесишни таклиф этган), ҳамма йирингли бўшлиқларни тозалаш ва операция вақтида тизза эгилиб туриши керак, учинчидан катарактани операция қилганда анестезия усулини ўзгартириш, тўртинчидан, сут беги рақиди фақат сут безини олиб ташлаш билан чекланмай (Хелстед усули) атрофдаги лимфатик, айникса, тўш ва курак ораси

бўшлигидаги (бу бўшлик В.Ясенецкий бўшлиғи деб номланади) лимфатик тугунларни олиб ташлаш ва ниҳоят бешинчиси, талокни олиб ташлашда олдин талок мобилизацияси, томирларни боғлаш, сўнг талокни олиш каби учта босқичда ишлаш таклиф этилади. Съезд давомида энг фаол В. Ясенецкий бўлади ва у 17 марта сўзга чиқади.

Лекин В. Ясенецкий шу билан бирга рухоний сифатида христианлар ибодатхонасида яқшанба кунлари епископ сифатида хизмат килади. Буниинг устига унинг операция хонасида Ийсо алайҳиссалом расми турар, операция олдидаи сажда қилиб, сўнг ишга киришар эди. Бу Қизил Империяга ёқмас эди. Улар олимни тартибга сололмагач, талабалар номидан хатлар уюштира бошладилар яна «рухоний домла бизга керакмас» деган талаблар билан уларни шикоят қилдирадилар.

1923 йилда бир кун ичида Тошкентдан чиқариб юборадилар. Лекин унинг шифокор сифатида ижобий томони кўп эди; касални миллатига, динига, бой-камбағалига, амалига қарамасди. У Тошкент шаҳар шифохонасида 6 йил ишлаб, жуда катта шухрат қозонади, эски шаҳар даҳасига бориб, у ерда ҳам кўп касалларни даволайди. Машҳур профессор, терапевт И.А.Кассиркий ва бошқа кўпгина профессорлар ҳам у билан хисоблашишар, улар хурматида эди. Энди тошкентлик Войнони Европа, Россия таъий бошлаган эди.

1923 йилда у Москвага келиб ИИБ рўйхатида туради ва энг ёмони турмада уч ой ётгандан сўнг, уни Сибирга сургул қиладилар. У Омск, Томск, Красноярск, Енисейск (бу шаҳарга уни 1924 йил январиди олиб келишади, бу ерда асосан тунгуслар яшарди), Ново Труханск шаҳарларида ҳам даволаш ишларини давом эттирди: бетишим операция қилди, энг мураккаб касалларни тузатди ва Сибирда номи машҳур бўлди. Уни одамлар севиб қолишган эди.

В.Ясенецкий доим учта нарса билан банд эди. Касал ва операция, китоб, кундалиқлар ёзиш ва диний ибодатларни бажариш. У шунчалик динга эътиқодли эдики, касалларга «Аллоҳ сизни менинг қўлим билан тузатди» дер эди. У Сибирда «одам бормас» жойларда туриб, И.И.Павлов Нобел мукофоти олганда уни жуда илик сўзлар билан табриқлаб, озгина ўзи тўғрисида ҳам маълумотлар бериб ўтади ва Павловдан самимий жавоблар олади. 1923 йилда Епископ Лука номидан Лейпциг журналида олимнинг икки мақоласи чоп этилади.

Сибир сурғунидан у 1926 йилда қайтиб келади, лекин унга Тошкентда иш беришмайди. Кўчада қолган олим бир уй топиб хусусий шифокорлик фаолияти билан шуғулланади. Шунда ҳам у Хирургия жамиятида маърузалар билан катнашиб туради. «Медицинская мысль Узбекистана» (1922 й. ташкил топган, шу асосда hozirги «Медицинский журнал Узбекистана» журнали пайдо бўлган) газетасида мақолалар чиқариб туради, бироқ бу ҳам узокка бормайди.

САГУ физиология кафедраси мудирин М.А Павловский ўзини осиб ўлдирди. Сабаблари номаълум эди, лекин уни христианчасига кўмишига руҳсат беришмайди. Унинг руҳий касаллигини тасдиқловчи хужжат керак эди. Шунда В.Ясенецкий «майит руҳий касал бўлган» мазмунда маълумотнома беради, кўйилган айблар; у касални кўрмасдан маълумотнома берган, олимни эса, унинг хотинини ўлдирган. В.Ясенецкий эса бунда катнашган, чунки олим катта кашфиёт бўсағасида бўлгани учун руҳоний уни йўқотмокчи бўлган ва буни беркитиш учун сохта маълумотнома берган. (Михайловский ўлган 12 яшар ўғлини муниёлаб, уни тирилтириш устида илминий иш олиб бораётган эди, у ўғлини тирилтирса, бу иттифокда катта кашфиёт бўларди, бу эса гўё руҳонийга ёкмаган, яна бир айб бу кашфиётни у чет элга катта пулга сотмокчи бўлган). Олим яна камокка тушади.

1931 йилда бир йиллик текширишдан сўнг уни Шимолий ўлка (Архангельскка) сурғун қилинади. Сурғун олдидан камокхонада у РСФСР соғлиқни саклаш комиссарига «Йирингли хирургия илминий текшириш институтини» очиб бўйинча хат ёзади, хат жавобсиз қолади. Архангельскда Папатачи тропик лихорадка касалига учраб, кўз тўр пардаси жойидан кўчабошлайди. У Москвада, Қримда даволанади. Сурғундан сўнг, у яна Тошкентга келади.

1934 йилда Шаҳар касалхонаси кенгайтирилиб, янги корпуслар қурилади. В. Ясенецкийга 25 ўрнилик йирингли хирургия бўлимини очиб берилади ва олим жуда хурсандлик билан иш бошлайди. Бу вақтларда у йирингли хирургия бўйинча дунёга танилган олим эди, лекин оиласи нотинч эди, фарзандларини «отанг репрессия қилинган» деб қийнашади ва кичик ўгли психик касал бўлиб қолади. Охирида ўқидан кетиб фотоафлик қилиб қуш кечиради.

Лекин унинг учун қувончли томони «Очерки гнойной хирургии» (400 бет) китоби 10200 нусхада босмахонадан чиқади. Тошкентлик олимни йирингли хирургия отаси деб атаётган бошлайдилар. унинг тошкентлик олим номи бутун дунёга тарқалади. Е. Шевченко

(2009) маълумотига кўра, 1890–1913 йилларда 2887 варақли Россия хирургияси библиографиясида чоп этилган 27 000 ишда, 1914–1934 йиллар Рус хирургияси библиографиясида келтирилган 20 000 ишнинг биронтасида «гнойная хирургия» сўзи ишлатилмаган экан. Ҳатто чет элда ҳам бу сўз ишлатилмаган.

Тошкент шахрида В. Ясенецкий ташаббуси билан биригичи йирингли хирургия ишга тушди. У даволашнинг турли йўлларида фойдаланар эди. Бир оғир касалда битмаган йирингли ярада табиб В.М.Вальнева катаплазмасидан (таркибида киздирилган кора тупрок, асал, каймоқ ва дорилар тайёрланадиган бошка турли ўтлар кайнатмаси бор) фойдаланди, касал соғайиб кетади, иккинчи бир шундай касалда ҳам яхши натижа бўлади. Ҳатто бу ҳақда «Правда Востока» газетасида 1936 йил профессорни мактаб мақола ҳам чиқаради. В. Ясенецкий 18 та куёнда, 230 касалда бу дорини синаб ижобий натижалар олади. Яна бунинг устига у бетишим ишлаб китобнинг янги нусхасига жуда кўп янгиликлар киритади, айниқса, кўл ва танада кўп учрайдиган хўппоз(флегмонал)ларни операция қилиш услубларини ёзади.

1930 йилларгача тиббиётда олимларга «Тиббиёт доктори» деган унвон берилар эди (бу унвон Игтифок давридан анча олдин Россияга Европадан кириб келган деган маълумотлар бор). Бу унвон кўплардан олиб ташланди. Кейинчалик диссертация ҳимоя қилиш ва имтиҳонлар топшириш шарт қилиб қўйилди. Аввал номзодлик, кейин докторлик ҳимояси киритилди. Истисно тарикасида айримларда бу унвон қолдирилди ва 1936 йилда В. Ясенецкийга «Тиббиёт фанлари доктори» унвони берилди. Бу ҳақда «Правда Востока» мақола эълон қилди.

1932 йилда Тошкентда Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ташкил этилади, 1935 йилдан хирургия кафедрасига мудириликка ўтади ва клиника кафедра базаси бўлиб қолади. Унинг раҳбарлигида урта фан доктори етишиб чиқади (Х.А.Петросянц, Г.А.Ротенберг,- у Эски шаҳардаги 1-касалхонада бош шифокор ҳам бўлган ва Б.А.Стекольников-ОХТА каф. мудири). Лекин олимни кўролмаган гапимлар ёрдамида 1939 йилда уш яна қамокка олишади, «халқ душмани» деб, китоблари ва мақолаларини институт кутубхонасидан олиб ташлашади, номини бир неча журналлардан қора туш билан ўчириб ташлайдилар. Олим икки йил турмада ётади.

У камокхона касалхонасида ўз китоби устида ишлайди, кўп операциялар қилади ва у ерда ҳам машҳур жарроҳ сифатида танилади.

1940 йили уни 5 йилга Красноярск ўлкасига сургун қилдилар. 1941 йилда уруш бошланиши билан у юкори ташкилотларга хат ёзади. Хатда ўзини йирингли хирургия бўйича мутахассис эканини ва бирон ҳарбий госпиталда касалларга ёрдам бериши мумкинлигини, сургунни эса урушдан сўнг ўташини ёзади. Уни Красноярскдаги госпиталга ишга ўтказдилар.

1515 госпитал бир чеккада бўлиб, бу ерга энг оғир касаллар келарди, бу ерда касал ё соғайиб чиқади, ё бокий дунёга равона бўлар эди, иккинчидан, бу ерда элга танилган, буюк жарроҳ Н.Н.Пироговга тенглаштирилган шифокор бор эди. Госпиталда «Йирингли хирургия» китобининг иккинчи нашрини тайёрлаш ва унга янги қўшимчалар қилиш, йирингли бўгин касалларида кеч бўлсада, бўгинни резекция қилиш йўллари устида учинчи китобни ёзиш билан шуғулланади.

Учинчи китобни ёзишга 1943 йилларда унинг ўтказган юзлаб операциялари сабаб бўлади. Госпиталга кўплаб катта азобда қолган йирингли артритлар (гонит, коксит, плексит каби) билан асоратланган касаллар келишарди. У кўпларини «кеч қолган» резекция билан даволайди, дарров ампутация қилишга ўтмайди. Ва бу билан у бошқаларни ҳам оғохлантирмокчи бўлади. Йирингли гонитда Ясенецкий эса бўгинни очиб, йирингдан тозалаб уни резекция қилиш (суякнинг бўгин юзаларини қўшиб)ни таклиф этади.

1943 йил март ойида Красноярскда Сибир округи бўйича хирурглар конференциясида В. Ясенецкий дастурий маъруза қилади ва кўп машҳур хирурглар билан учрашади, уларга иккала китобнинг («Йирингли хирургия очерклари» иккинчи нашрини ва «Ўқдан инфекцияланиб жароҳатланган бўгинларда кечки резекция») қўлёзмасини кўрсатади ва чоп этишга кўмаклашишни сўрайди. Улар чоп этишга тавсия ёзиб берадилар. Лекин коғоз муаммоси туғилиб, китоблар чоп этилмайди. Шунда В. Ясенецкий давлат бошлиги И. Сталинга хат ёзади ва китобларни чоп этишга ёрдам сўрайди. 1944 йил резекция бўйича ва 1946 йилда йирингли хирургия бўйича китоблари чоп этилади.

Олим энди янги мавзуга қўл уради. Уни кўкракдан ўк еган касалларда ривож топаётган «йирингли плеврит» кизиктириб қолади. У операция техникасига янгиликлар киритади ҳатто торакал бўлим

очишга ҳам эришади, мақолалар чоп этади, жуда кўп тажрибали шогирдлар етиштиради.

У 1946 йил икки китоби учун «Биринчи даражали Давлат мукофотини олди», адолат, ҳақиқат қарор топди. Сахий олим олган 250 минг сўм мукофотининг 170 мингини етим-есирлар учун деб давлатга қайтариб беради.

1946 йилда у Симферополь шаҳрига кўчиб ўтади ва касалларни уйида қабул қилади, госпиталда консультантлик қилади, илмий ишлар билан банд бўлади. У бир неча марта Москвага боради, Марказий Тиббий кутубхонада ишлайди (у қунига 6 соатлаб китоб устида ўтирди), лекин унинг кўзи анча хиралашиб қолгани ва ёзишга қийналарди. В. Ясеневский энди «Йириггли хирургия китобининг учинчи нашрини тайёрлай бошлайди, унга ленинградлик олимлар ёрдам беради ва бу китоб 1956 йилда 30 000 нусхада чиқарилади. «Проводниковая анестезия» китобини қайта чиқариш учун унга юз бетдан кўп қўшимчалар қилади.

В.Ясеневский Симферополда қолган умрини аввалгидек урта нарасага, китоб ва мақолалар ёзишга (у учта китоб ёзди ва уччаласи ҳам -1918, 1946 мукофот олган) касалларни қўришга ва динга бағишлаб ўтказди. У 1961 йил 11 июнда вафот этган. Тошкентлик йириггли хирургия асосчиси В.Ясеневский номида Симферополь шаҳрида парк бор ва у ерда унга ҳайкал ўрнатилган.

Эркин Турсунов

ИСАЕВ ЛЕОНИД



Исаев Леонид Михайлович – заслуженный деятель науки Узбекской Республики, доктор медицинских наук, Лауреат Государственной премии, профессор.

Имя Леонида Михайловича Исаева навсегда вписано золотыми буквами в историю здравоохранения Узбекистана. Профессор Л.М. Исаев и труд его жизни, отданный Узбекистану, стал легендарным. Везде и всюду можно обнаружить следы трудов и дел Исаева. Вся

его жизнь была подвигом.

Л.М.Исаев родился 16 августа 1886г. в Петербургской губернии. Будучи ещё студентом Военно-медицинской академии Л.М.Исаев с марта по май 1911г. работал во время чумной эпидемии в Харбине, с июля по октябрь 1911г. в составе научной экспедиции профессора Заболотного в Монголии и Забайкалье. Окончив Военно-медицинскую академию с отличием в 1912г. врач Л.М.Исаев начал трудовую деятельность в Кавказской Армии.

Во время империалистической войны Исаев был награжден орденом.

В 1922 г. ассистент Московского тропического института Л.М.Исаев командировается в Бухару для организации противомаларийных мероприятий, а в 1923г. возглавляет научную экспедицию по изучению паразитарных заболеваний и по организации борьбы с ними в Бухарской Народной республике. 1 августа 1923г. После работы Бухарской экспедиции Исаев представил в правительство Бухарской Народной республики докладную записку об организации Бухарского тропического института.

По решению Совета Вазиров Бухарской Народной республики (протокол №16 от 24 декабря 1923г.) был организован Бухарский тропический институт, директором которого был назначен Л.М.Исаев. Более 40 лет руководил Л.М.Исаев институтом – с декабря 1923г. до 23 января 1964г. – дня кончины. Вместе с институтом рос ученый Исаев, вместе с ученым рос институт. В 1967г. институту присвоено имя Л.М.Исаева. В настоящее время институт называется Научно-исследовательский институт медицинской паразитологии им. Л.М.Исаева Министерства здравоохранения Рес-

публики Узбекистан.

В январе 1934г. Л.М.Исаеву было присвоено звание профессора, в июле 1945г. присуждена ученая степень доктора медицинских наук, в 1944г. ему присвоено звание Заслуженного деятеля науки Узбекской ССР. Под руководством Л.М.Исаева в институте проведена огромная научно-исследовательская работа по борьбе с малярией, лейшманиозами, гельминтозами, клещевым возвратным тифом.

Леонид Михайлович Исаев был не только большим ученым, он был учёным нового типа. Учёный, для которого наука и жизнь были неразрывным целым. Его деятельность была широко известна народу. Немедленно появлялся он там, где возникала вспышка паразитарного заболевания, организовывал людей, требовал и добивался средств, врачей, медикаментов. Никто так хорошо как Исаев не знал, не изучал, не исследовал лично самые отдаленные, глухие уголки в горных ущельях и в раскаленных солнцем долинах Узбекистана.

Образцом глубокого научного исследования закончившегося блестящим практическим результатом, является работа Исаева по риште. В этой работе проявилось всё своеобразие его как ученого, всесторонняя одаренность и талантливость, организационные способности, тесная связь с народом и понимание неразрывной связи между наукой и жизнью.

Л.М.Исаевым изучены особенности эпидемиологии малярии, её паразитология, клиническое течение и т.д. в Узбекистане. На основе работ Л.М. Исаева и его учеников, строилась вся система борьбы с малярией в Узбекистане, которая в конечном итоге привела к ликвидации этого заболевания.

За участие в ликвидации малярии в СССР Л.М.Исаеву в 1952г. было присуждено звание Лауреата Государственной премии 1 степени.

На основе его исследований были разработаны мероприятия по ликвидации и ликвидирован стойкий очаг висцерального лейшманиоза человека в Самарканде.

Высоко оценён труд выдающегося ученого. Он был награждён орденами, медалями страны.

После его кончины около 11000 книг из его личной библиотеки было передано в дар библиотекам Института медицинской паразитологии, Медицинского института и т.д.

Доктор медицинских наук Т.А. Абдиев



ОКИЛОВ ОТАУЛЛА

Тиббий биология ва ирсият соҳасидаги йирик олим, ажойиб устоз, оташин нотик, ўз ҳаётини тиббиёт илмига ва халқимизнинг соғ-саломатлигига бағишлаган фидойи инсон Окилов Отаулла Тўрахонович 1929 йилда Тошкент шаҳрида, хизматчи оиласида туғилди. Ёшлигиданок ўтқир зехили, кизикувчанлиги, жамоат ишларига фаол иштирок этиши билан ўз тенгдошларидан ажралиб турар эди.

О.Окилов 1953 йилда ТошМИИни имтиёзли диплом билан битирганидан сўнг, институтнинг анатомия кафедрасида ассистентлик лавозимида қолдирилди. 1956–59 йилларда аспирантурада ўқиди. Отаулла аканинг инсон ва олим сифатида шаклланишида марҳум профессор, анатом, собиқ Соғлиқни сақлаш вазирни Ҳаким Зоҳидовнинг хизмати катта бўлди. Устоз шогирдига «Қалқонсимон безнинг нормал ва эндемик бўқоқ ҳолатларида артериал қон билан таъминланиши» мавзусидаги ишни тавсия этди. О.Т.Окилов 1961 йил химоя қилди.

Институт раҳбарияти ёш олимдаги назарий илмга қизиқишини инобатга олиб, уни тиббий биология кафедрасига доцент қилиб ўтказишди. 1963 йилдан бошлаб О.Окилов ўзининг бутун куч-гайратини тиббиёт биологияси, айниқса, ўша пайтда қайта тикланаётган генетика фанининг равиани учун сарф қилди. Биология кафедраси тез орада институтнинг етакчи кафедраларидан бирига айланishiда ўзининг салмоқли хиссасини қўшди. Биология кафедрасига ўтиши биланок талабалар учун ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган дарслик йўқлигини назарга олиб, устози Жаҳонгир Ҳомидов билан дарслик яратиш устида тинмай хизмат қилди ва янги дарслик пайдо бўлди. Бу дарслик тиббиёт институтлари талабалари учун сеvimли қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

У дўсти ва маслакдош ҳамкурсн, устози, атоқли олим Ж.Ҳамидов билан ҳамкорликда умурткали ҳайвонларнинг филогенезда қон ҳосил қилувчи аъзолари ва қон хужайраларининг ривожланиши муаммоси устида чуқур илмий изланишлар олиб борди ва 1972 йилда «Умурткалилар баъзи вакиллариининг қон аъзоси аъзолари ва периферик қон элементлариининг ҳар хил

мавсумлар ва ионлаштирувчи нурланмиш таъсиридаги цитогистохимик таҳлили» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли равишда ҳимоя қилди.

О.Окилов ўзининг илмий ишларининг якуналарини устози Жаҳонгир Ҳамидов, ҳамкасблари профессорлар Азим Турдиев, Кураш Нишонбоевларнинг илмий тадқиқотлари билан умумлаштириб, ҳамкорликда «Умуртқалиларда кон ва кон ҳосил қилиш», «Нормада ва ионлаштирувчи нурлар таъсирида умуртқалиларда кон ва кон ҳосил қилиш аъзолари ҳолати», «Умуртқалилар кон элементларининг электрон микроскопик атласи» номли монографияларни бирга чоп этди.

Монографияларда келтирилган маълумотлар фақат собиқ иттифокдаги олимлардагина эмас, чет эллик олимлар орасида ҳам катта кизкиш уйғотди. Бу маълумотлардан машҳур гистолог, Москва тиббиёт академияси профессори Ю.И.Афанасьев томонидан яратилган «Гистология» дарслигида, республикамиз медицина институтлари талабалари учун ёзилган биология соҳаси дарсликларида фойдаланилди.

Кон ҳосил қилувчи аъзолар ва кон хужайралари эволюциясини ва радиосезгирлигини ўрганишга бағишланган ишлари учун О.Т.Окилов (ўлимидан сўнг) устози академик Ж. Ҳамидов, ҳам-касблари профессорлар А.Турдиев, К.Нишонбоевлар билан Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника соҳасидаги энг нуфузли бўлган Абу Райҳон Бериуний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

О.Т.Окилов, Ж.Ҳамидов билан биринчилар қаторида тиббий генетика маслаҳатхонасини ташкил қилишда фаол қатнашди. Тез орада бу илмий-амалий маскан республикамизда тиббий генетика марказига айланди. 1965 йилда мамлакатимизда генетика фани қайта тиклангандан кейин О.Окилов Москвада марказий шифокорлар малакасини ошириш институтида машҳур генетик олим, академик Н.Н.Жуков-Бережников раҳбарлик қилган биология ва умумий генетика кафедрасида одам хромосомалари кариотипларини ўрганиш усулларини ўзлаштирди.

Москвадан қайтганидан кейин республикамизда тиббий ирсий тадқиқот усулларини кўллаш бошлади. Ўзбекистон ҳудудида ирсий касалликларнинг тарқалиши, уларнинг олдини олиш муаммоларини ўрганишга юқори эътибор бериб, бу изланишларни жонлантиришга катта ҳисса қўшди.

Бу соҳани ривожлантиришга қаратилган фаолиятини

А.Т.Окилов Тошкент педиатрия медицина институтида ҳам давом эттирди. Унинг ташаббуси билан ва бевосита раҳбарлигида Тош-ПТИда тиббий генетика кабинети ташкил қилинди ва биринчи галда кўп таркалаётган ирсий касалликлардан бири каттали диабетни ўрганиш масалаларига катта эътибор берилди. Бу долзарб муаммага бағишланган салмоқли илмий мақолалар нуфузли илмий журналларда чоп этилди ва илмий жамоатчилик эътиборига сазовор бўлди. Ўша йилларда бу жуда катта аҳамиятга эга бўлган иш эди. О.Т.Окилов тиббий генетик маслаҳатлар ўтказиш билан бир каторда аҳоли ўртасида ирсият тўғрисида билимларни оммалаштириш ишига катта ҳисса қўнди. Республиканинг кўпгина туманларида, аҳоли ўртасида, телевидение ва радио орқали кизиқарли суҳбатлар ўтказди, газета ва журналларда, илмий оммабоп рисоаларда одам ирсиятининг сирлари ҳақида мақолалар ёритди. Айниқса «Гулiston», «Фан ва турмуш», «Ўзбекистон тиббиёти» журналларида фаол катнашди. Ўзбекистон комуси қошида таҳририй хайъат аъзоси сифатида кўп тиражли газеталар — «Медик» (Тош-МИда) ва «Педиатр» (САМПИда)да узоқ йиллар давомида бош муҳаррир сифатида жамотчилик асосида хормай-толмай меҳнат қилди.

1972 йилдан бошлаб О.Окилов Ўрта Осиё медицина педиатрия институтининг тиббий биология ва ирсият кафедрасига раҳбарлик қилди. У фақат кафедранинг ташкил қилишдагина эмас, институтнинг ташкил қилиш жараёнида ҳам фаол катнашди, педиатрия факультетига деканлик қилди, унинг раҳбарлигида кафедра илғор кафедралар каторига кўтарилди. ўқув жараёнини керакли жиҳозлар, жадваллар, стендлар билан таъминлашга катта аҳамият берилди.

О.Т.Окиловнинг илмий, педагогик ва жамоат ишларидаги фаолияти сермазмун ва серкирра эди. У Ўзбекистон тиббий ирсият-шунослар жамиятининг раҳбари, Бутуниттифок тиббий ирсиятшунослар жамияти бошқармасининг аъзоси, бир неча йил шу жамиятнинг ҳамраиси, ЮНЕСКО программаси бўйича «Инсон ва биосфера» жумҳурият миллий қўмитасининг аъзоси ва шу лойиҳа раҳбари муовини сифатида ўз билимларини халқимиз саломатлиги, тиббий маданиятининг равнақи йўлида сарф қилди.

Олим 80-йилларнинг бошларидаёқ онлаларни режалаштиришга, республикамизда кенг тарқалган қариношлар орасидаги никоҳларнинг салбий аҳамиятига, ташки муҳитни муҳофаза қилиш

ишларни жоплантиришга республикамиз жамоатчилигининг эътиборини қаратиш учун кўп ҳаракат қилди, афсуски ўша пайтларда бу кўтарилган муаммоларга унчалик эътибор берилмади. У республикада биринчилардан бўлиб ирсий касалликлар эпидемиологиясини ўрганди. Масалан, унинг маълумотларига кўра, Фарғона водийсида ирсий касалликларнинг кўплиги ва бу ҳолнинг қариндошлар ичида никоҳларнинг кўплигига алоқадорлиги аниқланди. Биз билан бир суҳбатда улар бутун вилоятлар бўйича ирсий карта тузиш хақида фикр билдирган эдилар. Умуртқалилар кон элементлари онтогенезини ўрганиш натижалари фақат эволюцион гематологияга қўшилган улкан ҳисса бўлибгина қолмасдан, одамларда учрайдиган ҳар хил кон касалликлари механизмларини тушуниш, нурланиш касаллигининг келиб чиқиши механизмларини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди.



Профессор О.Оқилов талабалардан имтиҳон олмақда.

О.Т.Оқилов ниҳоятда меҳрибон устоз, шу билан бирга талабчан эди. Домла шогирд тайёрлаш ва уларни тарбиялаш ишига катта аҳамият берарди, шогирдларига ўзининг бой ҳаётий тажрибаларини ўргатишдан толмади, уларга теран илмини сингдирарди. Айтиш мумкинки, уларни инсонийлик руҳида тарбиялашга катта аҳамият берарди, халқимизнинг «олим бўлишдан олдин одам бўл» нақлини шогирдларига сингдирарди. О.Т.Оқилов раҳбарлигида иккита докторлик диссертацияси, 6 номзодлик ишлари химоя қилинди, у 130 дан ортиқ илмий иш, шу жумладан, 5 та монография ва 2 та талабалар учун дарслик ёзиб қолдирди.

Тиббиёт институтларида қирк йилга яқин меҳнат қилган олим каламига мансуб «Қариндошга қиз берманг», «Соғлом турмуш-узок умр пойдевори», «Оилавий ҳаётга кадам қўяпсиз», «Ўғилми, қизми», «Зурриёт сирлари» каби рисолалари, «Меҳр чашмаси», «Инсонни ардоқланг» каби бадиий асарлари халқимиз томонидан севиб ўқилади. Бу адабий рисолалар ёшларни она Ватанга чексиз садоқат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш масалаларига, инсонни авайлашдек муҳим мавзуга, шифокорлик бурчини виждонан оқлаётган оқ халатли кишиларга, тиббиёт илми заҳматқашларига бағишланган.

Эркин Турсунов, Зулфия Чориева

НИШОНБОВЕВ КУРАШ



Олимнинг ҳаёти оддийгина. Кураш Нишонбоев 1942 йил 1 сентябрда Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти Туркистон тумани Иқон қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилди. 1960 йилда ўрта мактабни тугатгандан сўнг, Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб, 1967 йилда тамомлади ва институтнинг биология умумий генетика кафедрасида излаувчи тадқиқотчи лавозимида ишга қабул қилинди. 1969 йилда аспирантурага кириб, 1972 йилда «Умуртқали ҳайвонларининг переферик қони лейкоцитларининг меърада ва ионлаштирувчи радиация таъсирида ультраструктураси ва цитокимёси» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилди. 1972–1975 йилларда ТошТИ биология кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи ва доцент, 1975 йилдан Ўзбекистон фаоллар академияси ва биокимё институти биологик мембраналарининг структураси лабораториясида кичик илмий ходим бўлиб ишлади. 1977 йилдан цитокимё ва электрон микроскопия лабораториясида катта илмий лаборатория бошлиғи вазифасида ҳам фаолият юритди. Унинг илмий тадқиқотлари қон ҳосил қилувчи система эволюцияси ва радиосезгирлиги, иммунитет системасининг антогенези ҳамда уни фенотипик коррекциялаш масалаларини ўрганишга бағишланган. Фидойи, ўз касбининг жонкуяри К. Нишонбоев мактаб, коллеж-лицейлар учун 12 та дарслик яратди, қуйидаги мавзулардаги 2 та монография муаллифдошидир: «Электронмикроскопический атлас элементов гемопоэза позвоночных животных» Д.Ҳамидов, А.Турдиев, К.Нишонбоев, (1979), «Кровь и кроветворение позвоночных при лучевых поражениях» Д.Ҳамидов, А.Турдиев, К.Нишонбоев, А.Оқиллов, (1986г). Сўнгра тажрибали олим «Устройство для прединкубационной обработки яиц-излучением» номида муаллифлик гувоҳнома-сини олган, (1991й).

Ўзбекистон морфологиясининг ёрқин юлдузлари Комилжон Зуфаров, Жаҳонгир Ҳамидов, Раҳим Худойбердиев, Зийнат Раҳматуллин, А. Ибодов каби олимлар ўз илмий мактабларида ўнлаб шогирдлар етиштирди. Устозлари ўғитларини давом эттириб

келаётган шогирдлар морфология фанини янада ривожлантириб, тиббиёт равнақини янада юксалишида ўз ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. 60-йилларнинг иккинчи ярмидан Тошкентга электрон микроскопиянинг кириб келиши, ультраструктур тадқиқотларнинг ниҳоят кенгайиши оқибатида Тошкентда икки йирик олим - К.Зуфаров раҳбарлигида гистологлар, Ж.Ҳамидов раҳбарлигида цитологлар мактаби шаклланиб, улар жаҳон илм аҳли томонидан тан олинди.

Цитологлар мактабида филоонтогенезда қон яратувчи ва иммун аъзоларнинг хужайралари замон талабида ўрганилиб, филогенетик, онтогенетик, гормонлар, радиация, биологик фаол моддалар медиаторлар ва бошқалар таъсирида ҳамда минн нурланишнинг илмий - иқтисодий самаралари қабл қатор йўналишларда илмий изланишлар олиб борилди. Бу изланишларни татбиқ этиш мақсадида ЎзР ФА Биокимё институтида электрон микроскопик бўлим очилди, бўлимда эса бир неча лабораториялар ташкил этилиб, илмий изланишлар бошланди. Ўша даврларда 21 аср иммунология асри бўлади деб бежиз башорат қилинмаган. Шунинг учун қон иммун хужайраларини ўрганиш, даврнинг талаби бўлиб, гематология ва иммунология учун назарий асос керак эди.

Ж.Ҳамидов раҳбарлигида А.Турдиев, О.Оқилов, К.Нишонбоевлар бу соҳада барақали хизмат қилдилар ва қатта илмий ютуқларга эришдилар. Ўша даврларда қуйидаги саволларга жавоб топмоқ лозимлиги, яъни қуйи табақа ва сүтэмизувчи ҳайвонларда гемопоэз ўчоқларини шаклланишини, қон шакли элементлари ҳамда иммун-компонент хужайраларининг нур сезгирлик даражаси гормонлар, шунингдек, бошқа биологик фаол моддалар таъсирида хужайралардан ўзгаришлар аниқланса, дифференцировка ва пролиферация масалалари бўйича долзарб муаммолар ўз ечимини қутаётганлиги маълум бўлди, лекин бу муаммолар оддий ёруғлик микроскопи остида оддий морфологик усуллар билан ҳал бўлмас эди. К.Нишонбоев бу муаммоларни ўрганишини ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, унга икки нарса қўл келди. Биринчидан, номзодлик химоясини бажаришида унинг тажрибаси ошган бўлса, иккинчидан, у чуқур ва нозик электронмикроскопик цитокимёвий усулларни ўрганган эди. Бу масалаларни ҳал қилиш учун у 15 хил ҳайвон танлади: баликларни, ерда ва сувда яшовчи ҳайвонларни, судралиб юрувчиларни, қушлар ва ниҳоят сүтэмизувчиларнинг турли гуруҳлари танланди ва изланишга киришилди.

Биринчи галда у учта нарсани ҳал қилди: –аденилатциклаза, ЦАМФ ва гуанаининг циклазалар қон ва иммун ҳужайраларини маълум жойларида турли хил жойлашганлиги аниқланди. Ҳайвонот оламининг қуйи табақаларида эса қон ҳужайраларининг хиллари кўп, ҳайвонлар табақалашган сари (сутэмизувчилар), қон ҳужайралари сараланиб қолиши аниқланди, масалан:

– одамда фақатгина уч хили гранулоцитлар қолади: нейтрофиллар, эозинофиллар, базофиллар, қолганлари йўқолиб кетади;

– ферментлар фаоллиги ҳам ўзгариб боради; митоз даврида қамаяди;

– макрофаг ва фибробласт ҳужайралари монокультурада қон ҳужайраларидан олдинроқ пайдо бўладилар. Бу икки ҳужайра микромуҳит шароитини яратиб гемопоз ва иммунопозни ривожлантиради, бу ҳам биологияда қатта янгилик эди.

Олиб борилган изланишлар шунини кўрсатдики, қуйи табақа ҳайвонларнинг нурга сезгирлиги паст ва улар нурга чидамли, нурланишдан кейин сутэмизувчиларда деструктив ўзгаришлар эрта пайдо бўлса, қуйи табақа ҳайвонларда 3-4 кундан сўнг пайдо бўла бошлайди. Сабаби, уларда ҳужайра ультраструктур тузилмалари нурланишга чидамли. Олим бу ҳолатни сабабларини ўрганиб, унинг фермент тизимига боғлиқлигини кўрсатди. Олимни яна бир ютуғи, бу жараёнда макрофаг ва фибробласт биринчи бор аниқланди. Унинг яна бир хизмати – бу қуйи табақа ҳайвонларда гемопоз схемасининг яратилишидир. Бу зоология фани учун жуда керак, иккинчидан гемопоз ҳужайралари локализациясидаги фарқлари ҳам кўрсатилди. Яна муҳими, гормонлар таъсирида иммуноцитопоз ва гемопоз янги усулларда ўрганилди.

Институт талабалари учун 8 та дарслик яратган бўлиб, улар козок, туркман ва тожик тилларига таржима қилинган. Унинг раҳбарлигида 4 та докторлик, 11 та номзодлик диссертациялари химоя қилинган. 30 дан ортиқ ўқув услубий қўлланмалар яратган, 270 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи. У Ўзбекистон Олий Аттестация комиссиясининг биология фақлари бўйича эксперт қенгаши раиси муовини бўлиб ишлаган. Унинг хизматлари туфайли «Тиббий биология ва генетика» кафедраси институтда энг яхши кафедралар қаторига қўшилди. Ўқув хоналари қайта жиҳозланди. Қўплаб микро препарат, плакат, мультимедиялар учун слайдлар яратиб ўқув базаси бойитилди. Бундан ташқари, барча амалий машғулотлар учун мультимедиялар тайёрланди. 1989 йилдан 2009

Йилгача Тошкент Педиатрия институти тиббий биология ва генетика кафедрасида кафедра мудирини лавозимда ишлади. К. Нишонбоевнинг меҳнатлари инobatга олиниб, хужайра ва тўкима тизимлари эволюция радиосезгирлик инфекцияни патологияни тадқиқ этганлари учун бир гуруҳ олимлар каторида 1992 йили Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ажойиб, камтарини ва самимий инсон К. Нишонбоев орамизда бўлмаса-да, унинг ёрқин хотираси фарзандлари, шогирдлари, ҳамкасблари ҳамда дўстлари қалбида абадий яшайди.

*Профессор Эркин Турсунов,
Доцент Баҳодир Шертоев*

СОҲИБОВ ДАМИН



Дополаримиз: «Бола бошидан, ...» деб бежиз айтишмаган. Зеро, боланинг келажакда аста-секин ўсиб, вояга етиши, етук инсон бўлиб шаклланишида энг аввало, оилавий, қолаверса, ён-атрофдаги маънавий-ижтимоий, табиий муҳит ҳам ниҳоятда бекиёсдир. Шу маънода ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, бундай имкониятдан 1907 йилнинг 5 майида Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шаҳрида, оддий дехқон оиласида таваллуд топган лавҳамиз қаҳрамони Дамин Назар

ўгли Соҳибов ҳам истиено эмас эди.

У ёшлигиданок ўткир зеҳни, тиришқоклиги, меҳнатсеварлиги, сабр-тоқати ва қатъиятчилиги билан йиллар давомида эзгу мақсад сари дадил интилди.

Даминжоннинг ўспирилик вақтида бўлиб ўтган бир воқеа сира ёдидан чиқмасди. У ҳам бўлса, ён қўшинси, тенгдоши Аминжон билан тирикчилик туфайли ёз пайти далага бошқок теричи учун борганида, тасодифан ўнг қўлини заҳарли чипор илон чақиб олади. У кучли огрик азобига чидай олмади, дод солиб йиғлайди, хушидан кетади. Яқини ҳамки, ўша атрофдаги катта ҳаётини тажрибага эга одамлар унга қўлларидан келганича тез ёрдам кўрсатишади, жароҳат юзасини бармоқлари билан қаттиқ ситиб, қон чиқаришади, оғизлари билан заҳарли молдани сўриб, уни дарров туфлаб ташлашади. Кўп ўтмай, ўзига келган Даминжон қора терга ботиб, оёқ-қўлларининг увишаётгани, мадорсизлиги, оғзи қуриб, тили қалинмага келмаётгани, нафас олишига ҳаво етишмаётганлигини сезади. Ўртоғи уни етаклаб, опишиб, уйига олиб келиб, ота-онаси қўлига эсон-омон топширади.

Очиғини айтганда, бу бахтсиз ҳолиса Даминжоннинг келажакда қандай касб эгаси бўлишига, туртки бўлади. Бу эзгу мақсад йўлида шу даражага бориб етадикки, энди Даминжон ўсимликлар ва ҳайвонот оламига бошқача нигоҳ, оғоҳлик ва сергаклик билан боқа бошлайди. У йўлида учраган оқ, сарик, чипор илонларнинг шартта думидан ушлаб, боши узра чир айлантириб қўлга олиш, улар билан «тиллашиш», ҳатто қўлвор илонлардан сира кўркмай бўйнига осиб ёки қўйлаги остида, ёнида олиб юришига одатланади. Буни кўрган-

лар беихтиёр сесканиб кетишар, унинг қилмишидан хайратланишарди.

Уша пайтларда бу соҳага онд тегишли адабиётларни ўқиб, озми-кўп ҳаётни кўншма, тажриба орттирган Даминжоннинг чиқарган дастлабки хулосаси шу бўладики, илонлар, айниқса, Ўрта Осиё минтақасида кенг тарқалган кобра, яъни кўзойнакли илонлар терисидан нафакат ажойиб ва антика буюмлар, балки унинг захаридан турли дори-дармонлар тайёрлани, илоннинг гўшти ва бошка аъзолардан шифобахш восита сифатида фойдаланиш мумкин. Бу муаммони ҳал қилиш учун чуқур билим олиш, изланиш зарур, холос. Унинг фикрича, тиббиётнинг рамзи сифатида шишали идишга чирманиб, узун захарли тилини чиқариб турган илон шакли туширилгани ҳам бежиз эмас.

Шу тарика Дамин Соҳибов Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг тиббиёт куллиётига кириб, уш 1933 йили муваффақиятли тугатгач, мазкур олийгоҳнинг биокимё кафедраси аспиранти (1933–1937 й.й.), ассистенти (1937–1939 й.й.), доценти, айни вақтда Тошкент Фармацевтика институтида илмий-ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатади.

1941–1944 йилларда Иккинчи ҳақон урушида катнашган Даминжон Соҳибов дастлаб Чирчик шаҳрида ташқил этилган 194-ўқчилар дивизиясининг 108-тиббий-санитария батальони кимё бўлими бошлиғи бўлади. Кейинчалик бу дивизия Ғарбий фронт таркибида Вязьма, Калинин, Калуга, Тула шаҳарлари ва кўплаб қишлоқларни ёвуз душмандан озод этишда фаол иштирок этади. Бу вақтга келиб, Дамин Назарович Соҳибов ҳаракатдаги армиянинг ҳарбий-жарроҳлик дала госпитали бошлиғи этиб тайинланади.

— 1944 йилнинг февраль ойи. — дея ўтган воқеаларни эслаган эдилар Дамин Назарович, ўзаро суҳбатларимиздан бирида. — Калинин ўрмон ичидаги торғина йўлдан кетаётган машинамиз мишага дуч келиб, бирдан ёнига ағдарилди. Натияжада кузовдаги икки жангчимиз ва ҳайдовчи ҳалок бўлишди, мен эса, оғир яраландим. Витебскдаги ҳарбий госпиталда узок вақт даволанганимдан сўнг ҳарбий-тиббий ҳайъат мени, фронт ортига қайтарди. Бироз соғайганимдан сўнг, яна ўзим урушдан аввал ишлаган жамоам, Тошкент Фармацевтика институтига келдим.

Соҳибовнинг урушдан кейинги фаолияти асосан илмий-мураббийлик, ташкилотчилик ва изланишлар билан ўтди. У 1944–1954 йилларда Тошкент Фармацевтика институти директори, биокимё кафедраси мудирини, 1954–1962 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институти биокимё кафедрасини ва Ўзбекистон Фанлар академияси ўлка тиббиёт институти профессорини (1962–1964 й.й.), Ўзбекистон Фанлар академиясини Биокимё институти илон захари биокимёси лаборатория мудирини (1964–1969 й.й.) 1969 йилдан 1990 йилгача собиқ Тошкент Давлат университетини биокимё ва биофизика кафедраси профессори, шуниингдек, Биокимё институтида маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатди.

Дамин Соҳибов билан суҳбатимиз давомида менингни илтимосимга кўра илмий изланишлари ҳақида қизиқарли воқеаларни гапириб берган эдилар:

– Урушдан кейинги йилларда бугўйдан кўпчилик одамлар захарланиб, ҳар хил касалликларга чалинаётганлиги. Бу мени каттиқ ўйлантирди. Унинг сабабларини билишга қизиқиб, турли тажрибалар ўтказдик. Ҳақиқатан ҳам бугўйнинг тапасига ёпишиб олган майда, қора рангдаги гелиотроп моддасининг биохимик хусусиятини чуқур ўрганишимиз натижасида захарланишнинг асосий сабабчиси худди шу модда эканлиги аниқланди. Илмий хулосаларим 1949 йилда «Гелиотроп гепатит» мавзусидаги докторлик диссертациямга асос бўлди. Бу ўз навбатида узок йиллардан бери ҳаёлимни банд этиб келаётган илон захарининг таркибини ўрганиш ишига катта тўртки бўлди. Ўша пайтда Ўрта Осиё шароитида кўп учрайдиган кўзойнакли ва қора илон захарининг таркиби пухта ўрганилмаган эди. 1963 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси зоология ва паразитология илмий тадқиқот институтида илон захари таркибини ўрганувчи махсус лаборатория очилди. Кейинчалик бу лаборатория Биокимё институтининг ташкил бўлишига асос бўлди ва энзимология лабораторияси деб атала бошлади. Биз бу ерда бир канча кўзга кўринарли илмий ишларни амалга оширдик. Жумладан, аслида сарик рангли суюқлик кўринишида бўлган илон захари таркибида бир печа хил ферментлар билан бирга токсинлар (захарли моддалар), биологик жинҳатдан фаол бўлган, токсин вазифасини ўтовчи нейротоксинлар мавжуд эканлиги аниқланди.

Шуни ҳам айтиш керакки, ферментлар ва токсинлар илон захарининг оксил қисмини ташкил этади. Илон захари таркибидаги захарли моддалар асосан ҳайвонларнинг орган ва тизимларини ши-

кастлантириши аниқланди. Афсуски, илон заҳаридаги ферментларнинг биологик функцияси ҳали охиригача текширилгани йўқ. Аммо тажрибалар шунини кўрсатмоқдаки, кўпгина ферментлар токсинга таъсир кўрсатмасдан, аксинча, ёрдам берувчи омил бўлиб хизмат қилар экан. Улар заҳар таъсирини тезлаштиради ёки кучайтиради. Ҳатто, шу нарса маълум бўлаяптики, заҳар таркибидаги айрим ферментлар организмдаги қоннинг ивишини тезлаштирар экан. Заҳар компонентларини батафсил ўрганиш таботатда турли зардоблар, бир қанча дори-дармонлар тайёрлашда қўл келмоқда. Ҳозирги кунда жуда кўп баҳс, тортишувларга сабаб бўлаётган айрим касалликлар учун ана шу заҳар даво бўлса ажаб эмас. Авваллари илоннинг касби фақат заҳар солишдан иборат бўлса, эндиликда бу заҳардан яхши ниятларда шифобахш модда сифатида фойдаланилмоқда. Табиийки, ҳар бир нарсанинг ўз меъёри ва миқдори бор. Кўп бўлса зарарли, оз бўлса фойдали. Шакарнинг ҳам ози ширин, дейишадик-ку, кексаларимиз. Эҳтиёткорлик яхши, албатта.

Дарҳақиқат, умрини хайрли ва савобли ишларга бахшида этган, ҳаёт кимёсига онд кўплаб ноёб илмий асарлар, қўлланмалар, мақолаларни мерос қилиб қолдирган, юзлаб малакали мутахассислар, шогирдлар етиштирган, ўзига ва бошқаларга ниҳоятда талабчан, зукко, билимдон, бетакрор сухандон, уста шахматчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, тиббиёт фанлари доктори, профессор, биринчи ўзбек кимёгари Дамин Назарович Соҳибовнинг босиб ўтган ҳаёт йўли шарафли ва ибратлидир.

Искандар Раҳмон



ВАЗИРЛАРИМИЗ

ГАФУРОВ ҲОЛИҚ

Бу инсонни билган одам борки, албатта, унинг помини фақат илқ сўзлар билан ёдга олади. Сабаби, у ҳаётлик чоғларида савобли, хайрли ишларни жуда кўп қилган. Шунинг учун ҳам баъзилар уни чин дилдан севиб, эркалаб Ҳазрати Ҳолиқ, хатто, Хизрсифат аллома дейишлари ҳам бежиз бўлмаган. Ўзбекистон Гематология ва қон қуйиш институти жигар хасталиқлари бўлимининг собиқ бошлиғи, профессор Учқунжон Олтибоев эсдаликларидан: «Онламиниз жаннатмакон Облиқ кишлоғида яшарди. Отам кишлоғимиздаги мўъжазгина касалхона амбулаториясида тиш доктори бўлиб ишлардилар. Хонадонимизга азиз меҳмон сифатида туманимиз ва кишлоқ касалхонасида ишлаётган таникли шифокорлардан Ҳолиқ Гафуров ҳамда Ҳожи Ҳақимовлар келиб туришарди. Уларнинг ёрқин сиймолари, дўстона суҳбатларини тиббий мунозараларни доим завқ билан эслайман. Халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб, шифокор олим бўлиб етишишимда шу улуғ инсонларнинг дуолари ижобат бўлган бўлса керак».

Ўзбеклардан етишиб чиққан биринчи амалий хирург Ҳолиқ ака 1906 йилнинг 18 октябрида Олмаота шаҳрида дунёга келган экан. У 1925 йилда етти йиллик рус мактабинини тугатгач, ўрта тиббиёт билим юртида таълим олади. Тиббиётга бўлган зўр иштиёқ уни Тошкентга, Ўрта Оснё Давлат университетининг тиббиёт факультетига етаклайди. У бу ерда ўша даврнинг таникли ва машҳур олимлари: П. Боровский (1963–1932), М. Астров (1882–1957), И. Орлов (1888–1954), Л. Василенко (1899–1973)лардан таълим олади, уларга астойдил ҳавас қилади.

1932 йилда тиббиёт факультетини имтиёзли диплом билан тугатган ёш мутахассисни Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманига ишга йўллашади. Унинг ташкилотчилик қобилияти, жарроҳликка бўлган қизиқиши айнан шу ерда шаклланган эди, десак асло

муболага бўлмайдн. Тиббиёт институтининг жаррохлик клиникасида уч йиллик ординатурада ўқиб, катта ҳаётини ва амалий тажриба орттирган Х.Гафуровни етук ва мохир мутахассис сифатида 1937 йилда Янгийўл шаҳридаги шифохонага бош шифокор, айни пайтда хирургия бўлими мудири лавозимига тайинлашади. У бу ерда амалий хирурглик, ташкилотчилик билан чегараланиб колмасдан, чуқур илмий изланишлар билан банд бўлади. Бош миё тўқималарини ва суякларини шикастланиши, уларни ўзига хос текшириш, аниқ ташхис қўйиш ва даволаш билан боғлиқ қўплаб муаммоларнинг ечимини излайди, илмий ва амалий хулосалар чиқаради. 1942 йили Янгийўл шаҳри шифохонаси материаллари асосида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Бу билан ёш олим ўша пайтдаёқ, замонавий нейрохирургия соҳасининг мустаҳкам пойдеворини курган эди, дейиш мумкин.

Қўли енгил мохир шифокорни 1941 йили Тошкент вилояти соғлиқни саклаш бўлими мудири этиб тайинлашади. Шу билан бирга Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтининг факультатив хирургия кафедраси доценти лавозимида ҳам кизғин фаолият кўрсатади.

1945–1947 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш Халқ комиссари лавозимида ишлайди ва ўзининг барча ташкилотчилик қобилияти, куч-қуввати ва инсонийлик фазилатларини республикада тиббиёт фанини ривожлантириш, соғлиқни саклаш тизимини яхшилаш, мустаҳкамлашга сафарбар қилди. Унинг фаол иштироки, ташаббускорлиги билан 1946 йилда Н. Семашко номидаги физиотерапия ва курортология (ҳозирги физиотерапия ва тиббий реабилитация илмий-текшириш) институти ташкил этилди. Бундан ташқари, унинг жонбозлиги ва тинимсиз ҳатти-ҳаракатлари туфайли республика миқёсида курортлар ресурсини ўрганиш ва аниқлаш, онкология институтини ташкил этиш, онкологик шифоналарни қуриш бўйича улкан ишлар амалга оширилди.

1952–1961 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультети умумий хирургия кафедрасида устозлик, мураббийлик қилган Ҳолик Гафуров асосий куч-ғайратини соҳанинг энг долзарб ва мураккаб жиҳатларига қаратади. Бу даврда унинг фикрини бошқа соҳалар катори қорин бўшлиғи хирургияси муаммолари ҳам каттиқ ўйлантирди. Шу билан, бирин-кетин унинг қаламига мансуб «Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдан қон кетишида қайта операция қилиш», «Ўт йўли операцияси кўрсаткич-

лари ҳақида», «Ваготомиядан кейин бир йил ўтгач ошқозон резекцияси», «Йўғон ичак гигантизми», «Кенг тарқалган йириқли перитонитларни даволаш», «Йириқли перитонитларнинг патогенези ва давоси», «Бош мия ва калла суягининг шикастланиши», «Калла суяги шикастланганида скальпирлаш» каби ўнлаб илмий ва амалий асарлари шулар жумласидандир.

Шу тариқа Х.Ғафуров ўзининг кўп йиллик тишимсиз излаНИШлари самараси бўлган йириқли перитонитларга онд ишларини 1954 йил докторлик диссертацияси химояси билан якуналади. Изланувчан олим амалга оширган пойдевори ниҳоятда пишиқ ва мустаҳкам бу илмий иши ўзининг ҳақиқий баҳосини олди, кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди. Диссертация химоясида оппонентлардан таникли профессор А. Геллер шундай деган эди: «Допент Холик Ғафуров жуда катта жасорат билан бошлаб, ниҳоясига етказган бу улкан иш самарасиз қолмайди. Барча ўтказган тажрибалари, клиник кузатишлари, бактериологик текширувлари бир-бири билан узвий боғлиқлиги, қўтарилган мавзунинг бир бутунлиги, яхлитлигини таъминлайди, худди узиламас занжирга ўхшайди. Перитонитнинг патогенези академик И. Павлов қарашларидан келиб чиққан ҳолда кенг ёритилган, касалликни даволашда ўтказилган барча тадбирлар мажмуи илмий-назарий жиҳатдан оқилона асослангани билан кадрлидир».

Яна бир норасмий оппонентлардан профессор Г. Н. Терехов ўз сўзида: «Диссертациянинг аҳамияти шундаки, химоячи ўтказган тажрибаларнинг ўта мураккаб ва аниқлиги кишини ҳайратга солади. Бу билан Холик Ғафуров перитонит касаллигининг тажрибадаги морфогенезини ихтиро қилди дейиш мумкин», деган эди ҳамкасбини самимий қутлаб.

У эл-юрт олдидаги фидокорона меҳнатлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор» (1950 йил) унвони билан тақдирланди. Бу сифатларга 1961 йилда 55 ёшида ҳаётдан эрта кўз юмган Холик Ғафуровнинг жамоат ишларидаги фаол иштироки, Тошкент тиббиёт институти жамоаси билан Катта Фарғона канали, Катта Тошкент ва Шимолий Тошкент каналлари қурилишидаги кўрсатган жонбозлигини ҳам қўшсақ, унинг бу дунёда ўзидан яхши ном, яхши из қолдирганига яна бир бор амин бўламиз. Зеро, яхшилик, яхши одамлар номи ҳеч қачон унутилмайди, халқ ёдида умрбод сақланади.

Искандар Раҳмон

ЗОИРОВ ҚАЮМ



Ўзбекистон тиббиётининг таникли даргаларидан бири, Жаҳон уруши қатнашчиси Қайом Собирович Зоировни тиббиёт ходимлари, айниқса, кекса ва ўрта авлод вакиллари яхши билишади, унинг номини фахр ва ифтихор билан тилга олишади. Чунки, устоз згулик ишларни қилган фидойи инсон эди.

Қайом Зоиров 1913 йилнинг 24 ноябрида Тошкент вилоятининг Чимбой кишлоғида таваллуд топди. У 1924–27 йиллари тўлиқсиз ўрта мактабда, 1927–31 йиллари эса, Ўрта

Осиё темир йўлининг фабрика- завод хунармандчилик мактабида таълим олди. 1931 йилдан бошлаб, Тошкент шаҳридаги темир йўлчилар устахонасида паровоз цехида чилангар, токарь бўлиб ишлай бошладди. Устахона муассасаси ёш мутахассиснинг зехини ўткир, тиришқоқ, билимга чанқоклигини эътиборга олиб, унга Тошкент Давлат тиббиёт институтида ўқиш учун йўлланма беради. 1937 йилда институтнинг санитария-гигиена факультетини имтиёзли тугатган Қайом Зоиров профессор Н. Рагоза бошчилик қилаётган юқумли касалликлар кафедраси аспиранти қилиб қолдирилди. Лекин ёш мутахассисни бошқа муҳимроқ хизмат қутаётганидан аспирантурани давом эттира олмади. Чунки, ўша пайтларда Сурхондарё вилояти ва қўшни Афғонистон чегараларида эпидемик вазият ниҳоятда кескинлашгани бос, Қайом Зоиров чегарадош туманлар Беш эпидемиолог, Давлат санитария назорати ҳамда эпидемияга қарши курашувчи махсус бригаданинг бошлиғи сифатида Термиз шаҳрига жўнатилди. У ердаги фаолиятини муваффақиятли бошлаган ёш мутахассис илк синовлардан мардонавор ўтиб, ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намойиш қилди. Ундаги тиришқоклик ва меҳнатсеварликни ҳисобга олган раҳбарият уни юқумли касалликлар билан курашиш, ўрта тиббий ходимлар тайёрлашда яқиндан амалий ёрдам бериш мақсадида 1939 йили Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳрига юборишади. У дастлаб республика касалхонасининг юқумли касалликлар бўлими бошлиғи, кейинчалик эса, фельдшер- акушерлик билим юрти директори муовини вазифаларида фаолият юритди. Айнан шу ерда унинг ёшларга мураббийлик фаолияти кизгин бошланди.

Лекин тўсатдан бошланган Иккинчи Жаҳон уруши туфайли у ҳам эл-юрт катори жанговар сафга сафарбар қилинди. 1941–46 йилларда Қаюм Зоиров ҳаракатдаги армиянинг энг оғир участкаларида чинакам мардлик, фидокорлик, жасорат намуналарини кўрсатди. Фарбий, Болтиқбўйи ҳамда 1-Белоруссия фронтларида тиббий-санитария рота командири, сўнгра 863-юқумли касалликлар дала госпитали бошлиғи лавозимида ишлаб, мишглаб жангчилар дардига малҳам бўлди.

Урушдан соғ-омон қайтган Қаюм Зоиров 1951 йилгача Ўзбекистон Давлат назорати вазирлигида турли масъул лавозимларда ишлаб, вазир муовини даражасига кўтарилди. Сўнгра 1951–54 йиллари санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтида илмий ишлар билан шуғулланиб, «Шарбат билан ўғитланган далаларнинг санитария-гигиена ҳолати» мавзuida номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.



Тиббиётнинг мураккаб йўлини мардонавор босиб ўтган Қаюм Зоиров деярли 21 йил мобайнида республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида вазир муовини, вазир, ҳаётининг сўнги йилларида эса, Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ректори лавозимларида ишлади. Унинг ажойиб ташкилотчилик ва одамийлик фазилатлари ана шу йилларда янада ёрқинроқ намоён бўлди. Қаюм Зоиров соғлиқни сақлаш ишларини режалаштириш, унинг иқтисодий йўналишлари асосларини мукамал билиб, чуқур таҳлил

кила оладиган, ниҳоятда билимдон тежамкор, тадбиркор инсон эди. Унинг бевосита ташаббуси, фаол иштироки билан 1968 йилдан бошлаб, республикада санитария-эпидемиология хизмати ҳамда эпидемияга қарши кураш борасида катта иқтисодий ислохотлар амалга оширила бошладди. Бу хизмат тури республикада биринчи бўлиб туман марказий касалхоналари таркибидаги санэпидстанциялар мустақил соҳа сифатида ажратилди, тўғридан-тўғри молня ташкилотлари моддий таъминотига ўтказилди. Бу янгилик собиқ иттифок Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология хизмати бўйича илғор тажриба мактаби сифатида кўплаб хорижий мамлакатлар мутахассислари томонидан ҳам кенг ўрганилиб, ижобий баҳоланди.



*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири К.Зоиров,
СССВ илмий Кенгаши раиси Ж.Мақсумов ва Иттифок Соғлиқни
сақлаш вазири, академик Б.Петровский*

Бундан ташқари, ўша оғир ва мураккаб йилларда янги-янги олий ва ўрта махсус тиббий ўқув юртлари очилиб, малакали мутахассислар етиштириш икки бараварга ошди, кўплаб илмий-текшириш институтлари ташкил этилди, уларда ўлка тиббиётига хос хасталикларни ўрганиш учун жаҳон ахамиятига молик бўлган илмий тадқиқотлар олиб бориш имкониятлари яратилди.

1963–66, 1979–84 йиллар мобайнида ТошВМОИга ректор бўлди ва 1963 йилдан ҳаётининг сўнгги кунларигача мазкур институт умумий гигиена кафедрасининг ташкилотчиси ва раҳбари эди. Бу даврда умумий гигиена кафедрасида ўқув жараёнининг сифатли ташкил этилиши, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланиши, машғулотларнинг юксак савия ва услубий асосларда аниқ илмий йўналишлар бўйича ҳаётий тажрибалар билан боғлаб ўтказилиши унинг мавқеини янада оширди, илғор жамоалар сафидан ўрпақ олиши ҳамда республика гигиенистларининг ҳақиқий илмий-услубий маркази деб аталишига асос бўлди.

Профессор Қаюм Зоиров шогирдлари ва ҳамкасблари билан ҳамкорликда кишлоқ хўжалиги, айниқса, пахтачиликда кенг қўлланиладиган кимёвий доривор моддаларнинг инсон организмга таъсирини ўрганиш, улар билан ишлашда кўрилиши зарур бўлган муҳофаза чоралари борасида ибратли ишларни амалга оширди. У 200 дан зиёд илмий мақолалар, 6 рисола ҳамда фуқаролар муҳофазасида тиббий хизматни ташкил қилиш, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши кураш бўйича 50 га яқин турли илмий хужжатли ўқув фильмлари муаллифи сифатида ҳам баракали ижод қилди.

Бундан ташқари, Қаюм Зоиров республикамизда санитария-гигиена, юқумли касалликларга қарши кураш, уларнинг олдини олиш билан боғлиқ бир қатор ташкилий, молиявий масалаларни конун даражасига кўтариб, соғлиқни сақлаш муассасаларида амалий фойдаланиш учун 30 дан ортиқ махсус қўлланмалар ҳам ёзди, халигача улардан амалиётда кенг фойдаланилмоқда. Унинг бевосита раҳбарлиги остида 10 га яқин докторлик ва 40 дан зиёд фан номзодлари диссертацияларини ҳимоя қилишди. Қ. Зоиров 1967–78 йилларда «Ўзбекистон тиббиёт журнали» бош муҳаррири, шунингдек, кўплаб илмий Кенгаш, жамиятларнинг фаол аъзоси ҳам бўлди.

Шунингдек, эл-юрт олдигаги фидокорона меҳнатлари эвазига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими» (1958 й.), «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими» (1978 й.), «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» (1973 й.) унвонлари ва кўплаб юксак медаллар, фахрий ёрликлар билан тақдирланган.

Энг муҳими, Қаюм Собирович Зоиров раҳбарлик ва жамоатчилик ишлари билан қанчалик банд бўлмасин, «Олим бўлма, одам бўл», деган ақидага бир умр содик бўлган. Бунинг исботи учун шахсий намуна кўрсатган ниҳоятда ҳалол ва покиза инсонлигини у

билан узок йиллар елкама-елка ишлаган ҳамкасблари, ходимларнинг хотираларидан ҳам билса бўлади.

– Қаюм Собирович Соғликни сақлаш вазири бўлиб ишлаган кезлари мен Тошкент вилояти соғликни сақлаш бўлими мудирин эдим, - дея хотирлайди меҳнат фахрийси, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими» Баҳром Тошбеков. - Хизмат тақозоси билан у киши билан кўришиб, гаплашиб турардик. Ўзларига яқин олиб, баъзи нозикрок ишларни менга топширар эдилар. Ўша пайтларда ҳам Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан тез-тез турли делегациялар, меҳмонлар келишарди. Уларни кутиб олиш, жойлаштириш, сайру саёҳат қилдириш, кузатишни кўпинча менинг зиммамга юклардилар. «Меҳмон отангдек улуғ», дейишганидек, кўлдан келганча уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, кузатиб юборардик.

Ҳа, забардаст олим, ташкилотчи, мохир устоз ҳамда мураббий, таникли давлат ва жамоат арбоби Қаюм Собирович Зоиров орамизда бўлмаса-да, унинг эл-юрт тинчлиги, Ватан равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатлари шогирдсевар, софдил, самимийлиги эвазига ёрқин сиймоси қалбимизда барҳаётдир. У босиб ўтган шарафли йўл, ҳаёт ва илм-фан сўқмоқларидан минглаб шогирдлари, ҳамкасблари боришаётгани дилга таскин бериб, унинг барҳаётлигини яна бир бор бизга эслатиб туради. 1984 йилнинг 25 январида Қаюм Зоиров дафн этилган Чигатой қабристонидagi ёдгорлик пойига Хотира қушларида қўйилаётган анвойи гуллар, қолаверса, Ўзбекистон Соғликни сақлаш музейининг бу табаррук зот номи билан аталиши ҳам фикримиз даллидир.

Искандар Раҳмон

МАГЗУМОВ БАШИР



Республикамиз олимлари, айниқса, тиббиёт соҳасида хизмат қилувчи барча мутахассислар, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари соғлиқни сақлаш тизимини, ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш фаолияти ривожлантирилишига катта ҳисса қўшган таълим олим, тиббиёт фанлари доктори, профессор ва жамоат арбоби Башир Ҳикматуллаевич Магзумовни жуда яқиндан билар ва эъзозлар эдилар. У Республика учун муҳим ўринни эгаллаб турган ва тиббиётнинг асосий мактабларидан ҳисобланган ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш фанининг етакчи асосчиси ва йирик ташкилотчиларидан бири ҳисобланади.

Б.Магзумов Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни ташкил қилишни мукаммаллаштириш, моддий-техник базасини ривожлантириш, кадрлар таъминотини мустаҳкамлаш, тиббиёт статистикасини чуқур таҳлил қила оладиган кенг фикрловчи, шифокорлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратган ҳамда кўп куч сарфлаган юқори малакали, талабчан, каттиққўл услубий ташкилотчи бўлиш билан биргаликда талабаларнинг ва ўзи раҳбарлик қилаётган жамоа аъзоларининг сеvimли устози, ажойиб оиланинг меҳрибони, оилапарвар, илтифотли, меҳрибон инсон сифатида ҳар бир киши меҳрини қозонган ва қалбидан асосли равишда ўрин олган инсондир.

Б.Магзумов 1917 йил 1 октябрда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида дунёга келди. 1930 йили Тошкент шаҳридаги тўлиқсиз ўрта мактабни тамомлади. 1930–1935 йилларда Тошкентдаги маҳсус тиббиёт билим юртида таҳсил олди. 1936–1941 йилларда Тошкент тиббиёт институтида таълим олди. У ўз иш фаолиятини 1939–1940 йилларда Тошкент шаҳридаги 4-сонли болалар поликлиникасининг мактаб шифокори лавозимидан бошлади. 1946 йилдан Сирдарё вилоятининг Боявут қишлоғидаги қишлоқ участка касалхонасининг Бош шифокори лавозимида ўз меҳнат фаолиятини юритди. Иш жараёнида ўзининг ташкилотчилиги ва чуқур тиббиёт билим соҳибни эканлигини тажрибада кўрсатди. Бир қанча вақтдан сўнг, аввал Сирдарё тумани соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига,

маълум вақтдан кейин эса Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи вазифаларига тайинланди.

Орадан яна бироз вақт ўтгандан сўнг, Республикадаги сил касаллигига қарши диспансерга Бош шифокор қилиб тайинланди. Башир Ҳикматуллаевич Мағзумов интилувчанлиги, ҳаракатчанлиги, халқ саломатлигини ҳимоя қилиш ишларида тинмай меҳнат қилганлиги учун бошқалардан ўз меҳнати орқали ажралиб турганлигини сезган Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари уни Тошкент зардоб ва вакцина тайёрлаш Илмий Текшириш институтига директор лавозимига тайинлашди.

Халқ саломатлиги учун тинмай хизмат қилганлиги натижаси ўлароқ у Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари этиб тайинланди. Шу даврда, яъни 1966–1969 йилларда Тошкент шаҳридаги Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институтининг директор ўринбосари вазифасида ҳам бир вақтни ўзида ишлади. Санитария-гигиена ва касб касалликлари Илмий Текшириш институтида, илмий ва ташкилий ишларни ривожлантиришдаги қилган меҳнатлари алоҳида мактовга лойиқ-дир.

Башир Мағзумов 1962 йилдан 1966 йилгача Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирли лавозимида ишлади. Устоз ҳар донм. халқ саломатлигини ҳимоя қилишда ҳилоф ишлар қилинганлигини, айниқса, пахта деб кўплаб аҳолимиз, жумладан дефоллиантларни қўлланилиш натижасида захарланиши масаласида бир неча бор ЎзРнинг ўша вақтдаги раҳбари Ш.Р. Рашидов билан бўлган суҳбатларида такрорлар эди, аммо бу соҳадаги ишлар Москвадан туриб қатъий бажарилиши лозим бўлган ўта махфий кўрсатмалар асосида олиб борилар эди.

Таниқли ва билимдон олим томонидан ва унинг бевосита раҳбарлиги остида яратилган илмий, илмий - амалий янгиликлар, услубий йўриқномалар ўз даврида Республика соғлиқни сақлаш амалиётида катта аҳамият касб этиши билан биргалликда, айримлари ханузгача ишлатилиб келинмоқда.

Қаҳрамонимиз қатъийлиги, бир сўзлиги, талабчанлиги, иш юзасидан қаттиққўллиги, узокки кўра олиши билан ҳамма шогирдлари ва тегиқурлари орасида ажралиб турарди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида ишлаб юрган кезларида Ўзбекистонда иттифоқлараро экспериментал жарроҳлик институтининг филиалини ташкил этишда катта ҳисса қўшди. Шунингдек, Тошкент давлат

тиббиёт институтини морфология корпуси, Андижон шаҳридаги сил касалликлари диспансери ва вилоят касалхонаси унинг бевосита раҳбарлиги туфайли тез фурсатларда бекаму кўст қурилиб топширилди.

Вазир Мағзумов бошчилигида ва бевоста ташкилотчилиги остида 1963 йилда Қорақолпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида Лепрани ўрганиш учун Ўзбекистоннинг тери - таъсир касалликлари илмий текшириш институтининг филиали ташкил килинди. Ушбу филиал Қорақолпоғистон Республикасида илк бора ташкил этилган илмий-текшириш институтларидан бири ҳисобланади. Бу филиал ўз ишини бошлагандан сўнг, 1960–1975 йилларгача лепра касаллиги тўлиқ узил-кесил Республика худудидан йўқотилди. Бу иш Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эътироф этилгандир.

Хоразм вилоятида ва Қорақолпоғистон Республикасида 1965 йилда таркалган вабо касаллигини камайтиришда ва уни тўлиқ йўқотиш бўйича чора-тадбирлар ўтказишда бевосита раҳбарлик қилганлиги барчага маълум ва машҳурдир.

Профессор Мағзумов ҳақиқий раҳбар, ўз ишини устаси, талабчан соғлиқни сақлаш ишини ташкил қилиш ташкилотчилардан биридир. Устоз 1959 йилда номзодлик диссертациясини ва 1967 йилда эса докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Башир Ҳикматуллаевич Мағзумов 1970–1978 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтида санитария гигиена факультетини декани бўлиб, ёшларни ва факультет обрўси учун сидқидилдан хизмат қилган устозлар ҳисобланади.

Шу даврларда республика ва бошқа республикалар учун бир қанча кучли соғлиқни сақлаш ташкилотчиларини тайёрлаб берганлиги ҳеч кимга сир эмас, чунки ушбу факультет кўпчилик Ўрта Осиё республикалари ичидан фақат Тошкент давлат тиббиёт институтида бор эди. Илмий изланувчанлик ишлари, ўқув-педагогик ишлари билан чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, у ҳам маърузачи, моҳир педагог, ташкилотчи сифатида ўқув амалиётида янги маълумотларни ва фаннинг замонавий ютуқларини татбиқ қилишга жиддий эътибор берар эди.

Унинг илмий фаолияти кўп қиррали бўлиб, уларнинг асосийси, бу халқ саломатлиги йўлидаги хизматлар, яъни тиббиёт фанини раванки, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, физиотрият каби дол-

зарб муаммоларга бағишлангандир. Устоз раҳбарлиги остида 5 та докторлик ва 26 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Унинг томонидан 120 дан ортиқ илмий, илмий-амалий, ўқув-услубий рисоалар, мишгдан зиёд илмий мақолалар, 2 та монография чоп этилган. Уларнинг хизматлари давлат томонидан юксак кадрланиб, бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланди.

Башир Ҳикматуллаевич соғлиқни сақлаш амалиёти ва уни ташкил этиш фақини ривож иёулида бутун билимини сарф қилди. Фарзандлари, набиралари унинг йёулини, ишларини давом эттириб, халқ саломатлиги учун чин юракдан хизмат қилмоқдалар.

Халқимизнинг ишончли фарзанди Башир Ҳикматуллаевич Мағзумовнинг ёркин хотираси тиббиётимиз ходимлари, ҳамкасблари ва айниқса, шогирдларининг хотирасида абадий сақланади.

Ёркин Турсунов



ОТАБЕКОВ ЮСУФ

Халқимизда шундай доно макол бор: «Менга яқин таниш-билишларингни айтсанг, сенинг кимлигингни ўзим билиб оламан». Шу маънода лавҳамиз қахрамонининг ёшлигидан бирга ўқиб ўсган ва ишлаган ҳамкасб дўст-биродарлари жумласига эл-юртга таникли олим ва ташкилотчилардан бўлиб етишган Исҳоқ Мусабоев, Шокир Алимов, Ҳаким Зоҳидий, Рауф Абдуллаев, Ғанижон Мирзаев ва бошқаларининг исмларини киритиш кифоя, деб ўйлайман.

Юсуф Отабеков помини нафақат Ўзбекистон тиббиёт аҳли, балки кўшни давлатлар, ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам билишади, чунки у ўз соҳасининг чуқур билимдонини, тажрибали устоз, бетакрор ташкилотчи, истеъдодли ижодкор, ихтирочини сифатида ҳам жамоатчилик ўртасида катта обрў-эътибор қозongan. Айниқса, унинг 1980 йиллардаги йирик ихтироси... бу ҳақда кейинроқ батафсил гаплашамиз, азиз ўқувчи.

1912 йилнинг март ойида Қўқон шаҳрида дехқон оиласида таваллуд топган Юсуфжон отасидан жуда эрта етим қолди. Шу боисдан болалар уйда тарбияланди. Озгингина ва нимжон болакай ўзининг ўтқир зеҳни, тиришқоклиги, меҳнатсеварлиги, ҳар дақиқадан унумли, оқилона фойланиши туфайли бошқалардан ажралиб турарди. У билимга ниҳоятда ташна эди. Шу боисдан ҳам 1930 йилда Фарғонадаги тиббиёт билим юртини имтиёзли шаходатнома билан тугатиб, Самарқанд тиббиёт институтига ўқишга киради.

1935 йилда институтни аъло баҳолар билан тугатган Юсуф Отабековни тугилиб ўсган Қўқон шаҳрига тери-таносил касалликлари диспансери ихтиёрига юборишади. Бирок, уни бу ерда ҳарбий хизматга чакирув қозони кутарди. Шу тарика, у бир йил мобайнида 82-тоғли кавалерия полкида хизмат қилади. Ҳарбий ҳаётда малакасини оширади, ҳақиқий аскарлик, мардлик, жасорат мактабинини ўтайди. Қадамлари шахдам, гап-сўзлари бурро ва ўқтам, катъиятли, билимдон ёш мутахассис тез орада эл-юрт назарига тушади. Уни 1941 йилда Қўқон шаҳридаги тери-таносил касалликларини диспансери бош шифокори, айни пайтда тиббиёт билим юрти директори лавозимига тайинишлади. 1941 йили Наманган вилояти соғлиқини

сақлаш бўлими мудирин, 1942 йилда эса Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш халқ комиссари муовинини лавозимига тайинланади. Ўша пайтда инддат билан давом этаётган Иккинчи Жаҳон урушида хизмат қилиш Юсуф Отабековнинг ҳам зиммасига тушади.

Уруш йиллари фронт орти, мамлакат ичкараси, жумладан, Ўзбекистоннинг турли йирик шаҳар, вилоятларига вайрон бўлган жойлардан нафақат минглаб етим-есир болалар, кексалар, ярадор ва беморлар, балки завод, фабрикалар, улкан корхоналар ҳам эвакуация қилинган эди. Бундан ташқари, турли махсус олий, ҳарбий ўқув юртлари, таниқли ва машҳур олимлар, санъат ва адабиёт пешволари ҳам Ўзбекистонга вақтинча кўчирилган эди. Шундай мураккаб вазиятда фронт ортида антисанитария ҳолати, озиқ-овқат танқислиги босе турли юкумли касалликлар, айниқса, ичтерлама, тошмали терлама, безгак, тери-таносил касалликлари жуда авж олиб кетган эди. Республика ҳукуматининг тавсиясига мувофиқ, мамлакат ичкарасидаги долзарб муаммоларни изчиллик билан ҳал қилиш мақсадида ҳарбий хизматдан чақириб олинган Юсуф Отабеков Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи этиб тайинланади. Бу вақтда Самарқандга Санкт-Петербург шаҳридан Ҳарбий-тиббий академия кўчиб келган бўлиб, мамлакат мудофааси билан боғлиқ катта ва жиддий ишлар амалга оширилар эди. Бундай ҳолатда Юсуф Отабековнинг ташкилотчилик қобилияти жуда муҳим эди. Шундай бўлди ҳам. Орадан кўп ўтмай Юсуф Отабеков ўша пайтларда халқ хўжалигининг энг оғир ва ўта муҳим нуқтаси бўлмиш Охангарон шаҳридаги кўмир қони хавзасини тезроқ очиш ва мамлакатни «қора поин» билан таъминлаш, қурилишларини жадаллаштиришга сафарбар этилади.

Ҳаёт машаққатлари ва синовларидан мардонавор ўтиб, катта тажриба орттирган Юсуф Отабеков 1944–1952 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Халқ комиссариатинин, 1953 йилда қисқа муддат Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимини бошқаради. 1953–1956 йилларда эса Республика Вазирлар Кенгашининг соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот бўлимида кизғин фаолият кўрсатади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг эллингинчи йилларида Юсуф Отабековнинг жонбозлиги, фаол иштироки ва ташаббуси билан Наманган вилоятидаги «Чортоқ» снҳатгоҳи ҳамда Тошкентда улкан «Пахтакор» спорт мажмуи қурилади ва ишга туширилади. Юсуф Отабеков 1956 йилдан бошлаб, Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтининг иж-

тимой гигиена ва соғлиқни сақлаш кафедрасида аввал ассистент, кейинчалик доцент ва кафедра мудирин бўлиб ишлаб бошлайди.

Ҳаётда ҳар томопилама, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан чиникиб, улкан тажриба тўплаган, ижодий куч-қувватга тўлган Юсуф Отабеков 1963 йили Андижон тиббиёт институтининг ректори этиб тайинланади. Мазкур лавозимда 1963–81 йилларда фаолият кўрсатган профессор Юсуф Отабековнинг барча ташкилотчилик қобилияти, одамийлик ва олимлик хислатлари очилади. Албатта бу йиллар Андижон тиббиёт институтининг энг гуллаган ва ҳар томонлама тараккий этган даври бўлди, десак муболага бўлмайди. Зеро, институтнинг ташкил этилганидан буён унинг тараккий этишида жонбозлик кўрсатган Ёлқин Тўрақулов, Комилжон Зуфаров, Носир Аҳмедов, Ҳусниддин Салоҳиддинов ва яна бошқа кўплаб инсонларнинг номларини тилга олиш мумкин.

Бу даврда лавҳамиз қаҳрамонининг ўзининг кўп йиллик ҳаётининг тажрибаси, тишимсиз изланишлари, дополиги ва зукқолиги боис ўз номини маңгуликка даҳлдор қилди. У ҳам бўлса, буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг ўлмас ва ёркин сиймосинини яратишда катта жасорат кўрсатди, яловбардорлик қилди.

Маълумки, Ғарбда Авиценна (980–1037) номи билан юритилувчи улуғ комусий олим Абу Али ибн Синонинг тиббиёт соҳасидаги илмий асарлари – «Тиб қонунилари» бир неча асрлар мобайнида Европа ўрта аср тиббиётининг амалий ва назарий пойдевори бўлиб келди ва келмоқда, – деган эди учрашувларимизнинг бирида Юсуф Отабеков. - Дунёнинг турли мамлакатларида «Шайх урраис» шавкатли номига сазовор бўлган Абу Али ибн Сино хотираси, унинг асарлари ва уларнинг жаҳон фани тарихидаги аҳамияти ниҳоятда буюқдир. Унинг асарларинини ўқиган одамлар: «Унинг кўриниши қандай эди? ўзи ҳаёт вақтида расми, яъни портрети бормиди? Агар бор бўлса, бизгача етиб келганми?» деган саволлар беришади. Афсуски, тарих бизга Абу Али ибн Синонинг илмий меросини деярлик тўла қолдирган бўлса-да, унинг киёфаси, сиймоси ҳақида биронта ҳам маълумот сақланмаган.

Албатта, Абу Али ибн Синонинг расми турли мамлакатларда кўплаб мусаввирлар томонидан ҳаёлан қизилгани учун ҳам ҳақиқатга жуда ҳам тўғри келмасди. Масалан, айрим Ғарб мусаввирлари унинг киёфасини ўз мақсади, маңфаатларидан келиб чиқиб, ўзи истаганича, хатто ақлга тўғри келмайдиган кийимда, баъзан бошьяланг, баъзан эса, монах шапкасига ўхшаш бош кийимда

ва ҳоказоларда тасвирлашган.

Абу Али Ибн Сино таваллудининг минг йиллиги муносабати билан унинг асарларига қизикниш ортди, табиийки, расмини яратиш иштиёқи ҳам туғилди. Бу талабни бироз бўлса-да, кондиритиш мақсадида 1952 йилда Ҳамадон шаҳрида Абу Али ибн Синонинг янги макбарасини қуриш, унинг қабрини очиш зарурати туғилди. Эроннинг энг кўзга кўринган олими Саид Нафисий унинг қабрида сақланган калла суягини бир печа бор тасвирга тушириб, ноёб расмларни Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтига топширди.

Қаҳрамонимиз шундай эслайди: мен, ҳамкасбим доцент Шавкат Ҳамидуллин ва ҳайкалтарош Евгения Соколова билан яқин ижодий ҳамкорликда узок изландик, хаёлан Ўрта аср оламига, ўтмишимизга сайр қилдик. Қўлимизда Абу Али ибн Сино калла суягининг расми, Герасимов яратган ҳайкалчадан бошқа нарса йўқ эди. Абу Али ибн Синонинг шогирди Абу Убайд Жузжоний томонидан олимнинг ҳаётлик чоғида қисман ўзи айтиб туриб ёздирган ва кейинчалик тўлдирилган таржиман ҳолида олимнинг юз тузилиши, кийиниши, хулқ-атвори ҳақида қисқа ва аниқ, лўнда иборалар борлиги бизнинг мушкуллимизни осон қилди. Биз чуқур математик таҳлил асосида олимнинг ёпбошлаб турган қиёфасини қайта-қайта, изма-из қизиб, аста-секин айлаштириб ўзимизга қаратдик. Кўз олдимизда асрлар қаъридан бизга майини жилмайиб, миннатдор бўлиб турган буюк бобокалонимизнинг ўзбекиона, шарқона сиймоси гавадланди. Яратган асаримизнинг фото тасвирини ҳайкалтарош Михаил Герасимовга юбордик. Орадан кўп ўтмай Москвадан Андижонга қувончли хат-хабар келди. Унда шундай дейилган эди: «Яратган асарингиз менга жуда ҳам ёқди. Мехнатим зое кетмаганидан беҳад бахтиёрман, сизлардан миннатдорман».

Ҳа, дарҳақиқат, Юсуф Отабековнинг бир гуруҳ маслакдош дўстлари билан яратган Абу Али ибн Синонинг бу сиймоси эндиликда олам кезмоқда. Улуғ бобокалонимизнинг даҳоларга хос қиёфаси миннатдор авлодларга салобат билан мағрур боқиб турибди. Уни олим туғилиб ўсган қадимий Бухорои шариф, Афшона, Тошкент, Самарқанд ва бошқа шаҳарлар, айниқса, минглаб ўрта, олий ва махсус ўқув юртлари тиббиёт муассасаларида кўриш, у билан хаёлан сирлашиш инсонга куч ва мадад бағишлайди. Аслида Мадади Сино дегани шу эмасми? Қолаверса, лавҳамиз қаҳрамонининг нафакат устози, балки ўзига ҳам ҳайкал қўйгани эмасми?

Буни том маънода эзгулик учун яралган имсон, дейиш мумкин. Чунки, умр йўлларини тиббиётининг машаққатли карвонидида босиб ўтган Юсуф Отабековда имон, эътиқод бутун бўлиб, иродаси эса мустаҳкам эди.

Искандар Раҳмон

ЗОХИДОВ ҲАКИМ



Буюк аллома Ҳақим Зоҳидов адабий таҳаллуси Ҳақим Зоҳидий бизга икки томонлама устози аъзам ва пиру калон эдилар. Биринчиси, Тошкент Давлат тиббиёт институти талабаси бўлган давримда у киши кўпчилик катори бизни ҳам ўзининг бетакрор одамийлиги, тугма истеъдоди, буюк ички ва ташқи маданияти, тоза лутфи, терап ақл-заковати, ўз касбига чексиз меҳру садоқати билан тиббиётнинг сохрили оламга етаклаб кирган, олижаноб алломалардан эдилар.

Биз ўшанда, илмга чанқок ёш йиғит-қизлар эдик. Унинг «Одам анатомияси» фашидан ўқиган маърузаларини жон кулок билан ҳайратланиб тинглаб, оғзидан чиққан ҳар бир қалиманни бир умр ўчмас қилиб, қалбимиз тўри, миямиз саҳифаларига ёзиб, муҳрлаб олганмиз. десам, асло муболаға бўлмайдди. Зеро, унинг ўзига хос ва мос ширали овози, потиқлик санъати бор эди. Бу ажойиб инсон нафақат ўз соҳасининг етук билимдони, забардаст олими, йирик давлат ва жомоат арбоби, ёшларнинг моҳир ва жонқуяр мураббийси, балки нафис санъат ва адабиёт шайдоси ҳам эди.

Ҳақим Зоҳидий 1912 йили Тошкент шаҳрида тугилди. 1926 йили етти йиллик мактабни тугатиб, тиббиёт билим юртининг тиш техниги бўлимига ўқишга кирди. Тиббиётга бўлган кизиқиш бу билим юртидаги таҳсил жараёнида унинг мурғак қалбидан бир умрга мустаҳкам ўрни олди. Билим юртини имтиёзли тугатган Ҳақимжон 1931 йилдан бошлаб, Самарқанд тиббиёт институтида таълим ола бошлади. Болалигидан билимга ташна, ҳаракатчан зехни ўтқир Ҳақимжон 1936 йили институтни муваффақиятли тугатиб, Нурота туманига ишга отланди. Дастлаб оддий шифокор, кейинчалик туман марказий касалхонасининг бош шифокори бўлиб, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай уч йил астойдил фаолият кўрсатди, катта ҳаётий тажриба орттирди.

1938 йили Ҳ. Зоҳидов тиббиётнинг назарий манбаларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Самарқанд тиббиёт институтининг нормал анатомия кафедрасига ассистент бўлиб ишга ўтиб, илмий мураббийлик фаолиятини бошлаб юборди. Ўзининг тинмай изла-

ниши натижаси ўлароқ, 1941 йили «Одам скелетининг ривожланиши ва таракқиёти» мавзусида тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини муваффақиятли ёқлади. Орадан кўп ўтмай бошланган Иккинчи Жаҳон уруши туфайли ҳарбий хизматга сафарбар бўлди. Бирок, 89-алоҳида ўқчи ўзбек бригадаси бош шифокори лавозимида иш бошлаган Ҳаким Зоҳидий тез орада Самарканд тиббиёт институти ректори этиб тайинланди. Уруш йилларида унинг зиммасига нақадар катта масъулит юкланганлигини ҳис этишнинг ўзи унинг ташкилотчилик қобилияти ва салоҳиятига берилган катта баҳо, юксак ишонч эди. Кейинчалик у Тошкент Давлат тиббиёт институтида ректор, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги лавозимларида ишлаб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб, эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлди. 1972 йили Тошкент педиатрия тиббиёт институти ташкил этилгач, одам анатомияси кафедрасига бошчилик қилди. Хуллас, Ҳаким Зоҳидий қаерда, қандай лавозимда ишлагани, барчасида ҳалол ва астойдил ишлади.



1976 йил Ҳаким Зоҳидов – уртада, шогирдлари билан

Ҳаким Зоҳидий билан бирга ўқиб, бирга ишлаган ҳамкасб дўст-биродарлари, жумладан, таниқли олим ва ташкилотчилардан: академик Исҳоқ Мусабоев, Шоқир Алимов, профессор Юсуф Отабеков, шогирдларидан: Носир Аҳмедов, Раҳим Худойбердиев, Ато-

улла Окилов, Рашодхон Алавий, Амннжон Сулаймонов, Шавкат Аҳмедов, Суннатилла Асомов ва бошқалар билан доим дўстона муносабатда бўлган. Бундан ташқари, Ҳаким Зоҳидий Самарқандда таълим-тарбия олган пайтлари у ерда сурган ижтимоий, моддий-маънавий муҳит, айниқса, адабиёт ва санъатга бўлган ўзгача меҳр, иштиёқ, кўтариш руҳ, кайфият унинг келажакда баркамол инсон бўлиб шаклланишига салмоқли таъсир кўрсатганини алоҳида таъкидлаш жоиз. У Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Усмои Носир, Миртемир ва бошқа кўплаб истеъдодли ижодкорлар билан яқиндан танишиб, катта-катта адабий давралар, баҳсларда фаол иштирок этди. Шу билан, адабий ижодга кизиқиш уни бир умр тарқ этмади, ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Ундаги адабиётга кизиқиш ўша даврнинг буюк алломаларидан машҳур ёзувчи Садриддин Айнийни бефарқ қолдирмади. Шу жиҳатдан унинг Ҳаким Зоҳидийга йўллаган мактубини айнан келтириш мақсадга мувофиқдир.

Ўрток Ҳаким Зоҳидий!

...23 октябрда нашр бўлган 210-сонли «Кизил Ўзбекистон» газетасида Сизнинг «Тортик» номли бир очеркингизни ўқидим. Бундан бурун ҳам (ёз қушларида бўлса керак) тиббиёт мавзусига онд бир ҳикоячангизни ўқиб эдим. Шунда Сизда ҳикоячилик таланти борлигини сезган эдим. «Тортик» оригинал, шунинг ила баробар воқеликни реал акс эттирган ҳаёт парчасидир. Таҳрир жиҳатидан ҳам бунда камчилик йўқ, мавзу яхшигина очилган ва иштирокчилар тўла тасвирланган...

... Сиз ўзбек адабиёти, тиббиёт фанини бадний ҳикоялар орқали акс эттиришингиз ва хатто нашриётлар йўлида ҳаёлий фикрлар юргизиш, янги ҳақиқатларнинг вужудга келишига йўл очишингиз мумкин...

Садриддин Айний. 25 октябрь, 1949 йил. Самарқанд»

Бу олимнинг адабий фаолиятига берилган катта баҳодир. У ўз даври фарзанди сифатида теварак-атрофида бўлаётган воқеа, ходисаларга бефарқ қарай олмас эди. Бунга унинг каламига мансуб «Муштум» журналида чоп этилган «Соғлар ва доғлар» номли юмористик ҳикоялари тўплами, шунингдек, «Ватан учун», «Икки қаҳрамон», «Юрак амри», «Устозингдан айрилма», «Гавҳарим» сингари драма асарлари мисол бўла олади.

Лавҳамиз дебочасида довланинг бизга икки томонлама устозликлари ҳақида сўз юритган эдик. Бу унинг институтда ўқиб юрган

кезларимизда бизга ўхшаш кўплаб адабиёт ва санъат ихлосмандларини бағрига олиб, ёзган шеър, хикояларимизни эринмай таҳрир қилиб, маслаҳатлар бериб, вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинишига оқ йўл тилашни билан боғлиқ самимий, бегараз ишлари, хомийлигидир.

Ҳаким Зоҳидийни билган борки, номини фақат шевқ сўз билан ёдга олади. Мен шундай олижаноб алломага шогирд бўлганимдан бир умр миннатдорман.

*Искандар Раҳмон
Алижон Зоҳидий*

ИНСТИТУТЛАР РЕКТОРЛАРИ ВА ДИРЕКТОРЛАРИ

Биз вазирлар, институтлар ректорлари ва директорлари ҳақида ёзар эканмиз, бир нарсага амин бўлдикки, улар фақатгина йирик ташкилотчи эмас, балки олимлик, олим-шифокорлик соҳасида ҳам ном таратганлар, биз баъзида қаҳрамонимизни қайси гуруҳга киритсак экан деган масалада иккиланиб ҳам қолдик, лекин улар қайси гуруҳ вакиллигидан бўлмасин барчалари халққа хизмат қилган фидоийлар сифатида қадрлашга лойиқдирлар.

АБДУРАСУЛОВ ЖҶРА



Инсонлар борки, ҳаётда улуғ ном, ўчмас из қолдириб кетади. Уларнинг ҳаётлиги даврида қилган ишлари, ёзган китоблари, қолдирган шогирдлари, уларни тириклардек ардоқлашга сабаб бўлади. Ана шундай инсонлардан бири, ажойиб олим, тиббиёт фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, Ўзбекистон рентгенология, радиология ва онкология илмий текшириш институтига асос солган ва унга 20 йил раҳбарлик қилган Жўра Мажидович Абдурасуловдир.

Бир қарашда олимнинг ҳаёти бошқа олимлар сингари оддийдек туюлса-да, унинг ўзига хослиги бор. Бешинчи синфдан еттинчи синфга сакраб ўтади, ТошМИ қошида рабфакда ўқийди, 1942 йилда ТошМИ ни битириб, 4 йил чегара қўйинларида хизмат қилади. 1946 йилда ТошМИ рентгенология, радиология кафедрасида аспирантурада ўқиб, 1948 йилда, «Ошқозон яра касаллигининг рентгенологик ташхиси» мавзусида номзодлик диссертация химоясини қилади ва Самарқанд тиббиёт институтида рентгенология курсида 2 йил мудир бўлиб ишлайди. У ердан 1950 йили Москвага докторант бўлиб боради. Дунёга танилган рентгенолог олим С. А Рейнберг қўлида 1952 йилда, «Тўғри ичак ва сигмасимон ичак пастки қисмидаги касалликларни рентген йўли билан ташхислаш» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилади. Фанда йўғон ичак пастки қисмидаги касалликларни, «Абдурасулов усулида ташхислаш» атамаси пайдо бўлади. Кўраясензки, қаҳрамонимиз жуда қисқа муддат—олти йил ичида ҳам номзодлик,

ҳам докторлик ҳимоясини қилади ва тиббиётнинг ўша даврдаги энг замонавий йўналишида олим сифатида кўзга ташланади.

Профессор Ж. М Абдурасулов 1958–1977 йилгача институт–ҳозирги Республика онкология маркази директори лавозимида ишлаб, уни катта илмий тадқиқот муассасасига, рентгенология, радиология ва онкология соҳаси бўйича Республиканинг илмий услубий ва даволовчи марказига айлантиради. Ж. Абдурасулов раҳбарлигида институт ходимлари бажарган ишлар нафақат Республика, жаҳон миқёсидаги ишлар савиясига кўтарилди.

Олим раҳбарлигида 16 нафар фан доктори, 110 нафар фан номзоди етишиб чиқди. Институт энг замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлган катта билим даргоҳига айланди. Энг муҳими, энг янги рентгенорадиолик ускуналар, ультратовуш билан ташхислаш (УЗИ) аппаратлар, томографлар институтда синаб кўриладиган бўлди.

Институтда директорлик лавозимида ишлаган пайтда Жўра аканинг катта ташкилотчилик истеъдоди яққол кўриниб турди. Илм-фанга ташна олим ўз атрофига ёшларни тўплади. Институтни жаҳон андозасига жавоб берувчи асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда, кейинчалик уларнинг янгиланишида жонбозлик кўрсатди. Олим Республикаимизнинг барча вилоятларида, ҳар бир шифохона масканига рентген, радиологияни ва онкологик соҳанинг кириб боришига, шу соҳада касалларга амалий ёрдамни яхшилашга, оддий халққа онкологик касалликлар ҳақида тушунтиришга, профилактик ишлар олиб борилишига катта ҳисса қўшган инсондир.

Жўра Абдурасулов ўз соҳасининг энг эътиборли мавзуларини чуқур ёритувчи, муаммоларнинг ечимини ҳал қилувчи 50 дан ортик катта-катта табокли монографиялар, 500 дан ортик мақола ва рисо-лаларнинг муаллифи бўлган. Қилинган ишларнинг натижалари ет-тита халқаро конгрессларда ва 300 га яқин Бутун иттифок Респуб-лика съездларида, конференциялар ва симпозиумларида таҳлил қилинган. Унинг бошчилигида институт ходимларининг 10 дан ортик илмий ишларни тўпламлари чоп этилди.

Илмий ишларни пухта ишлаб чиқаришни ва катъий режа, дастур асосида олиб боришни одат қилган Жўра Мажидович ўлкада ўсма касалликлар тарқалишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва уни илмий ўрганишни кенг йўлга қўйди. Аҳолини ўсма касалликлар бўйича профилактик текширишлардан ўтказиш ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтди ва амалиётда ўзини оқлади. Қатор касалликларни хужайра ва молекула даражасида радионизотоп усул

билан текширишнинг киммати ва келажаги порлоқ эканлигини исботлади, нузли ишларнинг бош мия тўқимасида ўсма хасталигини чақиришини биринчи бўлиб исботлади.

1968–1970 йилларда Ж. Абдурасуловнинг К.Е. Никишин билан ёзган кўп томли. «Кўп соғли жароҳатлар» монографияси онкология соҳасининг энг долзарб ва мураккаб муаммосининг ечимига бағишланган улкан ҳиссасидир. Бу монографиялар ушбу мавзудаги собиқ иттифок бўйича чиқарилган биринчи улкан иш бўлиб, кўп қиррали ва қомусий характери билан ажралиб туради.

Кейинчалик, ушбу мавзуга бағишланган бошқа қирраларни ёритиб берган китоблар сонининг 10 тага олим томонидан етказилиши заҳматқаш олимнинг жўшқин ғайратидан ва ўткир зехнли эканлигидан далолат берадиб. Олим сифатида Жўра Мажидович Ўзбекистоннинг юксак илмий салоҳиятини катта халқаро конгрессларда (Лондон, Токио, Рим, Мюнхен, Мопреал ва ш.к) шараф билан оқлаб келди.

Жўра Абдурасулов кўзга кўринган давлат ва жамият арбоби ҳам бўлган. У ЎзР ССВда ўсма касалликлар муаммоси комиссиясининг раиси, Тиббиёт Академиясининг ўсма касалликлар муаммоси комиссияси, ССВ радиология кенгаши, Бутуниттифок рентгенологлар, радиологлар ва онкологлар жамиятининг бошқаруви аъзолари эди.

Катта тиббиёт қомуси пашриётида нузли диагностика бўлимида муҳаррир лавозимида ҳам фаолият кўрсатган. Иттифок ва Республика миқёсида, «Вестник рентгенологии и радиологии» «Ўзбекистон тиббиёт журнали» журналларининг ва «Медицина» пашриётининг таҳрир хайъати аъзоси, Ўзбекистон онкологлар жамиятининг раиси бўлиб ишлаган.

Жўра Абдурасулов «Меҳнат қизил байроқ» ордени ва қатор нишон, медаллар билан тақдирланган. 1964 йилда унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони берилган. Ўзига ва шогирдларига ўта талабчан ижоди тинмай жўш урган, фикрлаш доираси ниҳоятда кенг, забардаст олим, Ўзбекистон онкологларининг отахонларидан бири Жўра Мажидовичнинг хотираси юлдуздек чакнаб туришига ва инсонлар хотирасида узок вақт қолишига имонимиз қомилдир.

Эркин Турсунов

АБДУЛЛАЕВ РАУФ



Дунёда шундай инсонлар борки, уларнинг бутун умри давомида эл-юртга сидкидилдан қилган меҳнатлари сабаб келажак авлодлар қалбида ибрат бўлиб яшайди. Ана шундай фидойи инсонлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари доктори, профессор Рауф Абдуллаевич Абдуллаев эди.

Рауф Абдуллаев 1922 йилнинг 5 майида Наманган вилоятининг Поп туманида туғилди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатгач, Самарқанд тиббиёт институтига кирди. 1935 йили институтни муваффақиятли тугатиб 1935–37 йилларда Поп тумани касалхонаси шифокори, 1941 йилгача эса Самарқанд вилояти Боғизагон кишлоқ шифокорлик участкаси бош шифокори лавозимларида ишлаб, ўзининг келажакдаги илмий-назарий ва амалий режаларига пухта замин ҳозирлади. Бирок, тўсатдан бошланган Иккинчи Жаҳон уруши унинг орзу-умидларига тўсқин бўлди. У эл-юрт қатори Ватан ҳимоясига отланди.

Рауф Абдуллаевнинг жанговор фаолияти 1941 йилнинг июлида Ўрта Осиё ҳарбий округининг 44-отлик дивизияси ихтиёридаги 35-бронетанк дивизиони тиббий хизмати бўлими масидан бошланди. У бошлик бўлишма ўша вақтларда қўшни Эрон давлати ҳудудига киритилган бўлиб, махсус топшириқни бажарар эди. 1941 йилнинг ноябрь ойида у хизмат қилаётган бўлим ҳарбий фронт тасарруфига ўтказилди.

– Ўша қаҳратон киши кунларида, – эслайди қаҳрамонимиз – биз Солнечногорск, Крюково, Клин туманларида каттик жаңг олиб борардик. Хужумимизга дош бера олмаган душман орқага чекинаётиб, кўп қурбонлар берди. Бир кун вайронга айланган Фирсановка кишлоғидан ўтиб кетаётсак, ёниб кул бўлган уй олдида устига жулдур кийим кийган, сочлари оппоқ, озиб кетган аёлга дуч келиб, ундан сўрадик:

– Онажон, бир ўзингиз бу ерда нима қилиб ўтирибсиз? Қолганлар қани?

Аёл маънос кўзларини жовдиратиб, бизга маъносиз тикилганича, ёшига помуносиб, ингичка овозда:

– Фашистлар кишлоғимизга ўт кўйиб, одамларимизни ўлдириб, ҳамма иссиқ кийим ва егуликларимизни битта кўймай йиғиштириб талаб кетишди, - деди.

Кейин билсак, бу сочларни оппок, овози ингичка «аёл», эндигина 12-13 ёшга кирган киз бола бўлиб, бундан 2-3 кун олдин фашист газандалари унинг кекса ота-онаси, икки опаси ва бир укасини ҳаммомга қамаб, устларидан керосин кўйиб, ёқиб кетишибди. Киз қандайдир тасодиф билан улардан яшириниб, омон қолибди. Шундан кейин кизчанинг майингина жингалак сочлари бир зумдаёқ оқариб кетибди.

1942 йилнинг сентябрь ойида минглаб ярадор ва беморларнинг фронт ичкарасига олиб кетаётган узундан-узун эшелон устига кетма-кет душман бомбалари ёғилди. Жароҳатланганлар ичида Рауф Абдуллаев ҳам бор эди. Уни 5004-эвакуацион госпиталга келтиришди. 1943 йилда госпиталдан чиққач, хизматга полдойик топилди ва уруш ногирон сифатида мамлакат ичкараси, ўз юртига қайтарилди.

1943 йилдан истеъфодаги тиббий хизмат майори Рауф Абдуллаевнинг илмий-мураббийлик фаолияти Самарқанд тиббиёти институтини госпитал терапия кафедраси ассистенти лавозимидан бошланди. Ҳаётини ва амалий тажриба, кўникмалар орттирган Рауф Абдуллаев аввал СамТИ клиникаси бош шифокори, 1945–51 йилларда Самарқанд тиббиёт институтини ректори этиб тайинланди. Унинг ректорлик даври энг оғир дамларга тўғри келди, кўп нарсалар етишмасди, битирувчиларни урушга жўнатиш муаммолари ҳам анча мураккаб кечарди. Лекин шунга карамай Р.Абдуллаевнинг ташкилотчилик қобилияти устуи чиқди. У миллий кадрларни кўпайтиришга ва уларнинг билимли бўлишига кўп эътибор қаратди.

Айни пайтда тинмай илмий-иждоий ишларни, клиник тадқиқотларни ривожлантирди, ўзи ҳам илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланди. Бошқаларни ҳам илмий ишларга ундади, чунки институтга илмий салоҳиятли кадрлар керак эди. Р.Абдуллаев 1946 йили номзодлик диссертациясини ёклади, доцент унвонига сазовор бўлди. У олти йиллик ректорлик даврида институтни оёкка қўйди, ўқув-илмий салоҳиятини, даволаш ишларини талаб даражасига кўтарди.

1951 йилдан Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти терапия кафедраси доценти, 1957–61 йилларда мазкур олийгоҳ ректорининг илмий-ўқув ишлари бўйича ректор муовини бўлиб, ўқув жараёнини намунали ва сифатли ўтказилишига катта ҳисса қўшди.

Ва ниҳоят у кардиология соҳасида ишлаб кўзга кўринган терапевт-кардиолог даражасига кўтарилди, 1958 йили кардиология соҳасида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб 1961–92 йилларда мазкур институт 2-терапия кафедраси мудирлиги сифатида ўзининг бой ҳаётий, илмий тажрибаси ва салоҳиятини минглаб шифокорлар малакасини оширишга аямасдан сарфлади, эл-юрт назарига тушди.

1932 йилнинг 22 июнида ташкил этилган Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти 1991 йилгача олис Курил ороларидан Карпат ўрмонларигача, Шимолий муз океани сохилларидан, жанубий чегаралардаги жазирама субтропик жойлардан малака ошириш учун келган минглаб шифокорларни бағрига олар ва уларга билим берар эди. Бу ишда профессор Р.Абдуллаевнинг ҳам катта ҳиссаси бор эди.

Профессор Рауф Абдуллаев 130 дан зиёд илмий мақолалар ёзди 5 та илмий рисоласи айнан юрак-томир ва жигар хасталикларига бағишланган. «Кардиологиянинг долзарб масалалари ҳақида клиник лекциялар», «Ички касалликлар ҳақида лекциялар» деб номланган асарлари ҳалигача шифокорларнинг қўлдалик амалий қўлланмасига айлангани, ўз аҳамиятини йўқотмаганининг гувоҳидир. Унинг илмий раҳбарлиги остида уч киши докторлик ва 20 дан ортиқ олим юрак, жигар, ҳазм пайи аъзолари касалликларни бўйича номзодлик диссертацияларини ёқлашди. Олимнинг 1970 йили Деҳлида, 1978 йили Афинада бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманларда иштирок этиб, Ўзбекистон тиббиёти нуфузини оширишга ўз ҳиссасини қўшди. У «Терапевтический архив» журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси ҳам эди.

Унинг ташаббуси билан Тошкент тўқимачилик комбинати тиббий-санитария қисмида шаҳарлик шифокорларнинг ишдан ажралмаган ҳолда кечки малака ошириш университети очилди. Унинг бошчилигидаги кафедра ходимларидан иборат сайёр гуруҳнинг ҳар йили республикамизнинг турли вилоятларига бориб, махсус мавзулар бўйича шифокорлар малакасини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш соҳасидаги ишлари

тахсинга сазовордир.

Эл-юрт олдидаги кўп йиллик фидокорона меҳнатлари эвазига муносиб тақдирлаган, умрини тиббиётга бахшида этган профессор Рауф Абдуллаевнинг ҳаётлик чоғида эриша олмаган орзу-умидлари унинг минглаб издошлари, ҳамкасблари томонидан амалга оширилаётгани муҳтарам устознинг барҳаётлигидир.

Искандар Раҳмон



ГУЛОМОВ АБДУМАЛИК

ТошМИ–деган, (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси) катта даргоҳда собиқ иттифок даврида 15 йилдан кўпроқ ректор бўлган. Ўта кучли ташкилотчи, фидойи тиббиёт ходими Абдумалик Гуломов ҳақида очерк ёзгим келар эди-ю, лекин маълумотларим оз эди. Шу ҳақда икки йилча ўйлашга тўғри келди ва охири айрим маълумотлар топишгач, қароримни бажардим, чунки бу улуг инсонни Ўзбекистон тиббиёт соҳасидаги жуда кўп олим ушшоқлар тайёрлашда буюк унутилмас ҳиссаси бор. Адашмасам, ҳозирги кунда ёки нафақада бўлган ёки фаол ишлаб юрган жуда кўп тиббиёт ходимлари шу инсон кўлида таълим олган, ундан билим ҳам олган ва ҳозирда ҳам унинг ташкилотчилиги, талабчаниги, покизалиги ва адолатлиги принциплари билан суғорилган ҳолатда фаолият кўрсатадилар. Улардан кейинги авлодларда ҳам бу принциплар бор десак, бу Абдумалик акадан қолган мерос бўлади. Абдумалик ака ТошМИ га ректор бўлган катта олимлардан бўлмаса-да, унинг ўз ўрни бор, улар ҳам шунда обрў-эътиборли ректорлардан бўлган.

Очеркимиз қахрамони Абдумалик ака Тошкент шаҳрида хизматчи онласида 1905 йилда туғилган. Унинг отаси Гулом ака 17 ёшигача «Қорихона»да (куръонни ёдлатадиган шундай яширинча мактаблар бўлган, лекин улар араб тилини билишмас эди) ўқиган, сўнгра бойлар уйида хизматчи, макарон фабрикасида ишчи бўлиб ишлаган. Онани уй бекаси бўлган, онлада 10 киши бўлиб, икисодий жиҳатдан кийин яшаган, Абдумалик ака 11 ёшидан бошлаб, хизматкор, хат ташувчи, ТошМИ клиникасида фаррош бўлиб ишлаб онани боқишга кўмаклашган. 1922–25 йилларда ишчилар факультетида ўқиган ва 1925 йилда Москва университети тиббиёт факультетига ўқишга кирган. У ерда икки йилча ўқиб соғлиги яхши бўлмай Ўрта Осиё университети тиббиёт факультетига ўтади ва уни 1931 йилда муваффақиятли тугатади. Унинг қобилиятини билган раҳбарият Абдумалик акани микробиология кафедрасига ассистент қилиб қолдиришади. Кейинчалик у Иттифок Фанлар Академияси вирусология бўлимига аспирантурага (Санкт-Петербург шаҳри) қиради ва номзодлик диссертациясини химоя қилади

ва 1938 йилда Бутуниттифок экспериментал институтида кичик, сўнгра катта илмий ходим лавозимларида ишлайди.

Уруш йилларида сан-эпид бўлим бошлиғи лавозимида (Волгоград, Дон, Жанубий - Ғарбий, Шарқий-Украина фронтларида) хизмат қилди, бир неча Давлат орден ва медаллари билан тақдирланади. 1943 йилда ярадор бўлади ва даволангач, унинг раҳбарлигида бу бўлим Молдавияда корини тифи касалликларига қарши хизматни бажаради, (чунки уруш вақтида ва урушдан сўнг ғарбий зоналарида бу касаллик кўпайиб кетган эди) Абдумалик аканинг ўзи ҳам икки марта юқумли касаллик билан оғир касалланади.

Абдумалик ака хизмат қилган институтда унинг обрўси баян ва тажрибали олим – вирусолог сифатида яхши танилган эди. Уруш тугагач, институт директори, меҳнат қаҳрамони, Давлат мукофоти совриндори академик А.А.Смородинцев, ТФА президенти, меҳнат қаҳрамони академик А.И.Абрикосов, академик-котиб В.В.Паринлар Давлат Санитар бошқармасидан майор Абдумалик Гуломовни институтга қайтаришга тавсиянома ёзадилар. Бу вақтда алоҳида ТФА Вирусология институтини ажратиб чиққан эди ва институт Москвада фаолнинг кўрсатарди. У Москвада бир йил ишлаб, институтнинг «Грипп бўлими» билан бирга Санкт-Петербургга ўша Бутуниттифок Экспериментал Тиббиёт институтига ўтади ва у ерда 1950 йилгача катта илмий ходим бўлиб ишлайди ва докторлик ишсини бажара бошлайди. У вирусология бўйича йирик мутахассис сифатида турли жойларида вирусли касалликларга қарши турли тадбирлар ташкил этади ва ўзи фаол қатнашади.

Лекин шу вақтларда Ўзбекистонда бирорта вирусолог йўқ эди. Иккинчидан, талантили ташкилотчи кадрларга муҳтожлик катта эди. Республикада микробиология-вирусология соҳасида кадрлар деярли йўқлигини инобатга олиб, А.Гуломов Тошкентга қайтади ва Ўзбекистон санитария-илмий текшириш институтига директор этиб тайинланади. У бу лавозимда ишлаб янги институтни эътиборли жамоага айлантирди, янги бўлимлар ташкил этди, бир йилдан сўнг. ТошМИга ректор лавозимига тайинланади ва янги институтда ҳам у ўзининг фидокор ишчи эканлигини кўрсатди, айниқса, маҳаллий кадрларни кўпайтиришда катта хизмат қилди. Бу лавозимда у 1962 йилгача ишлайди.

Шу ерда 1952 йил 15 декабрда Иттифок Соғлиқни сақлаш вазирлиғи ва ОАК га Абдумалик ака ҳақида Республикadan берилган тавсияномани келтирмоқчиман.

«Служебная характеристика

На ректора Ташкентского медицинского института Гуломова Абдумалика Гуламовича, 1905 года рождения. Кандидата медицинских наук Гуламов Абдумалик Гуламович работал в отделе вирусов ВИЭМ с 1-го января 1938 г. В качестве научного сотрудника лаборатории гриппа. До прихода в отдел вирусов он получил хорошую микробиологическую подготовку во время двухгодичной аспирантуры в отделе медицинской микробиологии ВИЭМ» в гор. Ленинграде.

В течение 3-х летней работы в отделе вирусов ВИЭМ доктор А.Г.Гуламов проявил себя в качестве энергичного и быстро растущего научного работника. Хорошо освоившись в отделе вирусов с новыми для него методами и объектами исследования, он выполнял ряд работ по специфической профилактике и терапии экспериментальной пневмококковой инфекции дыхательных путей, изменению назальной вирулентности пневмококка при продолжительном пребывании в носоглотке, изучению эффективности специфической профилактики эпидемического гриппа ингаляцией противогриппозной сыворотки, бактериологической характеристики верхних дыхательных путей у scarлатиновых больных в связи с различными методами лечения. Им уделено большое внимание изучению этиологии сезонных катаров дыхательных путей со стороны детальной бактериологической, вирусологической и серологической характеристики этой группы заболевания.

Перед началом Отечественной войны А.Г.Гуламов успешно работал по изучению этиологии важного для нашей страны заболевания – геморрагического нефроза – нефрита.

В течении пяти лет он непрерывно находился на фронте. Исполняя обязанности начальника СЭО и ВСПЕО.

Его самоотверженная работа в годы войны отмечена рядом правительственных наград.

Выполненные А.Г.Гуламовым научные работы подчеркивают его хорошую квалификацию, как медицинского микробиолога и вирусолога, умеющего быстро и умело разрешать сложные экспериментальные задания».



Тов.МИ нинг ходимлари учта собиқ ректорлар билан. Биринчи қаторда чандан ўнга А.Гуламов (4), К.Зуфаров (5), Ў.Орифов (7)

А.Г.Гуламов зарекомендовал себя хорошим организатором научно-исследовательской работы, умело преодолевающим любые трудности при выполнении порученных ему заданий.

С июля 1946 года А.Г.Гуламов вернулся в отдел вирусологии Института экспериментальной медицины АМН СССР и продолжал до февраля 1949 года работу по взятой им теме для докторской диссертации. Он накопил ценный материал по усовершенствованию серологической диагностики гриппа и собрал дополнительные данные по этиологии острых катаров дыхательных путей. Намеченный план его докторской диссертации по эпидемиологии гриппа выполнен на 60%.

В начале 1950 года тов.Гуламов назначен директором Ташкентского медицинского института и находится в этой должности по настоящее время.

За время руководства институтом показал себя многогранной работы в институте. Много проявляет заботы об институте и его коллективе. Требователен к себе и подчиненным. Заслуженно пользуется деловым и политическим авторитетом. Активно участвует в общественно-политической работе и всех государственных хозяйственно-политических мероприятиях. Морально устойчив, взысканий не имеет.

Характеристика составлена для представления ГУМУЗ Минздрава СССР и ВАК Министерства высшего образования СССР.

15 декабря 1952 года.

Шу ерда бир чекиниш килсак, Абдумалик акани ташкилотчилик таланти пахта териш компаниясида жуда сезиларди, улар ўта талабпарвар инсон эди. 1959 йилда биз Тошкент вилоятининг Сирдарё туманида пахта терар эдик. Курсимиз бошлиғи доцент отолоринголог А.Агзамов ва бригадир ўқитувчилар У.Юлдашев (проф-терапевт) ва А.Харатьян (проф-терапевт)лар эди. Кечаси соат 10 ларда А.Ғуломов келиб колдилар ва курс раҳбарларига қарата «Эрталаб 6-00 да турасизлар, болаларни яхши овқатлантирасизлар ва соат 7-00 да ҳамма ўз юклари билан машиналарга ўтириб бошка совхозга борасизлар, кечаси билан ҳисоб-китобни тайёрланг, учтиқлар ҳисоб-китобни тугатсин, эртага кечқурун талабалар иш ҳақини оладиган бўлишин, бирор талабани бир томчи сочи тўқилса, ҳаммангиз жавоб берасиз».

Биз эрталаб машиналарда кўшни совхозга жўнадик. Сабабини кейин билсак, совхоз маъмурияти талабаларга яхши қарамаган, пахтаси яхши очилган далаларга талабалар қўйилмаган ва ҳисоб-китоб ҳам қониқарли бўлмаган. Булардан хабар топган Абдумалик ака обком орқали масалани ҳал қилган ва талабаларни кўчиришга қарор қилган. Бу ҳақда совхоз дирекцияси ҳам беҳабар эди, улар хайрон бўлиб қолишди. Иш шундай ташкил этилдики, қундалик норма ҳам бажарилди. Биз янги совхозда яхши жойлашиб олдик. У вақтларда биргина ректор бундай масалаларни ҳал қилолмас эди, лекин Абдумалик ака бундай ишларни урдасидан чиқар эди.

Иккинчи бир томони Абдумалик ака жамоатчи ташкилотларга катта урғу берар эди. Институтда асосий тарбия ўчоғи бу ёшлар ташкилоти (комсомол ташкилоти дейилар)эди. Агар ёшлар ташкилоти бирор талабани ёмон ўқигани ёки тартиб бузгани учун ташкилот аъзолигидан ўчирса, у талаба институтдан ҳайдалиб кетар эди, хайфсан олган талабалар ўзларини оқлаб, бу тапбеҳдан қутилмагунча «осилиб» юрар эдилар. Ректорни ўзи курс факультет, институт ёшлар ташкилоти мажлисларида фаол катнашар ёки ёрдамчиларини юбориб турар эди. Факультетлар аро ўтказиладиган олимпиадалар, фестиваллар (ҳар йили, ёшлар фестивали ўтказиларди) катта спорт мусобақалари янги йил ва бошка тадбирларда ректорнинг ўзи

бош-кош бўларди. Айниқса, факультет ёшлар ташкилоти раҳбарлари доим институтда олиб қолинар ва уларни илм-салоҳиятини ўстириш учун шароит яратиб берилар эди. Масалан, ҳозирги академик Т.Обидов, (узок йиллар ТошМИ ректори лавозимида ишлаган), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, проф. Х.Каримов (гематология институти директори) факультет фаоллари бўлишган.

Абдумалик ака ниҳоятда талабапарвар бўлган ва кўп масалаларни адолатли ҳал қилган, у ўта ҳалол, пок, принципли бўлган, унинг даврида таъмағирлик нималигини ҳеч ким билмаган, институтда ўта кучли интизом бўлган ва бу интизом талабалар қонконига сиғиб кетган. Шу интизом бизларда ҳам сақланган. Шунинг учун минг бора шукурлар айтамин ва у кишининг номи доимо калбимизда сақланиб қолади.

Эркин Турсунов

ҚОРИЕВ МАРАТ



фессор, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Марат Ҳикматович Қорневдир.

Марат Ҳикматович Қорнев 1930 йил 17 июлда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида туғилди. Ота-онаси унинг яхши тарбия олиши, илмли бўлиши учун ҳаракат қилдилар ва бунга эришдилар ҳам.

Ёшгина Марат Қорнев ёшлар кечки меҳнат мактабида ўқиди ва Жаҳон урушининг оғир йилларида 12 ёшдан бошлаб мудофаа заводида ишлаб бошлади. У яшаган маҳаллада йирик шифокор олимлар: профессор Н.А.Богораз, академик окулист В.П.Филатов, педиатр профессор К.Н.Титовлар яшар эдилар. Улар ҳарбий госпиталда касалларни даволашга Россиядан юборилган эдилар.

Бир кун кизик воқеа рўй беради. Киш вақти эди, кўчаларни яхмалак босган, сирганчик. В.П.Филатов ва Н.А.Богораз кўчада йиқилиб тушадилар, уларни Марат ака ва унинг оғайнилари тургизиб кўйишади ва шу кундан бошлаб улар олимлар билан дўстлашиб қолишади. Ўқувчиларнинг бу олимлар билан тез-тез учрашувлари, ҳарбий госпиталга навбатчиликка боришлари Марат Ҳикматовични шифокорлик касбини таълашга тўртки бўлди ва у мактабни битирганидан кейин Тошкент медицина институтига ўқишга кирди.

Институтда аъло ва яхши баҳолар билан ўқиди, факультетда ёшларнинг етакчиси ва фаол жамоатчиси бўлди, Тошкентдаги ва Республикадаги олий ўқув юртлари спартакиадаларида муваффақиятли иштирок этди. М.Ҳ.Қориевнинг ҳаётдаги шиори «Курашиш, изланиш, топиш ва ҳеч қачон таслим бўлмаслик»дан иборат эди.

Институтни битирганидан кейин 1955 йилда Марат Қориев Марғилон шаҳар шифохонасига шифокор жарроҳ қилиб юборилди. Хирургия бўлими шифохонанинг эски биносига жойлашган бўлиб, бу ерга оғир жароҳат олганлар ва ўткир жарроҳлик касаллари билан оғриган беморлар мурожаат қилишар эди. Марғилонда ёш шифокор хирургия хизматини ташкил қилиш борасида жон жаҳди билан қиршди.

Шаҳар шифохонаси бош шифокори Т.З.Хусановнинг тавсияси билан у Гематология ва қон қуйиш институтига қонини сақлаш, тайёрлаш ва қон қуйишни таъкил қилишни ўрганиш учун юборилди. Биринчи йилданок, Марғилон шаҳрида қон қуйиш шахобчаси ишлай бошлади ва кўплаб оғир беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга эришилди. Бош шифокор Тоҳир Хусанов ёш шифокорларнинг ғамхўр бошлиғи, устози эди ва 25 йиллик фаолияти давомида шаҳар шифохонасини йирик намунали даволаш муассасасига айлантирди, унинг ўзи номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлади.

Ёш жарроҳ Марат Қориев икки-уч қунлаб шифохонадан чиқмай ишласа-да, ўзининг хирургия, травматология ва нейррохирургия бўйича назарий билимлари етарли эмаслигини сезди ва тез орада Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий текшириш институтига клиник ординатор бўлиб кирди. Нейррохирургия бўлимига доцент Александр Георгиевич Тишин бошчилик қилар эди ва у устозлардан бири бўлиб қолди.

1979 йилгача медицина институтларида нейррохирургия фани ўқитилмас эди, бу соҳа вакиллари саноқли эди. Шунинг учун Марат Қориевга нейррохирургия клиникасида ҳаммасини қайтадан бошлашига тўғри келди. Ўқинишнинг иккинчи йилида унга Москвадаги Н.Н.Бурденко номидаги нейррохирургия институти қошида жойлашган Марказий шифокорлар малакасини ошириш институтида мутахассислик курсида ўқиниш насиб қилди. Институт директори академик Борис Григорьевич Егоров, нейррохирургия кафедраси мудири Андрей Андреевич Арентлар қўл остида катта нейррохирургияга қадам қўйди ва қўп нарсани ўрганди, амалиётни илмий излашни билан бирга олиб боришга қарор қилиб, Москвадаги Марказий шифокорлар малакасини ошириш институтига аспирант бўлиб ўқишга кирди.

А.А.Арендт унга болаларда бош миё 4-қоринчаси эпидимомаларини даволашни ўрганишни тавсия қилди. Ажойиб мутахассис, йирик олим, педагог, Н.Н.Бурденконинг шогирди ва сафдоши,

болалар нейрохирургияси асосчи А.А.Арендт унинг устози бўлиб қолди. Бўлажак олим ўша даврнинг йирик невропатологларидан бири М.Ю.Раппопорт билан ҳам таъинлиб, ундан невропатологияни ҳам яхши ўрганиб олди. Чунки, нейрохирург биринчи галда невропатологияни яхши билиши лозим эди. У ҳам шу йўлдан юрди.

Номзодлик диссертациясини муддатидан олдин муваффақиятли химоя қилган Марат Қориевга А.А.Арендт, Н.Н.Бурденко номидаги нейрохирургия институтига бош шифокор лавозимини таклиф этишди. Лекин ўз Ватани ва халқи олдидаги бурчини ҳис қилиб, Ўзбекистонда нейрохирургия хизматини ривожлантириш учун юртига қайтади. Лекин бошида кўп қийинчиликларга дуч келди. Бир қанча вақт травматология ва ортопедия институтида, сўнг, ТошМИ невропатология кафедраларида ишлади. Ва ниҳоят 1968 йил Онкология ва радиология илмий текшириш институтида янги очилган 56 ўринли нейрохирургия бўлимида иш бошлади, бу ерда Москвадаги Н.Н.Бурденко номидаги нейрохирургия институтидаги каби ишни ташкил қилиб, ўз режаларини ҳаётга татбиқ этди ва кўплаб бош-мия ўсмалари бўлган беморларда жарроҳлик ишларини амалга оширди. 1970 йилда илмий изланишларининг натижаси «Ўзбекистонда геморагик инсультларнинг клиникаси, диагностикаси ва босқичли давоси» мавзусида докторлик диссертациясини тақдим этди. 1972 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли химоя қилди.

1971 йил Марат Қориев Тошкент медицина институти ҳарбий-дала хирургияси, нейрохирургия ва травматология кафедрасига мудар қилиб тайинланади ва «БошТошкентқурилиш» тиббиёт-санитария қисмига ўтказилиб, у ерда нейрохирургия кафедрасини ривожлантирди. Бу клиникада мураккаб нейрохирургик операциялар ўтказилди ва кадрлар тайёрланди.

1979 йилда мустақил нейрохирургия кафедраси ташкил қилинди ва 1982 йил №2 Республика клиник шифохонасида жойлашди.

Марат Қориев томонидан ташкил қилинган кафедра нафакат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда илмий-методик ва даволаш-маслаҳат марказига айланади. Клиникада Ўзбекистон ва Марказий Осиёда шифокорлар бирламчи мутахассислик ва тайёргарликни ўтишди. Марат Қориевнинг ташаббуси билан барча вилоятларда нейрохирургия бўлимлари очилиб, у ерда нейрохирургия клиникаси ва кафедрасида тайёрланган шифокор нейрохирурглар иш олиб боришди.

1993 йили Марат Қорнев бошчилигида Нейрохирургия маркази очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов ташаббуси билан, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги 583-сон қарори, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1997 йил 7 январдаги буйруғига асосан Нейрохирургия марказига Нейрохирургия илмий маркази мақоми берилди ва директор қилиб профессор Қориев Марат Ҳикматович тайинланди.

2007 йил ҳукумат қарорига кўра, илмий марказ Трактор заводидаги собиқ тиббиёт-санитария бирлашмасининг замонавий биносига кўчирилди ва ҳозирда ҳам шу ерда жойлашган.

Марат Қорнев Ўзбекистонда нейрохирургияга асос солган олим десак хато бўлмас. Унинг илмий биографиясига назар ташласак, ўз соҳасида ниҳоятда кўпқирралик олим эканлигини кўрамыз. Илмий йўналишида учта асосий нукта кўзга ташланади:

Нейроонкология.

Олим биринчилардан бўлиб бу соҳани ривожлантирди, миянинг турли қисмларидаги ўсмаларни олиб ташлаш, уларни даволаш усулларини ишлаб чиқди. Тўғри, бу касалликни даволаш ниҳоятда қийин, лекин эрта, аниқ ташхис қўйилса, даволаш анча осон кечади. Ўсмаларни нур билан даволашга ҳам алоҳида эътибор берди.

Геморрагик инсульт.

Олим бу соҳанинг анча йирик билмдонини эди. У биринчилардан бўлиб касалликни жаррохлик усули билан даволашни йўлга қўйди.

Марат Қорнев 1972 йилдаги докторлик химоясида 4000дан кўп геморрагик инсультга учраган касал билан ишлагани ҳақида маълумот беради. Эллик фонддан кўп ҳолатда бу касаллар гипертония билан оғриган касаллар ҳисобланади. Олим биринчи марта мияда қон айланishi бузилишининг ўткир ва ўткир ости шакллари ни ажратди. Касаллик ўткир ости шаклида аввал мия томирлари тромбозига ўхшаб кечади. Иккинчи томондан, бу касалликда буйракда, жигарда, ҳазм найида ва бошқа ички аъзоларда кечадиган ўзгаришларни ўрганди. Ва касалликда бу ўзгаришларга ҳам эътибор қаратиш лозимлигини уқтирди. Умуман олганда, мия томирлари патологиясига М. Қориев алоҳида эътибор қаратган олимлардан ҳисобланади. У мия тўқималари шишларида даволаш усулларини ҳам ишлаб чиққан.

Учбурчакнинг учинчи бурчагида бош мия ва орка мия травмалари туради. Ҳозирда мианинг аралаш травмаси травматологияда алоҳида ўрни тутди. Бу соҳада ҳам олим ўзининг илмий нуқтаи назарига эга эди. Марат Қориевнинг Республикада нейрохирургия хизматини ташкил этишда алоҳида ўрни бор. Бу ҳам илм. Ҳар бир соҳанинг ташкил этилиши ва уни оёкка турғизиш осон иш эмас.

Олим жамоатчилик ишларида ҳам фаол эди. У узок йиллар Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида Бош нейрохирург вазифасида ишлади. Бутуниттифок нейрохирурглар жамияти президенти миъзоси ва раис ўринбосари, Н.Н.Бурденко номидаги «Вопросы нейрохирургии» ва «Хирургия» журналларининг хайъат аъзоси, Ўзбекистон нейрохирурглари илмий жамиятининг раиси, АҚШ, Германия, Англия, Ҳиндистон, Австрияда ўтказилган Халқаро симпозиумлар иштирокчиси ҳамда 1999 йилдан бошлаб Осиё-Австралия минтақаси нейрохирурглар жамияти аъзоси эди.

Марат Қориев Тошкент тиббиёт институти даволаш факультети декани, илмий ишлар бўйича проректор лавозимида ишлади. У ҳалол, тўғри сўз, ҳаракатчан ва меҳнатсевар инсон эди. Ҳаёти давомида бир неча минглаб мураккаб операцияларни бажарди ва беморлар дардига малҳам бўлди, ҳатто ҳаётининг сўнгги кунларигача бош миёда мураккаб операцияларни амалга оширди. Шу билан бирга Марат Қориев ажойиб педагог, меҳрибон устоз, талабчан илмий раҳбар эди, бутун Ўзбекистон ва Марказий Осиёда унинг юзлаб шогирдлари ҳозирда нейрохирургия соҳасида иш олиб бормоқдалар. Улардан 8 таси тиббиёт фанлари доктори ва 22 таси тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини бевосита унинг раҳбарлигида олганлар.

2008 йил декабрда Москвада ўтган Бутунжаҳон нейрохирургларининг халқаро конгрессида Марат Қориев МДХ ва Душане нейрохирургияси ривожига қўшган улкан хизматлари учун фахрий ёрлик ва «Н.Н.Бурденко номи нейрохирургия илмий текшириш институти фахрий профессори» мангиясини олди. Биз фахр билан айтишимиз мумкинки, Марат Ҳикматович Қориев ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонда нейрохирургия мактабининг асосчиси, деган номга муносиб олимлардан биридир.

Эркин Турсунов

МАЖИДОВ ВАЛИ



Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, «Олий таълим ва соғлиқни сақлаш аълочилиги», бутун умрини шифокорлик ва тиббий ташкилотчиликка бағишлаган Вали Мажидов ёшлигини шундай эслайди: «Мен 1922 йил октябрь ойида Тошкентнинг Кўнчилик маҳалласида туғилганман. Отамнинг отаси—Иброҳим хожи ўз даврининг бадавлат ва обрўли кишиларидан бўлган. Онам Раҳимабону Шоалим кизи билимдон аёл бўлган».

Вали Мажидов икки хафталигида отаси Абдумажид бир гуруҳ иктидорли ёшлар ва акаси Аҳмаджон билан Германияга ўқишга юборилади. Лекин улар Тошкентга қайтиб келолмайдилар, чунки кизил салтанатдан каттиқ чўчир эди. Шу боис қайтиб келганларни камокка олиш давом этаётган эди. Вали ака оталари ва амакисини бундан хабар топиб Германиядан Туркияга ўтиб кетишди ва у ерда яшашди. Вали ака ва унинг онаси эса узок йиллар бундан беҳабар бўлишган.

Фақат Мустақиллик йилларида ҳақиқат рўёбга чиқди. Туркияда санъатшунослик бўйича мутахассис снингиллари Гулшан хоним (Университетда декан) борлиги маълум бўлди.

Иброҳим ака кўмирчилик бўйича профессор, Абдумажид ака эса ўсимликлар кимёси бўйича профессор даражасига етиб, Анкара университетида дарс беришган. Ҳозирда икки мамлакатда яшаётган икки онанинг жигарчилиги ришталари бир-бирига боғланган. Лекин Вали ака касал бўлиб, Туркияга бориш нияти амалга ошмай қолди, тирик отасини кўролмаи ташвиш ва гамда ўтганларини эсдаликларида қолдирди, холос.

Биз бу ҳақда батафсилроқ тўхтаганимиз сабаби, бир неча олимларимиз, ёзувчиларимизнинг тақдирлари Вали ака оталаридек, балки бундан ҳам фожиялироқ бўлганлиги бу ҳақиқат. Бу ҳақиқатларнинг ёзилгани маъқул. Яна бир томони, 1951 йилда Вали Мажидов ТошМИда юкумли касалликлар кафедрасида ишлаб юрган кезларда «Отангиз чет элда экан», деб ҳайдашмоқчи бўлганда қанча қийинчиликлар эвазига вазифасида қолдирилганлигини ҳам билемиз.

Вали Мажидов 1937–39 йилларда рабфакда, 1939–1943 йилларда ТошМИ даволаш факультетларида ўқиб юрган кезлари оқу корани таниди ва анча эҳтиёткор ҳам бўлди, уни доим «отангиз ким, отангиз каерда ишлаган» сўзлар жуда эзиб ташлаган эди. Факат Мустакилликдан кейин «Зиёли онлада тугилганман» деб ёздиган бўлди.

1943 йили институтни имтиёзли диплом билан битирди, лекин битирувчи йигитларни ҳарбийга олиш масаласи кўндаланг кўйилаётган эди. Институт ректори Р.Пўлатов ўша даврдаги республика раҳбари Усмон Юсупов олдига чиқиб: «Яқинда уруш тугайди, четдан келган кўп русийзабон ўқитувчилар юртларига қайтиб кетишади, маҳаллий мутахассислар ўта кам. Аспирантура очайлик, иктидорли ёшларни олиб қолиб, шогирдлар тайёрласак», деган масалани кўяди. Бу гап раҳбарга ёқди ва у Москва билан келишиб, 13 та ёшни аспирантурада қолдириш масаласи кўрилади. Энди ректор олдида кимларни олиб қолиш керак, деган вазифа турарди. Ўқиш даврида Вали Мажидов одоби, яхши ўқиши, жамоат ишларида фаоллиги билан институтда танилиб қолган эди.

Ректор В.Мажидовни чақириб, унга яхши ўқийдиган 13 та йигит кизларни топиб келишни буюради. У 13 битирувчини топиб, илмий ишлар проректори Н.Исмоиловга кўрсатади ва улар суҳбатдан ўтишади. Шундай қилиб, 1943 йилда 13 та кафедрага ўн уч аспирант қолдирилади. Р.Пўлатов аспирантларнинг ойликлари ўта камлигини ва кўп ёшларнинг моддий қийинчиликларини инобатга олиб, ҳамма аспирантларни ўқиётган кафедраликларига (бухгалтериянинг катта қаршилигига қарамай) қонун бузилса-да, 0,5 ставкадан ординатор қилиб ўтказиши ва уларга етарлик шароитлар яратиши беради. Шу билан келажакда Вали Мажидовга ўхшаш 13 та профессор (кўплари академик) дунёга келади.

В. Мажидов уч йилда оқсоқ касали ташхиси ва даволаш ишлари бўйича номзодлик ишини тугатди, номзодлик ҳимоясида сўнг устози А.Мирочник раҳбарлигида бруцеллез касалини чуқурроқ ўрганиб, докторлик ишини ҳам бажарди ва уни ҳам муваффақият билан ёқлади. Кейинчалик 30 йилча кафедра мудири лавозимида, деканатда, ўқув ишлари бўйича проректор вазифаларида ишлади. Юқумли касалликлар бўйича бир неча дарсликлар, қўлланмалар устида ишлади. Ўилаб олим, истеъдодли ташкилотчи шогирдлар тайёрлади, юқумли касалликлар бўйича талабалар учун икки томлик ўқув қўлланмасини ёзди, Республикада хизмат

кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлди.

Донолар «душманинг бир бўлса ҳам бисёр» деганидек, унинг ганимларидан бири доимий равишда юкори ташкилотларга бўхтошлар ёзиб турар эди. Айби битта эди «отаси чет элда», «отаси сотқин». Унинг помзодлик химоясидан бир кун олдин шу мазмундаги хат ёзилади ва унинг химоя кўпи бу масала ҳам муҳокама қилинади. Вали ака устози ва бир печа кишилар «боласи отасига жавоб бермайди», «отасининг қаердалигини ўзи ҳам билмайди-ку», «отасининг сотқинлигига далил йўқ-ку» деган кўп гаплар бўлади, лекин химоя яхши ўтади, ОАК тезда унинг ишини ижобий ҳал қилади ва 1948 йили доцентлик унвонини ҳам олади. Ифвочиларнинг овозлари шу билан анча ўчади.

1968 йили В.Мажидов ЎзР СС вазири ўринбосари ва 4 йил бошқарма бошлиғи этиб тайинланади. 4 йил ичида бошқарма фаолиятини тубдан ўзгартирди. Сочи, Ялта шаҳарларидаги санаторияларга эътиборни кучайтирди, поликлиника ва стационарларни янги жиҳозлар билан таъминлашда, уларни кенгайтиришда кўп хизматлар қилди.

В.Мажидов 1972 йилда ТшПТИ га ректорлик курсига ўтирганидан сўнг, унинг истеъдоди янада кўзга яққол ташланди. У киши ректор бўлишдан олдин Ўзбекистон Соғлиқни саклаш вазири муовини ва ТошМИ юқумли касалликлари кафедрасида мудир эди. ТошПТИ(аввлги номи САМПИ) Ўрта Осиё республикалари ва Жанубий Қозоғистон учун педиатр-шифокорлар тайёрлаш учун мўлжалланган эди. Институтга ҳар йили Ўрта Осиё республикаларидан 50 тадан талаба имтиёз асосида қирар эди.

Биринчи йиллари анча оғир бўлган. 1972 йилда бир вақтда 6 курсда ўқиш бошланди, АндТИ, ТошТИ педиатрия факультети талабалари тўлик ТошПТИ га ўтказилди. Яна боз устига, шу йилда 708 талаба ўқишга қабул қилинди. Вали Мажидовнинг ишбилармонлиги, каттикқўллиги билан кафедраларда ўқиш ўз вақтида бошланди. Учта масалада доим қийинчилик бўлиб турарди: кадрлар, ўқув базалари, дарсликлар-ўқув қуролилари. Институт ҳуқуқий-молиявий жиҳатдан Москвага - собиқ иттифоқ Соғлиқни саклаш вазирлигига қарар эди.

Вали Мажидов 15 йиллик ректорлик даврида институт оёққа турди, катталар ва болалар учун клиникаларига эга бўлди, маҳаллий ёшлардан олимлар, ўқитувчилар тайёрланди. У киши учун кичик, иккиламчи нарса йўқ. эди. Ишда ошна-

оғайнигарчиллик, кариндошчиллик аслида ёт нарса ҳисобланарди. Талабалар хақиға кўз олайтирганларни билиб қолса, уларнинг холиға вой эди.

Вали Мажидов фарзандларига инсбатан ҳам талабчан эди. Чунки ўша даврларда айримларнинг болалари ҳаётда ҳам, ўқишда ҳам «қовун тушириб» қўйишарди, лекин унинг фарзандлари тўғри тарбия топиб, иккитаси профессор ва бир қизлари фан номзоди бўлиб етишди.

Вали Мажидов тартиббузар, ўғри, риёкор, таъмагирларни, «совға» сўровчиларни назорат остиға олар эди. Қабул комиссиясида бўлса-да, ўз вазифасиға «қийишк» қаровчиларға ҳам қаттиқ қўл эди.

Вали Мажидов институт ишнини ривожлантирди, аспирантура, докторантураларға кўп ўрни олди. Институт фойдаси учун ҳамма нарсаға тайёр эди.

Вали Мажидов биринчилардан бўлиб, институт қошида ҳамширалар тайёрлайдиган мактаб очди. Унинг битирувчилари институт клиникалари учун жуда керак эди. Бу инсоннинг институтға, халқиға хизмати улуг. Кўпчилик ҳалигача у кишини эслаб, «Вали ака бўлганда тезда тартиб бўларди» деб бежиз айтишмайди.

Вали Мажидов қатта олим, ташкилотчи, раҳбар инсонларға хос фазилатларға эга бўлган, тиббиётни ишдан игнасиғача биладиган, талабанинғ ҳам, ходимларининғ ҳам тақдирини чуқур ўйлайдиган, талабчан, халқ ишиға жафоқаш чин инсон эди.

Эркин Турсунов

МИРЗАМУХАМЕДОВ МАННАФ



Кўпқирралик педиатр олим, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Соғлом авлод учун» I даражали ордени совриндори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Маннаф Атаматович Мирзamuхамедов 1920 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1937 йилда ўрта мактабни, 1943 йил ТошМИ педиатрия факультетини имтиёзли диплом билан битириб аспирантурада қолди. Ўша даврда Тошкентда донги кетган шифокорлар Р.С.Гершеневич ва Азиз Мақсудович Мақсудовлар кўлида таълим олди, илмий изланишлар олиб борди. 1948 йилда номзодлик химоясини қилди. Туберкулёзли менингитда, дизентерияда биринчи марта стрептомицин қўлланилиб, бу дорининг афзалликлари кўрсатилди, лекин Маннаф ака химоягача шаҳар шифохоналарида ординатор, бони шифокор ТошМИ да болалар касалликлари бўйича бош шифокор лавозимларида ишлади ва ўзининг ташкилотчилик қобилиятини ҳам кўрсатди.

Ёш олим 1955 йилда Самарқанд тиббиёт институтига ректор лавозимига тайинланди. Олти йиллик ректорлик фаолияти даврида институтда иш юритиш, абитуриентлар учун кириш ва битирувчилар учун давлат имтиҳонларини ўтказишни, битирувчиларни тақсимлаш, мутахассислар тайёрлашни тартибли ва яхши йўлга қўйди, институтнинг ўқув илмий салоҳиятини оширишда, моддий техника базасини яхшилашда катта ишлар қилди, «Медицина фани учун» кўптиражли газета чиқарила бошланди, икки қаватли ётоқхона қурилди.

Раҳбарлик истеъдоди яхши кўзга ташланган олим 1960 йилдан Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтига ректор лавозимига ўтказилди. Унинг раҳбарлигида янги кафедралар, ўқув лабораториялари очилди, 15 шаҳар шифохонаси тўлик институт клиникасига айлантирилди, даволаш, санитария-гигиена кафедралари очилди, ўқув жараёнлари амалиётга яқинлаштириш учун профессор ўқитувчилар вилоятларга чиқиб, ўқув семинарларини ташкил этишди, бу ўқитишнинг энг муқобил шакли эди.

1965 йилдан бошлаб у қайта ташкил этилган «Оналар ва бо-

лаларни муҳофаза қилиш» илмий текшириш институтини бошқарди. Шу даврдан бошлаб унинг ҳаётида ҳақиқий педиатрияга бағиш-ланган илмий йўналишларга катта йўл очилди. У биринчи галда ўша даврда педиатрияда энг долзарб бўлган мавзуларни ўртага қўйди, клиник-биокимёвий текширувлар, ташхис, лаборатория масалаларига кўпчилик диққатини тортди. Чақалоклик даври, ўткир ва сурункалик меъда-ичак, нафас аъзолари касалликлари каби соҳаларга алоҳида эътибор берди ва янги педиатрияга мослашган институт қуриш масаласини кўтарди. Харакатлар зое кетмади.

1965 йилда янги Ўзбекистон педиатрия илмий текшириш институти очилди. Ундан кўп илмий-клиник бўлимларга эга бўлган институтининг очилишида собиқ иттифок СС вазир, машҳур жарроҳ-академик Б.В.Петровский қатнашди. Институтда даволаш ва илмий ишлар янги поғоналарга кўтарила бошлади. Ва аста-секин у Республикада педиатрия марказига айлана бошлади. Институтда ташкил этилган бўлимларга аввал фан номзодлари, кейинчалик фан докторлари бошчилик қилдилар. Институтнинг илмий салоҳияти бақувват олимлар тайёрлашдаги роли ҳам ортиб борди.

1975 йилда М.Мирзамухамедов «Клинико-патогенетические особенности дизентерии у детей раннего возраста» мавзусида докторлик химоясини қилди. Бу ишда 3 ёшгача бўлган Тошкент ва Термиз шаҳарлари касалхоналарида даволанган 1846 бемор болалар устида текширишлар олиб борди ва болаларда кечадиган ўткир ичак касалликларининг 76 фоизда юкумли (инфекцион) характерга эгаллиги, 65 фоизгача дизентерия касаллиги эканлиги, дизентерия касаллигида фаслга боғлиқлик, иммун жараёнининг сусайиши, кондаги цитокимёвий ўзгаришлар кўрсатилди. 3 ойгача бўлган болаларда касаллик анча енгил ўтади ва бу иммун жараён билан боғланади. Касалликда асосан иммуноглобулиннинг Ж формаси кўп учрайди ва бундан ташқари, ораси касал болаларда иммуноглобулиннинг трансплацентар ўтиши ҳам кўрсатилади. Яна бир муҳим жиҳат, ёш болаларда кўпинча касаллик респиратор касалликлар билан бирга кечади, агар касаллик гелиминтозлар билан бирга кечса, унда касаллик оғир кечиши маълум бўлади. Ишнинг амалий аҳамияти яна шунда эдики, ўша вақтларда ўткир ичак касалликларида авж олган «Оддий диспепсия», «Токсик диспепсия» каби ташхислар, ўткир гастроэнтеритлар, гастроэнтероколитлар юкумли характерга эга бўлиб, бундай касалларни юкумли касалликлар бўлимига ётказиш тавсия этилади.

Олим раҳбарлигида ўша даврларда ривож топаётган ва ёш болаларда кўп учраётган нефропатиялар, сурункали касалликлар, аллергияларнинг кечини хусусиятлари, тарқалиш сабаблари, патогенези, профилактикасини режални ўрганиш тизими ишлаб чиқилди. Ва маълум даражада илмий ва амалий жиҳатдан ютуқларга эришилди.

Буйрак касалликларида қонда кечадиган биокимёвий, иммун, гормонал ўзгаришлар аниқланди, тугма буйрак касалликларида витамин Д нинг роли кўрсатилди, нефропатияни даволашда рух препаратлари, иммуномодуляторлар, токоферролнинг ижобий самара бериши асосланди, болаларда гломерулонефрит касаллигида гормонал ва иммун тизимдаги ўзгаришларнинг кўрсатилиши бажарилаётган ишларнинг нақадар чуқурлигидан ва бу ўзгаришларга тизимли ёндашувдан дарак беради. Шунини муҳимки, тизимли ёндашув гомеостаздаги ўзгаришларни аниқлаб олишга ёрдам беради ва бу билан касалликни комплекс даволаш усулларига ўтиш осон бўлади. Олим раҳбарлигида олинган бу маълумотлар М.А.Даминов ва А.Р.Исроиловларнинг докторлик ишларига асос бўлди ва яна шу соҳаларга бағишланган тўртта номзодлик ҳимоялари қилинди.

60-йиллардан бошлаб, Ўзбекистонда аллергия касалликларни ўрганишга эътибор кучайди, педиатрия илмий текшириш институти илмий дастурида болаларда кечадиган аллергия касалликларнинг сабабларини, патогенезини, даволаш усулларини, профилактикасини ишлаб чиқиш асосий вазифалардан бири қилиб олинди. Озиқ-овқатлар ва дорилардан келиб чиқувчи аллергия дерматозларни даволашнинг медикаментоз ва немедикаментоз усуллари ишлаб чиқилди, нафас аъзоларидаги аллергия касалликларнинг гормонал ва иммунстатуси ўрганилиб, шунга яраша гормон ва иммунотерапиянинг анча самарали усуллари ишлаб чиқилди, биокимёвий кўрсаткичларнинг прогностик аҳамиятига эътибор кучайтирилди. Бажарилган катта ишлар натижасида бир докторлик (Э.И.Салимов) ва саккизта номзодлик диссертациялари ёқланди. Республикамизда, Ўрта Осиё ва хорижий давлатларда ўтказилган бир неча илмий анжуманларда бу ишларга катта баҳо берилди.

М.Мирзамухамедов педиатриянинг неонтология соҳасида ҳам кўзга кўринган тажрибали олимлардан эди, унинг раҳбарлигида ТТА да неонтология маркази ташқил этилди. У 6 та фан доктори, 30 та фан номзодини тайёрлади. Унинг кўп шогирдлари ТТА, ТошПТИ, СамТИ, Педиатрия ИТИнинг кафедра ва клиникаларида

ишлаб, Республикамізда педиатрия соҳаси ривожига фаол иштирок этмоқдалар. Олимнинг чоп этган «Ўзбекистонда педиатриянинг ўрни ва истикболлари», «Рахит ва гипотрофия» монографиялари, бир неча қўлланмалари катта эътиборга лойиқдир. Олим истеъдодли устоз ва моҳир педагог бўлган, бир неча йил даволаш факультети ва тайёрлов курси декани вазифаларида ишлаган.

Маннаф Мирзамухамедов умрининг охиригача жамоатчилик ишларида ҳам фаол катнашди, Республика Педиатрлари жамияти раисининг ўринбосари, ЎзР ССВ IV бошқармасида педиатрия бўйича бош мутахассис, педиатрия бўйича муаммолар кенгаши раисининг муовини каби катор жамоатчилик ишларини бажариб келди. Давлатимиз томонидан унинг хизматлари орден ва медаллар, фахрий унвонлар, ёрликлар билан муносиб тақдирланди. Унинг ёрқин сиёмиси педиатрия фаши тарихида абадий қолди.

Эркин Турсунов



МУМИНОВ АКРОМ

Акром Ибрагимович Мўминов Ўзбекистон отоларингологияси фани тараққиётига маълум даражада ҳисса қўшган, тиббиёт фани соҳасининг кўзга кўринган, бир неча тиббиёт институтларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган фидойи ташкилотчи ва етук олим бўлган.

А.И.Мўминов 1937 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган, 1961 йил ТошМИ даволаш факультетини имтиёзли тугатган. 1961–1965 йилларда СамМИ клиникасида отоларингология кафедрасида ассистент ва бир вақтнинг ўзида даволаш факультети декани ўринбосари вазифасида ишлаган. Шу билан бирга илмий ишлар олиб борган ва отоларингологиянинг энг долзарб ва катта мавзуларидан бири бўлган бурун ва бурун ёндаш бўшлиқлари касалликларининг ўпкага берадиган асоратларига бағишланган ва СамМИ клиникасида олиб борилган катта изланишлар асосида номзодлик ҳимоясини қилган («К взаимосвязи заболеваний носа и его придаточных пазух с хроническими гнойными процессами в легких», мавзусида 1965). Ушбу ишда вақтида тўлик даволанмаган ринит, синуситларнинг нафас йўллари ва ўпка респиратор қисмига асорат берини ва кўпинча йирингли жараёнларга олиб келиши илмий назарий томондан асослаб берилган.

Олим кейинги иш фаолиятини ТошМИда, аввал отоларингология доцент, кейинчалик кафедра мудири вазифаларида ишлаган. А.Мўминов иш фаолиятини бошлаган даврдан бошлаб касбий маҳоратини жамоатчилик ишлари билан уйғунлаштириб олиб борган ва ҳар доим бунинг уддасидан чиққан. Раҳбарият ҳам ёш олимнинг бундай қобилияти ва талантига ишонган.

Маълумки, 60–80 йилларда Ўзбекистонда, айниқса, қишлоқ хўжалигида ядрохимикатлар (турли хил инсектицидлар, дефолиантлар) жуда кўп ишлатилган. Заҳарли моддалар деярли инсоннинг барча аъзоларига таъсир этган ва албатта патологик ўзгаришлар чақирган - айниқса, ядрохимикатлар билан ишловчи ва ядрохимикатлар кўп ишлатилган хуудларда яшовчи одамларда. Бунинг ўз вақтида сезган ёш олим А.Мўминов «Клиническая морфология, параллели поражения звукового анализатора при интоксикации пестицидами» мавзусида докторлик ишларини бошлаб юборди. Иш

клиник-экспериментал характерда бўлиб, хайвонларда катта тажрибалар қилинди, морфологик анализлар олиб борилди ва 1972 йилда ишни муваффақиятли тугатди. Ишда ички қулоққа жойлашган Кортнӣ аззосидаги рецептор хужайраларининг пестицидлар таъсирида жароҳат топиши кўрсатилди ва бу маълумотлар клиник маълумотлар билан такқосланди. У бир вақтнинг ўзида ишлаб-чиқариш ва амалиёт, 1-факультет декани вазифаларида ҳам ишладди, бу ишларни профессор унвонини олгандан сўнг, янада ҳам жоплантирди. Кейинги босқич институтда ўқув ишларни проректорни лавозими бўлди. Ташкилотчи олим бу вазифани ҳам талабга жавоб берадиган даражада олиб борди.

Ва ниҳоят, профессор А.И.Мўминов 1991 йил Бухоро тиббиёт институтининг ташкилотчиларидан бири бўлиб, 1991–1995 йилларда институтнинг биринчи ректори бўлди. Албатта биринчи бўлган раҳбарда мушкул ишлар кўп бўлади, лекин А.Мўминовнинг истеъдоди ўз ишига бўлган садокати Бухорода тиббиёт институтини ташкил этишда, институтда ўқув-илмий, маънавий ва маърифий, жамоатчилик ишларини йўлга қўйишда унга жуда қўл келди. Ўтган 5 йил ичида институтни оёққа қўйиш учун қўлидан келган ҳамма ишларни бажарди. 1995 йил Самарқандга ишга ўтиб, 1995–2000 йилларда СамМИ ректори ва бир вақтнинг ўзида отоларингология кафедраси мудирни лавозимларида ишлади. Самарқанд Тиббиёт институтида ҳам эса колларлик, хайрли ишларни бажарди, айниқса, ўқув-тарбия ишларига алоҳида эътиборни қаратди, илмий ишларни яхши режалаштирди ва ўз кафедрасида ҳам илмий ишларни яхши йўлга қўйди. Унинг раҳбарлигида 15 га яқин фан номзодлари ва докторлари тайёрланди, 200 дан кўп илмий мақолалар, ўқув қўлланмалари муаллифи бўлди.

Олим профессионал отоларинголог сифатида МДХ давлатларида танилган, у иттифок отоларингологлар жамияти бошқаруви, ЛОР аззолари профпатологияси комиссияси аъзоси, ЎзР ССВ да отоларингология бўйича бош мутахассис бўлган. Катта олим ва толмас ташкилотчи профессор А.И.Мўминов фандаги хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган. У тиббиёт институтларида қилган хайрли ишлари, фанга қўшган улкан ҳиссалари тиббиёт ходимлари, шогирдлари калбидан абадий жой олган, унинг номи тиббиётимизда барҳаётдир.

Эркин Турсунов

НУРМУҲАМЕДОВ РАҲИМ



Умр ўзининг узун ёки қисқалиги билан эмас, ортида қолдирган мазмун, илзари билан азиз ва табарруқдир. Ана шундай умр билан яшаган Раҳим Нурмуҳамедов 1925 йилда Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида ишчи оиласида таваллуд топди. У 1941 йили ўрта мактабни имтиёзли шахолатнома билан тугатиши биланок, ота-онасининг ёнига ёрдамга кирди. Маълумки, ўша пайтлар корхоналарда ишчи кучи етишмас, фронт учун зарур маҳсулот ишлаб чиқариш режаси оширилгани туфайли узлуксиз, кеча-кундуз ишлашга тўғри келарди.

Қаҳрамонимиз кутубхонасидан саксон йиллар илгари ёзилган бир хат тондик ва унда «Берилди ушбу маълумотнома Нурмуҳамедов Раҳимга шул ҳақдаким, у ҳақиқатан ҳам Янгийўл шаҳридаги 4-ёғ заводининг уруғчилик хўжалигида юк ташувчи бўлиб, 1942 йилнинг 15 октябридан 21 ноябригача кундузи соат 15 дан тунги соат 23 га қадар сменада бўлгани сабабли ҳарбий комиссариат чақирувига жавобан ишдан озод этилмади» деб ёзилган эди..

Бу ҳаётгى ҳақиқат замирида эл-юрт олдидаги буюк масъулият, бурчга садоқат, ички маданият ҳис-туйғуси яширилганлигини англаш қийин эмас. Уларнинг эсдаликларидан:

– Заводимиз ёнида вилоят мусикали драма театри бўларди. Бир куни жасур жангчи Кўчкор Турдиев билан учрашув бўлди. Бир амаллаб ичкарига кириб, орқароқдаги жойга ўрнашдим. Бир пайт озғингина, кўксига қаҳрамонлик юлдузи ялтиллаб турган Кўчкор Турдиевга сўз берилди. У томошабинларнинг қарсақлари остида жангларида кўрсатган жасорати ҳақида ҳикоя қилиб, ҳамман ҳаяжонга солди. Аммо мен унинг ҳикоясини охиригача эшити олмадим, чунки тунги сменага ишга боришим керак эди. Аллавақтигача қаҳрамонимизнинг жасорати кўз олдимда гавдаланарди. «У ҳам ўзимизга ўхшаган оддий одам экан-ку. Наҳотки, унинг жасоратини бошқалар қайтара олмайди? Шаҳсан менинг ундан қаерим кам? Мен ҳам вақти-соати келиб, ҳарбий хизматга борсам, албатта, жасорат кўрсатишим учун ўзимни ҳозирдан руҳан, маънан, жисмонан тайёрлашим шарт», дея олдимга аниқ мақсад қўйдим ва бунга

астойдил интилдим. 1943 йилнинг февралда юртимизда фаолният кўрсатаётган Гомель шаҳридаги ҳарбий билим юртига талабалikka қабул қилиндим.

Р.Нурмухамедов 1943 йилнинг июнь ойида ўқишни тугатиб, ҳаракатдаги армиянинг гвардиячи десантчилар бригадасида, махсус ҳарбий билим юртида хизмат қилди (унинг рус тилини яхши билиши фойда берди). Урушдан қайтиб, 1948–1954 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институтида таҳсил олди. Институтни битиргач, хирургия кафедрасида клиник ординатор, ассистент лавозимларида ишлади ва 1960 йилда бош суяги ва миёдаги ўткир жароҳатларга оид долзарб мавзуда номзодлик диссертациясини химоя қилди, 1968 йили эса, «Кексайиб қолган одамлар танасида жарроҳлик касалликларининг ўзига хос кечиши» мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлади ва жарроҳ-геронтолог номини олди. Ҳақиқатан ҳам олим қарияларда жарроҳлик касалликларининг кечиши, улардаги синдромларнинг хусусиятлари ва ёшларникидан фарқлари билан кўп қизиқди, услубий қўлланмалар, кўп мақолалар ёзди, шоғирдлар тайёрлади. Қарияларда жарроҳлик муолажаларини ўтказишнинг хусусиятларини ёзиб қолдирди.

– Қариялар касал бўлишганида ҳамма нарсани қариликка йўйиб, инсон танасига, иш қобилиятига, хотирасига салбий таъсир кўрсатувчи, эртароқ чарчаб, қариб қолишга олиб келувчи ташқи ва ички манбалардан муҳофаза қилиш ҳақида бош қотирмаймиз, нима бўлса пешонадан, қабилида иш қўришга одатланиб қолганмиз. Ваҳолонки, уларнинг танасидаги турли-туман камчилик, бузилишларни ўз вақтида аниқлаб, тегишли дори-дармон, сифатли озик-овқат, ширин сўз, сеҳрли қуй, энг асосийси, меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик билан бирга даволасак, қучларига қуч, умрларига умр қўшилади, хонадонларимиз янада қайғули, барақали, қариштали бўлади - дейди Раҳим ака.

Р. Нурмухамедовнинг саъй-ҳаракати, фаол ташаббуси билан собиқ иттифок ва Марказий Осиё республикалари ичида Ўзбекистонда бу соҳа бўйича катта илмий ишлар қилинди, геронтология жамяти тузилиб, жойларда унинг бўлимлари ташкил этилди.

Олим камтарин, зеҳни баянд катта ташкилотчилик қобилиятига эга устоз эди. Унинг мураббийлик ишларини турли йилларда ТошМИ даволаш факультети умумий жарроҳлик кафедраси (1972 й.), II Тошкент Давлат тиббиёт институти жарроҳлик кафедраси мудири (1976–1981 й.й.), даволаш факультети декани муовини ва

декани (1960–1971 й.й.), 1971–1981 йилларда эса, ўқув ишлари бўйича Тошкент Давлат тиббиёт институти проректори, бошқа масъул лавозимлардаги жонбозлиги мисолида кўриш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, профессор Раҳим Нурмухамедовнинг 1981–1988 йиллари Андижон давлат тиббиёт институти ректори бўлган давридаги фаолияти, ажойиб ташкилотчилик қобилияти, юксак одамийлик ва олимлик хислатлари ҳар қанча таҳсинга сазовордир. «Раҳим ака АндМИга юборилган вақтда институт шароити анча оғир эди, бир неча ёзувчилар аввалари ҳам, Раҳим ака даврида ҳам ёзишдан тўхташмади. 1983 йилда мен ўша вақтдаги ЦК номидаги шикоят хатларини текширгани борганиман. Ёзувчиларда биронта жиддий асос йўқ эди, ҳатто бир кафедра мудираси ёзган хати тасдиқланмаганидан ва ўзи 20 йилдан кўп мудир лавозимида ишлаб, биронта шогирд тайёрламагани ва биронта услубий кўллашма ёзмаганидан охирида йиғлаб кечирим сўрагани ҳамон эсимда. Лекин Раҳим ака институтда соғлом муҳит яратаолди ва 7 йил давомида ректорлик вазифасида ишлади» деб эслайди профессор, гистолог Э.Турсунов.

Олимнинг эл-юрт олдидаги фидокорона меҳнатлари давлат томонидан юксак қадрланган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Соғлиқни сақлаш аълочиси бўлган серқирра олимнинг 400 дан зиёд илмий мақолалари, 13 рисоласи, 30 дан ортиқ услубий тавсиялари, 15 та яқин ихтирочилик тақлифлари, 10 дан ортиқ фан доктори ва 33 та фан номзодлари, минглаб шогирдлари иқтидори ва катта илмий салоҳиятидан нишонандир.

Искандар РАҲМОН

СУЛАЙМОНОВ АМИНБОЙ



Аминбой Сулаймонов Россия Табiiйи фаилар академиясининг мухбир аъзоси, Қозғистон табiiйи фаилар академиясининг хакикий аъзоси, тиббиёт фаилари доктори, профессор, неча юзлаб болалар жаррохларининг устози эди.

А. Сулаймонов 1938 йилнинг 14 октябрида Бухоро вилояти Жондор туманида ишчи оиласида дунёга келган. Ўрта мактабни аъло бахолар билан тугатиб, Тошкент давлат тиббиёт институтининг Педиатрия факультетига ўқишга кирди ва 1961 йилда имтиёзли диплом билан тугатди. 1961–1964 йилларда у илк фаолиятини шифокор-педиатрдикдан бошлади, сўнгра Бухоро вилоятининг Жондор тумани марказий шифохонасида бош шифокор лавозимларида фаолият юритди.

Унинг илмга бўлган меҳри Тошкент давлат тиббиёт институтининг болалар хирургиясининг тажрибали мутахассиси профессор Карим Ҳожиевич Тагировга шогирдликка етаклади. Бу даргоҳда у 1964–1966 йиллар мобайнида клиник ординатуранинг ўтаб, 1966–1969 йиллар мобайнида Тошкент шаҳридаги 14-шаҳар болалар клиник шифохонасида ординатор шифокор лавозимида, 1969–1973 йиллар мобайнида эса, Тошкент давлат тиббиёт институти болалар хирургияси кафедрасида ассистент лавозимида фаолият олиб борди. 1973 йилда Республикамиз учун эпидемик касалликлардан бири бўлган эхинококкоз касаллигини янгича ташхислаш, даволаш амалиётлари ва болалар хирургияси бўйича фан номзоди диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Мазкур илмий иш ўша вақтда ҳам, бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотган эмас, бу оғир хасталик Республикамиз аҳолисининг 1,0-15 фоизгача қисмида учрайди, айниқса, болалар орасида оғир кечадиган ва ўз вақтида ташхисланмаган ҳамда тегишли даволанмаган ҳолларда, кўнгилсиз ҳолат билан яқунланади. Айниқса, чорвачилик тараққий қилган Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида аҳоли, айниқса, болалар орасида бу касаллик нисбатан кўп кузатилади. А. Сулаймоновга қадар болаларда ушбу касалликни даволаш бўйича бирорта йирик изланишлар қилинмаган эди.

У ТошПТИ Болалар хирургияси кафедрасида 1977 йилгача доцент лавозимида ишлади. Илмий-амалий ишларни биргаликда олиб борган олим 1977–1979 йиллар мобайнида болалар хирургиясининг етук намоёниси, Россия Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, профессор Гирей Алиевич Баировнинг бевосита раҳбарлигида докторантурани тугатиб, 1984 йилда «Болаларда апоректал нуқсонларни жарроҳлик йўли билан бартараф этиш» мавзусида фан докторлиги диссертациясини муваффақиятли химоя қилди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотларига кўра бугунги кунда, тугилган чақалокларнинг 11,3 фоиз қисмида тараккиётдан у ёки бу даражада четлашиш, поросоликлар билан дунёга келиш ҳоллари кузатилади. Ана шу меъёрдан четлашишларнинг ҳар учдан бири хирургик муолажага муҳтож бўлади. Уларда ичак маълум бир соҳада битишиб кетган, у овқат емагани сайини қорни катталашиб, нажаси келмайди, охир оқибатда кўнгилсиз ҳолат юз беради. Олимнинг изланишлари моҳияти болаларда учрайдиган ана шундай касалликларни хирургик йўл билан даволашдан иборат бўлиб, бу ишга юксак баҳо берилган эди. Узок ва шарафли йўлни босиб ўтган устози Карим Тагиров ўзининг севимли шогирдига кафедранинг бошқаришни топширди.

А. Сулаймонов ўзининг асосий ишлари, амалиёти, шогирдлар тайёрлаш, талабаларга сабоқ бериш билан бир қаторда кенг жамоатчилик ишларини олиб борди. Жумладан, 1980–1988 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида болалар бош жарроҳи сифатида ҳам фаолият олиб борди. Тажрибали ва ўз касбининг моҳир устаси 1985 йилдан ТошПТИ ўқув ишлари бўйича проректори лавозимида, шунингдек, 1987 йилда мазкур институтда ректорлик вазифасига сайланди. Олимнинг энг катта ютуғи, у биринчилардан бўлиб ўша кезларда ректорлар сайловида ғолиб чиқди.

Аминбой Сулаймонович ректорлик қилган йиллар Республикадаги, болалар хирургияси, анестезиология-реаниматологияси, нейрохирургияси, травматология-ортопедиясининг ўз ичига олган йирик Болалар хирургияси мажмуини ташкил этилиши, юртимизда тиббиёт тараккиётининг янада юксалишида муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, ноёб истеъдоднинг эгаси бевосита раҳбарлигида болалар абдоминал, торақал хирургияси ва урологияси катта ютуқларга эришди. Бунинг баробарида, «Болалар кардиохирургияси», «Болалар оператив нефрологияси ва сунъий буйрак» бўлим-

лари очилди, болалар гинекологиясига асос солинди ҳамда мазкур йўналишларнинг долзарб муаммолари ечимига қаратилган ўнлаб номзодлик, докторлик диссертациялари ҳиноя қилинди, юзлаб рационализаторлик таклиф ва ихтироларга гувоҳномалар олинди, кўплаб мақола ва тезислар чоп этилди. 1984 йилда А.Сулаймоновнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси болалар хирургияси жамияти ташкил этилиб, бугунги кунда у Республика болалар хирургияси Ассоциациясига айлантирилди.

Олимнинг бевосита раҳбарлигида 18 та фан номзодлари ва 6 та фан докторлари тайёрланди. У 200 дан ортиқ илмий мақола, 6 та монография ва дарсликлар, 12 та илмий ихтиро муаллифидир. Бундан ташқари, фидойи инсон, малакали педагог, мураббий сифатида таълим жараёнида замонавий илму фан ютуқларини татбиқ қилиш, ўқитишнинг илғор технологиялари ва янги ўқув адабиётларини яратишга улкан ҳисса қўшган бўлса, 1989–1995 йиллар мобайнида ТошПТИ Ихтисослаштирилган илмий Кенгаши раиси, «Педиатрия» журнали бош муҳаррири лавозимларида фаолият юритди.

Тиббиёт фанининг ривожланишида ўзига хос мактаб яратиб кетган устознинг ёрқин хотираси қалбимизда мангу сақланиб, унинг бой мероси шогирдлар учун дастуриламал бўлиб қолади.

*Эркин Турсунов
Алижон Зоҳидов*

ТУРСУНОВ ЗИЁ



Ватанимиз физиология фанининг йирик намоёндаларидан ва асосчиларидан бири Бутуниттифок физиологлар илмий жамияти-нинг Марказий кенгаши ва Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон физиологлари жамияти-нинг раиси, ЎзФА Физиология институти-нинг ташкилотчиси ва биринчи директори, биология фаилари доктори, профессор Зиё Турсунович Турсунов номи физиология фани соҳасида фақат республикамизда эмас, балки Муस्ताқил Давлатлар Ҳамдўстлигида ва хо-

риж мамлакатларида ҳам таниқлидир.

З.Т.Турсунов 1923 йил 3 мартда Тошкентнинг Юнусобод мав-зесида богбон оиласида дунёга келди. Иккинчи Жаҳон уруши йил-ларида Тошкент давлат тиббиёт институтида таҳсил олди. У тибби-ёт фанининг даргалари ва моҳир педагоглар Н.В.Данилов, З.И.Умидова, М.И.Слоним ва А.Ю.Юнусов каби алломалардан сабоқ олди. Зиё Турсунов 1945 йил институтининг даволаш факуль-тетини муваффақиятли тугатгач, бутун умрини тиббиёт ва биоло-гиянинг самарали фундаментал соҳаси – физиология фанига, хусу-сан Республикамиз, умуман марказий Осиё минтақаси учун долзарб муаммо иссиқ иқлимнинг одам организмига таъсирининг физиоло-гик механизмларини ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этишга бағишлади. Шу билан бир каторда терапия фанининг ривожига ҳам хисса қўшиб, даволаш услубларига янгидан ёндашишни тавсия эт-ди.

З.Т.Турсунов 1945 – 1956 йиллар давомида ТошМИ нормал физиология кафедрасида аспирант, ассистент ва доцент сифатида фаолият кўрсатди. У 1950 йилда «Сув тапқислигининг скелет му-шаклари қисқариш қобилиятига таъсири» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. З.Т.Турсунов 1956 йилдан бошлаб умрининг сўнгги кунларигача илмий - ташкилотчилик фаолиятини Ўзбекистон Фанлар Академиясида давом эттирди. У 1956 йили ЎзФА Зоология ва паразитология институтининг умумий физиоло-гия лабораториясига катта илмий ходими лавозимида ишлади. Бир йилдан сўнг бу лаборатория янги ташкил қилинган ЎзФА Ўлка экспериментал тиббиёт институти таркибига киритилди. З.Т.Тур-

сунов 1961 йилда «Юкори харорат шаронтида сув ва туз алмаши-нуви ва уни бошқаришда бош мия пўстлоглининг аҳамияти» мавзу-сида докторлик диссертациясини химоя қилди. У 1962–1968 йил-ларда ЎзФА ўлка экспериментал тиббиёти, Иттифок Тиббиёт Фан-лар Академияси ўлка тиббиёти ва ЎзФА Зоология ва паразитология институтларида кортико–висцерал физиология лабораториясига мудирлик қилди.

Зиё Турсунов 1969 йили 23 январда Ўзбекистон Фанлар Ака-демияси Президиумининг топшириғи билан Иттифок Министрлар Совети қошидаги Давлат Фан ва Техника қўмитаси коллегиясида ЎзФА таркибда Физиология бўлимини ташкил қилиш зарурияти-ни асослаб берди. Шу йили у ЎзФА Физиология бўлими мудир-нинг илмий ишлар бўйича ўринбосари этиб тайинланди ва бўлимининг умумий физиология лабораториясига мудирлик қилди.

Зиё Турсунов 1971 йилда ЎзФА Физиология бўлими мудир-и этиб тайинланди. Бўлимда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар қўламининг кенглиги ва юкори савияда эканлигини инобатга олиб ЎзФА Президиуми Республика ҳукумати олдида Физиология ин-ститутини ташкил этиш масаласини кўтариб чиқди. Шу муносабат билан З.Т.Турсунов аввал Иттифок Фанлар Академияси Президиу-мида (12.02.75), сўнг Иттифок Министрлар совети қошидаги Дав-лат Фан ва Техника Қўмитаси коллегиясида (27.05.75) ЎзФА Пре-зидиуми Қошидаги Физиология бўлими негизида ЎзФА Физиоло-гия институтини ташкил қилиш зарурлигини асослаб берди. (ФА қошида ўша даврларда институт очиниш осон иш эмас эди!) Қўмитанинг ижобий жавобини ҳисобга олиб Ўзбекистон ҳукумати ЎзФА Физиология институтини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилди ва З.Т.Турсунов унинг биринчи директори этиб тайинланд-ди. (1975–1985).

Зиё Турсуновнинг фани чуқур тушуниб, изчиллик билан иш олиб бориш қобилияти, ёш ва истеъдодли мутахассисларни жалб қилиб қўплаб олимларни вояга етказиши, хориждаги институтлар ва таникли олимлар билан ҳамкорлик ўрната олиши, янги ташкил топган Физиология институтини тез орада иссиқ иқлим таъсир-ининг физиологик механизмларини ўрганниш соҳасида дунёга танил-ган йирик илмий марказга айланиши учун замин яратди. Шу билан бирга у институт учун янги бино қуриш масаласини кўтариб чиқди. Унинг саъй-ҳаракати билан тез орада янги бино лойиҳаси тайёр бўлиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Афсуски ундан кейин бу бинога эътибор ҳам, эҳтиёж ҳам қолмади. З.Т.Турсунов хориждаги илмий тадқиқотлар билан яқиндан танишиш ва илмий алоқалар ўрнатish мақсадида 1977 йилда Иттифок делегатсияси таркибida Лиондаги Клод Бернар номи университетининг нормал Физиология кафедрасида, Марселдаги Нейрофизиология институтида, 1982 йилда эса Чехословакия ФА сиининг Прагадаги Физиология институтида бўлди.

Зиё Турсунов физиология фани бўйича ўтказилган кўплаб халқаро конгресс ва симпозиумлар иштирокчиси сифатида республика физиологияси ютуқларини дунёга таъитди. Шу жумладан Хиндистон 1962, 1974, Новосибирск 1968, Франция 1977, Болгария 1978, Австрия 1979, Венгрия 1980, Чехословакия 1982, 1986, Тошкент 1989 йилларда катта анжуманлар иштирокчиси бўлиб қолмай, балки уларнинг ташкилотчиси ва раҳбарларидан бири ҳам бўлди. Хусусан, олимларнинг физиология фаилари бўйича XXVI, XXVII ва XXVIII Халқаро конгресслар ишида ташкилий кўмита аъзоси сифатида фаол катнашди. Бундан ташқари, Зиё Турсунов иштирокида ва раҳбарлигида Ўзбекистон физиологларининг II конференцияси (Тошкент 1973) ўтказилди.



*Профессор З.Турсунов халқаро конференцияда
(1- қаторда бешинчи), Деҳли 1962 й.*

Зиё Турсуновнинг илмий йўналиши асосий физиологик жараёнларни иссиқ иқлим шароитида нерв ва гормонал бошқаришга бағишланган бўлиб, у ўз шогирдлари билан биргаликда бу улкан йўналишда учта муҳим муаммоларни ёритиш устида кенг, чуқур изланишлар олиб борди. Улар қуйидагилардан иборат.

1. Юқори ҳарорат шароитида сув ва туз алмашинуви ҳолати ва уни нейрогормонал бошқарилишини ўрганиш. Ушбу йўналиш

бўйича изланишларни бошлашдан аввал З.Т.Турсунов 1957 йилда Иттифок ФА олий асаб фаолияти лабораториясида ФА мухбир аъзоси Э.А.Асратян раҳбарлигида физиологик - жаррохлик усуллари ни ўзлаштирди. Кейинчалик уш ўзи ҳам бу усуллари такомиллаштириб, мохир экспериментатор сифатида ҳам кенг танилди. У ўз тадқиқотлари натижасида бош мия пўстлогининг организми ни исиклик таъсирига химояланиш - мослашиш реакциясидаги ва сув-туз алмашинуви ни бошқаришидаги етакчи роли ни кўрсатиб берди.

Зиё Турсунов Болгария, Венгрия, Германия, Чехословакия ва Польша олимлари билан ҳамкорликда «Сув - туз алмашуви гомеостази» муаммоси ни ҳал қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб берди. Олим бу соҳада тўқималарда сув - минерал таркиби ни бошқаришда калқонсимон безни нг аҳамияти ни кўрсатиб берди.

З.Т.Турсунов аниқлаган сув ва туз алмашуви ҳолати ни мушак фаолиятига боғлиқлиги қонуниятлари катта амалий аҳамиятга эга бўлди. У ўз тадқиқотлари асосида гиподинамия ни организмга салбий таъсири ни исботлаб, бу ҳолатда инсон функционал ҳолати ни яхшилаш усуллари ни ҳам ишлаб чиқди.

Юқори ҳарорат шароитида марказий асаб тизими ни нг функционал ҳолати ни ўрганиш.

Бу соҳада З.Т. Турсунов илк бор электрофизиологик усули ни қўллаб исиклик шароитида нерв импульси ни нг вужудга келиши, ўзгариши ва тарқалиши ни нг ўзига хос хусусиятлари ни аниқлаб берди. Бу эса, ўз навбатида экстремал шароитларда ички аъзолар функцияси ўзгариши ни нг физиологик механизмлари ни тушунишга катта ҳисса бўлди. Олдинги натижалар бу соҳадаги таниқли мутахассислар (академик В.Н.Черниговский, профессорлар Ю.Г.Кратин ва А.Д.Ноздрачов) томонидан юқори баҳоланди. Улар физиология фанлари бўйича Халқаро 26-конгресс ташкилий қўмитаси томонидан 1975 йилда 1,5 босма табоқ ҳажмида Нью-Делида нашр этилди.

Бу тадқиқотлари ни Иттифок ФА И.П.Павлов номидаги Физиология институти билан ҳамкорликда давом эттириб З.Т.Турсунов биринчи бўлиб ошқозон деворида ҳарорат ўзгаришига таъсирчан исиклик ни ўта сезувчи зоналар борлиги ни ва бу ҳақдаги ахборот ни марказий структураларга етказиш йўллари ни аниқлади. Ушбу изланиш ва уларни нг натижалари асосида З.Т.Турсунов томонидан Ўзбекистода нейрофизиологик тадқиқотларга замин яратилди.

Исикликка мослашиши ни ўрганиш.

«Гомеостаз» умумдават дастури ни нг долзарб фундаментал

йўналиши бўйича «Турли табиий шароитларга мосланиш ва мослашолмаслик» секцияси раисининг ўринбосари сифатида З.Т.Турсунов иссиқ иқлимга организмнинг мослашиши масалаларига алоҳида эътибор берди. У физиологияда иссиқ шароитга мослашиш жараёнида мушак фаолиятининг аҳамияти тўғрисида янги йўналиш ишлаб чиқди ва ушунинг спортчиларда исботлаб берди. Бу соҳада З.Т. Турсунов мушак ва иссиқлик зўриқишига мувофиқлаштиришнинг энг қулай услубини ишлаб чиқди ва одамнинг иссиқ иқлимга мослашишини тезлаштириш ва иш қобилиятини оширишнинг энг мақбул ва катта иқтисодий самарага эга бўлган амалий усулини тавсия этди. Олимнинг бу йўналишдаги изланишлари республикада иқлим физиологиясини ривожлантиришга асос бўлди.

З.Турсунов бошчилигида олиб борилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижалари ЎзРФА Физиология институтида 25 та фан доктори ва 150 дан ортиқ фан номзоди тайёрлаш имконини берди. Олинган натижалар 15 та монография, 6 та дарслик, 10 та тўплам ва мингдан ортиқ илмий мақола ва тезисларда умумлаштирилди. Бу илмий асарларнинг 300 га яқини Зиё Турсунов қаламига мансуб бўлиб, шу жумладан унинг 22 та илмий мақоласи хорижда, хусусан Австралия, Болгария, Венгрия, Франция, Ҳиндистон, Чехословакия, Япония ва бошқа давлатларда нашр қилинди. У 5 та монография, 3 та ўқув қўлланмаси ва кўплаб амалий тавсияномаларнинг ҳам муаллифидир. З.Т.Турсуновнинг бевосита илмий раҳбарлигида 20 та фан докторлари ва номзодлари етишиб чиқди.

З.Т.Турсунов забардаст олим ва фан тарғиботчиси эмас, балки моҳир педагог ҳам эди. У узок йиллар давомида ТошМИ да, Республика жисмоний тарбия институтида, Тошкент Педагогика институтида талабаларга маърузалар ўқиган. Умуман талабалар профессор З.Т.Турсуновни кенг қамровли, юкори маданиятли устоз сифатида, шогирдлари меҳрибон ва талабчан устоз, ҳамкасблари эса мақсад сари интилувчан, тиниб-тинчимас заҳматкаш инсон ва фидойи олим сифатида хотирлайдилар.

З.Т.Турсунов «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони, «Шавкатли меҳнат учун» медали», «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган. У ҳақиқий ўзбек зиёлиси, ўзига ва бошқаларга ҳам талабчан меҳнатсевар, юксак маданият соҳиби, ҳақиқий дўст ва ишончли ҳамкор эди.

*Академик Ж.Х.Ҳамидов.
Профессор Ш.Т.Отабоев*

ХАНТОВ МУСО



Мусо Назарович Хантов 1912 йили Самарканд вилояти Булуңгур туманида деҳқон оиласида таваллуд топган. Мусо 4 яшар мурғак гўдак давридаёқ ота-оналари оламдан ўтган.

Меҳрибон оналари Хувайдо ва Ҳамидахонлар уни ўз қарамоғига олишади. Бу оғир қаҳатчилик, очарчилик кенг тарқалган йиллар эди. Мусо кийинчиликларга бардош беришни, бир нарча нои кадрини, уни ўзозлашни жуда ёшлигидан ўрганган. Дастлабки таълимни Жомбой туманидаги

мактабда олган. 1933 йида Самарканддаги «Ер тузиш» техникуминин тамомлаган. Ўша йили ўрта мактабда директорлик вазифасида ишлаганида Мусо 21 ёшда бўлган. Энди «оёкка» туриб келаётган маърифатчиликнинг келажаги ва ривожига ўз ҳиссасини қўйган. 1933 йилда киекка муддатли тиббиёт ўқув курсини тугаллаган.

1934–1935 йиллар ҳарбий хизматини ўташга чақирилган. У Москва шаҳрида хизматини ўтади. 1936–1937 йилларда Тожикистон халқ таълими комиссарилигида уни бошқарувчи бўлиб ишлайди.

1937–1947 йиллари М.Н.Хантов Самарканд давлат тиббиёт институтига ўқишга киради ва институтни имтиёзли диплом билан тугатади. Мусо Назарович институт талабаси бўла туриб, бир пайтда Самарканд туманида 1937–1938 йилларда Соғлиқни сақлаш бўлими mudiri, 1942–1943 йилларда Қорақинилок (ҳозирги Баҳмал) тумани соғлиқни сақлаш бўлимининг mudiri, 1943–1946 йилларда Самарканд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими mudiri вазифасида фаолият кўрсатган. Талабаликни соғлиқни сақлаш раҳбари лавозими билан уйғунлаштириб олиб борган.

Мусо Назарович институтни тамомлагач, 1947–53 йилларда Самарканд Давлат тиббиёт институтининг 1-сонли Республика клиник шифохонасида бош шифокор вазифасида ишлайди. Бу урушдан кейинги тиклашни йиллари эди. Бу тиниб - тинчимас ташкилотчи ва малакали шифокор соғлиқни сақлашда ўзининг аввалги тажрибаларига таяниб клиникада даволани шиларининг сифатини ошириш йўлида тинимсиз ижодий излашда бўлади. У кўнгиша шогирдларни етиштиради, клиниканин моддий-техникавий жиҳоз-

ланишини мустаҳкамлайди ва кенгайтиради.

1954–56 йилларда Россия Федерациясининг Кисловодск шаҳридаги «Ўзбекистон» санаториясида бош инфокор лавозимида ишлади. Ўша пайтлари санатория бир каватли кўрмесиз бинода жойлашган бўлиб, маҳаллий ҳокимият уни узокрок санатория учун мослашмаган жойга кўчириш ҳақида қарор қабул қилган. Мусо Ҳантов ўта зиёраклик билан тегишли ташкилотлар келишилган ҳолда ер майдони ажраттириб, «Ўзбекистон» санаториясининг янги биносини қурди. Бу мухташам дам олиш маскани Ўзбекистон халқи учун бунёд этилган эди. Мусо Назарович ўша ерда ҳам ўзининг тарихий изларини қолдирган, халқимизни она Ватанимизни жуда севган, унинг келажаги, кадри тўғрисида кўп қайғурадиган инсон сифатида гавдаланди. М. Н. Ҳантов 1957–1959 йилларда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари ва Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг соғлиқни сақлаш ва маиший таъминот бўлими мудирини вазифаларида фаолият кўрсатди. Оғир йилларда туғниб, ўта кийин шароитларда вояга етган Мусо Назарович кейинчалик энг олий мартабаларга эришади. Давлат арбоби даражасига кўтарилади.

Мусо Назарович соғлиқни сақлаш, маиший таъминот, кадриятлар, маънавият, одамлар тўғрисида қайғуриш ҳар бир раҳбарнинг эл - юрт олдидagi мукаддас бурчи деб ҳисоблар эди. Бу йўлда у бутун умрини сарфлади. У Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ишларини тубдан яхшилаш, инфоҳоналар ва соғлиқни сақлашнинг бошқа тармоқларини барпо этиш, жиҳозлаш, даволаш - диагностика масалаларига жиддий эътибор бериш, халқимиз учун етук мутахассислар етказиб бериш, унинг моддий фаровонлигини ошириш йўлида кўплаб муаммоларни ҳал қилишда жонбозлик кўрсатган инсондир.

М. Н. Ҳантов кўп йиллардан кейин Самарқандга қайтди. У 6 йил давомида (1961–66 йиллар) Самарқанд Давлат тиббиёт институтида ректорлик қилди. Ректорлик билан бирга шу институтнинг факультатив терапия кафедрасида доцентлик лавозимида ишлади.

Мусо Назарович ректорлик фаолиятининг биринчи кунлариданок ўздан олдинги ишлаган ректорларнинг тажрибаларини кузатиб, улардан институтнинг равиқни йўлида бажарилган ишларни ўрганади. Унинг раҳбарлиги даврида институтнинг келажак истикболи, талабларга суянган ҳолда олиб бориб, унинг моддий - техникавий, ўқув базаси анча кенгайтирилади, тўрт каватли катта

морфологик бино бунёд этилади. Институтда кафедралар сопи кўпайиб, кадрлар потенциалини ошади, жиҳозлашни яхшилади. Талабалар билимини объектив баҳолаш, уларни касбига нисбатан меҳр - муҳаббат уйғотиш масалаларига етарли эътибор қаратилади.

М. Н. Ҳайтов институтда докторантура, аспирантура, клиник ординатура, стажер – тадқиқотчилик йўли билан илмий - педагогик кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштиради, диссертацияларни ўз вақтида ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратади.

Унинг ректорлик даврида ҳар йили институтни битирган истеъдодли ёш мутахассислардан 10-15 нафарни институтда ишлаш учун қолдирилади. Уларга ректорнинг ўзи шахсан ҳомийлик қилар эди. Доцент М.Н.Ҳайтов раҳбарлигида институтда илму фан ривожига катта аҳамият берилади, кўплаб фан номзодлари, профессорлар, доцентлар тайёрланади. Иш якуналари мухтазам равишда монографиялар, тўпламлар ва рисоалар ҳолида нашр этилиб турилади. Ёш олимларга амалий ёрдамни ўз вақтида берар эди, улар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилар эди.

М.Н.Ҳайтов институтда таҳсил олган пайтларида илм - фан билан шуғулланиб Висцерал лейшманиоз, ревматизм ва бошқа муаммоли масалалар устида иш олиб борди ва 1951 йилда лейшманиоз бўйича тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади.

Унинг илмий изланиш натижалари А.Г. Гукасяннинг рус тилида кўплаб мақолалар, рисоалар кўринишида чоп этилган. Тиббий билим юртлари талабаларни учун «Ички касалликлар» дарслигини ўзбек тилига таржима қилди ва ундан талабалар ҳозиргача фойдаланиб келмоқдалар.

Мусо ака факультатив терапия кафедрасининг доценти сифатида унинг келажаги тўғрисида катта режалар тузади, ревматология муаммоларини ҳал қилиш ишларига бош - кош бўлади. Ўша вақтларда тузилган истикболли режаларнинг тўлалигича амалга ошишига кўмаклашади.

Мусо Ҳайтов 1966 йилда Республика раҳбариятининг таклифига мувофиқ Самарқанд шаҳрининг биринчи раҳбари этиб тайинланади ва шу юксак лавозимида 1974 йилгача меҳнат қилди. Ўша йилларда Самарқанд шаҳрида улкан ишлар амалга оширилади, шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва маданияти ривожлантирилади. Самарқанднинг ташқи қиёфаси ҳеч муболағасиз бутунлай

янгиланади. Барча кўчалар, дам олиш масканлари қайта таъмирланади. Регистон майдони асл холига келтирилади.

М.Н.Ҳантов 1974 йилдан умрларининг охиригача Самарқанд давлат тиббиёт институтида ректорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида ишлади. Мусо Ҳантовнинг давлат арбоби, шифокор-олим, устоз мураббий, сифатидаги самарали меҳнатлари давлатимиз томонидан юксак тақдирланган ва Республикада хизмат кўрсатган шифокор фахрий унвонига сазовор бўлган эди. Ҳозир Самарқанд шаҳрининг 1-сонли марказий шифохонаси ва кўчаларидан бири М.Н.Ҳантов номи билан аталади.

М.Н.Ҳантовнинг фарзандлари ҳам отаси каби тиббиёт йўлидан кетишган. Тўнғич фарзанди – Раҳим Мусаевич Ҳайтов тиббиёт фанлари доктори, у кўп шогирдлар – фан докторлари ва фан номзодларини тарбиялаган, кизи–профессор Назира Мусаевна Ҳайтова 1952, Назира Мусаевна ҳозир Самарқанд Давлат тиббиёт институтининг ўқув ишлари бўйича проректори, 2- сонли ички касалликлар кафедрасининг мудирни лавозимида ишламоқда.

Неъмат Хўжаев

Муаллифнинг «Самарқандлик ҳакимлар» китобидан олинди

ҲАКИМОВ ҲОЖИ АКБАР ЎҒЛИ



«Яхшилик қил, ташла дарёга, билса ҳолик билмаса балиқ», дейди доно халқимиз. Назаримда, бу нақл айнан лавҳамиз қаҳрамони – Ўзбекистон тиббиётининг таниқли даргаларидан бири, уруш кўрган, олам кезган, ҳаётининг барча аччиқ-чучукларини тотган, тиббаррук алломи дасрон Ҳожи Акбар ўғли Ҳақимовга батамом тааллуқлидир.

Бу одамни аксарият тиббиёт ходимлари, айниқса, кекса, ўрта авлод вакиллари яхши билишади. Чунки устоз уларнинг ҳар бирига кўлидан келганча яхшилик қилиб, кўнгилга эзгулик уругини сепган.

Зеро, 1909 йилнинг 15 майида Тошкент шаҳрида таваллуд топган Ҳожи Акбар ўғли ўз меҳнат фаолиятини эрта бошлади. У дастлаб дорихонада оддий ходим, 1929 йилда тиббиёт ўрта билим юртини тугатгач, дорিশунос бўлиб ишлади. 1932 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг даволаш-муҳофазалаш соҳаси бўйича тиббиёт факультетини имтиёзли диплом билан тугатган Ҳожи Ҳақимов тиббиёт институтининг клиникаси жаррохлик бўлими ординатори лавозимига олиб қилинди.

– Мен болалик чоғларимни яхши эслайман, - деган эди биз билан суҳбатда Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш институтининг жигар хасталиклари бўлими собиқ бошлиғи, тиббиёт фаилари доктори, профессор Учқунжон Абдулла ўғли Олтибоев. – Оиламиз Охангарон туманининг соф хаволи, тиник сувли, жаннатмакон Облик қишлоғида яшарди. Отам қишлоғимиздаги мўжазгина касалхона амбулаториясида тиш доктори бўлиб ишлар эдилар. Тез-тез у кишининг олдларига бориб, уст-бошларига опшок ҳолат, қалпоқча кийган тиббиёт ходимлари, уларнинг хайрли ишларига ҳавас билан қарардим. Уйимизга тез-тез меҳмонлар келиб туришар эди. Азиз меҳмон сифатида хонадонимизга ташириф буюрган таниқли шифокор ва олимлардан Ҳолик Гафуров, Ҳожи Ҳақимовларнинг ёрқин сиймолари, дўстона суҳбатларини ҳамон завқ билан хотирлайман. Келажакда шифокор олим бўлишим, ҳаётимни тиббиётга бахш этишимда шу улуг инсонларнинг ижобий таъсири катта бўлгани табиий. Шу бонедан бу ота кадрдон устозларимнинг менга

кўрсатган меҳр-мурувватларини, саховатларидан бир умр миннатдорман.

– Ҳожи аканинг ажойиб ташкилотчилик қобилияти айнан Оҳангарондаги иш фаолиятида намоён бўлган – деди домланинг шогирдларидан бири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саиджалол Махмуд ўгли Баҳромов. – Ўша куч-гайратга тўлган ташаббускор Ҳожи Ҳакимов ўзини фаол кўрсатгани учун тез орада Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бўлими мудирини лавозимига кўтарилган. 1939 йилга келиб Ҳожи Ҳакимов Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш халқ комиссари ўринбосари лавозимини эгаллаб, давлат аҳамиятига молик улкан ишларга бош-қошлик қила бошлади. Табиийки, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш бўйича катта амалий ва назарий тажриба орттириб, ўзининг ташкилотчилик қобилиятини ёрқин намоён этган бундай шахслар, айниқса, иккинчи жаҳон уруши йиллари Ҳожи Ҳакимов кўнгиллилар қатори биринчилардан бўлиб жангга отланган. – Менинг жанговор фаолиятим Фарбий фронтнинг 40-армияси ихтиёридаги 194-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 108-тиббий-санитария батальони тиббий ротаси командирлигида бошланган. – деган эди лавҳамиз қахрамони. – Мен кейинчалик, ўша дивизиянинг 470-ўқчилар полкида катта шифокор бўлиб хизмат қилдим. 1942 йилнинг февралидан 1944 йилнинг июль ойигача ҳаракатдаги армиянинг 724-ҳарбий-дала госпитали бошлиғи бўлишим билан бирга кўплаб жаррохлик операцияларини ўтказиб, ярадорлар ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўшганман. Калуга шаҳри учун бўлган жанглар сира ёдимдан чиқмайдди. 1941 йилнинг 30 декабрида Калугани озод этиб, душманини 120-130 чакирим нарига чекинтирганмиз. Калуга учун бўлган жангларда кўплаб юртдошларимиз ҳалок бўлишган, уларнинг жасадлари эса Калугадан 25-30 чакирим жануби-ғарбда оқадиган Угра дарёси яқинидаги Товарково кишлоғи кардошлик қабристонига дафн этилган. Мен 1975 йил собиқ куролдошларим билан учрашганимда ўша жангларда ҳалок бўлган юртдошларим қабрларига ҳам Тошкентдан олиб борган гул-лолалардан гулчамбар қўйиб, руҳларини шод этганман. Шу маънода юртбошимизнинг «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони эл-юрт дилидаги айни муддао бўлди. Чунки биз ўтган урушда энг аввало, ўз Опа юртимиз, жонажон Ўзбекистонимиз тиричилиги ва озодлиги учун қон тўкиб, жон фидо қилган эдик. Зеро, урушда қатнашган, ҳозир барҳаёт бўлган инсонларни тирикликла-

рида эъзозлаш ва кадрлаш, бу кунларга етолмаган фидойиларимиз хотираларини ёдга олиш жуда хайрли ва савобли ишдир...

Урушдан ғолиб қайтган Ҳожи Ҳақимов Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирини, кейинчалик Республика Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари лавозимларида кизгин фаолият кўрсатди. У 1948 йилдан илмий мураббийлик ишига ўтиб, тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. 1961 – 1985 йилларда Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институт директори бўлди. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, чорак аср мобайнида Республика миқёсида гематология ва қон қуйиш соҳаси бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, мазкур соҳа мутахассисларини тайёрлаш уларни жой-жойларига қўйиш, институтнинг моддий-техник асосини яратиш ва мустаҳкамлаш, замонавий янги бино мажмуини қурилишини бошлаш ва тугатиш, болалар гематология клиникаси, поликлиника бўлими ҳамда қон тўқимаси тизимининг қўйилиш жараёни, шунингдек, организмга доривор суюқликлар юборилганидан сўнг содир бўладиган жигар хасталигининг олдини олиш, электрон микроскопларда қон тўқимаси ҳужайраларини фаолиятини илмий ўрганиш бўйича янги лабораториялар, патентлаштирилган тиббий ахборот гуруҳлари ва бошқа ёрдамчи бўлимлар ташкил этилди. Бу давр мобайнида институтда 10 га яқин докторлик, 50 дан зиёд номзодлик диссертациялари ёқланди, кўплаб илмий асарлар, амалий-услубий қўлланмалар, дарсликлар чоп этилди.

Эндиликда мазкур илм ва даволаш даргоҳи Ўзбекистонда гематология ва қон қуйиш бўйича етакчи илмий, амалий ва услубий марказ ҳисобланади, – деган эди институт собиқ раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Озод Муҳаммаджон ўғли Нажмиддинов. – Бу мўътабар нажоткор ва фидокорлар масканида С.М. Баҳромов, У.А. Олтибоев, А.Т. Тўраев, А.А. Буглапов, Аҳрор Раҳматуллаев, Жалол Тожиев, Шоира Воҳидова, Мадина Маҳмудова каби ўндан зиёд профессорлар, тиббиёт фанлари номзодлари, кўплаб юқори малакали илмий ходим, шифокорлар беморларни даволаш билан бирга илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб боришган. Буни сўнгги йилларда институт моддий-техник асосининг қайта қурилиши ва мустаҳкамланиши, болалар ва жарроҳлик бўлимларининг жиддий таъмирланиши, кичик ва катта ёшдаги беморлар учун қундузги даволашниш бўлимлари очилиши ва бошқа ижобий, иқтисодий мисолларда кўриш мумкин. Бу албатта Ҳожи Ҳақимов меҳнат-

ларининг натижаси ва у эккан эзгулик ниҳолларининг ширин мева-ларидир. «Яхшидан бог қолади» дейишгани шуда!

Дарҳақиқат, таникли фан ва жамоат арбоби, кўплаб юксак нишонлар соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Ҳожи Акбар ўғли Ҳакимов босиб ўтган ҳаёт йўли, унинг самарали меҳнати барчага, айниқса, ёшларга ибрат ва жасорат мактабидир.

Искандар Раҳмон



ШОМАТОВ НАСРИДДИН

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ар-боби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, жонкуяр, истеъдодли олим, юқори малакали педагог Насриддин Мирахмедович Шоматов 1915 йил 22 сентябрда Тошкент вилояти Пис-кент туманида туғилди.

У 1933 йилда ТошМШнинг даволаш фа-культетига ўқинишга кириб, 1938 йилда инсти-тутин муваффақиятли тугатди. Ёш кадр илк фаолиятини «Ёнғокзор» номи билан юрити-

ладиган болалар суяк сини касалхонасида бошлади.

1939 йилда харбий хизматга чақирилди ва 1941 йилда Иккин-чи Жаҳон урушида иштирок этиб, у дастлаб Белоруссия харбий ок-ругидаги тиббий санитария батальонида оддий шифокор, сўнгра Мурманскда шифокор-хирург, фии ва поляклар уруши пайтида кат-та хирург бўлиб ишлади. Шунингдек, у 1942 йилнинг май ойигача 981 махсус ўқчи дивизиясининг тиббий санитария қисмида шифо-кор, 1943 йилнинг июнь ойигача 295 ва 64 гвардия ўқчи дивизия тиббий санитария қисмида ётакчи хирург, кейинчалик эса уруш-нинг охиригача иккинчи армия хирургия госпиталининг бош хи-рурги бўлиб ишлади ва 1946 йилнинг март ойида армия сафидан кайтди.

Насриддин Шоматов урушдан сўнг Травматология ва ортопе-дия илмий текшириш институтига ишга қабул қилинди. Орадан 2 йил ўтиб, шу клиникада катта навбатчи шифокор лавозимида фао-лият юрита бошлади. Ўша пайтларда институт клиникасининг асо-сий вазифаси урушдан шикастланиб келганларни саломатлигини тиклаш ва операция амалиётини бажаришдан иборат эди. Шу давр-да республикада травматология ва ортопедия ривожига катта ҳисса қўшган атоқли профессорлар ва фан номзодлари Б.Берлинер, Ю. Сорокмилар ёш шифокорларга устозлик қилишарди.

Тажрибали мутахасссининг меҳнатларини ниобатга олган раҳбарият уни 1948 йилда Травматология ва ортопедия илмий тек-шириш институтига директор этиб тайинлади. У ўзининг меҳнат-севарлиги, талабчалиги, танқилотчилиги ва иқтидори билан инсти-тут фаолиятида янада ёрқинроқ намоён бўла бошлади.

1951 йилда кўп йиллик тадқиқот ва материалларини умумлаштириб, болдир суякларига олиб борилган операцияга доир номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Ёш олимдаги юксак талабни сезган институт раҳбарлари 1951 йилда Н.М.Шоматовни институт клиника раҳбари лавозимига тайинладилар.

Насриддин Мираҳмедович катта истеъдод эгаси, ажойиб ташкилотчидир. Институт клиникасини замонавий техника жиҳозлари билан таъминлаш, диагностика ва даволаш методларини амалиётга жорий этиш, республикада энг орқада қолаётган соҳа – ортопедияни ташкил этиш, шаҳар ва вилоятлар учун юзлаб кадрлар тайёрлаш, шаҳар ва вилоят марказларида ихтисослаштирилган махсус травматология ва ортопедия бўлимларини ташкил этиш, улар ишини ривожлантириш, малакали кадрлар ва техник асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишларини тўғри йўлга қўйиш зарур эди. Бу ишларни амалга оширишда Насриддин Мираҳмедовичнинг фидойи меҳнатини эътироф этиш зарур. Унинг жонкуярлиги туфайли болалар ўртасида ортопедик касалликларни замонавий усул билан аниқлаш, даволаш, махсус бўлимлар ташкил қилиш, ортопед шифокорларни тайёрлаш ишларига катта эътибор берилди. Унинг жонкуярлиги туфайли 400 дан зиёд ўрнига эга бўлган 20 дан ортиқ махсус ортопедия бўлимлари, сколиоз касаллигини ўз вақтида даволаш учун Республика бўйича 12 та мактаб-интернатлар ташкил этилиб, хозир уларда йилига 3,5-4 минг бемор бола даволанмоқда. Шу сабабли ҳам Насриддин Шоматовни Ўзбекистонда ортопедия соҳасига асос солган захматқаш олим, дейиш тўғри бўлади.

Насриддин Мираҳмедович фан йўлида машаққатли, лекин шарафли ишни кенг қўламда бошлаб юборди. У тиним билмай экспериментлар ўтказар, илмий асарларни мутолаа қилар, изланарди. Ниҳоят тинимсиз меҳнатлари, илмий ва амалий кузатувлари ўз самарасини бера бошладди. 1959 йилда Н.М.Шоматов клиник ва экспериментал кузатувларни умумлаштириб, Москвадаги травматология ва ортопедия илмий тадқиқот Институтининг илмий советига докторлик диссертациясини тақдим этди. «Эксперимент ва клиникада баъзи биологик стимуляторларнинг суякни битишига таъсири» мавзусидаги докторлик диссертациясини Иттифок Тиббиёт академиясининг академиги М.В.Волков ва бошқалар юқори баҳоладилар.

Насриддин Мираҳмедовичнинг иттифокдаги кўпгина атоқли олимлар билан илмий мулоқотда бўлиши ўзбек дёрида ўплаб ёш олимларни тайёрлашга имкон берди. Зукко олим 32 дан ортик докторлик ва кандидатлик диссертацияларига раҳбарлик қилди. Н.Шоматов ўз касбининг билимдонни, камтарини инсон, ўзининг 50 йиллик иш фаолиятида минглаб беморларнинг дардига малҳам бўлди, фанда катта мерос қолдирди. Унинг травматология ва ортопедиянинг турли долзарб муаммоларига бағишланган 200 дан ортик илмий ишлари чоп этилди. Шулардан 5 монография, 10 дан ортик методик қўллама, 12 дан ортик ихтирочилик тақлифлари, 10 га яқин илмий оммабоп рисоалари бор.

Профессор Насриддин Мираҳмедович 1960 йилдан 1975 йилгача травматология ва ортопедия кафедрасининг мудирини бўлиб ишлаган даврида республика учун мингдан ортик кадрлар тайёрлади.

Н.М.Шоматов Ўзбекистон травматология ва ортопедия институтида 20 йилга яқин (1948–1953 ва 1960–1980) йилларда директорлик қилди, республика бош травматолог-ортопеди, илмий совет раиси, травматолог – ортопедлар республика илмий ташкилоти раиси, 1960–1975 йилларда Врачлар малакасини ошириш институтида кафедра мудирини 1976 йилдан 1985 йилгача клиника мудирини, умрининг охириги йилларида илмий-консультант лавозимида ишлаш билан бирга фаол ташкилотчилик ишларини олиб борди.



Профессор Н.Шоматов шогирдлари билан.

Собиқ иттифок давридаги ягона – «Ортопедия, травматология и протезирование» журналининг таҳририяти ҳамда травматолог-ортопедлар Бутуниттифок ташкилоти бошқаруви аъзолари эди.

Насриддин Шоматов тиббиёт соҳасида ўзига хос мактаб яратиб, халқимиз саломатлигини муҳофазалашда муносиб ҳисса қўшди. Унинг ёрқин хотираси ҳамкасблари ҳамда шогирдлари қалбида абадий сақланиб қолади.

Эркин Турсунов

Ф А Н А Р Б О Б Л А Р И

АБДУЛЛАЕВ НУСРАТ



1958 йил эди. Катта залда талаба фаолларининг йиғилиши борарди. Нусрат акага сўз берилди, улар раҳбариятда талаба ёшлар уюшмаларига жавобгар экинлар. Мен шу ерда илк бор унинг сўзларининг тинглашга муяссар бўлгандим.

«—Дўстлар, ҳар бирингизнинг ўрнингиз бўлиши керак, биринчи галда аъло ўқини, интизом. Бизда ўзбек тилида китоблар етишмайди, кўп талабалар узок кишлоклардан келишган. русчани яхши билмайдилар, уларга қўмаклашши биринчи вазифа, кўп дарслар русча ўтилади, русийзабон ўқитувчиларимиз кўп. Тиббиётда уч баҳо билан ўқийдиган талаба бўлмаслиги керак, фаоллар, академ секторлар, мана сизга вазифа...Сизлар кўп ўқинингиз керак, бадний адабиётни ҳам унутманг, у мияни чарқалайди...».

Бу сўзларга ярим асрдан ортиб кетди. Тасаввуримнинг бойишига ва яна ҳам чуқурлашувига, бу инсоннинг оддий олимлардан фарқ қилиши сабаб бўлади... Соғлиқни сақлаш вазирлиги залида вазирлик Илмий Кенгашининг мажлиси кетмоқда. Мажлисда академиклар, профессор, катта-кичик олимлар йиғилган. ССВ илмий Кенгаши ранси профессор Наби Мажидов эдилар. Йиғилишда тортишув бўлиб қолди. Илмий тадқиқотларга пул ажратишда ва умуман устуворлик клиник фаолларга берилиши керак, деган тезисни ўртага академик Исоқ Мусабоев ташладилар. Йиғилишда камтарин олим, ўша даврларда Республикада энг обрўли олимлардан бири Комилжон ака Зуфаров ҳам бор эдилар. Мусабоев гапига Комилжон ака «Жуда ҳам ундай эмас, ишланаётган мавзулар, ечилаётган муаммолар эътиборга олинishi керак» деб гапни қистириб қўйдилар. Шунда ёш олим Нусрат Ҳамидович сўзга чиқиб, муаммони илмий асослаб, кескинрок гапирди:

Биз заминий фанлар деган тушунчани унутиб юборганга ўхшаймиз, тиббий-биологик фанлар шундай фанлар ҳисобланади, бу ҳамма фанларга алоқадор дегани. Биринчи галда заминий фанларни ривожлантирсак талаба ҳам, олим ҳам клиникани тез ўзлаштириб олади. Хўш, ҳисоблаб кўринглар, бир йилда гистология фани, устозимиз Зуфаров 10-12 та кандидат, 2-3 фан доктори тайёрлашга эришяптилар. Клиник фанларнинг тошу торози палласида қандайлигини биз яхши биламиз-ку». Залда бир неча дақиқа жимлик ҳукм сурган эди. Бу, фидойи олимнинг тарихда қолган сўзлари эди.

Биз ёзаётган қахрамонимиз, машҳур патофизиолог олим, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Нусрат Ҳамидович Абдуллаев 1933 йилда Тошкентда хизматчи оиласида таваллуд топди. Мактабни, сўнгра ТошМИни 1957 йилда имтиёзли битирди, патофизиологияда аспирантура ўтди ва 1960 йилда ўз муддатида номзодлик ҳимоясини қилди. 1967 йилда эса у докторлик ҳимоясини бажарди.

Ёш олим 1967 йилда Ўлка Илмий-Текшириш тиббиёт институтида патофизиология лабораториясини очди ва уни 1982 йилгача бошқарди. 1971 йилдан ТошДавМи патофизиология кафедрасига мудир этиб сайланди. Олим ўз диққатини экспериментал клиник изланишларда турли юрак-қон томир, ҳазм пайи, жигар, эндокрин касалликларида модда алмашинув-ферментлар, оксиллар, углеводлар, липидлар алмашинув жараёнларини ўрганди. Бу ҳам кийини, ҳам долзарб муаммо эди. Олим бунда патофизиологик, патобиохимик, структур-функционал жараёнларга алоҳида эътиборини қаратди ва бу уч хил, лекин бир-бирига боғлиқ жараёнларни ўзаро боғлиқ нуқталарини топа олди. Унинг иккинчи ютуғи шунда эдики, у ҳар бир ечилаётган муаммо атрофида олимларни тўплай олди, чуқур хулосалар қилишга борди, пировард натижада илмий, амалий аҳамиятга молик ғоялар, тезислар, фикрлар яратилди, унинг орқасида янги яратилган ижодий гуруҳ, ижодий ёшлар турарди... Уларнинг кўплари етук олим бўлдилар.

Нусрат Ҳамидович яратган патофизиологлар мактабида дастлабки йилларда ёш олим Ҳамид Каримов билан микроциркуляциянинг бузилиши турли тажрибавий касалларда, айниқса, жигар касалликларида кўриб чиқилди. Шунинг айтиш лозимки, бу мактабда Республикада биринчилар қаторида тажрибавий тетраҳлор-металли ва гелиотоп гепатитида жигарда бўладиган патофизиологик, пато-

биохимик, структур ўзгаришлар ва уларнинг фарклари, бу ўзгаришларнинг патогенезлари чуқур ўрганилди, хулосалардан бири, гелиотроп гепатит ўз хусусиятига кўра, одамларда учрайдиган вирусли В гепатитга ўхшайди ва кўпроқ оксиллик ўзгаришлар, оксиллик гепатоз чакиради, тетра хлор металллик гепатитда эса, кўпроқ ёғли дитсрофия, умуман организмда кўпроқ ёғларнинг ўзгаришлари, ёғ фракцияларининг дисфракциялари рўй беради. Яна мухим жихатлардан бири, олим шогирди Ҳамид Ёкубович билан тажрибавий гепатит моделини чакириш усулини ишлаб чиқишди, бу усул ўша даврларда ва ҳозирда ҳам биргина Ўрта Осиё республикаларида эмас, балки иттифок лабораторияларида ҳам таъминланган. Камина дунёга машҳур Россия ФА Цитология институти цитогенетика лабораториясида (докторлик ишимни бажараётган вақтда) шу усулда гепатит чакираётганликларининг шохиди бўлган.

Йирик олим Н.Абдуллаев ўзининг кенг тиббий дунёқарашлари билан ажралиб турарди. Ҳаётда, табиатда, ҳар хил шароитларда инсон организми стресс ҳолатларига тушиб қолади, адаптация ва дизаптация, гомеостазнинг бузилиши, компенсатор ҳолатлар ва уларнинг зўриқиб кетишлари каби катор босқичли ўзгаришлар юз беради. Уларнинг ўзига хос бўладиган турли ўзгаришлар ҳужайра ва унинг органеллаларидан тортиб, аъзоларда ва қонда ҳам кузатилади. Уларни тўлиқ ўрганган ва олинган натижаларни «ҳазм қилиш» даражасига чиқа олган олимларгина гомеостаз ҳақида аниқ ва тўлиқ фикрлар айтиши мумкин. Шундай ҳолатни буюк олимлар В.В. Парин, К.Г. Крижановский, Ф.М. Меерсон, К.А. Зуфаровларнинг гомеостаз ҳақидаги китобларини ўқиганда шундай туйғуларга эга бўласан. Очигини айтиш керак, бизнинг қаҳрамонимиз Нусрат ака ҳам шулар каби чуқур фикр юритадиганлардан эди. Унинг турли патологик ҳолатлар, уларнинг патогенези ва шунга кўра доволаш ҳақидаги фикрлари, ғоялари амалий ва назарий тиббиётимизда катта эътиборга моликдир. Олим ғояларини, фикрларини динамик тарзда ўрганиб борсак, пировард максади биргина назарий яратиш эмас, балки амалиётга чиқиш эди. Йирик патофизиолог олим сифатида турли соҳа мутахассисларига бемалол керакли маслаҳатларини бера оладиган инсон эди.

Нусрат Ҳамидович ўз шогирдлари билан узок йиллик излашлар натижасида кўпгина стресс ва постстресс омиллар таъсирида бўладиган структур-метаболик ўзгаришларининг стереотип кечишини, бошқа ҳолларда эса, жароҳат чакиришини кўрсатди. Ишлаб

чиқаришда эргономик омилларнинг патофизиологик таъсири ўрганилди ва катор профилактик тадбирлар таклиф этилди. Айрим пуштсизлик ва акушерлик касалликларида «жинсий гормонлар ва жигар муносабатлари» концепцияси яратилди. Олим Тошкент Фармацевтика институти Марказий Илмий Текшириш лабораторияси ходимлари билан бирга жигар касалликларида, артеосклерозда, катли диабетда, шок ҳолатларида турли комплекс дориларининг таъсир донраларини ўрганди, терапевтик дозалар ҳақида фикрлар берди.

Н.Абдуллаев ташкилотчи олим ва талантли педагог эди. У Директив кўрсатмалар асосида Иттифок Иммунология институти Ўзбекистон филиалини очинишда фаол иштирок этди, унинг моддий-техника базасини яратишда, янги илмий йўналишлар ташкил этишда муҳим роль ўйнади. Кафедрада ўқиш жараёнига, кадрлар сифатига доимо катта эътибор бериб келди. Энг асосий жиҳати талабаларда клиник фикрлаш қобилиятини ривожлантириш масаласини у доимо биринчи ўринга қўяр эди.

Биз Нусрат ака билан махсус илмий Кенгаш йиғилишларида кўп марта бирга бўлганмиз. Олим аниқ ва тушунарли қилиб тушунтириш қобилиятга эга эди. Баъзан шундай вақтлар бўлар эдики, Нусрат ака ҳимоянинг мунозара қисмида сўзга чиккандан сўнг, диссертант ва бошқа ўттирганлар ўз ишининг моҳиятини янада тўлиқроқ билиб оларди.

Илм дунёсида бир ҳақиқат бор, қайси мамлакатда илм-фан соҳасининг зукко, машхур, забардаст олими бўлса, шу мамлакатга олимлар нигоҳи кўпроқ тушади, шу мамлакатда албатта катта анжуманалар бўлади. Республикамизда Ё.Тўракулов бор экан, дунё биоокимёгарлари, К.Зуфаров бор экан дунё морфологлари, Нусрат Ҳамидов бор экан, дунё патофизиологлари бизнинг ўлкада. Тошкентда йиғилишди, олимларимизга, уларнинг қилган ишларига тан бериб кетишди. 1976 йилда иттифок патофизиологларининг Тошкентда бўлиб ўтган катта анжуманида Н.Абдуллаев адаптация ва компенсация тўғрисида ўта илмий, кизикарли чиқиш қилди. Олим АҚШда микроциркуляция, Венгрияда, ФРГ да атеросклероз, Италияда липидлар алмашишуви, Чехия, Болгария, Францияда адаптация ва жароҳат бўйича кизикарли маърузалар қилган.

Нусрат Абдуллаев биргина институтда эмас, Республика даражасида ҳам доимо фаол ишсон бўлган. У бир неча Республика ва МДХ тиббий журналларда таҳририят, редакцион кенгаш аъзоси

бўлган, узок йиллар патофизиологлар жамиятини бошқарган. ССВ ИК, МДХ давлатлари, Халқаро патофизиологлар кенгаши аъзоси бўлган, у Халқаро Ян Пуркинъе медали соҳибидир.

Нусрат Ҳамидович ўзига мустақкам ҳайкал кўйиб кетди. Унинг раҳбарлигида 10 та фан доктори ва 40та фан номзоди илм-фан даргоҳига кириб келди. Ундан 300 дан кўп мақола, 8та монография, 15 дан кўп ўқув қўлланмалари, ўқувчилари билан бирга рус ва ўзбек тилларида ёзган «Патофизиология» дарслиги қолди. Унинг шогирдлари ичида тиббиётнинг турли соҳа вакиллари, забардаст олимлар бор. Ҳозирда тиббиётимизнинг пенкадам вакилларида бири, узок йиллар 11-ТошДавМи ни бошқарган ва ҳозирда ССВ Гематология институти директори, ЎзР да хизмат кўрсатган Фан арбоби Х.Ё.Каримов ва бошқа бир неча олимларни санаб ўтиш мумкин. Истеъодли олим ва катта ташкилотчи Нусрат Абдуллаевнинг хотираси абадий яшайди.

Эркин Турсунов



АШРАПОВА МУҚАДДАМ

Муқаддамхон Ашраповна Ашрапова – тиббиёт фанлари доктори, профессор, «Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби», «Республикада хизмат кўрсатган шифокор» жарроҳлик фанига катта ҳисса қўшган ташаббускор олима, тиббиёт илмининг ташкилотчиларидан бири, юқори малакали мутахассис. Минглаб талабаларнинг устози бўлган фидойи инсон эди.

М.А.Ашрапова 1919 йилнинг 17 декабрида Тошкент шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Оила ўта маърифатли, ўқиминли бўлгани учун Муқаддамхон зехини, зийрак бўлиб ўсди, мактабнинг 7 синфини аъло битириб, ТошМИ ишчи факультетида ўқиди. Сўнгра институтнинг даволаш факультетида ўқиб, уни 1941 йилда муваффақиятли тугатди.

Муқаддам она сўнги имтиҳонни уруш бошланган кунини топширади, институтни битирганлиги ҳақида дипломни олгач. Тожикистоннинг Конибодом шаҳрига ишга жўнайдди. Конибодомнинг Карокчиқум кишлоғида, сўнг туманда ҳам жарроҳ, ҳам терапевт, ҳам инфекционист, ҳам невропатолог, ҳаттоки фельдшер ва тиббий ҳамшира вазифаларини ҳам сиккидилдан бажаради. 1942 йилдан уни Конибодом тумани Соғликни саклаш бўлимига мудир қилиб тайинлашади. М.Ашрапова кечаю-кундуз тишим билмасдан хизмат қилади, маҳаллий аҳоли орасида тарқалган ичтерлама, безгак касаллигига чалинган беморларни даволашда жонбозлик кўрсатади. Беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун гоҳ аравада, отда, гоҳ ишда юриб, энг олис кишлоқларгача боради.

1943 йилнинг февралда фронтга отланди.

Муқаддам Ашрапова урушдан катта тажриба билан қайтди, уруш майдонини касал шифокорни тапламайди, оқ халат кийган ҳар бир шифокор керак бўлса терапевт, ёки жарроҳ, ёки инфекционист бўлиб ишлаб кетаверади, Муқаддам она ана шуларни бошидан кечирди ва урушдан қайтган кундан бошлаб тиббиёт кучоғига отланди, лекин масала раҳбарият қўлида қасрга юборилса мажбурий, бораверасан. Улар икки йил Миллий университет ҳарбий кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади ва ниҳоят, 1947 йилда у ўзи

битирган жонажон институтига қайтади ва устози, профессор М.Астров қўлида ишлай бошлади. Факультет жарроҳлик кафедрасининг ассистенти лавозимда иш бошлаган М.Ашрапова илмий изланишларини ҳам бошлаб юборди, илмсеварлиги, максад орқасидан катъий ҳаракати натижасида 1953 йилда «Бош мия жароҳатида вужудга келадиган баъзи биокимёвий ўзгаришлар» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлади.

Эндиги кадам илмий чуқурроқ эгаллаш, фан доктори, профессорлик даражасига чиқиш унинг қалбига ўтириб қолганди. 1956 йилнинг январиди у Москвадаги 2-тиббиёт институтига докторантурага қиради ва шу йилнинг охиригача Москва шаҳрида илмий изланишларни давом эттиради, анчагина адабиёт билан танишади, катта олимлар билан суҳбатда бўлади.

Тошкентга қайтиб, 1957–1964 йилларда II жарроҳлик клиникасида доцент, катта илмий ходим бўлиб ишлайди. Кафедра мудири, профессор М.П. Постолов раҳбарлигида энг оғир касаллик ҳисобланган жигар циррозини жарроҳлик усулида даволаш муаммоларига бағишланган илмий ишга қўл уради. Бетиним ишлаш, илмга, касбга муҳаббат, тажрибалар, мулоҳазалар, янги адабиётлар билан доимий ишлаш ўз самарасини берди. 1964 йилда «Портал гипертензия синдромини ташхислаш ва жарроҳлик усули билан даволаш масалаларига доир» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб, тиббиёт фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлади. Шу йили унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор» унвони ва 1967 йилда эса профессор унвони берилди.

Биз ушбу мақолани тайёрлашда Мукаддам опа шогирдларидан бири доцент Обиджон Аҳмедович билан сўзлашиб қолдик. Мана нафақадаги Обиджон аканинг сўзлари:

Опамиз ниҳоятда одам охин, камтарин, зукко, касаллар ва талабалар учун меҳрибон инсон эдилар, улар яна катта ташкилотчи ҳам эдилар. Лекин жигар жарроҳлигида ўша даврда улардан ўтадигани йўқ десак бўлади. Бир эпизодни айтай. Душанба шаҳрида Бутуниттифок гепатологлар анжуманига бордик. Анжуманни машҳур гепатолог М.Мансуров уюштирган эди. М.Мансуров ташхисда жигар биопсиясининг роли ҳақида гапирганда, М.Постолов унга қарши фикр билдирди. Кейин бирдан билиб қолишдики, М.Мансуров Москвада ОАКда аъзо, Мукаддам опа диссертация-

сига тўсатдан ташланиб қолсая деб ҳадик сиради. Йўқ, ундай бўлмади. Опанинг иши мукамал эди, ўзлари эса кўзга кўриниб қолган эдилар.

М.Ашрапованинг асосий илмий тадқиқот ишлари: портал гипертензияни эрта ташхислаш, уни жарроҳлик йўли билан даволаш услубларини ишлаб чиқиш; жигар зарарланишида буйраклар функционал фаолиятини текшириш ва циррозда буйракда кон айланиш-ни фаоллаштириш масалаларига бағишланган эди. Олима бу масалаларни муваффақиятли ҳал қилганди.

Илмий ишлар натижаларига кўра, қатор монографиялар ёзилди ва чоп этилди. «Портал гипертензияда рентгенологик текширув» (1962), «Аъзолараро томир анастомозлари эксперименти» (1963), «Портал гипертензиядаги клиник-рентгенологик параллеллар» (1968), «Портал гипертензия синдроми билан кечган жигар циррозидида буйрак функцияси» (1971).

М.А.Ашрапова жуда катта экспериментал ва клиник материалларда портал гипертензиянинг рентгенологик ташхисоти масалаларини ҳар тарафлама асослаб берди. У пневмоперитонеум ва контраст моддаларни қўллаган ҳолда рентгенологик услуб билан портал тизимни ўрганди ва портал гипертензиядаги портал тизими веналаридаги ўзгаришлар қонуниятини очди.

Тиббиёт фашида портал гипертензия патологиясида у ёки бу турдаги аъзолараро анастомозларнинг аҳамиятига тааллуқли турли карама-қарши фикрлар мавжуд, шуни инобатга олиб, М.А.Ашрапова оментонефропексиянинг умумий самарадорлигини ва операциянинг натижаларини чуқур экспериментал текширишдан ўтказди.

Таҷрибалар натижасига кўра, декапсуляцияланган буйракни оментизация қилишда етарлича ҳажмдаги коллатераллар ривожланади ва бу коллатераллар портал қонни ковак вена тизимига оқиб кетиши учун шароит яратади, буйрак функцияларини яхшилайти, бу эса, жигар циррозидида жуда муҳим масала. «Оментонефропексияда портокавал аъзолараро анастомозлар», «Портал гипертензия синдроми билан кечган жигар циррозидида буйраклар функцияси» монографиялари шу масалаларга бағишланди. Олиманинг илмий тадқиқоти натижалари мамлакат ва Халқаро симпозиумларда муҳокама қилинди ва муносиб баҳоланди.

Самарали ва муваффақиятли илмий ишлари натижаси ўларок М.Ашрапова раҳбарлиги остида 1 та докторлик ва 10 та номзодлик

диссертациялари химоя қилинди. Улар томонидан 150 та долзарб мавзудаги илмий мақолалар, шулар қаторида 4 та монография, 10 та рисола ва кўпгина услубий қўлланмалар чоп этилди.

Тошкент Давлат тиббиёт институти тарихида М.А.Ашрапованинг маълум ўрни бор ва улар Республика соғлиқни сақлаш тизимидаги ўқув-услубий, илмий-ташқиллий ишларда фаол қатнашди. Узок йиллар кафедра мудири, декан лавозимларида ишлади ва эл-юрт назарига тушди. М.А.Ашрапова кафедрада, деканатларда меҳнат қилган вақтларида катта ва сермаҳсул илмий-ташқиллий, тадқиқотчилик, педагогик ва жамоат ишларини амалга оширди. 1971 йилда М.А.Ашраповага «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» юксак унвони берилди.

Мукаддам Ашрапованинг Ватан, халқ олдидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб тақдирланди. Ҳар байрамда «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони «Меҳнат Қизил Байроқ» Н.И.Пирогов кўкрак нишони «, I даражали Ватан Уруши» орденлари, «1941–1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг қирқ йиллиги» медаллари, «Ҳарбий кучларнинг 70 йиллиги» Бутуниттифок уруш ва меҳнат фахрийларининг «Хурмат Белгиси» нишони, Словакия Республикаси медаллари, Урушда фашизм устидан қозонилган ғалабага аталган ўнлаб юбилей ордени ва медаллари ва ниҳоят «Соғлом авлод» I-даражали ордени унинг кўкрагини безаб турарди.

Мукаддам опа нафақат кўзга кўришган шифокор, олима, педагог эдилар, балки жуда катта жамоат арбоби эдилар. Давраларда тенги йўқ нотик, тарихимиз билимдони бўлиш билан бир қаторда, жуда чиройли рақсга тушар эдилар. Қариндош-уруғлар, дўст-ёрларнинг тўйлари, туғилган кунлари, бирор-бир оилавий байрамлар бўлса, даврани бошқариш албатта Мукаддам опага топширилар ва энг кераклиси, «Тановар» чалишиб, ўртада улар шундай завқ билан ўйнар эдиларки, машхур раққосалар ҳам тан бериб, томоша қилишар эди. «Инсон қанчалар истеъдодли бўлса, қанча кўп нарса билса, қанча кўп меҳнат қилса, қанча кўп нарсага эришса – у шунча камтар бўлади, қилган ишининг тайини йўғу, бир амаллаб мансабга миниб олган бўлса, у димоғдор бўлади, бунақа шахслар одамларни ўзига яқин йўлатса, қўлидан ҳеч вақо келмаслиги кўришиб қолади» маъносида кўп гапирар эдилар.

Урушда ҳалок бўлиб Россия тупроқларида қолиб кетган жангчилар хотирасини абадийлаштириш мақсадида Президентимиз то-

моидада Мустақиллик майдонида «Мотамсаро она» ҳайкалини ўрнатиш, унинг пойига ўзбек жангчилари ҳалок бўлган Россия ва Украина шаҳарларида тупрок ва Мангу олов олиб келиш масаласи кўйилганда, бу ишда астойдил қатнашиб жонбозлик кўрсатганлардан бири М.Ашрапова бўлган эди. Ўзбекистонлик бир гуруҳ уруш қатнашчилари Россия ва Украина ерларида ўзбек жангчиларининг қадамлари етган шаҳарлардан, жумладан, Ленинград, Волгоград ва бошқа шаҳарлардан тупрок ва Мангу олов олиб келишганида, улар қайтиб келаётган поездни шахсан Президентимизнинг ўзлари кутиб олганлар.

«Мотамсаро она» ҳайкали ўрнатилиб, Мангу олов ёндирилиб, унинг ёнгинасида «Хотира» китоби кўйилгач, унинг очилиш маросимида қатнашиб келганларидан кейин:

– Бугун кўнглим сал таскин топди, қанчадан-қанча турмуш ўртоқларини урушда йўқотган бевалар, отасиз қолган фарзандлар, яқинларидан жудо бўлганлар энди шу ерга келиб, улар руҳига Қуръон бағишлаб кетишларига имкон яратилди. Бунинг учун Президентимизга раҳмат, халқимизнинг дуосини олди ва уруш вақтида операция столида жон таслим қилган ўзбек жангчиларининг ҳам руҳлари шод бўладиган бўлди, – деган эдилар. Опа бир умр ҳалол, пок яшадиган ва атрофдагилардан ҳам шунини талаб қилди, бирор одамга таъмағирлик қилмади.

Муқаддам Ашрапова нафақага чиққач, кўп йиллар Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказини Кенгаши аъзоси сифатида Иккинчи Жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ўзбекистонлик жангчиларга бағишланган кўп жилдли «Хотира» китобини яратишда жонбозлик кўрсатди. Бундан ташқари, ёшларни ўзбекона эркесварлик, ватанпарварлик, миллий қадриятларимиз, истиқлол ғояларига садоқат, буюк келажак учун курашувчанлик руҳида тарбиялашда бой ҳаётий тажрибаси, нотиклик ва мураббийлик маҳоратларини аямай сарфлади. Бир «Хотира ва кадрлаш» кунда «Урушдан кейин 44 йил узлуксиз Тошкент Давлат тиббиёт институтида ишладим, эл-юртимда ҳурмат, эъзоз топдим. Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ. Унинг мустақкам бўлиши, янада гуллаб-яшнашида биз фахрийлар қўлимиздан келган ёрдамимизни аямаймиз. Ўзбекистоннинг мустақиллиги биринчи навбатда унинг тиңчилигига боғлиқ. Шунинг учун осмонимиз доимо мусаффо, юртимизда бошланган Хотира ва Қадрлаш кунлари доимий бардавом бўлсин. Зеро, хоти-

расиз яшаб бўлмайди, хотирасиз келажак йўк». – деб дилдаги сўзларини айтган эди Мукаддам Ашрапова.

Ха. бу мукаддас инсоннинг руҳи абадийлар каторида. уларнинг эл учун, мустақил днёримиз учун қилган хизматлари уларга кўйилган бир ҳайкалдек бўлиб қолган.

*Бугун орамизда сиз йўқсиз,
Ва лек қалбимизда номингиз бор.
Сиз дуоларга роса тўқсиз.
Сизни йўқлар халқ-у, Ватан бор
Тарих саҳифасидан асло ўчмагай,
Сиз қолдирган хайрли ишлар.
Қанча бемор, қанча шогирддан .
Ўчмагайку хотира-ишлар.
Пешонага дурра ўраб, ўртада
Такрори йўқ, Сиз ўйнаган «Тановор»
Рақсингиздан қанчалар олиб завқ
Ҳатто раққосалар ҳайронда қолар.
Урушдан қайтмаган мард ўғлонлар.
Тупроқларин Ватанига элтгансиз,
Физгон ўртаган минглаб инсонлар
Дарду аламларин енгиб этгансиз.
Жигар хасталигин пири эдингиз,
Халқ ардоғида буюк эдингиз,
Сизни эрта йўқотдик опаёсон,
Оллоҳ раҳмати -Сизга соябон!*

*ТМА ректори, академик Каримов Шавкат,
ТМА профессори, Нажибулла Шомирзаев,
ТошПТИ профессори Эркин Турсунов*

ДОЛИМОВ СУЛТОН



Таълиқли олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Султон Амнинович Долимов тиббиётнинг захматкаш, фидойи инсонлардан бири эдилар. У 1915 йил Тошкентнинг Эски Жўва даҳасида истикомат қилувчи маърифатпарвар, Долиμβек Муҳаммад Амни хожи ўғли оиласида таваллуд топган. У оиладаги 14 фарзанднинг бири бўлганлиги учун ҳам мураккаб ҳаёт ташвишлари, машаққатларини эртарок англаб, ўз мустақил йўлини топишга

астойдил ҳаракат қиларди ва бунга эришмагунча тинч, хотиржам яшай олмасди.

Табиатан каттиқкўл, талабчан, бир сўзли, аммо ниҳоятда камтар ва ҳокисор, очик кўнгил ва бегараз бўлган бу инсон ҳаётлик давридаёқ, минглаб ҳамкасблари, шогирдлари кўнглига меҳр ва садокат уруғини сеппиб, унинг тотли меваларидан озми-кўп татиغان эди.

С.Долимов 1937 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини, имтиёзли тугатиб, Сурхондарё вилоят шифохонасида ишлади. Жарроҳ сифатида амалий кўникмалар ҳосил қилди. 1939 йилдан эса Тошкент тиббиёт институти оператив жарроҳлик ва топографик анатомия кафедраси аспиранти бўлди. 1941–1945 йилларда умрини халоскорликка бахшида этди, жанг майдонларида минглаб ярадорлар ва беморлар дардига дармон бўлди, мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатди, янада тобланди, катор медаллар соҳиб бўлди.

1945 йилдан ўз жамоасида илмий изланишларини янгича бир шижоат ва гайрат, изчиллик билан давом эттирди. Ҳаракатда баракат, дейишганидек, 1947 йилда «Кўл ва оёқ артерияларини тугиб боғлашнинг аҳамияти»га бағишланган помзодлик иши, 1968 йилда эса «Ошқозон яраси резекциясининг асаб тизими структураси ва овқат ҳазм қилиш аъзоларига таъсири» мавзусидаги диссертациясини ёқлади. Бунгача узок йиллар лаборатория шаронтида узлуксиз тажрибалар ўтказиб, сунъий атофан меъда яраси ҳосил қилиб, шундан сўнг асаб тизими ва овқат ҳазм қилиш аъзоларида кечадиган ўзгаришларни синчковлик билан ўрганди, уларни илмий-назарий жиҳатдан асослади.

Унинг ютуғи шуида эдики, унинг атофан билан итларда чақирган ошқозон яраси касалларда учрайдиган ошқозон ярасига яқин эди. Шунинг учун ҳам олим олган маълумотлар айнан касаллардаги ҳолатга ўхшаш бўлиб, клиник жиҳатдан катта аҳамиятга молик эди. Яна бир жиҳат. Тажриба хайвонларида гепато-билиар тизим ҳам ўрганилди ва ошқозон яраси касалликларида бу тизимда ҳам структур ўзгаришлар бўлиши аниқланди. Домла кўпинча бизларга қарата ҳазил аралаш (бизлар бу даврда соғ хайвонларда ҳазм найининг бир қисмини резекция, қилиб қолган қисмда компенсатор жараёнининг структур асосларини ўрганар эдик) «сизлар соғ хайвонларда, мен бса касал хайвонларда ўрганаман» деб қўяр эдилар.



С. Долимов илмий-назарий, услубий, мураббийлик ишларини соғлиқни сақлаш тизимидаги аҳамият, айни пайтда жамоатчилик ишлари билан чамбарчас ҳолда олиб борди, эл-юрт назарига тушди. У 1950–1970 йиллар мобайнида Тошкент давлат тиббиёт институти даволаш факультети декани, ўқув ва даволаш ишлари бўйича проректор, шунингдек, институт қошидаги Республика клиник касалхонаси бош шифокори лавозимларида ишлаб, ўзининг барча билими, куч-қуввати ва ташкилотчилик қобилиятини тўлиқ намоён қилди.

1972 йида Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институти-ТошПТИ ташкил этилиши муносабати билан профессор С. Долимов ўқув ишлари бўйича проректор этиб тайинланди, ташаббускор олим ва ажойиб ташкилотчи бу ерда ҳам ўзига хос ишчанлик, талабчанлик билан ҳалол меҳнат қилди, бир қатор хайрли ва савобли ишларга бош-қош бўлди. У ўқув ишлари проректори сифатида талабаларнинг ўзлаштиришига, даволатига, ётоқхона, кафедралардаги ўқув

шаронтларига, дарсликларга, деканат ходимларининг иш фаолиятига алоҳида эътибор бериб борар эди.

Унинг бевосита раҳбарлиги остида кўплаб илмий ва амалий қўллашмалар, дарсликлар яратилди, фидойи шогирдлар, олимлар етишиб чиқди, устоздан боii мерос, хотира сифатида юздан ортик илмий мақолалар, экспериментал жарроҳлик ва топографик анатомия бўйича учта ноёб рисола қолди. Бундан ташқари, С.Долимов ўзбек тилида чоп этилган «Нормал анатомия» дарслиги, икки жилдлик «Лотинча – русча – ўзбекча лугат», «Рентгенология» дарсликларини ва бошқа асарларга муҳаррирлик қилган, иккита ихтиро муаллифи бўлган.

С.Долимов илк бор «Оператив жарроҳлик ва топографик анатомия» фани бўйича ўзбек тилида дарслик яратиб, марокли маърузалар ўқиган, амалий машғулотларини кўргазмали куроллар, техник воситалар ёрдамида кизикарли ва жонли олиб бориш учун барча имкониятларини аямай сарфлаган беназир мураббий ҳам эдилар.

Бу ташвишли дунёда инсон умри бир лахзалик, бугун борсан, эртага йўқ. Шунинг учун ҳам ўз умр ўлчови капалак умри янглиғ қисқа эканлигини билган ҳар бир одам вақтини ғанимат билиб, илм-хунар, яхшиликка ошно бўлиш, ўзидан ҳаётли из, яхши ном қолдиришга интилади.

Ҳар бири ўз эғаллаган соҳаси бўйича етук олим, мутахассис, хусусан машҳур географ, жарроҳ, геолог ва адабиётшунос бўлиб етишган, шарафли Долимовлар сулоласидан чиққан илм-фан вакиллари бўлмиш Акбарбек, Нўъмонбек, Давронбек, Усмоибек (Субутой), Зиёдбек, Султонбек, Тўрабек, Шамсбек, Сурайёхон ва Гуландом, Улуғбек, Бехзод, Равшан, Шухрат ва бошқалар қатта оилавий ансамблини ташкил этишган. Улар ижросида янграган «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Бозиргоний», «Кўча боғи», «Насруллоийн», «Ушшоқ», «Шаҳнози Гулёр» каби мумтоз куйи, ашулалар таъби ўта позик, зукко, билимдон мусика соҳибларининг ҳам ҳаётга солган, Султон аканинг ҳам институт тadbирларида чиройли кўшиқлари билан талабалар ва ходимлар қалбларининг бир неча марта ром этгани ҳамон ёдимизда.

Тиббиётимизнинг заҳматқашларидан бири, олим ва ташкилотчи, юксак унвон ва ишюналар соҳиб бўлган қахрамонимиз эндиликда ўзининг барҳаёт умрини яшаётганлиги қалбларга таскин беради.

Искандар РАҲМОН
Эркин Турсунов

КОМИЛОВ ИСҲОҚ



Исҳоқ Комилов узок йиллар мобайнида мохир устоз ва мураббийи сифатида эл-юртга ҳалол хизмат қилиб, кўплаб малакали шогирдлар тайёрлаб, чишакам ҳурмат ва эҳтиром қозонган ва бу меҳнатлари эвазига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими» унвонига эга бўлган зиёлилардан бири эди.

И. Комилов 1909 йили Тошкентда хизматчилар оиласида дунёга келди, ўлка тиббиёт билим юртини имтиёзли тамомлагач, бир неча йил мутахассислиги бўйича фаолият кўрсатди. 1932 йилда Ўрта Оснё Давлат дорилфунунинг даволаш факультетини битириб, мазкур даргоҳнинг дорилшунослик-фармакология кафедрасида аспирантурада ўқиди ва 1940 йили «Ўрта Оснёда ўсадиган баъзи ёввойи ва маҳаллий ўсимликларнинг дориворлик қуввати» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Исҳоқ Комилов катта режалар тузиб, уни амалга ошириш йўллариини излай бошлаганда тўсатдан бошланган Иккинчи Жаҳон уруши унинг эзгу шиятларига тўсқинлик қилди. У эл-юрт қатори жанговар хизматга чакирилди, Воронеж ва 1-Украина фронтларида армия токсикология сифатида минглаб ярадор ва беморларнинг жонига жон, дардига дармон, саломатлигига нисбон бўлди. Ниҳоят, 1946 йили ғалаба кучиб, жонажон шаҳри — Тошкентга қайтди. У 1946–1956 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институти дорилшунослик кафедраси доценти лавозимида ишлаб, ўта долзарб мавзудаги докторлик иши устида ҳам тинмай излашчилар олиб борди. 1956 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти қонида дорилшунослик ва кимётерапия лабораториясини ташкил этишида катта жонбозлик кўрсатди. Бу лаборатория кейинчалик Ўрта Оснёда табиий бирикмаларнинг дориворлик хусусиятларини ўрганувчи ягона йирик илмий марказга айланди. Бу ерда Исҳоқ Комилов ўз шогирдлари билан 150 дан зиёд алкалоид, гликозид ҳосилаларининг организмга дориворлик таъсирини ўрганди. Олим раҳбарлигида кашф этилган апохлорин, барвинкан каби ноёб доривор моддаларини собиқ иттифок Соғлиқни

саклаш вазирлигининг доришунослик кўмитаси амалда қўллашга тавсия этди.

1949 йилдан бошлаб Исҳоқ Комилов Тошкент Фармацевтика институтини доришунослик кафедрасига раҳбарлик қилди. 1969–1978 йилларда ТошМII фармакология кафедрасида мудирлик қилди. 1971 йили докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, профессор унвонига сазовор бўлди.

Исҳоқ Комилов меҳрибон устоз, талабчан раҳбар, тарбиячи эди. У бўлгуси шифокор, доришуосларга нафақат ўзининг бой билими, тажрибаси, балки касбига садоқати, одамларга меҳроқибатли, шафқатли бўлишдек юксак инсоний фазилатларини ҳам тўла-тўқис улашди, бу борада шахсий намуна кўрсатди.

Биринчи Тошкент тиббиёт институтининг доришунослик кафедраси мудирини лавозимида 1978–1985 йилларда фаолият юритган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фаилари доктори, профессор Узу Боқиевич Зокировнинг хикоя қилишича, Исҳоқ Комилов ҳаётда устоз хурмати ва ҳақиқий дўстлиқни инҳоятда кадрловчи камтарини зот бўлганлар. У сўзининг исботи учун шундай мисол келтирди:

– Биринчиси шуки, Тиббиёт институтини фармацевтика ва фармакогнозия кафедраси асосчиси, 1920–1933 йилларда унинг биринчи мудирини бўлган Иван Иванович Маркелов И.Комиловнинг дастлабки устозларидан бири бўлган. Уларнинг устоз ва шогирд сифатидаги дўстона ва бегараз муносабатлари инҳоятда ибратлидир. Профессор Маркелов ҳаётининг сўнгги йилларида оғир хасталикка чалиниб, тўшаққа миҳланиб, моддий ва маънавий ёрдамга муҳтож бўлиб қолади. Устозининг тақдиринга бефарқ қарай олмаган Исҳоқ Комилов ўзи олисда, урушда бўлишига қарамай, бола-чақаларига хат ёзиб, унинг аҳволдан хабар олиб туришларини илтимос қилади, ўзидан орттирган баъзи озик-овқат маҳсулотлари, озми-кўп маблагларини почта орқали унга юбориб туради. Буни профессор Маркеловнинг ўзи ўла-ўлгунича ҳаммага гапириб юрган. «Устоз отангдек улуг», дейишгани шу бўлса керак.

Иккинчиси, уруш йиллари Самара шаҳрида ҳарбий тиббий академия ташкил этилиб, унинг доришунослик кафедраси мудирини лавозимида таникли олим, профессор, кейинчалик академик ҳамда давлат мукофотлари соҳибини бўлган Василий Васильевич Закусов тайинланган. Мазкур академияга токсиколог сифатида малака ошириш учун келган ҳарбий шифокор Исҳоқ Комилов профессор билан

яқиндан танишиб, бир умрга дўст кадрдон бўлиб қолган.

Икки олим ўртасидаги дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланади, уларнинг илм-фан петиқболи йўлидаги ҳамкорлиги янада ривожланади.

Исҳоқ Комилов ўз шогирдлари билан танишиб, унинг шогирди бўлиб, шунинг фахр ва ифтихор билан дадил айтга оламанки, яхши дўст, устоз ва шогирд миллат ташламайди. Устозларимиздан бизга бебаҳо мерос бўлиб қолган бу ҳаёт ҳақиқатини кўз қорачигимиздек асраб, уни тобора ривожлантиришимиз жоиз. Профессор Исҳоқ Комиловнинг ҳаётда пачоғлик бағри кенг, кўнгли очик, саховатли, меҳри уммон, дўстнавар, заҳматкан инсон бўлганлигини унинг бевосита илмий раҳбарлиги остида етишиб чиққан 10 га яқин фан докторлари, 30 дан зиёд фан номзодлари, кўплаб малакали шогирдлари, издошлари мисолида кўриши мумкин.



Унинг шогирдлари республикамизнинг барча шаҳар, вилоятлари, Марказий Осиё ва Ҳамдўстлик давлатлари, ҳатто хорижий давлатлардаги йирик тиббиёт институтлари, доринишонлик кафедралари ва лабораторияларига бошчилик қилиб, устозлари анъаналарини давом эттиришди. Булар жумласига таъкикли олимлардан: Қ.Н. Нажмиддинов, У.Б. Зокиров, З. Каримов, Ҳ.У. Алимов, С. Фахриддинов, С. Азизова, М.М. Азимов, Ф. Тошмухамедова, шунингдек, мўғулистонлик Д. Балдандоржини киритиши мумкин.

Исҳоқ Комилов кўп йиллар мобайнида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Олимлар Тиббий Кенгаши доришунослик ҳайъати раиси, Бутуштитифок доришунослик жамияти бошқаруви аъзоси сифатида фаолият кўрсатган. Бундай ташқари, 300 дан ортиқ илмий асарлар ёзиб, доришуносликка онд бир қанча дарсликларни ўзбек тилига ўғирган. Абу Али ибн Синонинг «Оддий дорилар» китобини таҳрирдан ўтказган, «Русча - ўзбекча тиббий луғат»нинг бош муҳаррир муовини бўлган.

Профессор Исҳоқ Комиловнинг эл-юрт олдидаги фидокорона меҳнати муносиб тақдирланган, унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими» унвони берилган. Бизнинг фикримизча, олимга берилган энг катта ва улуг мукофот – эл-юрт меҳри, шогирдлари ва фарзандларининг самимий дил эҳтиромидир. Бундай бахт ҳар бир устозга ҳам насиб этавермайди.

Искандар РАҲМОН

КОМИЛОВ МАҲАМАДЖОН



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ар-боби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанилари доктори, профессор Махаммаджон Комиловнинг Ўзбекистон офтальмологиясида тутган ўрни бекиёсдир. Кўп кишилар уни тиббиётда кўз илмининг султони дейишади. Бу инсоннинг биографиясини ёзишда Ўзбекистонда кўп йиллар ишлаган машҳур офтальмолог, профессор П.Архангельскийнинг ёзган сўзларини келтирамиз:

«Махаммаджон Комилов, 1917 йилда туғилган. 1939 йилда Тошкентдаги медицина институтини татомлаган. 1939–1940 йилларда Ҳарбий медицина академияси курсини битирган. 1944–1945 йилларда ихтисослаштирилган госпиталларнинг кўз бўлимларида бошлиқ бўлиб хизмат қилган. 1946 йилда Тошкентдаги шифокорлар малакасини ошириш институтининг кўз клиникасига келган.

1955 йилда Москва шаҳридаги шифокорлар малакасини ошириш Марказий институтинда диссертация ёқлаб, медицина фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Махаммаджон Комиловнинг кўз шифокорлари жамиятида ўқиб берган қўлёзма шаклидаги илмий ишлари, матбуотда босилган асарлари шуни кўрсатадики, у илмий иш қилишга қодир ҳодимдир. Унинг Москвада муваффақиятли ёқлаган «Кўз касалликларини даволашда баъзи дори-дармонлардан фойдаланиш» мавзусидаги диссертацияси ҳам шундан далолат беради. Ёш олимнинг кўз шифокорлари жамиятида қилинган доклад юзасидан музокараларда фаол қатнашини, масалаларга изобий, атрофлича ёндошини кўз касалликларига чуқур қизиқшини, у бу соҳани ниҳоятда севишини кўрсатади.

Шифохоналарда узоқ, вақт ишлаганлиги, пойтахт (Москва), Ленинград ва ҳорижий (Прага, Вена) шаҳарларида даволаш ҳамда илм бериш ишларининг қандай таъкил этилганлигини кенг ўрганганлиги билан у тажрибали шифокор-диагност ҳамда ўз ишини итидан игнасиғача чуқур билладиган кўз операцияси жасарроҳи бўлиб етишган. У жасарроҳлик техникасини жуда яхши эгаллаган, ҳар қандай кўз касаллигини операция қилишга қодир мутахассис.

Маҳаммадҷан Комилов Тошкент ва Москва шаҳарларида жойлашган шифокорларнинг малакасини ошириши институтларида узоқ йиллар давомида педагогик ишларни олиб бориб, ўз дарсларини ҳозирги замон билимлари даражасида тушуинтира оладиган таърибали педагог эканини ҳам исботлади. У жамоат йўли билан топирилган барча ишларни сифатли қилиб, таъаббус билан баъжариб келмоқда. Ушбу кафолатнома Тошкент медицина институти ва Тошкент шифокорлар малакасини ошириши институти кўз касалликлари клиникалари мудирлигида ишлаб, етти йил Маҳаммадҷан Комилов ишларига раҳбар қилганим асосида ёзилди. Мазкур айтганларимга кўра медицина фанлари номзоди Маҳаммадҷан Комиловнинг доцент унвонида кўз касалликлари мудир лавозимида ишлаганига кафолат бераман.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор П.Архангельский. Тошкент шаҳри, 1955 йил».

Ҳа бу сўзлар катта олимнинг ёшгина ва бўлажак олим ҳақидаги фикрлари эди, бу ҳақиқат ва адолатдан айтилган сўзлар эди. Лекин М. Комилов кафедрада кандидатлик ишларини олиб бораётган вақтда устозига айрим галамислар, «бу йигит кандидат бўлса, тезда ўрнингизни олади, эҳтиёт бўлинг» деб домлага ёмонлашган эди. Шунда устози Маҳаммадҷондан қаттиқ ранжиб, хафа бўлиб, шогирдига эътибор бермай қўйганди, бундай адолатсизликдан Маҳаммадҷон ҳатто касал бўлиб қолади. Бу ҳолатни сезган ўта адолатли инсон, ўша кезлардаги институт ректори Жўра Пўлатов орани юмшатади, унинг уйигача бориб ёш олимнинг кўнглини кўтаради. П.Архангельский ўз хатосини кейинроқ билиб қолиб кўпчилик олдида мардларча кечирим сўрайди. Ва охирида Комилов билими ва талантига ишонган устоз ва шогирд ота боладай бўлиб, устоз ўз ўрнини шогирдига бўшатиб беради.

Маҳаммадҷон ака шарқона тарбия топган, кўнгли тоза, илм олиш ва касалга даво беришдек энг хайрли ишга бутун умрини бахшида этган инсон эди. У болалигини шундай эслайди:

–Отам менга насихат қилиб, ўғлим хамиша камтар бўл. Камтарга камол, манманга завол, деган сўз беҳуда айтилмаган. Ўтиришларда ўз жойингни билиб ўтир. Одамлар дарду хасратига кулоқ тут. Улуғлар олдида тушиб юрма. Давраларга кирганингда бошингни эгиб ўтирма, ўзгаларни гийбат қилма. Сабр ва ўз нафсинг билан курашингни ўзингга шпор қилиб ол. Бировнинг ризк-рўзига

кўз тикма. Одамлар сени мактаса керилма, инсонларга яхшилик қилишнинг толиби бўл. Ўзингга маъқул бўлмаган нарсани ўзгаларга раво кўрма. Дўсту биродарларингни ўзингдан узоклаштирма. Ҳар бир ишни маслаҳат билан қил. Меҳнатдан қочма.

Меҳнат ила ҳал бўладур ҳар мушкул, Қолди дил меҳнат ила булғай ҳосил, - дер эдилар. Мен умр бўйи шу сўзларга амал қилиб яшадим. Бу сўзлар ҳаётимнинг мезони, яшашимнинг шиори бўлди. Кам бўлмадим. Биласизми, ота-онанинг фарзанди қанча ҳаққи бор, ота-онанинг фарзандига инебатан 80 та ҳаққи бор. Уларнинг қирқтаси тириклик вақтида ва қолган қирқтаси ўлгандан кейин амалга оширилади. Тириклик чоғларидаги қирқта ҳақнинг ўнтаси ташга, ўнтаси тилга, ўнтаси динга ва ўнтаси молига тааллуқлидир.

ТошМИда ўқиб юрган кезларда устозлардан таълим олиш билан бирга, у кўп китоб ўқиди, чуқур билим олди, институтнинг жамоат ишларида фаол қатнашди. У ўқишдан ташқари бир гуруҳ аълочи талабалар сафида семинарларда, тугаракларда фаол қатнашиш, жамоат топшириқларини бажариш билан машғул бўлди. 1939 йилнинг баҳорида М.Комилов олғий маълумотли шифокор дипломини олди. Уни яхши ўқиганлиги ва илмий тўғаракларда қатнашгани учун аспирантурада қолдиришди. Лекин 1939 йилда йигитлик бурчини ўташ учун армия сафига жўнади. Бу орада бошланган уруш Маҳамаджоннинг бутун режаларини барбод қилди. Уруш дахшатида озор чеккан ногиронларга тез ёрдам кўрсатиш учун турли тоифадаги шифокорлар керак эди. Хусусан, малакали кўз шифокори ҳам бундан мустасно эмасди. Шу билан 90-ўқчи дивизия полкларида бирининг шифокори Маҳамаджон Комилов ҳам Ленинградда камал ҳолати ҳукм сураётган бир даврда Ладога қўли орқали Киров номидаги ҳарбий тиббиёт академиясига ўқишга юборилди.

Ўқишдан қайтиб, госпитал кўз касалликлари бўлими бошлиғи лавозимида ишларни давом эттирди, кунга юзлаб касалларни кўради, уларни даволайди, улар соғайиб яна фронтга қайтади. Бир кун у ишлаётган госпитал кўз касалликлари бўлимига Давлат Ҳарбий кенгаш аъзоси генерал келди ва уни муваффақиятли ишлаётганидан мамнун бўлди:

– Минглаб беморларнинг кўзини даволадингиз, лекин биронта операциянинг муваффақиятсиз чиққанини кўрганганимиз ҳам, эшитганимиз ҳам йўқ. Бу ҳақда гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Бизга мутахассис керак, яқин шифокорини кўз операциясига ўргатиб берасиз.

Генерал у билан хайрлашар экан, кўкрагига «Қизил юлдуз» орденини кадаб, бағрига бир пас босиб, ишларига муваффақият тилаб қолади. У Ғалаба кунигача кўп ярадорлар кўзига зий ёқтарди ва ниҳоят... Маҳамаджон Комилов озод этилган Прага, Берлин тупроғида орттирган ўзининг жанговар дўстлари билан хайрлашди.

Тошкентга келгач, ўз иродаси ва ота-онаси истаги билан офтальмологияни давом эттиришга қатъий қарор қилади ва тўғри Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти директори Жўра Пулатовнинг олдига боради. Жўра ака Маҳамаджон Комиловни очик чехра билан кутиб олди. У аспирантликни амалий иш билан бирга олиб борди, стук олим ва мутахассис бўлиб етишди. У кўз клиникасида ишни тугатди ва химояни Москвада ёқлади.

Унинг «Кўз касалликларини баъзи дорин-дармонлар билан даволаш» деб номланган илмий ишнинг бугунги тиббиёт учун жуда-жуда кераклигини москвалик олимлар қайта-қайта такрорлашди, илмий кенгаш диссертацияга юқори баҳо берди. Кўп ўтмай, Маҳамаджон Комилов Москвадан оддий кўз шифокори эмас, балки кўз илмининг олими сифатида фан номзоди бўлиб кайтди. У даврларда фан номзоди бўлиш ва ишнинг москвалик йнрик мутахассислар олдида химоя қилиш осон иш эмас эди. У уйга кайтганда отаси

– Сендек фарзандим борлигидан фахрланаман. Биргина ўтинчим одамларга яхшилик қил. Беморлар, ожизлар дардига малҳам бўл. Уларга ёрдам беришга ишонал. Дуо билан эл кўкаради, одамлар дуосини ол. Умрингни беҳуда ўтказма. Муваффақиятлардан мағрурланма, ёмонларга ёндошма,- деб кутиб олганди.

М.Комилов биргина кафедра ишлари билан эмас, балки Республикада кўз касалликларини шифокорларини кўпайтириш, уларнинг билимини, жаррохлик қобилиятини ошириш устида кўп ишлар олиб борди, Республикада кўз касалликларини даволашни замон талаби даражасида ишлайдиган тизим ҳақида ҳаракат қилди ва бунга деярлик эришди десак ҳам бўлаверади. Республикада кўз касалликларини даволайдиган муассасалар қирқдан ошиб кетди. Кўз шифокорларининг сонини 500 кишига етиб қолди. Буларнинг ишига Республика микёсида раҳбарлик қилиш, илғор тажрибаларни умумлаштириш ва ўрганиш лозим эди. Шунда республикада кўз мутахассисларининг илмий тиббий жамияти тузилди. Маҳамаджон Комилов жамият бошқаруви раиси этиб сайланди. Бош офтальмолог Комиловнинг саъй-ҳаракати ва илмий тажрибаси туфайли 1964

йилда Ўзбекистонда кўз юқумли касалликларидан бири хисобланган шилпик (трахома) бутунлай барҳам топди.

1953–1970-йиллар давомида М.Комилов икки муҳим вазифага алоҳида эътибор берди. Улардан бири кўз жароҳатларининг олдини олиш ва тезкор ёрдам кўрсатиш юзасидан илмий-амалий йўналиш бўйича тадқоқотлар олиб бориш, кўз жарроҳлигини ривожлантиришда кўз микрохирургиясини ривожлантириш. Комилов бошчилигида вилоятларда бу иш юзасидан даволашни ташкил қилиш, мураккаб операцияларни бориб ўтказиш, даволашнинг янги-янги усулларини ўрганиш каби ишлар бошланиб кетди. У ССВ га «кўз касалликларини даволайдиган, бу соҳани чуқур, ҳар тарафлама ўрганиш имкониятини берадиган махсус шифохона қурмаса бўлмайди» деган таклифни киритди. Вазирлик бу фикрни қувватлади ва 1962 йилда Чимбой кўчасида 200 ўринли Бирлашган ихтисослаштирилган кўз касалликлари шифохонаси қурилиши бошланди. Комиловнинг саъй-ҳаракати билан қурилиш ишлари кун сайин авж олди. Қурилиш ишлари ниҳоясига етиб касалхонани замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга киришилди. Республикадан чақирилган барча йирик кўз шифокорлари тавсияси ва маслаҳати инobatга олинди. Шифохона кўзда тутилган барча зарарий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу маскан қаҳрамонимиз раҳбарлигида катта даво ва малакали офтальмологлар тайёрлайдиган илм масканига айланди.

У кўз касалликларини аниқлаш ва даволашда кибернетика усулларида фойдаланиш устида иш олиб борди. Худди шу кезларда Тошкентда офтальмологларининг бешинчи съезди ўтадиган бўлиб қолди. Юқори идораларнинг тавсияси билан ташкилий ишларга Маҳамаджон Комилов бош-қош бўлди.

Олим ва унинг даволашдаги муваффақиятлари ҳақида Республика матбуотларида кўп мақолалар чиқа бошлади. Р.Раҳмоновнинг «Бири-бирига устоз» китобидаги «Зиё таратади», М.Қўшжоновнинг «Фидойилар» деб номланган китобидаги «Кўз нури» сарлавҳали очерклари Маҳамаджон Комилов ҳаёт йўлига бағишланган эди.

Маҳамаджон аканинг фарзандлари ота изидан боришди. Бугун ўгли Холиджон фан доктори, профессор, кизи Гулжамила ўз касбининг билимдони, тажрибали кўз шифокори. Қаҳрамонимиз умр давомида инсонларга фақат яхшилик қилиш, яхшилик қилганда ҳам нурсиз, куч-қувватдан кетган кўзларга қайта нур

бағишлашдек савобли ишга кўл урди. У 40 мингтага яқин бемор дардига малҳам бўлди. Улардан 70-80 фонзининг кўзига яратганининг амри билан нур бағишлади, сеvimли касбини давом эттиришни фарзандларига топшириб, уларга оқ йўл тилаб, қарилик гаштини сурса ҳам бўлади. Мана неча йилдирки, фарзандлари ота касбини улуглаб, эл-юрт хурматига сазовор бўлиб келишяпти. Бир неча йилдирки, қахрамонимиз фарзандлари ота касбини ва лавозимини шараф билан давом эттириб келяпти. 2012 йилда Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Мухтарам Президентимизнинг Фармони билан Муҳаммаджон Комиловнинг ўғиллари Ҳоликжон «Ўзбекистон қахрамони» унвонига сазовор бўлди.

Фикрларимизни Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ректори профессор Жўрабой Собировнинг сўзи билан яқунласак: Маҳаммаджон Комилов институтда 50 йилдан ортиқ хизмат қилиб, офтальмология кафедрасида клиник ординаторликдан кафедра мудири лавозимигача борди. Кафедрани юқори малакали кадрлар билан таъминлади, Ўзбекистонда офтальмология мактабини яратди, минглаб кўз шифокорларини тайёрлади.

Эркин Турсунов

КОДИРОВА АСОЛАТ



Ўзбекистонимиз тиббиёти осмонда Зухродай чараклаган юлдузлар шода-шода бўлганки, уларнинг сеҳрли нури вақт ўтган сайин тобора сайкаллашиб, ҳамон хотирамиз, тафаккуримизни ёритмоқда. Афсуски, ўткинчи ҳаёт, умр тақозоси билан бундай беминнат, саховатпеша зиёкорларнинг кўпчилиги бугун сафларимизда йўқ. Лекин уларнинг азиз ва табарруқ номлари, ўзларидан қолдирган бебаҳо илмий мерослари донмо тилмиз ва дилмиздадир.

Барҳаётлик чоғидаёқ, давраларнинг файзи ва кўрки, шарқона одоб-ахлоқ, ўзбекона шарму ҳаё, андиша, бурчга вафо ва садоқат рамзи, исми-жисмига мос ажойиб Инсон, мўътабар Она, Ўзбекистон болаларининг дояси, таникли олима, хизмат кўрсатган фан арбоби, соғлиқни сақлаш аълочиси, мухтарама мураббия, тиббиёт фанлари доктори, ўзбек аёллари ичидан илк бор профессор унвонига сазовор бўлган Асолатхон Азиз кизи Қодирова эдилар.

Тўксон йиллик умрининг етмиш йилдан зиёд вақтини шифокорлик, зиёкорликка бахшида этган бу кўли снгил онахонимиз туфайли минглаб чакалоқлар эсон-омон ёруғ дунё юзини кўришган, сон-саноксиз аёллар оналик бахтига мушарраф бўлишгани ҳақиқат. Эндиликда соғлом ва барқамол бўлиб етишган авлодларимиз сафи йилдан йилга ортиб, юртимиз фахри ва ифтихорига айланишди. Ватанимиз моддий ва маънавий кучкудрати, шон-шухрати, салоҳиятини жаҳон миқёсида кўз-кўз қилишмоқда. Бундан қувонмай бўладими? Бунда Асолат Қодированинг узок йиллик, самарали, камтарона хизматлари бор. У бундай хурмат, эътибор, эъзозга ўз-ўзидан эришмаган, албатта.

Асолатхон 1919 йилнинг 19 августида Тошкент шаҳрининг «Мирзағози» маҳалласида зиёли оилада дунёга келди. Оғир бетоблик туфайли онаси ёш вафот этганини бонс, эндиғина атак-чечак қилаётган эмизикли укаси билан ёлғиз қолди. Севимли ва меҳрибон бувижониси тарбиясида вояга етди. Яхши ва саховатли, меҳроқибатли одамлар орасида 1925–1931 йилларда Шайхонтахур даҳасидаги Зебунисо номли кизлар мактаб-интернатида таълим олди. Ўзининг меҳнатқашлиги, камтарлиги, одоби, илм-фанга зеҳни

Ўткирлиги, тиришқоклиги билан бошқалардан ажралиб турарди. У мазкур мактабнинг 7-синфини аъло баҳолар билан тугатиб, 1931–1936 йилларда бир гуруҳ дугоналари билан Ишчилар шаҳарчасидаги ўрта тиббиёт билим юртида ўқиди, акушерлик касбини эгаллади. Саккиз ой мобайнида Тошкент вилоятининг Паркент тумани Марказий шифохонасида жонбозлик кўрсатиб ишлаган Асолатхон ишбилармонлиги, уддабуронлиги, айниқса, билимдонлиги туфайли тез орада эл-юрт назарига тушди. Лекин унда Тошкент тиббиёт институтига имтиёзли ўқишга кириш, олий маълумотли шифокор бўлиб етишиш иштиёқи зўр эди. Шунинг учун ҳам 1936–1940 йилларда мазкур олийгоҳнинг педиатрия факультетида кундузи ўқиб, тушги пайтларда турли тиббий муассасаларда навбатчи ҳамшира лавозимида ишлаб, илмий-назарий, амалий кўникмаларини оширди. Айни вақтда «Қишлоқ хўжалик машиналари» заводидаги саводсизликни тугатиш «Ликбез» курсларида ҳам дарс берди, ҳар томонлама чиққди, пишиди, иқтисодий кийинчилликларни мардонавор енгди, оғир аҳволда кун кечираётган она – рўзгор бешигини баҳоли кудрат тебратди, эзгу мақсади йўлида эгилди, букилди, аммо синмади.

Нихоят, 1940 йили ўқишини муваффақиятли тугатиб, институтда янги ташкил этилган госпитал жарроҳлиги кафедраси мудири, кен куйиш институти директори, профессор Василий Кузьмич Ясевич раҳбарлигида болалар жарроҳлиги кафедраси, кейинчалик акушер-гинекология кафедраси ассистенти бўлиб ишлади. Бу ерда ҳам эртаю кеч тинимсиз изланди, минглаб дардмандлар дардига дармон бўлди. 1957 йили «Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яраларини даволашда кен куйишнинг самарадорлигини ўрганиш» мавзусидаги номзодлик диссертацияни ёқлади, доцент унвонига сазовор бўлди.

Асолатхон Азизовна республикамизда маҳаллий миллат вакилларидан етишиб чиққан иқтидорли олима сифатида 1966–1995 йилларда Тошкент тиббиёт институти акушерлик-гинекология кафедраси мудири, 1972–1975 йилларда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош акушер-гинеколог лавозимида кизгин фаолият кўрсатди. 1975–1995 йилларда Ўзбекистон акушер-гинекологлари илмий жамияти раиси, турли илмий анжуманларнинг фаол иштирокчиси эди. «Ўзбекистон тиббиёти» ҳамда «Саодат» журналларида таҳрир ҳайъатининг аъзоси бўлди.

Энг муҳими, Асолат Қодированинг «Ҳомиладор аёллардаги камқонликнинг кечиши ва унинг туғруқ жараёни ҳамда туғилажак хомила аҳволига таъсири» мавзусидаги докторлик ишига Москвадаги таникли олимлар академиклар Л.С. Персианинов, Ю.А. Алексеев, И.А. Кассирскийлар ижобий баҳо бердилар ва у 1970 йилда фан доктори унвонига сазовор бўлди.

Кўп ўтмай, профессор ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби юсак унвонларига сазовор бўлган тиниб-тинчимас, серкирра олима ўзининг асосий куч-қуввати, билими, иктидорини биринчилардан бўлиб, Тошкент шаҳридаги 9-туғруқхона ва 23-оилавий поликлиникада болаларга гинекологик хизмат ташкил қилишга бағишлади. Бундан ташқари ўзи бошчилик қилган кафедра ходимлари билан Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Жиззах, Хоразм, Тошкент вилоятларидаги бир қатор акушер-гинекологик даволаш муассасаларини оталикка олиб, тез-тез хизмат сафарларига чиқишни намунали йўлга қўйди, кўплаб хайрли ва савобли ишларни амалга оширди.

Асолат Азизовна кафедрадаги субординаторлар, интерналар, собик иттифокнинг турли гўшаларидан малака ошириш учун келган шифокорлар, клиник ординаторлар, аспирантлар, шунингдек, институтда ўқиётган хорижлик талабаларга сабоқ бериш, уларга энг сўнгги илм-фан ютуқлари, ихтиролардан келиб чиққан ҳолда чуқур маъно, мазмунли маърузалар ўқиш, дарсликлар, қўлланмалар яратишга алоҳида вақт, фурсат топарди ва бунга эришарди ҳам. Фикримизнинг исботи учун олиманинг бевосита илмий раҳбарлиги остида 3 нафар фан доктори, 20 га яқин фан номзодлари, минглаб малакали шифокор-мутахассислар етишиб чиққанлиги, акушер-гинекологиянинг долзарб муаммоларига бағишланган 100 дан зиёд илмий мақолалар эълон қилганлиги, ўрта ва олий тиббиёт ўқув юртлари талабалари учун болалар гинекологияси, акушер-гинекологик касалликларга оид тўртта дарслик, «Аёлларга маслаҳатлар», «Ҳомиладорлик токсикози», «Бепуштлиқ» номли рисоалар ёзганлиги, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»га кирган 156 та, «Саломатлик» энциклопедиясидан жой олган 26 та, шунингдек, «Ўзбекча-русча-лотинча энциклопедия»га кирган 26 мақолалари, 15 га яқин илмий-услубий қўлланмалари, ўттиздан ортиқ илмий-оммабоп мўъжаз китобларининг аҳамияти юқоридир. Фақат бугина эмас, унинг оиласини том маънода шифокорлар оиласи, деб аташ тўғри бўларди. Қизлари Муҳаббатхон тиббиёт фанлари номзоди,

доцент, катта ўғиллари Бахтиёржон тиббиёт фанлари доктори, профессор, 11 дан зиёд невара ва 15 га яқин абираларининг кўпчилиги шифокорлик касбини эгаллаб, ота-бобо, момоларининг муқаддас касбларни, анъаналарини шараф билан давом эттиришаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Хотима ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоиз деб биламанки, каминга бундан бир неча йил муқаддам, аниқроғи, мамлакатимизда 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб аталиши муносабати билан Аяжонимиз қабулларида бўлиб, бу хусусда узок суҳбатлашган эдим. Ўшанда Аямиз менинг тиббиёт оламида аёллар саломатлигига оид қандай муаммолар ҳалигача ҳал этилмаган? – деган саволимга қуйидагича жавоб берганлари ҳали ҳануз қулоғим остида кечагидек янграйди:

- Бундай муаммолар талайгина. Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ҳомиладор аёллар организмида намоён бўлиши эҳтимоли қутилган мингга яқин хасталиклар, яъни экстрагенитал касалликлар ҳисобга олинган. Бундан ҳомиладорлик туфайли она организмида пайдо бўладиган айрим аъзоларнинг физиологик гиперфункцияси, яъни зўриқиши боис қузатиладиган хасталик ҳолатлари – тана ҳароратининг дам-бадам кўтарилиб-тушиб туриши, лейкоцитоз, лоҳаслик, салкишликлар истисно, албатта. Экстрагенитал касалликлар деганимизда, фақат ички аъзолардаги хасталиклар эмас, балки амалий тиббиётда учрайдиган асабий, руҳий, тери-таносил, юқумли, онкологик ва бошқа хасталиклар ҳам кўзда тутилади. Шунинг учун бундай касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволаш, туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш лозим. Сир эмаски, кишлоқлар, олис туманларда ҳали ҳам тиббий кўриқдан ўзини олиб қочадиган, юрак, буйрак етишмовчилиги, камқонлик, жигар, меъда-ичак хасталиклари бўлгани ҳолда ҳомиладор бўлаётган, туғруқ яқинлашганда ёки оғир тўлғоқ тутгандагина тиббиёт ходимларига, даволаш муассасасига мурожаат қиладиган опа-сингилларимиз бор. Таҳлиллар биринчи марта туғувчи аёллар орасида соғломлаштириш бўйича тушунтириш ишлари кўнгилдагидек олиб борилмаётгани, ўсмир кизлардаги мавжуд экстрагенитал касалликлар етарли даражада, эртарок аниқланмаётганлиги, уларни бўлажак оналикка тайёрлаш ишлари суст олиб борилаётганлиги, балоғатга етмаган кизларни турмушга узатиш ҳоллари қузатилмоқда. Шу боисдан туғиш ёшидаги аёлларнинг ушбу гуруҳида қон кетиши, гестозлар, экстрагенитал касал-

ликлар асосий ўришларни эгалламоқда. Натижада, кўнгилсиз воқеалар оз бўлса-да, учраб турибди. Оилада, айниқса, аёл кишининг бевақт ҳаётдан кўз юмиши нафакат ўша оила, балки жамият учун ҳам улкан фожиадир. Буни сира унутмаслик зарур.

Республикамизда олиб борилаётган илмий-амалий излашни, ислохотлар шунинг кўрсатадики, 20–35 ёш тугини учун энг қулай давр ҳисобланади. 20 ёшгача ва 35 ёшдан кейинги ҳомиладорлик даврида турли хасталиклар, хавф-хатар, оғир ҳолатлар юз бериши мумкин. Бинобарин, оилани режалаштиришда ҳомиладорлик даврини ёшга қараб белгилаш, катъий тиббий назоратни йўлга қўйиши яхши самара беради. Устозимиз аёл саломатлиги ҳақида доним қайғуриб келган, болалар туғилиши орасидаги фарқ, ҳеч бўлмаганда 3–4 йил бўлиши мақсадга мувофиқ. Зеро, «Соғлом онадан соғлом бола туғилади». Шунинг фахр ва гурури билан айтиши жонзори, таниқли олим Асолат Қодированинг айтган бу башоратомуз фикри, мулоҳаза, орзу-армонлари 2011 йилнинг 25–26 ноябрь кунлари мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг Миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзусидаги симпозиумда ўзининг яққол ифодасини топди. Ўзбекистон тиббиёти жаҳон ингоҳига тушди.

Искандар Раҳмон

ҚОСИМОВ ЭРКИН



«Ҳақиқий маърифатга эришган комил одам шундай одамки, ундан на факат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар».

Иқтибосда буюк Букрот ҳакимининг ушбу жумлаларини бежиз келтирмадик, зеро, муҳтасар мақоламизда сўз юритмокчи бўлган қаҳрамонимиз—олижаноб инсон, ихтирочи ва пажодкор олим, профессор Ўзбекистон Республикаси шифокорлари ассоциацияси раиси муовини, Тошкент шаҳар терапевтлар илмий жамияти раиси, «Ҳамшира» журналининг

бош муҳаррири лавозимида кўп йиллар ишлаган, комусий ва лугатшунос олим, АКШнинг Биография институти томонидан «2000 йилнинг энг нуфузли кишиси» китобига киритилиб, Олтин медаль билан тақдирланган, Англия, Кембридж Халқаро биография Марказининг «XX асрнинг интеллектуали» Кумуш медали соҳиби, 1999 йилда Республиканинг энг яхши ўқитувчиси кўрик танловининг ғолиби, Ўзбекистон Республикаси тиббий деонтология ва касб этикаси фанининг отаси, Республика халқ таъбири Академиясининг аъзоси, ТМА ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудури Эркин Йўлдошевич Қосимов айнан шу талабларга жавоб берадиган, ҳақиқий комил инсон эдилар.

Эркин Йўлдошевич 1933 йилнинг 26 июнида Тошкент шаҳрида машҳур матбаачи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Йўлдош Қосимов ва Меҳрихон аяларининг oilасида таваллуд топган. 1951 йил мактабни олтин медаль билан тугатган, 1957 йилда ТошМИнинг даволаш факультетини имтиёзли диплом билан битирган. 1958–60 йиллар мобайнида ЎзР ФА Ўлка медицина илмий-текшириш институти фармакотерапия лабораториясида шифокор-ординатор, кейинчалик кичик илмий ходим лавозимида фаолият юритган. 1963–66 йиллар мобайнида И.М Сеченов номидаги 1- Москва Медицина институти терапия кафедрасида академик, Меҳнат Қаҳрамони Е.М Тареев бошчилигида аспирантурани тугатган ва номзодлик химоясини қилган. 1967–72 йилларда ТошМИнинг даволаш факультети терапия кафедрасида ассистент лавозимида иш бошлаган, 1972 йилда, доцент

унвонини олган. 1976 йилдан бошлаб эса кафедра мудири лавозимида ишлаган. 1982 йилдан Соғлиқни сақлаш вазирлигида бош терапевт этиб сайланган. 1990 йилда профессор унвонига сазовор бўлган 1996 йилда соғлом авлод жамғармаси фахрий унвони билан тақдирланган. 1997 йилда ТошМИнинг фахрий профессори лавозимига лойиқ кўрилган. 1999 йилда Республиканинг энг яхши ўқитувчиси деб эълон қилинган. 2002 йилда эса, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими унвони берилди.

Эркин Йўлдошевич том маънода комил инсон эдилар. У киши ўзларида одамийлик, поклик, меҳрлилик, муравватлилик, бағрикенглик, сахийлик, ростгўйлик, оиланавислик, ватанпарварлик, камтарлик, андишалилик, фидойилик, фаросатлилик, хушёрлик, мардлик, жонкуярлик, катъийлик, пухталиқ, вазминлик, улугворлик, мулоҳазакорлик, нозиктаъблиқ, ҳамдардлик, оддийлик, умидбахшлиқ, меҳнаткашлиқ, масъулиятлилик, эътиқодлилик, ташаббускорлик, ахлоқлилик, билимдонлик, мустақил фикрлилик каби юзлаб ижобий хислат ва илоҳий сифатларни ўзларида жо қилган инсон эдилар.

Эркин Қосимовнинг замонавий медицина таракқиётига қўшган хиссаларининг қўлами камдан-кам инсонларга насиб этган десак муболаға бўлмайди. Устоз чоп этган «Юрак касалликларининг қиёсий таснифи» китоби ўша даврда 100 000 нусхада чиқарилган, рейтингини энг юқори китоблардан бири ҳисобланарди. Уни минглаб шифокорларнинг доимий қўлланмасига айланган ушбу китоб орадан уч йил ўтиб яна қайтадан 50 000 нусхада чоп этилганлиги бунинг далолатидир.

ТошПТИ профессори Эркин Турсунов эсдаликларидан: «1962 йилда бизнинг параллел гуруҳга Госпитал терапиядан Эркин ака дарс берар эдилар, гоҳида дарсларимиз бирга бўларди. Эркин ақанинг ширин сўзлигига, айниқса, касаллик патогенези ва дориларнинг таъсир механизмлари ҳақида гапирганда унинг билимдонлигига ҳаммаининг ҳаваси келарди. 1964 йилда менинг Қашқадарёдаги хизматларим учун (биринчи марта сиёҳли ЭКГ ни ишлатганман, биокимё лабораториясини ташкил этганман, гелиотроп гепатит билан касалланган болаларни даволашда фаоллик кўрсатганман) менга Европа саёҳатига йўлланма беришганди. Мен сентябрь бошида ТошМИ Болалар юқумли касалликлари кафедрасида ишлайдиган курсдош дўстим Нусратуллаев Саъдулла

(ҳозирда марҳум) олдига бир икки маслаҳатли иш билан келгандим. Эркин акани шу ерда кўриб колдим ва суҳбатлашдик. Улар мендан «Москвага борганда профессор Е.М.Тареев олдига кириб, шу иккита методичкани менинг номимдан ташлаб кетсангиз» деб илтимос қилдилар ва менга кичик китобча бердилар. Мен уларнинг илтимосларини бажардим. Билсам, Эркин ака гепатит касаллигида сийдикда жигар ферментлари- АСТ ва АЛТ ларни аниклаш бўйича янги усул яратган эканлар. Усулнинг моҳияти шунда эдики, Эркин акагача бирон кимса сийдикда бу ферментларни аниқлай олмаган, чунки нордон муҳитда бу ферментлар парчаланиб кетар экан. Эркин ака оддийгина қилиб, аввал сийдикни нейтраллаб ва ферментларни бемалол аниқлай олди. Бу ҳақда 1966 йилда иттифокнинг катта нуфузли журналларида бир печа мақолалар чиккан».

Сўзда сеҳр, шеърда эса ҳикмат бор дейдилар. Устоз шифокорнинг сўзлашиш санъатини, мулоқот маданиятини, муомала маънавиятини фақат даражасигача олиб чиккан, касб этикаси ва тиббий деонтологиянинг республикамиздаги асосчиларидан эдилар. Ўзбекистон Республикасида тиббий деонтология ва касб этикаси ҳақидаги илк мукамал дарслик ҳам устоз қаламларига мансубдир. Албатта, устозга қадар тиббиётнинг айрим жабҳалари бўйича бу борада узук-юлук адабиётлар мавжуд бўлиб, улар муаммони тўлалигича қамраб оладиган даражада батафсил эмас эди. Аммо, устоз ўз ҳаётлари мобайнида амал қилиб келган хушхулқилик, самимият, покизалик, ростгўйлик, инсонийлик каби хислатларни барча бўлғуси шифокорларда кўришни астойдил истаган эдилар, шу боисдан ҳам бу қадар шарафли ва мураккаб ишга қўл ургандилар.

Устоз умр бўйи сўз ва иш бирлигига амал қилиб келдилар. Шу билан бирга ҳаётларининг адоғига қадар шифокорлик ва ижодкорликни ажиб бир тарзда уйғушлаштириб яшадилар. Бугунги кунда домламиздан қолган мингга яқин илмий мақола ва тезислар, ўнлаб дарслиklar, монографиялар, илмий-оммабоп рисоалар элликка яқин ихтиро ва рационализаторлик таклифлари устознинг умри бокийлигидан, тириклигидан далолат бериб турибди. Эркин Йўлдошев ички касалликлар пропедевтикаси фанини тараккиётига катта ҳисса қўшган олимдир. Жумладан, ички касалликлар монотематик хайъати ранси сифатида ушбу фани ривожлантиришда жонбозлик кўрсатдилар, ўзбек тилида «Ички касалликлар пропедевтикаси» дарслигини ва тиббиёт деонтологиясини асоси

булган «Шифокорнинг путк маданияти ва бемор билан мулоқот санъати» китобини нашр этдилар. Э.Й. Қосимов Ўзбекистонда тиббиёт деонтологиясининг асосчиси бўлиб, нафақат китоб ёзиш, балки турли деонтологик тадбирларни ташкил этишда «Клиникага йўл», «Буёқ алломалар ижоди», шунингдек, Ўзбекистон шифокорини касамёдни тузишда фаол иштирок этганлар. Уларни раҳбарлигида ва маслаҳатлари билан 50 яқин номзодлик ва докторлик диссертациялари химоя қилинди. Эркин аканинг тиббиётга қўшган хиссаси бекиёс. Неча минг бор беморлар бу қўли енгил инсоннинг муолажасидан шифо топди. Эркин Йўлдошев иктидорли ва талантли педагог, улардан таҳсил олган минглаб шифокорлар Республикамизнинг соғлиқни сақлаш тизимида хизмат қилар эканлар, улар устозларини доимо ёд этадилар.

Қуёш ботса, тагин бўлгуси пайдо,

Тўқилса ерга дон, бўлгай хувайдо.

деган эди Жалолиддин Румий. Устоз бир буғдой бошоғи эди, у тўқилди, аммо эртага бу қутлуғ дон тушган муқаддас тупроқдан минглаб бошқлар униб чиқадилар. Уларнинг барчаси устознинг фарзандлари, шогирдлари ва қолдирган бой илмий-тиббий меросларида тажаллий бериб туради.

Беш йил бўтти, шум айрилиқ берганига юз

Аммо, мангу қуёшдаини порлаб турибсиз.

Боқий дунё боғларидан жилмайиб ҳануз,

Иймон, инсоф, саховатга чорлаб турибсиз.

Юз йилда бир тугилади Сиздай инсонлар,

Демак, поклик, самимият, диёнат ўлмас.

Ҳали шамсни кутиб олмас ғарбдан осмонлар,

Сизни кўрган кўзлар ҳали қиёмат кўрмас.

Шерзод Зокирхўжаев

Алижон Зоҳидий

МАРУПОВ АСАДУЛЛА



Биринчи ўзбек патолог анатоми. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатаган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Марупов Асадулла Икромович 1910 йилда Тошкентда қосиб оиласида тугилди. Мактабдан сўнг, 1928 йилда ўрта махсус ўқув юртини тамомлаб, Тошкент вилоятининг Пискент туманида ўрта мактабда ўқитувчиси бўлиб ишлаб бошлади. Такдирини қарангки, шу йилларда ота ва онадан айрилди... Унда тиббиётга иштиёқ тугилди ва ниҳоят 1930 йилда Ўрта Осиё

Давлат университетининг тиббиёт факультети талабаси бўлди. қариндошлар уни ёлғиз қолдиришмади. 1933–35 йиллардаги очарчиликлар ҳам ортида қолди.

У институтини аъло баҳолар билан тугатгач, шаҳар поликлиникасида терапевт-шифокор ва ТошМИ патологик анатомия кафедрасида ишга қолдирилди.

Тўғри, бу йилларда ҳамма ҳам морфологик кафедраларга боравермас эди, анатомия, патологик анатомия, топографик анатомия, гистология кафедраларига продали, мурдалардан кўркмайдиған. илм-фан учун астойдил бел боғлаган ёшларгина бемалол боришарди.

А.Маруповда ҳам шундай прода бор эди. Поликлиникада ҳафтасига уч кун тушгача ишлаб, қолған вақтини кафедрада ўтказарди. Унга энг муҳими, фанини тезроқ ўзлаштириш, Г.Н.Терехов қабни устозлардан кўпроқ билим олиши, мурдалар ўрганилгандан кейинги кўйилган таъхис билан клиник таъхис ўртасида фарк борми, фарк бўлса, бунга нима сабаблигини билиш эди. У бирон марта клиник -патолог анатомик йиғилишларни қолдирмас эди, чунки бундай йиғилишда ҳақиқат юзага чиқарди, қасал тўғри довлангани, деган саволга, қасаллик патогенези ҳақидаги масалаларга тўлиқ жавоб олишарди. Кафедрода бу мактаб яхши йўлга қўйилган эди.

А.Маруповдаги қобилиятини сезган кафедра мудирини уни аспирантурага тавсия этади. Унга профессор Г.Н.Терехов томонидан «Баъзи юқумли қасалликларда буёирақ устин безларини ва қуёш қиға-

лининг ўзгаришлари «мавзуси берилди. Энди ичбурук, ич терлама, кизилча, бўғма (дифтерия) касалликларини назарий жиҳатдан яхши ўрганиш, бўлимларда ётган бундай касаллар тарихномаларини ўрганиш ва улардан кўчирмалар олиш, адабиётлар билан ишлаш, куёш чигали ва буйрак усти безлари гистофизиологиясини, неврологиясини пухта билиш асосий вазифа даражасига чиқди. Буларни билмасдан туриб, олинган маълумотларни тахлил қилиш анача мукаммал эди. Яна бунинг устига уни проректор этиб тайинлашди, дарс беришга жалб этишди. Катта қобилият эгаси бўлган Асадулла буларнинг урдасидан чиқди. Ўз вақтида номзоллик ҳимоясини ҳам қилди, доцентлик унвонига ҳам эга бўлди.

1941 йилдан бошлаб ҳарбий бригада тиббий ротасида терапия бўлимининг бошлиғи сифатида икки йил хизмат қилди, кўзининг касаллиги сабабли уни армия хизматидан озод этишди, яна кафедрага қайтиб келиб иш фаолиятини давом эттирди.

1942 йилда Самарқанд вилоятининг Жойлангар ҳудудида айрим одамларда ўткир бош миянинг шикастланиши ва касаллик оқибатида бир печа маҳаллий кишиларнинг ўлми маълум бўлиб қолди, Соғликни сақлаш вазирлиги раҳбарлигида комплекс текширувлар бошланди. Москвадан келган патологоанатомлар тошкентлик олимлар К.Н.Долинская, А.И.Маруповлар билан вафот этган касалларда бош мия патоморфологиясини ўргана бошладилар, суд тиббиёти ходимлари, патофизиологлар, клиницистлар, биокимёгарлар ҳам касалликнинг турли томонларини текшира бошладилар. Кимёгарлар «ғижмалос», кампирчопон» ўсимликларидан захарли моддалар ажратиб олдилар. Бу моддалар хайвонларга давомли юборилганда, хайвонларда одамларда учрайдиган касаллик алаоматлари пайдо бўлди.

Шу асосда янги ташхис «Жойлангар энцефалити» пайдо бўлди. Касалликнинг тарқалиши «Туя қорин»га («Гелиотроп гепатити») ўхшаш эди. Захарли ўсимлик бугдой билан ўсади, унинг донлари бугдой билан қўшилиб ул таркибига ўтади ва одамлар шу ушни истеъмол қилганларидан сўнг, уларда энцефалит касаллиги ривож топади.

1947 йили Ўзбекистонлик бир гуруҳ олимлар Москвага докторлик ишларини бажариш учун жўнатилди, улар орасида А.Марупов ҳам бор эди. Москвалик машҳур патологантом олимлар академиклар А.И.Абрикосов, Л.И.Смирновлар Г.Н.Терехов билан келишиб, А.Маруповга докторлик диссертацияси учун «Жойлангар

энцефалити патологик анатомияси» мавзусида иш бердилар. У Тошкентда йиғган материалари, олиб борган тажрибаларидан олинган маълумотлар асосида бу энцефалитнинг бош миёда чакирадиган ўзига хос морфологик белгиларини ишлаб чиқди, жуда кўп мақолалар чоп этди. Ва шўхоят докторантура охирида муваффақият билан докторлик диссертациясини ёқлади. 1950 йилда у патологик анатомия соҳасида биринчи ўзбек профессори ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор» унвонига сазовор бўлди.

А.Марупов 1951 йилдан СаММИ патологик анатомия кафедрасига мудир сифатида юборилди. Мақсад Самарқандда бу соҳада малакали кадрлар етиштириши ва талабаларга бу фандан чуқур билим беришни яхши йўлга қўйиши эди. Олим бу ерда каттик ишга киришди ва ўндан ортқ О.М.Азизова, Л.У.Турдиев, Ф.А.Абдухолиқов каби етук олимларни етишиб чиқишига ёрдам берди. Кафедрада ўқув-илмий ишларини анча жонланттирди. У Самарқандда ўзининг бошлаб қўйган «Жоїланган энцефалитининг патологик анатомияси» монографиясини тугатди ва чоп этди.

Самарқанднинг Поїарик, Булуғур, Наримонов туманларида 1954–55 йилларда «кампирчопон»дан заҳарланиш эндемияси юз берди. Олим бу ерда ўз фаоллигини кўрсатди ва шогирдлари билан ички аъзоларда, нерв тўқималарида заҳарланишдан бўладиган ўзгаришларни ўрганди, заҳарланиш олдини олиш тадбирларида катнашди. Олиб борилган бир печа тадқиқотлар, ўрганишлардан сўнг, у «Патологическая анатомия алиментарных токсикозов» илмий асарини яратди.

60-йилларнинг бошларида у Тошкентга қайтади ва Самарқандда бошлаган алиментар токсикозлар бўйича ишларини давом эттиради. А. Марупов ўша даврда ҳам ва кейинчалик ҳам ҳаётда учраб турадиган заҳарланишлар, вирусли касалликлар патоморфологиясини чуқур ўрганади. Коксаки, полиомелит касалликларида нерв тўқимаси ва бош миёга алоҳида эътибор беради, томирларда кечадиган атеросклеротик жараёнларнинг йирик ва майда томирлардаги хусусиятларини ўрганади ва катор мақолалар эълон қилади. Унинг фан олдидаги хизматлари эътиборга олиниб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилади.

А.Марупов Ўзбекистонда патологоанатомлар илмий жамиятини тузиш ташаббуси билан чиқади ва бу жамиятни тузишда фаол иштирок этади. 1964 йилда у патологоанатомлар жамиятининг биринчи раиси этиб сайланади. У Тошкентда, Ўрта Осиё республика-

ларида бир неча илмий анжуманларни ўтказишда ва бошқа шаҳарлардаги илмий анжуманларда фаол иштирок этади. Олим, профессор В.А.Алимов билан «Патологик анатомия» дарслигини ўзбек тилига таржима қилади ва катор ўқув қўлланмаларини ёзади.

Шулар билан бирга институтда жамоатчилик ишларида ҳам фаоллик кўрсатди. ТошМН ва СаММНда даволаш факультети декани, ТошМНда илмий ишлар проректори вазифаларида ишлайди. У донм ўзининг ҳалоллиги, талабчанлиги, интизомга қаттиқ бўйсунishi ва фанининг фидойи инсонлиги билан ажралиб турарди.

2010 йилда Тошкентда олим таваллудининг 100 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда катор олимлар, унинг шогирдлари А.Марунов ҳақида жуда ижобий ва илқ сўзлар айтишди. Бу-олимнинг илм-фанда, инсонлар қалбида абадий хотира бўлиб қолганидан даракдир.

Эркин Турсунов.

МАНСУРОВ АБДУХАЛИЛ



Маълумки, 1957 йилнинг 4 октябрида бириинчи сунъий Ер йўлдошининг фазога чиқарилиши муносабати билан янги самовий давр бошланган эди. Бунинг натижаси ва давомин ўлароқ, 1961 йилнинг 12 апрелида Юрий Гагариннинг фазога парвози амалга оширилди ва бу кун тарих саҳифаларига зарҳал харфлар билан битилди. Инсоният тарихида илк бор космонавтнинг фазога дадил парвозидан тортиб, унинг эсон-омон, бехатар Ерга қўйишигача бўлган инҳоятда улкан ва масъулиятли жараён ортида юзлаб, минглаб одамларнинг тишимсиз изланиши, меҳнати, машаққати ётганлигини эслаш, кўз олдига келтиришнинг ўзи кишини каттиқ ҳаяжон, ҳайратга солади. 1960 йилларнинг буюк воқеасига айланган бу оламшумул ишга муносиб ҳисса қўнган, фазо тиббиёти билан фаол шуғулланган тадқиқотчилардан бири юртдошимиз Абдухалил Ражабович Мансуровдир.

Космонавт Юрий Гагариннинг «Фазога учини тайёрлаш ва амалга оширишда бевосита турли миллат вакиллари фаол катнашдилар. Инсоннинг беноён қонотга учини шароитини ўрганаётган ва парвознинг бехатарлигини таъминлаётган олимлар ва шифокорлар орасида ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, серкуёш Ўзбекистонда туғилиб ўсган, тажрибали шифокор, уруш катнашчиси, истеъдодли олим ҳам бор...» деган сўзи фикримизнинг неботидир.

А.Мансуров 1920 йилда Тошкент шаҳрида бўёкчи қосиб оиласида туғилди. Оилادا етти фарзанд бўлиб, оила анча пачор яшар эди. У Олмазор кўчасидаги мактабда бошланғич саводини чиқаргач, 1933 йили ўсимликларни муҳофаза қилиш техникумининг тайёрлов курсига ўқишга қиради, лекин Абдухалилнинг қалбида шифокор бўлиш орзуси тугилади. Шунинг учун у техникумин тарк этиб, Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга қиради ва унинг 2-босқичини тугатгач, бир гуруҳ ўртоқлари билан Самара шаҳридаги ҳарбий-тиббий академияда ўқишнинг давом эттиради.

Тўсатдан бошланган Иккинчи Жаҳон уруши эндигина 21 ёшга кирган Абдухалил учинчи даражали ҳарбий шифокор сифатида ҳарбий фронт таркибидаги 342-ўқчи дивизияда Москва жанубидаги жанглarda иштирок этади, неча юзлаб ярадор ва беморлар жонига оро киради, дардларига малҳам бўлади, уларни ёвуз ўлим чаңгалидан кутқариб, ҳаётга, жанговар сафга қайтаради.

Абдухалил Мансуровнинг урушдан кейинги деярли 30 йиллик кизгин фаолияти Куролли Кучлар сафида шифокорлик, илмий-тиббий тадқиқотлар билан ўтди. У оддий курсантликдан тиббий хизмат подполковнинг, фазогирлар шифокори, Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти рентгенология ва радиология кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби даражасига кўтарилди, фазо тиббиётига оид кўплаб илмий асарлар ёзди. Муносиб шогирдлар етиштирди, эл-юрт хурматиға сазовор бўлди.

Бу лавҳаларини ёзар эканман, ҳаёлан ўзим шахсан гувоҳи бўлган бир тарихий воқеа ҳақида тўхташға қарор қилдим. 1968 йилнинг 8 октябри эди, ўшанда Тошкент Давлат тиббиёт институтининг мажлислар залида тиббиёт соҳасида катта аҳамиятиға молик бўлган докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Бу иштини машхур рентгенолог, Россия Федерацияси ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари академияси муҳбир аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор П.Н. Мазаев ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Россия тиббиёт фанлар академияси муҳбир аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ж.Н. Маҳсумовлар катта қувонч, фахр, ифтихор билан қўллаб-қувватлашди.

Бошқа олимларнинг эътирофлари бўйича, Абдухалил Мансуровнинг бу илмий иши шихоятда чуқур маъно-мазмунға эга эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу илмий иш фазо тиббиёти билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун доимий ҳамроҳ, мададкор, энг зарур дастуруламал бўла оладиган ноёб асар сифатида юксак баҳоланди.

Кейинчалик, 1980–1987 йилларда Абдухалил ака билан Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институтида бирга ишлаган вақтимизда унинг дастхати билан «Авиация ва космик тиббиётда рентгенологик текширувлар» номли рисоласини олиб, чуқур танишиб, суҳбатдошимни бошқатдан кашф этдим. Менинг илтимосимға кўра у, кўпинча ўзининг фазогирлар оиласида кечирган ҳаёти, ху-

сусан Юрий Гагарин ҳақидаги илиқ ва самимий хотиралари билан ўртоқлашганида янада ёшариб, тўлқинланиб кетарди.

– Биз фазогирлар оиласида бир ота-она фарзандларидек, аҳил, тотув яшардик, – деган эди у суҳбатларимизнинг бирида. – Бу ҳақиқий байпалмишлар жамоа эди. Космик парвоздан анча илгари, унга каттик тайёргарлик даврида Юрий Гагарин, Герман Титов, Андриан Николаев, Павел Попович, Валерий Биковский, Борис Егоров каби фазогирлар ўтказилган турли мураккаб тиббий тажрибаларда ниҳоятда сабр-бардош, матонат билан иштирок этишарди. Ўшанда Гагарин ихчамгина, катта лейтенант ҳарбий унвонида эди. У доимо, ҳатто оғир ва мураккаб тажрибалар ўтказилган пайтларда ҳам ўзини осойишта тутар, табиатан хушчакчак, очик йигит эди. Ҳазилкашлигини кўймай, кулиб турарди. Унинг ажойиб хислатларидан бири – камтарлиги, ўта камсукумлиги эди.

У Ўзбекистонга келиб кетганидан кейин менга халкимизнинг меҳмондўст, меҳнаткаш эканлигини алоҳида меҳр, мамнуният билан сўзлаб берган эди. У элимизнинг фахри ва ифтихори бўлган хушовоз артист Ботир Зокиров ижросидаги хинд ва араб кўшиқларини жуда ёқтирар, марок билан тинглар эди. Мен Юрий Гагаринни ҳамиша софдил, мард, баҳодир, давримизнинг улуғ кишиси сифатида юксак кадрлайман ва унинг сафдоши, замондоши бўлганим билан чин дилдан фахрланаман. Афсуски, у бевакт орамиздан кетди, лекин мангуликка дахлдор бўлиб қолди.

Суҳбатимиз сўнггида Абдухалил ака шахсий расмлар альбомидан ўзининг фазовий биродарлари Виталий Севостьянов, Борис Егоровлар билан бирга тушган расми менга эсдалик учун ҳадя қилдилар. Эндиликда, афсуски, бу сурат ҳам ўртамизда бўлиб ўтган суҳбатимиз сизгари эсдалик бўлиб қолди. Абдухалил Мансуровнинг босиб ўтган жанговар ва шарафли ҳаёт йўли, фазо тиббиётига оид ноёб илмий ишлари, юксак одамийлиги, маданияти эзгу хотира мулкига айланди. У ҳаёлимизда гўё кўкка сочилган ёрқин юлдузлардек порлаб, чақнаб турибди. Зеро, минглаб юртдошларимиз каби фазога дахлдор, машаққатли илм-фан йўлида ёниб, ўзи шамдек эриб кетган зиёкор шифокорлардан бири эди! Бундай инсонлар хотираси эл-юрт тилида ва дилида ҳамиша барҳаётдир.

Искандар РАҲМОН

МАСУМОВ СОДИҒ



Тиббиётимиз тарихи шунчалик кенг ва бойки, унинг уммонида ўз истеъдоди билан сермахсул фаолият юритган, табобат осмонида ёрқин юлдуздек чакнаган улуғ ва табарруқ зотларнинг адоғига етиб бўлмайдн. Ўзидан яхши ном, яхши из қолдириб кетган даргаларимиздан бири таниқли олим, фан ва жамоат арбоби, моҳир жарроҳ мухтарам устоз ҳамда мураббий, Содиг Алиевич Масумов эдилар. 1902 йилда таваллуд топган озарбайжон ўғлини ўзининг бутун оғли ҳаёти, илмий-амалий, меҳнат фаолиятини Ўзбекистонда ўтказди.

У жарроҳликнинг дастлабки сир-асрорларини 1925 йилдан бошлаб, Тошкент шаҳридаги Қизил Хоч жамиятининг шифохонасида профессор Петр Фокич Боровский раҳнамолигида ўргана бошладн.

Маълумки, П.Ф.Боровский (1863–1932) аслида ҳарбий шифокор бўлиб, Тошкент госпиталида терининг лейшманиоз (Боровский касаллиги)нинг кўзгатувчинини ихтиро этган машҳур олим, тиббиёт фанлари доктори, Тошкент давлат университетининг олий тиббий мактаби ва тиббиёт факультети асосчиларидан эди. 1920–32 йилларда госпитал хирургия клиникаси раҳбари бўлган. Кейинчалик унинг ўрнини таниқли олим, профессорлардан: Михаил Сергеевич Астров (1882–1957), Иван Иванович Орлов (1888–1954), Содиг Алиевич Масумов (1954 йилдан 1972 йилгача), академик Восит Воҳидович Воҳидов 1972–1984 йилларда эгаллаган эдилар.

1926 йилда Тошкент давлат университетининг тиббиёт факультетини битиргач, Содиг Алиевич Масумов 1930 йилдан госпитал хирургия клиникаси ассистенти сифатида иш олиб борди. 1936 йилдан шу пайтгача олиб борган ва амалга оширган илмий тадқиқот ишлари эвазига унга тиббиёт фанлари номзоди берилди, 1938 йили эса факультет хирургия клиникаси доценти бўлади.

С.Масумов 1943–1951 йилларда умумий хирургия кафедраси, 1952–1972 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институти даволаш факультетининг госпитал хирургия кафедраси мудри лавозимларида ишлайди. Камини 1955–61 йилларда мазкур илм даргоҳида таҳсил олганим учун 1957–61 йиллари Содиг Алиевич Масумов

бошчилик қилаётган кафедранинг илмий-амалий фаолиятини яқиндан кузатиб, ажойиб инсоннинг меҳнатдаги ҳаёт йўли фақат курашдан иборат эканлигини юрагимдан хис қилганман. Энг муҳими, олимнинг қаерда ва қандай давозимда ишлашидан қатъи назар, унинг ниҳоятда меҳнатқан, ҳалол ҳамда адолатли, ҳамиша изланувчан ташаббускор, талабчан, қатъиятли олим, шунингдек, мохир жарроҳ эканлигига қойил қолганман. У ўзининг асосий куч-қуввати, эътибори, илмий салоҳияти ва ташкилотчилик қобилияти билан тиббиётнинг, айниқса, жарроҳлиқнинг ҳал этилмаган, энг долзарб муаммоларига қаратили билан бизларни лол қолдирган эди.

Буни тиббиёт фаилари номзоди, доцент Дошиёр Облоёр ўғлининг «Уч тиббиёт даргоҳида тобланган шифокор хотиралари» - (Тошкент, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996 й.) дан ҳам билиши мумкин: «Бешинчи кўрсаткичда олдимда қасб ташлаш масаласи турган эди. Ҳеч иккиланмай хирурглик касбини ташладим. Бунга сабаб умумий ва госпитал хирургия дарсларини профессор С.А.Масумов раҳбарлик қилаётган кафедраларда ўтганим, клиникада қилинаётган операцияларнинг натижалари, беморларга ғамхўрлик, раҳбарнинг ёшларга оталарча муносабати, талабчанлиги бўлса керак. Бу улуғ инсон ўзининг юксак маданияти, кенг дунёқарашини, мураббийлик маҳоратини, яратган хирургия мактабининг нуфузини охири бораётганлигини билан боникалардан ажралиб турарди. У киши ҳар кун эрталаб «беш дақиқалик» шифокорлар йиғинини ўтказар, унда кафедра ходимларини, навбатчи шифокорлар, субординатура ва ординатура, интернатура даврларини ўтаётган талабалар ҳам қатнашар эди. Аввал қисқа вақтни дунё снётинга бағишлаб, сўнгра навбатчи ва масъул шифокорларнинг ахборотларини диққат билан тинглардилар. Нима учун шундай ташхис қўйилганлигини, шифокорларнинг тутган йўли, ташлаган операциялари, дори-дармоннинг тўғри-нотўғри тайинланганлигини, кечиктириб бўлмас операциясини қилиши-қилмаслик шартлари ва савол-жавоблардан кейин, мутахасссларнинг фикр-мулоҳазаларини сўрар эдилар. Айниқса, доцентлардан: В.Воҳидов, С.Аъзамхўжаев, ассистентлардан: И. Надеждина, Е.Боровкова, Г. Василенко, Ш.Илёсов, Х.Ҳакимов, М.Шарипов, М.Ҳожибоев ва бошқалар билдирган фикр-мулоҳазаларни изохлаб, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини кўрсатиб, масалага аниқлик киритиб яқин ясардилар. Бундай иборатли дарс-сабоқ бўлажак, ёш жарроҳлар учун бир умрга арзийдиган ҳаёт мактабини бўларди, албатта...».

Кези келганда айтши жонзки, устознинг потиклик саъвати, маҳорати ҳақида қалбимдаги бир гапни айтганини инсонийлик, шогирдлик бурчим деб ҳисоблайман. Унинг маърузаларини тинглаш учун талабалар олдиндан катта зални тўлдириб ўтиришар, тузилган маъруза матнига қарамай, ҳар бир жумлани қисқа ва лўнда, пухта, аниқ, таъсирчан талаффуз қилаётган потикнинг сўзини марок билан тинглар эдик. Кўз олдимда шу бугунндай ажойиб бир манзара турди. У ҳам бўлса, домла кўлларига уч хил рангдаги бўрни олиб, ёзув тахтасига қон томирлари, ички аъзолар, операция йўллари, босқичларини бирин-кетин жойлаштирирдилар, уларни бир-бирига боғлардилар. Ярим ҳазил, ярим чин маънода майин жилмайиб, бизга дердилар: «Хирурглар уч гуруҳга бўлинади: биринчилари кўл билан, иккинчилари ақл билан, учинчилари эса ақл ва кўл билан операция қиладилар. Сизлар учинчи йўлни ташлаганингиз маъқул. Беморнинг хасталиқдан қутилиши хирургик маҳоратдан ҳам кўпроқ, унинг беморга чин дилдан яхши ва бегараз муносабати, операциядан олдин ва ундан кейинги даврдаги яхши парвариши, унга айтадиган ширин сўзи ва муомаласига боғлиқдир».

Иқтидорли инсоннинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида 1935–39 йилларда Фарғона водийсида тарқалган бўқоқ касаллиги сабабларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш, уни хирургик йўли билан даволашни такомиллаштириш, касалликни камайтириш ва бартараф этиш мақсадида алоҳида экспедициялар ташкил этилган, олинган натижалар таҳлил қилинган. С. Масумов илмий тадқиқот ишларининг самараси шундан иборат бўлдики, Мак Крисоннинг буқоқ юкумли табнатга эга деган назарияси умуман рад этилган. Фарғона водийсидаги эндемик буқоқ касаллигининг асосий сабаби, биосфера, хусусан сувда йод моддасининг етишмаслиги эканлиги илмий жиҳатдан тўла тасдиқланган. Ушбу тадқиқот асосида 1946 йилда С. Масумов «Фарғона водийсида буқоқ касаллиги» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаган. Дарҳақиқат, олим эндемик буқоқ ва калкоксимон без касалликларида, тиреотоксикозда тиреонд тўқимасининг бир қисмини саклаб қолган ҳолда хирургик йўли билан даволаш усулларини изчиллик билан амалга оширган ўз касбининг моҳир устаси эди.

Шунинг учун ҳам С. Масумов 1943–1972 йиллардаги раҳбарлик фаолиятида ўзи бошчилик қилган илмий, амалий жамоанинг асосий илмий тадқиқот йўналишларини калкоксимон без, қорин бўшлиғи касалликлари хирургияси, перитонит, портал жигар

циррози, холецистит ва айрим ички аъзоларнинг операциядан олдинги ва кейинги ҳолатлари, янги операция усуллари ҳамда нарқозни такомиллаштириш муаммоларига қаратгани бежиз эмас. Шунингдек, меъда ва 12 бармоқли ичакнинг яра касалликлари ҳамда тўқималарнинг куйиш оқибатида организмда содир бўладиган биокимёвий ва патофизиологик ўзгаришлар жараёни билан ҳам кенг шуғулланади.

Энг қувонарлиси шуки, ўша даврда ҳозиргидек замонавий тиббий асбоб-ускуналар бўлмагани бирмунча кийинлик туғдири-сада, С. Масумов бошчилик қилган кафедрада портал гипертензияли жигар циррози ҳамда кўкрак кафаси хирургияси бўйича узокни кўзланган мақсадли изланишларга аллақачон دادил кадам қўйилган эди. Буни тажрибали ва фидойи инсоннинг хирургия соҳасида яратган ўзига хос мактаби, ўнлаб иқтидорли шогирдларининг илмий, амалий ишлари мисолида яққол кўриш мумкин. Уларнинг айрим-ларини эслатиб ўтамиз: Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Тошкент Давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент Тиббиёт академияси) умумий хирургия кафедраси мудир, Ўзбекистон хирургия маркази ташкилотчиси, биринчи директори В. Воҳидов, Тожикистон Фанлар академияси академиги, Душанбе тиббиёт институти ректори К. Тожиёв, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири муовини, Қон куйиш илмий-текшириш институти директори Х. Ҳакимов, ТошМИ госпитал-хирургия кафедраси мудир, профессор С. Аъзамхўжаев, Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти реаниматология ва анестезиология кафедраси мудир, профессор А. Зарзар, Ўзбекистон акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти лабораторияси мудир, профессор М. Содикова, доцентлардан, М. Гаспарян, Ш. Илёсов, И. Надеждина, М. Шарипов, Т. Янбаева, А. Имус, Ш. Шомахмудов, Д. Оллоёров, М. Ҳожибоев, М. Умаров ва бошқалар.

С. Масумовнинг «Меъда ва 12 бармоқли ичакнинг яра касаллигини қайта операция қилиш йўли билан даволаш» (1940 й.), «Фарғона водийсида эндемик буқок» (1949 й.), «Ўзбекистонда эндемик буқокнинг гистопатологияси» (1957 й.), «Қорин бўшлиғи аъзоларининг ўткир касалликларида бир қанча хатоликларни таҳлилий англаш» (1966 й.) рисолалари, кўплаб мақолалари ҳозирги кунда ҳам ўз мавқенини йўқотган эмас.

Бундан ташқари, олим ўз илмий-амалий фаолиятида 5 нафар фан доктори, 25 нафар фан номзоди тайёрлаган. Айтиш жоизки,

умрини тиббиётга бахшида этган С. Масумов катта жамоатчилик ишлари билан ҳам шуғулланган. Жумладан, Тошкент шаҳар кенгаши нонби, шаҳар соғлиқни сақлаш бонкараси хайъати аъзоси, турли илмий кенгаш ва анжуманларнинг фаол аъзоси ва ништирокчиси сифатидаги кизгин фаолияти алоҳида эътибор ва таҳсинга сазовордир. Унинг эл-юрт олдидagi кўп йиллик самарали меҳнати, фидокорона хизматлари ўз вақтида муносиб тақдирланган. Буларнинг барчаси серкирра олим ўз касбига содиқ инсоннинг барҳаётлигидан ишонадир.

Искандар Раҳмон

МАҲКАМОВ СУЛТОН



Иттифок амалийи фармацевтикасига улкан хисса қўнган, мамлакатимиз фармацевция фани ва амалиёти чўккиларидан мустаҳкам ўрни эгаллаган иктидорли фармацевт олим фармацевтика фанлари доктори, профессор Султон Маҳкамов тиббиёт фармацевтикаси соҳасининг ташаббускор, фидойи олимларидан бири бўлган. У 1930 йилда Тонкент шаҳрида тугилган ва болалигидан тиришқоклиги, илмга чанқоклиги билан тенгқурлари орасида ажралиб турар эди. 1948 йили ўрта мактабни «Олтин медаль»га тугатиб, Тонкент фармацевтика институтига ўқишга кирди, имтиёзли диплом соҳиби Султон Маҳкамовни аспирантурада олиб қолишди. Лекин ... номзодлик диссертациясига мавзунин танлаш бўйича муаммолар бошланди.

Маълумки, дорилар орасида энг кўп ишлатиладиган дори шакли—бу таблетка бўлса-да, кўнчиликлари таблетка орасида қанчадан қанча машаққатли меҳнат турганилигини билишмайди. Таблеткани биринчи бўлиб, XIX аср бошларида Россияда ишлашган. Аммо Иккинчи Жаҳон урушигача ва ундан кейинги 50-йилларда ҳам бу дорини ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилмаган эди. Тонкент фармацевтика институтида 1937 йилдан бери фаолият кўрсатаётган дори турлари технологияси кафедрасида ушбу дори технологиясини ишлаб чиқиш аспирант С.М.Маҳкамовга топширилди.

Таблетка технологияси бўйича адабиётлар деярли йўқ бўлганлиги учун ён аспирант энг машаққатли изланишлар йўлидан кетди. У физик-кимёвий механикага, металлургияга оид адабиётлар билан таниша бошлади. 1955 йили май ойида Москвага кимё-фармацевтика заводини борди. Заводда доривор моддаларининг сараланиш таркибини таҳлил қилиб, биринчи марта ушбу таблетка тахтакачлаш жараёнига ва таблетка сифатига кўрсатган таъсирини ўрганди, боий экспериментал материал билан қайтди. 1955–56 йиллари у таблетка олинган учун кўл гидропресси топиб, таблетка тахтакачлаш жараёнини ўрганди ва олинган тажриба натижаларини бўйича катор адабиётларини тониб таҳлил қилди, мақола тайёрлади.

Адабиётларни ўрганиш давомнда 1953 йилги «Рефератив журнал»да АҚШ олимлари 1946 йилдан бери таблетка технологияси бўйича изланишлар олиб бораётганликлари ҳақидаги маълумотни топди. Демак, изланиш мавзуси дунё бўйича долзарб. Яна ўқиш, изланишлар бошланди, «Медпром СССР» журналинда 2 та мақола чиқарди. Мақола билан москвалик олимлар қизикиб қолишди. У москвалик олим фармацевт-таблеткашунос Прозоровский билан учрашди, ундан маслаҳат олди. Москвалик олим ишнинг диссертация шаклига олиб келиш учун кўп иш қилишни уқтирдию, лекин тузукроқ маслаҳат ҳам беролмади. Яна изланиш бошланди.

Ёш аспирантга илмий маслаҳат олиш учун Озарбайжонга, профессор Алиевга боришни таклиф этишди. Алиев фитокимёвий жараёнлар бўйича етук мутахассис ҳисобланар эди. У аспирантни эшитди. Унинг тиринчоқ, изланувчан ва саводли эканлигини кўриб, таблеткалар бўйича тадқиқотларни тўхтатишни таклиф этди. Чунки, ушбу йўналишни тушунадиган олимнинг ўзи йўқлиги туфайли диссертацияни ёклай олмаслигини айтди ва фитокимё бўйича номзодлик диссертация қилишни таклиф этиб, ўзи ёрдам беришини ва йўл кўрсатишини айтди. Маҳкамов катъий рад жавобини берди ва Озарбайжондан курук кайтди.

Лекин у таблетка технологиясига доир анча-муноча тажрибалар ўтказган ва адабиётлар билан танишишга улгурган эди. Тошкентга қайтгач, унга таблеткалар технологияси бўйича ишлашни давом эттириш лозимлигини уқтиришди ва ҳатто келажакда таблеткалар технологияси бўйича йўналишнинг «шоҳи» бўлишини айтишди.

Ҳақиқатан ҳам вақтлар ўтиб, таблеткалар технологияси бўйича Султон Маҳкамович «Султон» бўлди. Оғир ва қийин бўлса ҳам номзодлик диссертациясини тайёрлаб, Тбилис шаҳрида химоя қилди. Диссертация ўша даврда ушбу йўналиш бўйича биричи ёқланган диссертация эди.

Шундай қилиб, 1953 йилда бошланган иш 8 йилда рўёбга чиқди. Бу давр ичида С.М.Маҳкамовнинг бошидан кечирган қийинчиликлари, илмий соҳада олган даққилари, олим ва мутахассислар билан учрашувлари, техника ва қўшни соҳадаги адабиётлар билан танишувлари бекор кетмади. Энди институтда унинг обрўси ошиб, етук мутахассис деб таън олина бошланди.

С.М.Маҳкамов ўз изланишларини давом эттириб, 1975 йили Москвадаги И.М.Сеченов номи I-тиббиёт институтидаги илмий кенгашда докторлик диссертациясини химоя қилди. Диссертация химояси яхши ўтди ва тасдиғини олиш учун ОАКга юборилди. Муҳокамада турли хил оқимлар таъсири жонланди. Чунки бу диссертация таблетка технологиясига бағишланган собик иттифокда биринчи докторлик химояси эди. Фикрлар пайдо бўлди, наҳотки бундай иш перифериядан чиқса, унда марказ-Москванинг обрўси қаерга кетди. Хуллас, 1977 йил апрель ойида ОАК эксперт кенгашига ушн таклиф этишди. Эксперт кенгашининг бир аъзоси адолатсизлик қилди ва ишни қайтариш учун барча имкониятлардан фойдаланиб, ҳаракат қилди, кенгашдаги ҳолат С.Маҳкамов фойдасига ҳал бўлмади. Эътироз айнан таблеткалар таркибига ёрдамчи модда сифатида биринчи марта таклиф этилаётган нон талкони бўйича бўлди. Бундай қутулмаган янгиликни қабул қилишлари жуда қийин кечди. Маҳкамов ариза ёзиб, диссертацияни қайта ишлаш учун қайтариб олишга мажбур бўлди.

С.Маҳкамов диссертациясининг назарий томони таблеткаларга ёрдамчи моддаларни сув шимиш кўрсаткичи бўйича таълашдан иборат эди. Чунки таблеткаларни 15 дақиқа ичида сувда парчаланиб, ўзининг геометрик шаклини йўқотиши фойдаланилган ёрдамчи моддаларга ва доривор модданинг сув шимишига боғлиқ бўлади. Доривор модданинг бу хоссасини аниқлаш муҳим бўлиб, ёрдамчи моддани тўғри таълаш имконини беради. Маҳкамов доривор моддаларнинг сув шимиш даражасини аниқловчи асбоб таклиф этди. Олинган натижаларга ишлов бериб, уларни гуруҳларга бўлди ва таснифлади. Ушбу янгилик асосида таблетка таркибига қирувчи ёрдамчи моддаларни олдиндан таълаш имконияти очилди. Ҳозирги кунгача доривор моддаларнинг сув шимиш кўрсаткичинини аниқловчи С.М.Маҳкамов таклиф этган асбобдан дарсда, илмий тадқиқотларда кенг фойдаланилмоқда.

С.М.Маҳкамов докторлик диссертацияси устида яна қайтадан ишлаш бошлади, диссертацияга янги математик моделлаштириш бобини киргизди ҳамда олинган натижаларни амалиётга татбиқ этди, ишни илмий янгиликлар билан бойитди. Қайта тайёрланган диссертацияни жуда кўп қийинчиликлар билан бўлса-да, химоя учун Харьков фармацевтика институтига топширилди. Олим ўзига кўрсатилган ноҳақликларни апробация вақтида анча каттик гапириб ҳам юборди. Лекин унинг гаплари ҳақ ва принципиал

бўлганлиги учун биринчи химояда қарши бўлган олим ўзи тап бериб, кабинетида уни қучоқлаб хайрлашди ва муваффақият тилади. Бу воқеа 1978 йил декабрь ойида бўлган эди. Ниҳоят, 1980 йили март ойида машҳур Харьков фармацевтика институтининг қошидаги диссертацион кенгаш тарихида биринчи марта такроран докторлик диссертацияси ёқланди— таблеткалар технологиясига янги ёрдамчи модда – нон талкони кириб келди. ОАК ҳам шунинг жулда тез тасдиқдан ўтказди.

1970 йилларда Дори турлари технологиясини кафедрасидан «Тайёр дорилар технологияси» кафедраси ажралиб чиқди ва унга мудир этиб аввал, профессор А.И.Генгришович, сўнгра С.М.Маҳкамовни тайинлашди.

Институтда таблетка дорисини бўйича илмий излашлар С.М.Маҳкамов раҳбарлигида катта тезлик билан ривожлана бошлади. Энди ушбу йўналишдаги илмий излашлар олиб бораётганлар сафига янги-янги қучлар қўшила бошлади. Бу эса, таблетка технологиясидаги мавжуд муаммоларни илмий асосда ҳал қилишга ёрдам берди. Соҳадаги ривожланиш шу даражага бориб етдики, ҳатто, ўзига хос илмий мактаб яратилди. Кафедрада С.М.Маҳкамов раҳбарлигида ба-жарилган илмий тадқиқот ишларининг химоя қилини учун изланувчилар Москва, Харьков ва Львов шаҳарларидаги диссертацион кенгашларга бориб, диссертацияларини муваффақиятли химоя қила бошладилар. Энди у шаҳарлардаги олимлар «Маҳкамовнинг мактаби» деб уни тап олар ва ҳурмат қиларди. Ушунинг раҳбарлигида 10та химоя қилинган диссертация асосан таблеткалар технологиясига бағишланган ва амалда киритилган ишлар эди.

С.Маҳкамовнинг ўқув жараёнида қўлга киритган ютуқлари ва педагогик фаолияти бошқалардан жонқуярлиги, меҳнатсеварлиги, ҳаққонийлиги ва ўз касбининг севиши билан ажралиб турар эди. Энди таблеткаларнинг сифатини баҳолаш учун ишлатиладиган асбоб-ускуналар муаммосини ҳам ҳал этиш лозим эди. Ўтган асрнинг 60-йилларидаги бошлаб янги йўналиш-биофармация ривожлана бошланди. Биофармацевтик тадқиқотлар олиб бориш учун на аниқ усул, на асбоб-ускуналар бор эди. Лекин Маҳкамов бу муаммоларнинг аста-секин ечимини топди.

Маълумки, 1980–1990 йилларда дориларнинг сифатига баҳо бериш усуллари расмий ҳужжат ҳисобланган ДФнинг X нашрига биноан олиб борилар эди. Аммо, унда келтирилган усуллар анча эскириб қолган ва ДФнинг янги ўн биринчи нашри ҳали чиқмаган

пайтлар эди. Шундай бир шароитда Маҳкамов таблетканинг каттиклигини аниқлаш учун асбоб ясашга ва ундаи илмий изланишларда ҳамда ўқув жараёнида фойдаланишга муваффақ бўлди.

Маҳкамовнинг ихтироси асосида ясалган асбоблардан узок йиллар мобайнида илмий изланишлар ва ўқув жараёнида фойдаланилди. 1989 йилда расмий ДФнинг XI нашри чиққанидан сўнг, таблеткаларнинг ишқаланишга бўлган каттиклигини аниқловчи «Айланма дўмбира», эришнинг аниқловчи «Айланма кажава», парчаланишнинг аниқловчи «Лаборатория идентификатори» асбобларини расмий равишда Россиядаги Жданов номли заводда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ампулаларни ювишга мўлжалланган кичик хажмли вакуум-ювиш асбоби ҳам Маҳкамовнинг лойиҳаси асосида ясалди. Бу асбоб қулай, кичик хажмли бўлиб, саноатдаги ампулаларни вакуумли ювиш усулига мос келади.

Лаборатория дарсларидан бири микротаблеткалар технологияси бўлиб, бу дорн турини тайёрлаш учун ҳозирги кунгача Маҳкамов тавсия этган ускунадан фойдаланилади. Ушбу ускуна 100x35x2мм катталиқдаги ойнасимон тахтакач-колипдан ташкил топган бўлиб, унинг юзасида таблетка ўлчовига мос бўлган тешикчалари мавжуд. Ушбу колип устига намланган таблетка массаси суркалади ва пуансонлар жойлаштирилган иккинчи ойнасимон колип унинг устига туширилади. Шунда пуансонлар нам массани тешикчалардан итариб чиқаради. Ҳосил бўлган микротаблеткалар куритилади, қадоқланади ва жиҳозланади. Бу усулда босим остида тахтакачланганида портловчи ва чангланганида заҳарли таъсир этувчи моддалардан таблеткалар олинади. Бу оддий, аммо амалий аҳамияти жуда катта бўлган ускуна Маҳкамовдан ёдгорлик бўлиб қолди.

С. Маҳкамов фан бўйича рус ва биринчи марта ўзбек тилларида монография, ўқув қўлланма ва дарсликларни ёзиб, чоп эттирган. Ушбу жараёнинг хаттоки нафақага чиққан даврида ҳам давом эттирган. С.М.Маҳкамов вафотидан сўнг нашрдан чиққан «Таууор доғи турлари технологияси» дарслиги 2011 йилда Республикада ўтказилган «Йилнинг энг яхши дарслиги» танловида 1-ўринни эгаллади. Институт тарихида энг кўп фан номзодлари тайёрлаган икки устознинг бири С.М.Маҳкамов эди.

Биз бу ажойиб олим, фармация фанининг фидойиси ҳақида очеркимизни тугатишдан олдин машхур олимларнинг марҳум Султон Маҳкамов ҳақидаги сўзларини келтирсак:

Харьков фармацевтика институти ректори В.П.Черних С.Маҳкамовнинг химояга борган шогирдини шундай сўзлар билан таништиришни ўзига одат қилиб олган «фахр билан айтишим керакки, бугунги илмий кенгашда маъруза қилувчи диссертант Тошкентдан келган, машхур олим Султон Маҳкамов мактабининг давомчиларидан», 1990 йилда украиналик олим, профессор Е.Е.Борзуповнинг С. Маҳкамовнинг кизига ёзган хатидан кўчирма (С.Маҳкамов вафотидан сўнг):

- Камила, я не смог написать ни одной строчки. Потому что, Султан Махкамович для меня жив. Я несколько раз пытался написать, ну не получается! Я не могу и все. Хоть ругайте меня, хоть обижайтесь Султан Махкамович жив! А как можно написать воспоминание о живом человеке! Бундай хатларнинг соп-саногги йўқ.

Яна бир хатда: «Я был с ним вместе экспертом в Минздраве Союза с 1986 по 1994 годы. Вместе с ним проверяли работу медицинских институтов Витебска, Азербайджана, Тарту, Вильноса. Он был высоко эрудированным, специалистом с большой буквы не только в области таблетирования, но и в области технологии лекарств. Он будет иметь в памяти всегда пока жива фармация.



Султон Маҳкамов шогирдлари билан иш устида.

Считаю, что специалисты в области фармации, которые знали Султана Махкамовича, видели в нем талантливого на то время уче-

ного и педагога, который своими делами, своим трудолюбием, энергией, образованностью и высокой культурой сделал серьезный вклад в сокровищницу не только своего Ташкентского фармацевтического института, но и фармацевтической отрасли Узбекистана и республик бывшего союза.

Ушбу очеркни тайёрлашда бизга самимий ёрдамни аямаган ТошФАРМ институти раҳбарияти ва олимнинг меҳрибон кизлари Комила Маҳмуджоновига самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Эркин Турсунов



МИРЗОЯН НИКОЛАЙ

XX асрнинг 50–60-йилларида Самарқандда терапевтлар мактаби шаклланиб тараккиёт босқичига ўтган эди. Бу давргача кўпроқ паразитар касалликлар-лейшманиоз, ришта каби касалликлар, камқонлик сирлари ва уларни даволаш билан фаол шугулланишга тўғри келган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», катор медаллари ва орденлари соҳибі ўзбекистонлик Н.Мирзоян шу мактабнинг стук ва талантли вакилларидан

бўлган.

Н.Мирзоян 1935 йилда Самарқанд тиббиёт институтини биринчи битирувчиларидан бўлиб, терапия бўйича аспирантурани ўтайди, муваффақиятли номзодлик химоясини ёқлайди ва ассистентлик лавозимидан ўзининг мустақил иш фаолиятини бошлайди. 1941–45 йилларда Урушда катнашиб турли шаҳарларда бўлади, жангчиларни даволашда фаол катнашади. Урушдан қайтгач, СамМИ факультет кафедрасида, доцент бўлиб ишлайди. 1949–56 йиллар давомида Малярия ва тиббий паразитология институтида бўлим бошлиғи сифатида безгак ва бошқа паразитар касалликларни йўқотишда фаол иш олиб боради. Кейинчалик 1957–86 йилларда СамМИ факультет терапияси кафедрасида мудир лавозимида ишлайди. Ўттиз йиллар давомида Самарқанд тиббиёт институтида терапия соҳасида етакчи мутахассислар даражасида иш олиб боради.

Олим Ўзбекистонда паразитар касалликлар бўйича кўзга кўринган мутахассис олимлардан бўлиб, унинг раҳбарлигида етишиб чиққан кўп олимлар, шифокорлар паразитар касалликлар бўйича ишлаган ва бу касалликларни йўқотишда фаол катнашган. Висцерал лейшманиоз касаллиги Ўрта Осиёда қанча одамларнинг ёстигини қуритган. Бу касалликни ўрганишга астойдил бел боғлаган олим бир эмас, икки кашфиётни яратади. Биринчиси, (1941й) лейшманиоз ташхисига киритган янгилиги эди, унинг усули билан лейшманиозни ҳали аъзоларни жароҳатлангандан олдин танихилан мумкин бўлади. Иккинчиси (1958)ушнинг дунё амалиётида биринчи марта лейшманиозни соллюсурмин препарати билан даволашдир. Бу препарат билан даволанган касалларда:

–ўлим ниҳоятда кам бўлади;
–даволаш муддати 2-3 ойдан икки ҳафтага камайтиради,
–тери лейшманнозининг туберкулоид шаклини даволашда
ниҳоятда қўл келади;
–паразитнинг дорига нисбатан резистентлиги сезилмайди.

Олимнинг солисурми билан даволаш усули Ўз ССВ томонидан махсус қўлланма сифатида (1958) тасдиқдан ўтади. Бу усул дунёнинг лейшманноз учрайдиган кўп ҳудудларида ҳамон қўлланиб келинади, тропик ва юкумли касалликлар бўйича Республикада ва хорижда ёзилган катта қўлланмаларда келтирилади.

Олим ревматология соҳасини ва лямблиозли энтерит, дуоденитларнинг клиникасини ва даволаш усулларини чуқур ўрганади, айниқса, иссеик иклим шароити бу касалликларнинг ўзига хос кечиши ва даволаш усулларини ишлаб чиқиши эътиборга лойиқдир.

Н.Мирзоян 100 га яқин илмий мақолалар, бир неча қўлланмалар муаллифидир. Унинг қўл остида 30 та фан номзоди ва фан доктори химоя қилган ва уларнинг кўплари кафедра мудирлари, професорлари, тиббиёт ташкилотчилари сифатида ишлаб келмоқдалар. Олимнинг ватан олдигаги хизматлари юксак унвон ва бир неча тақдирномалар, медаль ва орденлар билан тақдирланган, унинг ўчмас хотираси доим барҳаётдир.

Эркин Турсунов

МИРАЗИЗОВ КҮЧҚОР



Ўзбекистонда отоларингология фани асосчиларидан бири. кўплаб шогирдлар устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Миразизов Кўчқор Жўрасвич 1925 йилда Тошкентда туғилган. 1949 йилда ТошМИИни тугатиб, касбий хизматини институт отоларингология кафедрасида бошлаган. У отоларингологияга кириб келганда, бу соҳадаги ўзбек олимлари санокли эди. Тарихга назар солсак, XX асрнинг 60–70-йилларида Ўрта Осиёда биргина Кўкор Жўрасвич ўзбеклардан чиққан биринчи фан доктори эди.

Отоларингология – тиббиётда тор соҳа бўлса-да, аммо бу соҳа аъзоларининг касалликлари клиникада катта аҳамият касб этади. Чунончи юрак, ўпка, буйрак, ошқозон-ичак, иммун аъзолар ва колаверса, асаб тизими аъзоларида касалликларининг келиб чиқиши бурун, томоқ, кулок ва ҳикилдок касалликлари билан боғлиқдир. Шунингдек, юрак касалликлари, эндо-миокардитлар, ревокардит, полнартритлар, тангла муртаги касаллиги, синуситлар билан боғлиқлигига эътибор катта эди ва гипер танхис усули ҳам мавжуд эди. 60–80-йилларда юракка асорат бермасни, деб тонзиллоэктомиа – муртакни олиб ташлаш ҳам одатга кириб қолган эди.

Кўчқор Миразизов масаланинг шу томонга кўпроқ эътибор берди, отоларингологиянинг катор йўналишлари ва юкоридаги масалалар бўйича мавзулар ишлаб чиқли, кўп шогирдларига бу мавзуларни илмий иш сифатида топширди. Изланишлар янги кирраларни очиб берди, жарроҳликдан кўра, кўпроқ консерватив даволашларга ҳам эътибор кучайтирилди. Жарроҳликда аёвчан усуллар қўлланила бошланди.

Олимнинг шогирдлари болалар отоларингологиясини ривожига катта ҳисса қўшдилар. Янги маълумотларга кўра, биргина бурунёндош бўшлиқларининг касалликлари 10-20 фоиз атрофида турли асоратлар берар экан. Олимнинг ўзи бурун, кулок, томоқ касалликларида мияга инфекциянинг ўтиши, мияга бериладиган асоратларга кўпроқ эътибор берди, чунки бу аъзоларининг деярли ҳаммаси калла билан анатомио-физиологик боғланган. У 1957 йилда «Некоторые методы исследования процессов заживления трепана-

ционных ран височной кости человека» мавзусида номзодлик химоясини қилди.

К.Миразизов 1965 йилда «К патогенезу, диагностике и лечению отогенных внутричерепных осложнений» мавзусида докторлик химоясини қилди, олим ўрта кулок йирингли касалликлари, калла ичи отоген асоратлар этиопатогенези, клиникаси, даволаш усуллариини ишлаб чиқди, кулокдан калла ичига инфекция тарқалиши йўллариини олдини олиш бўйича тадбирлар ишланди, шогирдлари билан карлик, юкори нафас йўллари касалликлари бўйича ҳам талайгина ишлар қилди. Бурун-ҳалқум ангиофибромаси отоларингологиядаги оғир хасталик ҳисобланиб, жарроҳлик муолажаси беморнинг бурун атрофидан тери кесилиб, кўп кон йўқотиш билан бажарилар эди. Кўчкор Миразизов янги усул ўйлаб топди ва димоғдаги ҳосилани табиий йўл орқали олиб ташлашни Республикада биринчилардан бўлиб қўллади.

Унинг ташаббуси билан Республика отоларингология маркази тузилди. Марказ сурункали қапола ташувчи беморлар-ҳикилдоқни чандикли торайиши ҳисобига трахеостомия орқали нафас олувчиларда нормал нафас олишни тиклаш билан шуғуллана бошлади, натижада юзлаб беморлар анча снгил нафас оладиган бўлдилар.

Олим 1968 йилдан бошлаб ТошМИ отоларингология кафедраси мудири лавозимида ишлади ва биргина Ўзбекистонда эмас, номи чет элларда ҳам машҳур бўлди. Унинг раҳбарлигида 6 та докторлик ва 38 та номзодлик химоялари қилинди. Узок йиллар Республика отоларингологлар ассоциациясининг раси, Иттифок Тиббиёт Фанлари Академияси Президиуми ҳамда Катта Тиббий Энциклопедия Таҳририяти Кенгаши ва «Вестник отоларингологии», Республика тиббий журналларида таҳририятлар аъзоси бўлган.

Забардаст олимнинг тиббиётимиз равнакига қўшган ҳиссаси учун у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, «Эл-юрт хурмати» орденига сазовор бўлди. Тиббиёт фани фидойиси Кўчкор Миразизов отоларингология фани соҳасида ўзига муносиб из қолдириб кетди.

*Саидакром Ҳасанов
Эркин Турсунов*

МУХТОРОВ ОДИЛЖОН



Республикамизда урология фанига асос солган олимларладан бири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Одилжон Мухтор ўгли 1928 йили Тошкент шаҳрида тугилган. Отаси техникумда муаллим, онаси богча мудираси бўлган. 1945 йил Жаҳон урушининг галаба арафасида мактабни битириб, иккиланмай шифокор бўлишга аҳд қилади. Чунки 7-9 синфларда ўқиётган йилларида Олоӣ бозори ёнида жойлашган харбий госпиталда синфдошлари билан касалларга кўп марта ёрдамга борган ва у ерда шифокорларини, даволаниб чиқаётган касалларининг уларга раҳматлар айтиб кетаётганликларини кўриб, юрагида тиббиётга бўлган меҳр уйғонган эди. Шу билан бирга шаҳардаги адабиёт тўғарагига ҳам бориб турар шеърлар ёзарди.

Ўша йилларда ТошМида ўқини 4 йилга ҳам бормас эди. Одилжон 1949 йилда институтни имтиёзли диплом билан битиради. Талабалик йилларида жаррохлик клиникасида навбатчилик қилар, илмий тўғарақларда қатнашар эди. Унинг буйрак тош касаллиги хақидаги маърузасидан сўнг, устозлари унга эътибор билан қарашадиган бўлиши ва уни клиник ординатор сифатида олиб қолишга тавсия бериши. Айнан шу даврда бемалол жаррохлик муолажаларини бажарадиган бўлди. Ординатурани тамомлагач, Андижон вилоятига жаррох сифатида ишга юборилди.

О. Мухторов талабалик йилларидаёқ икки фарзандлик бўлганди. Ҳарнинг аёли фармацевтика институтини талабаси Мукаддамхон ўқишида ҳам чаккон эди. Жаррох Одилжон олдида энди онлани боқиш, ота-онага моддий ёрдам деган гаплар ҳам бор эди Яна ўқишини давом эттириш учун мустақил ишлаши керак эди. У Андижонга отланар экан, хаёли шу ўйлар билан банд эди.

У тўрт йил давомида Андижон вилоят касалхонасида жаррохлик бўлим бошлиғи, Марҳамат, Жалолқудук тумани марказий касалхоналарида бош шифокор лавозимларида ишлади. Марҳамат туманида ишлар яхши йўлга қўйилган эди. Ёш шифокорнинг Андижондаги шухратини эшитган Ўз СС вазири Ҳаким Зоҳидов келади ва кун давомида бу ердаги ишларини ўрганади

хамда шу кунлик унинг меҳнат дафтарчасига вазирликнинг ташаккурномасини ёздириб кетади.

У Тошкентга қайтгач, ТошМИ анатомия кафедрасида собик вазир, профессор Х.Зоҳидов билан бирга анатомиядан дарс бера бошлайди. Профессор ёрдамида ассистентлик лавозимида ишлаб, номзодлик ҳимоясини қилади, ассистентлик даврида Андижонда йиққан материаллари асосида иккита рисола чоп этади («Чарчаш ва унинг олдини олиш»—1953йил, «Қишлоқ хўжалигида травмалар ва уларнинг олдини олиш», 1954йил).

Унинг номзодлик ҳимояси «Одамда кўзни ҳаракатга келтирувчи бош миёна асаб толасининг ёшга кўра ўзгаришлари» мавзусида эди.

Тадқиқотчиларнинг бир қисмини Москвада ТФА Миёна институтига ўтказди. Асабни ажратиш, уни ўрганишни пухта эгаллайди ва асабнинг бошқа тузилмалар билан боғлиқлигини биринчи марта кўрсатиб беради. Бу иш жарроҳликда катта аҳамиятга эга эди.

Тузилмаларнинг ёшга кўра ҳусусиятларини ҳам очиб беради. Номзодлик ҳимояси муваффақиятли яқин топади.

Лекин тажрибали уролог бўлишни кўнглига туккан эди. Клиник ординатурада ҳамда Андижонда ишлаган йилларида сийдиги тўхтаб қолган касалларни даволаган, буйрагида тоши бор дардмандларга ёрдам берган. ...Ха, у уролог бўлиши керак!

Ана шу ният, шу орзу уни Тошкент малака ошириш институтига етаклади. Институт ректори Х.Ҳусанов уни бажонидил урология кафедрасига ишга олди ва кўп ўтмай урология бўйича Москвага докторантурага ўқишга юборди.

У Москвада дунёнинг машҳур урологлари, Давлат мукофоти совриндорлари А.Я.Пител ва Н.А.Лопаткинлар қўлида иш бошлади. Унга касалларда оралик (интерстициал) нефрит, унинг пайдо бўлиш сабаблари, даволаш усулларини ишлаб чиқиш топширилди. Бу ҳозирда ҳам энг муаммоли ва долзарб мавзулардан биридир.

Иш давомида шу нарса маълум бўлдики, оралик нефритнинг бошланғич давлари серроз нефрит шаклида бошланади, шу даврда касалга ёрдам берилмаса, йирингли шаклга ўтади. Олим бу дардин даволаш йўлларини ишлаб чиқди ва бу усуллар илмий раҳбарларга ёқди, ундан ташқари йирингли нефритлар, буйракдаги хўппоз касалликларини даволаш усулларини ҳам ишлаб чиқди ва бу билан қўйилган вазифаларни тўда адо этди. Бирламчи ва иккиламчи оралик нефритларнинг сабаблари организмдаги жигар, ўпка, суяк

касалликлари ва ундан ташқари сийдик йўлларидаги касалликларда микробларнинг юқорига—буйракка ўтиши оқибатида келиб чикади. Масаланинг учинчи томони, оралик нефрит бошланғич даврда серроз нефрит шаклида бошланади, сўнг йиришгли нефритга айланади. Бошланғич даврда тўғри даволанмаса, охирида йиришгли нефритга олиб келади. Ундан ташқари, сурункали нефритларнинг ривожланиш алгоритмини ишлаб чиқди ва бир тизимга солди. Асосий даволаш йўллариини ишлаб чиқиш лозим эди ва у ҳам ишлаб чиқилди.

Лекин бу ишлар осонликча бўлмади, олим кечаси-ю кундузи ишда бўлди, касаллар ёнидан кетмади, лабораторияда ишлади. Бир кун СС вазири Қ.Зоиров ва ректор Х.Хусановлар Москвадаги докторантлар ишларини ўрганишга боришганда, Одилжонни докторантлар ётоқхонасидан топишолмади (рўйхатда бор у лекин ётоқхонада тунамас экан). Уларда бошқача фикр туғилди. Раҳбарлар клиникага боришганда, уни иш устида учратишди ва улар адашганликларини ҳазил аралаш тап олишди:

– Биз бўлсак, Одилжон бирор жонининг уйида иссиқина жойда ётиб юргандир, деб ўйлабмиз, иш буёқда эканда, – кулишди улар. Булажак олим уларнинг гапидан бироз уялгандек бўлди:

– Ётоқхона узок, йўлга кўп вақт кетади, касалхона ёнидаги ертўладан жой топганман, жойим иссиқ. Кечалари касалларим олдига келиб кетишга, лабораторияда ишлашга осонроқ.

Эринмаган раҳбарлар Одилжон ётган жойини ҳам бориб кўришди ва ертўлага ишонч ҳосил қилишди, «жонининг жойи»-ертўлада бир пиёла чой ҳам ичишди.

О.Мухторов Москва 11 Тиббиёт институтида 1970 йилда ишини муваффақиятли химоя қилди, ўша даврнинг машхур олимлари, Мехнат Қаҳрамони академик А.Я.Абрамян, профессорлар А.Я.Долецкий, Ю.М.Панциревлар ишга юқори баҳо бердилар. Кейинги йилда олим фан доктори ва ундан сўнг профессор унвонига сазовор бўлди.

Олим Тошкентга келгач, вазирлик уни ТошМИ урология кафедрасига мудирлик лавозимига йўллади. Ректор Ў.Орифов уни яхши қабул қилди, «менга буйрак касалликлари бўйича маслаҳатчи бўласиз» деб, уни жарроҳлик кафедраси урология курсига раҳбар этиб тайинлади. Янги лавозимда ишлар қизиқ кетди. Тезликда жарроҳлик кафедраси қошида Буйрак маркази очилди. Амалий ишлар илмий асослана бошлади. У бир вақтнинг ўзида ССВ да Бош

уролог вазифасида ишлай бошлади. Республика урологлари жамиятининг раиси этиб сайланди.

О. Мухторов урология соҳасида ўзбеклардан чиккан биринчи фан доктори эди, уни сўровчилар ҳам кам эмасди. Икки йилдан сўнг, уни Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтига-ТВМОИ урология кафедрасига мудир лавозимига ўтказишди. Мақсад Республика учун малакали кадрлар тайёрлаш эди, чунки урологик касаллар кўпайиб, уни даволаш йўллари ҳали ҳамма ерда ҳам талабга жавоб бермасди.

ТВМОИда урология бўйича қабул қилинганлар икки ойдан ўқий бошлашди. О.Мухторов бутун Республикадаги урологик хизматни ва талабларини ўрганиб чиқди. Кафедрани шунга кўра жиҳозлади, урологларнинг малака ошириш жадваллари ишлаб чиқилиб, махсус ўқишлар ташкил этилди. Ўқиб ишлари билан илмий ишлар йўлга қўйилди. У 1978 йилда шогирди И.Болгарский билан «Троакар цистотомия» китобчасини нашр этди, шогирдлари билан 1986 й. «Простата безининг сурункали яллиғланишини даволаш» учун ускуна яратди ва бу ихтиро учун муаллифлик патентини олди. Олим шогирдлари билан буйрак ва сийдик йўли касалликлари, пуштсизлик, простата ва бошқа жинсий аъзолар касалликлари сабабларини ўрганиш ва даволаш бўйича анчагина ишлар қилди. У бир неча фан номзодлари ва докторларини, амалиётда ишлайдиган юзлаб малакали урологларини тарбиялади.

О.Мухторов яхши таржимон ҳам эди. У 1965 йили «Гистология», 1975 йили «Урология» дарсликларини, 1980 йили «Урологик касалларни парваришлаш» кўлашмасини ўзбек тилига таржима қилиб савобли ишга кўл урди. У Иттифок ТФА қошидаги «Урология ва нефрология» бўйича Илмий кенгаши, «Урология ва нефрология», «Ўзбекистон тиббиёт ҳамда ЎзФА» «Фан ва турмуш»каби журналлари, Катта Ўзбекистон Комуси тиббиёт бўлими таҳририй хайъатининг аъзоси эди.

Олим ўзининг сўнги кунинда ҳам малака оширувчилар билан бирга операция столида ишлади, эртаги ишлар, янги операция учун режалар тузди, бироқ бевакт ўлим уни эрта олиб кетди.

*Қанча-қанча хасталарга бўлардинг малҳам,
Ўз касбинга садоқатли бўлганинг учун.
Ачинмайин куйинмайман бўлурли ахир,
Бу ҳаётдан жуда эрта кетганинг учун.*

Уша куни унинг дўсти, профессор Фозил Жўраевич Тўлаганов шундай сатрлар битганди. Комил инсон, малакали шифокор ва сапъатсевар Одил Мухторовдан тўрт фарзанд, ўн певара ва қанчадан-қанча хайрли ишлар қолди. У ҳақда шогирди, профессор уролог Асилбек Ғайбуллаев, дўстлари—стоматолог Миржамол Мирёкубов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ва бошқалар доимо илик сўзлар айтиб юрадилар.

Эркин Турсунов

РИЗАЕВ МАРАТ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ар-
боби, профессор Ризаев Марат Нишонович
физиатрия соҳасида йирик олим ва Республи-
када тиббиёт фанини ривожлантириш ва ма-
лакали тиббий мутахассисларни етиштириш-
га катта ҳисса қўшган йирик тиббиёт ташки-
лотчиларидан бири ҳисобланади. У умри да-
вомида каерда ишлагани, тиббиёт фанини
ривожлантириши, тиббий таъхисларни тўғри
қўйиши ва сифатли даволаш ишларига алоҳида
эътибор берадиган ташаббускор инсон эди.

М.Ризаев 1933 йида Тошкент шаҳрида туғилган, ўрта мак-
табни ва ТошМТИни имтиёзли битирган, олимлик даражасига етиб
келгунча ТошМТИ да Туберкулёз кафедрасида аспирант, ординатор,
ассистент, доцент лавозимларида ишлаган. Кейинчалик ТошМТИ
туберкулёз кафедрасида, сўнг ТошПТИ туберкулёз кафедраси
раҳбари бўлган. Камини Марат акани ТошПТИда ишлаган вақт-
ларидан яхши билардик. У ўта камтарини, камгап, илмий кенгаш
ийгишларида аниқ ва муаммоли масалалар қўядиган, илмий муам-
моларда долзарб масалаларни ажрата оладиган ва уларни ечиш
йўллари билладиган инсонлардан эди. Шунинг учун бўлса керак,
1974-84 йиллар давомида у Бутуниттифок ТМА Хирургия Маркази
Тошкент филиалида илмий ишлар бўйича директор муовини ва бир
вақтда рентгенрадиология бўлими бошлиғи бўлиб ишлади. Бу катта
даргоҳда у бутун илмий ишларини бошқара билди ва филиал
салоҳиятини кўтаринга катта ҳисса қўшди.

Кейинги уч йил ичида олим Республика ССвазирининг муо-
вини лавозимида ишлаб, мамлакат қўламида тиббий илмни
бошқарди. 1987-91 йилларда Бутуниттифок Иммунология институ-
тути Тошкент филиалининг директори вазифасида ишлади. У рент-
ген нур ташхисида йирик мутахассис сифатида хориж ва ўлка тиб-
бий журналларида 140дан кўп илмий мақолалар, чоп этди, 6 та па-
тент ва 2 монография муаллифи бўлди.

М. Ризаев Республикада Хирургия маркази ва Иммунология
институтини шакллантириши ва ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг фа-
ол ташаббуси билан Республикада ОНТС хизмати яхши йўлга
қўйилди, ССВ қошида Республика ОНТС маркази ташкил этилди,

турли шаҳарларда ОНТС га қарши кураш бўйича қатор тадбирлар ташкил қилинди.

У ташаббускор олим сифатида дунё тиббиёти амалиётида биринчи марта болаларда мураккаб юрак порокларида оксил-кўмир кислота кўпикларини ишлаб ва Болгарияда бўлиб ўтган Жаҳон кўргазмасида Фахрий диплом билан тақдирланди. Олим «Иттифок ихтирочис», «Соғлиқни сақлаш аълочис» кўкрак шишонлари билан тақдирланган.

1991 йилдан Тиббий-Санитар Қисмда (ТСК) ишлаб, Ташки алоқалар бўлимини бошқаради, Ўзбекистонда аккредитация қилинган Дипломатик корпус хизматчиларига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича жавобгар бўлди. Қисмда Марказий илмий текшириш лабораторияси (МИТЛ) бошлиғи ва ТСК илмий кенгаши ранги муовини вазифасини ҳам бажарди.

1998–2008 йилларда М. Ризаев биринчи марта Республика ИИБ Академиясида «Врачгача ёрдам» кафедрасини ташкил этди ва уни ўн йил давомида бошқарди. Кафедранинг моддий техника, ўқув куруллари, етарли адабиётлар билан таъминлади. Янги тузилган кафедра тезликда илгор кафедралар қаторига чиқди ва замонавий талабларга жавоб берадиган бўлди.

Олим кейинги йилларда ва умрининг охиригача Ўзбекистон Врачлар Ассоциациясида «Ўзбекистон ВА бюллетени» журналининг масъул котиби сифатида фаоллик кўрсатди. Бу ерда ҳам у ташаббус кўрсатиб, «Амалиёт шифокорига ёрдам», «Тиббий таълим», «Умумий амалиёт шифокорига» каби янги рубрикалар очиб, журналнинг салоҳиятини оширишга ёрдам берди. Камтарин инсон, ташаббускор олим, ғамхўр устоз қалбнингизда мангу яшайди.

Эркин Турсунов



ТОҲИРОВ КАРИМ

«Ўзидан яхши хотиралар қолдирилган инсонлар умрбоқийдирлар»

Шамануил Каит, олмон файласуфи

Севимли дидримизда болалар жарроҳлиги фани ва амалиётига илк тамал тошини қўйган инсон тиббиёт фанлари доктори, профессор Карим Ҳожиевич Тоҳировдир. Тошкент шаҳрида тугилган. Отаси Тошхўжа ва онаси Ойшабиби замонасининг зиёли кишиларидан бўлишган. Ёшлигида буйрак тош касаллиги билан оғрини жарроҳ касбини таълашга сабаб бўлади.

Домланинг ўзлари болалиги ҳақида шундай ҳикоя қилади:

Бир кун тош ётқизилган кўчадан аста-секин борардик. Бирдан ғала-говур тиниб, кўча сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Мен ҳайрон бўлиб атрофга қарадим, кўча бошидан келаётган икки аскар ва бир маҳбусга кўзим тушди. Маҳбуснинг сочи ва соқоли ўсиб кетган, кийимлари увода ва йиртик, қўллари кишанланган, оёқларида ҳам кишан. Аскарлар милтиқларининг пичоғи нақ унинг елкасига тақалган. Маҳбус ҳар қадам ташлаганда унинг қўл-оёғидаги кишанлар тошдан-тошга урилиб, ажабтовур товуш чиқарди. Кўзларимда ёш билан уларга узок тикилиб қолдим. Отамнинг: «Кетдик, ўғлим», деган сўзларидан кейини ўзимга келдим. Яна озрок юрганнимиздан кейини салобатли дарвозага яқинлашдик. Дарвоза ичида чиройли манзара кўзга ташланарди: мен қувониб кетиб, ҳозиргина бўлиб ўтган кўпгилсиз воқеани эсдан бироз чиқаргандек бўлдим. Отамга: «Ичкарига қирайлик», дедим. Аммо отам кўрслик билан мени бошқа тарафга бошлади. Мен йиғлаб юбордим, аммо отам мени юпатишга ҳаракат ҳам қилмади. Мен бунинг маъносини орадан йиллар ўтибгина англаб етдим. Мен ўша пайтлари бу кунгурдор дарвоза тепасига «Сартам, солдатам и собакам вход воспрещается» деб ёзилганини қайдан билай...

Карим Тоҳиров Маданий оқартув институтига ўқишга кириб, уни 1927 йилда тугатиб Самарқандаги Олий Педагогика Академиясига ўқишга борди. Опилавий кийинчилик билан у ўқишни давом эттиролмади ва қайтиб келиб оилага қарашди. Илмга чапқоқлик уни Ўрта Оснэ Давлат унниверситетининг тиббиёт факультетига етаклади.

Карим Тохиров 3-курсда ўқиб юрган даврларидаёқ куйи курс талабаларига нормал анатомиядан сабоқ бера бошлади. Ҳатто, иш шу даражага бориб етдики, у профессор Циммерманнинг шахсан илтимосига кўра, маърузаларни ўзбек тилига ўгириб бера бошлади. 1932 йилда дорулфунунни имтиёзли диплом билан тугатиб Нормал анатомия ва топографик анатомия кафедра аспирантурасида ўқишга қолди. Шу билан бирга профессор П.Ф. Боровский ва М.А. Астровларнинг раҳбарлигида жарроҳ –ординатор лавозимида амалий билимларини ҳам ошира борди.

Домланинг эътирофларига кўра, номи дунёга машхур олим, госпитал хирургияси кафедраси мудирини П.Ф. Боровский уни кўриб жуда хурсанд бўлган ва шундай деган: «Мен сизни –ўзбеклар орасида етишиб чиққан биринчи жарроҳни чин қалбимдан табриклайман. Энди, сиз билан бирга ишлаймиз. Факат сиздан битта талабим бор–хирургияни шундай ўрганингки, унинг сиз билмаган бирорта соҳаси қолмасин».

К.Тохировни 1934 йили Термиз шаҳрида ташкил этилган 75 ўринли Округ госпиталининг хирургия бўлими мудирини лавозимига юбордилар. Республикаимизнинг бу чекка ҳудудларида ўта жонбозлик билан фаолият юритди, кўплаб беморларни ўлим чангалидан қутқарди. Аммо, илмга чанқоқлик уни Тошкентга қайтиб келишга ундади ва 1936 йили у ТошМИ хирургия кафедраси ассистентлигини лавозимига қайтиб келди. 1938 йили Тошкент Фармацевтика институтига директор лавозимига тайинланди ва бир вақтда хирургия кафедрасида номзодлик диссертацияси устида ишлади.

Иккинчи Жаҳон урушининг дастлабки кунлариданок операция вазнининг командири лавозимида ишлай бошлади. 1941 йилнинг кузида Вязма шаҳри яқинида огир контузияга учраб касалхонага тушди, даволанди ва яна урушга қайтиб, 225–санитар поездига бош шифокор этиб тайинланди. Лекин контузия уни урушда қолишига тўсқинлик қилди ва у харбий хизматдан озод этилди. Тошкентга қайтиб илмий-амалий ишини давом эттирди. К. Тохиров Тошкентга қайтиб келганидан кейин «Кичик ёшдаги болаларда айрисимон без топографиясининг ўзига хослиги» мавзуида фан номзодлиги диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 1942 йили уни ТошМи госпитал хирургияси кафедраси доцентлигига қабул қилдилар.

1943 йилдан Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарини ва Республика бош жарроҳи этиб тайинланди, 1945 йили «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирланди.

Урушдан кейинги йилларда тиббиёт олийгоҳларида ўқиш 6 йиллик қилиб белгиланди. Республикада туғилиш кўрсаткичлари анча баланд, болалар мутахассисликлари етишмасди. Республика раҳбарияти айти шу талабларни эътиборга олган ҳолда ТошМИ педиатрия факультетида Ўрта Осиёда ягона болалар хирургияси кафедрасини очишга қарор қилди. Бу иш К. Тоҳиров зиммасига юкланди.

У кафедранинг ташкил этиш билан Ўзбекистонда болалар жарроҳлиги мактабига асос солди, нафақат болалар жарроҳи бўлибгина қолмасдан, балки болалар анестезиологиясининг ҳам билимдони эди.

1958 йили К. Тоҳировнинг болаларда учрайдиган буйрак – тош касаллиги муаммолари ечими хусусидаги маърузаси Тбилиси урологлари анжуманида катта баҳо берилди. 1961 йили «Ўзбекистонда болалар орасида буйрак-тош касаллиги» мавзuida докторлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, шу номдаги монографияни ҳам чоп эттирди.

Домла бу касалликни ташхиси ва давоси борасида бир қанча ихтиролар ва кашфиётлар қилди. Жумладан, ковуқ ёки пешоб чиқариш каналида тош тикилиб қолганида бола олатини тинимсиз ушлашини илк бор тавсифлаб берди, бугунги кунда бу аломат «Брюн-Тоҳиров» симптоми номи билан илмий адабиётларга киритилган. Шу билан бирга ҳанузга қадар пешоб чиқариш каналига тикилиб қолган тошни жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш аъъанага кирганди, бу операциядан кейин эса аксарият ҳолларда уретра торайиб қолиб, беморга умрининг адоғига қадар адабсиз изтироблар берарди. Устознинг бу борадаги ихтироси эса бола азоб-уқубатларини камайтириб, даво натижалари самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Усулнинг моҳияти қуйидагича; 10,0 мл лик шприц илиқ глицерин эритмаси билан тўлдирилиб, пешоб чиқариш канали ташқи тешиги орқали катта босим билан юборилади, натижада тикилиб турган тош кавуққа қайтиб кетиб, пешоб оқими раванлашади, энди уни режали равишда ҳеч қандай асорат бермасдан олиб ташлаш мумкин. Операциядан кейинги даврда уретра фаолияти бузилмайди.

Кўриниб турибдики, ушбу усул ниҳоятда оддий ва содда, шу билан бирга юқори самара беради. Устознинг монографиясида бу каби осон ва самарали усуллар кўплаб келтирилган бўлиб, орадан ярим асрдан кўпроқ давр ўтганлигига қарамадан ҳанузгача

Ўзбекистон Республикаси болалар хирурглари ва урологлари учун қўлланма сифатида кадрларни келишимокда.

Домла операция қилганларида аксарият ҳолларда бармоқлари билан ишлардилар, — эслайдн Тоҳировнинг муносиб шогирдларидан бири Ж.Бекназаров. Домламиз ҳар қандай тиббий асбоблардан кўра бармоқларини афзал кўрардилар. Бармоқ сезади, тўкималарни эзмайди, шикастламайдн, деб бот-бот такрорлардилар. Операция маҳалида бу қайси қон томирн ёки асаб тутамн эканлигини айтиб, яна қайси тармоқларга ажралнб кетишини тушутириб берардилар.

К. Тоҳиров яратган улкан мактабнинг асосий йўналиши 4 та бўлган:

1. Болаларда буйрак-тош касаллиги муаммоларни.
2. Болаларда эхинококкоз касаллиги.
3. Болаларда учрайдиган хирургик инфекциялар.
4. Болаларда меъда-ичак тизими аъзоларининг тугма тараккиёт норасоликлари.

К. Тоҳировнинг ҳар бир йўналишда муносиб шогирдлари ва издошлари пайдо бўла бошлади. Жумладан, А.С Сулаймонов 1969 йили эхинококкозлар мавзунда изланишлар олиб бориб, диссертация ҳимоя қилди. 1971 йили Ю.Б Улливев «Юқори пешоб йўлидаги тошлар», И.И Исакаџонов «Болаларда ичак инвагинациялари» 1975 йилда эса Б.М Мирзақаримов « Болалардаги буйрак-тош касаллигида микроэлементлар алмашинувининг бузилишлари», Е.Н Хегай «Болаларда ўткир қатарал аппендицитнинг клиникаси ва диагностикаси» мавзунда номзодлик ишини ҳимоя қилдилар.

Домла илмий-амалий ҳамкорликларни ривожлантириш тарафдори эди. Шу бонсдан ҳам академик Ю.Ф Исаков, С.Я Долецкий, профессор А.Г Пугачев, В.М Державин, Э.А Степанов, Г.А Байров, Г.Т Пулатовлар билан кенг ижодий, илмий ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйган.

1975 йили Душанбе шаҳрида болалар хирургларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Домла ушбу анжуманда болаларда кам инвазив операцияларни қўлланн, катта жароҳат етказувчи операциялардан воз кечнш борасида улкан маъруза қилди. Унинг бу борадаги фикрлари жарроҳлар томонидан яхши қабул қилиниб, бугунги кунгача болалар хирургиясининг асосий хусусиятларидан бири сифатида таъкидланиб келишимокда.

К. Ҳ.Тоҳиров ва мамлакатдаги бошқа кафедра мудирлари орасида дўстлик ғоята самимий ва беғараз бўлган. Санкт-Петербург

Педиатрия Медицина институти болалар хирургияси, анестезиологияси, травматологияси ва ортопедияси кафедраси мудир, Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, жаҳон илм намояндалари орасида тан олинган машҳур болалар жарроҳи, 160 дан ортиқ фан номзодлари ва 60 дан ортиқ фан докторларига илмий раҳбарлик қилган марҳум профессор Гирей Алиевич Баиров билан домла ўртасидаги муносабатлар бунга мисол бўла олади.

Домла болалар хирургиясининг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилган 100 дан ортиқ мақола, 2 та монография муаллифи, 5 та тўплам муҳаррири, 1 та орден, 7 та медаль совриндори, 6 марта Ўзбекистон Олий кенгаши Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасида хизмат кўрсатган шифокор унвонларининг соҳиби бўлган.

Ўзбекистон Республикаси болалар хирургияси назарияси ва амалиёти бугунги кунда жаҳон андозалари даражасига чиқиб бормоқда. Бугунги кунда Республикада болалар хирургияси бўйича 26 нафар тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар. 60 дан ортиқ тиббиёт фанлари номзоди, доцентлар, 150 дан ортиқ олий тоифали болалар жарроҳлари, устознинг муносиб издошлари бўлиб, келажакимиз соҳиблари бўлмиш зурриёдларимиз саломатлигини муҳофаза қилишда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу эса келажак буюк Ўзбекистоннинг равнақи йўлида ижод ва меҳнат қилаётган ёш авлоднинг баркамол ўсиши учун мустаҳкам замин борлигидан, саломатлик посбонларининг устозлар ўғитиша оғишмай амал қилаётганлигининг яққол исботидир.

Алижон Зоҳидий

ҲАҚБЕРДИЕВ МАРДОН



Мардон Ҳақбердиев 1932 йил 30 мартда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ўрта мактабни 1948 йили олтин медал билан тугатиб, Самарқанд тиббиёт институтини 1954 йили имтиёзли диплом билан битирди. 1954 йилдан 1957 йилгача 2-Москва тиббиёт институтининг патологик физиология кафедрасида аспирантурада ўқиди. Олим академик А.Адо раҳбарлигида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 1957 йилдан 1972 йилгача Самарқанд тиббиёт институтида нормал физиология ва патологик физиология кафедраларида ассистент, сўнг нормал физиология кафедраси доценти ва кафедра мудири лавозимларида фаолият олиб борди. Илмий салоҳият йўлида иш олиб борган изланувчан етук мутахассис 1970 йилда тиббиёт фанлари доктори бўлди.

1972 йилда Тошкент педиатрия (Тошкент Ўрта Осиё педиатрия) тиббиёт институти ташкил бўлиши муносабати билан мазкур институтнинг патологик физиология кафедраси мудирлиги лавозимига ишга таклиф қилинди ва илк фаолиятини бошлади. Профессор Мардон Ҳақбердиев Ўзбекистонда ҳудудий аллергология муаммоларини ҳал қилиш зарурлиги масаласини биригчилар қатори кўтариб чиқди. Унинг таклифи билан 1958 йилда ҳудудий аллергология муаммоси билан шуғулланувчи ташаббускор гуруҳ ташкил қилиниб, Мардон Ҳақбердиевга бу муаммони ҳал қилиш ишларини жадаллаштириш топширилди. Албатта Ўзбекистонда тиббиёт фанини ривожланишида М. Ҳақбердиевнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлиб, илмий-амалий йўналишда ҳудудий аллергология муаммоларининг асосчиси ҳисобланади.

Олимнинг илмий изланишларининг фундаментал қисми экспериментал аллергологиянинг долзарб жиҳатларини ҳал қилишга бағишланган. У илк бор тез кечар ва секин кечар аллергик реакциялар этиологиясида ҳамда патогенезида ёшга хос хусусиятлар тўғрисида янги илмий маълумотларни аниқлади. Қисқа чизма бўйича махсус аллергеннинг катта дозаларини қўллаб специфик терапиянинг экспериментал андозалари яратилди, шунингдек, маҳаллий ўсимликлар хом ашёсидан олинган янги антиаллергик

воситалардан фойдаланиб носпецифик терапиянинг экспериментал модели ишлаб чиқилди. Таъкидлаш муҳимки, олимнинг худудий аллергологиянинг амалий жиҳатларига бағишланган илмий ишларининг моҳияти нихоятда каттадир. У шогирдлари билан биргаликда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилаётган болалар ва катта ёшли қишлоқ ва шаҳар аҳолиси орасида аллергик касалликларнинг эпидемиологияси хусусиятларини биринчи бўлиб аниқлади. Тошкент вакцина ва зардоблар ИТИ негизида худудий аллергенларни саноат йўлида ишлаб чиқариш технологияси яратилди, болалар ва катта ёшли аллергик касалликлар билан хасталанган беморларни специфик ташхиси ҳамда даволашнинг янги қизмалари ишлаб чиқилди. Шунингдек, 15 дан ортиқ специфик худудий аллергенларни ажратиб олиниши ва улар соғлиқни сақлаш соҳасига жорий қилинди. Ва давлатимиз томонидан бу муваффақиятли фаолиятлар бронза ва кумуш медалларига сазовор бўлди. Аллергик касалликлар билан хасталанган болаларни специфик даволашнинг янги электрофоретик усулини ишлаб чиқиб, уни амалда қўлланилиши кашфиёт сифатида тан олинди ва Мардон Ҳақбердиевга авторлик гувоҳномаси берилди.

Профессор М.Ҳақбердиев соғлиқни сақлашни ташкил қилишда ҳам фаол иштирок этиб келган. Унинг раҳнамолигида 1963 йили Самарқанд шаҳрида 2-шаҳар поликлиникаси негизида биринчи ихтисослаштирилган аллергик кабинет ташкил қилинган эди. Сўнг ўша вақтда Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг мудирини бўлиб ишлаган С.Ориповнинг буйруғига биноан бу аллергологик кабинет Самарқанд вилоят 1- касалхона қошидаги вилоят аллергологик марказига айлантирилди. Айтиш муҳимки, ўша вақтларда шифокорлик ихтисосликлари орасида шифокор-аллерголог йўқ эди. Сўнг фидойи инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан бундай ихтисослашган аллергологик даволаш-профилактика кабинетлари юртимизнинг бошқа шаҳарлари ва Нукус шаҳрида ҳам ташкил қилинди. 1972 йили Тошкент шаҳрида иккита республика аллергологик маркази—бири катта ёшли беморлар, иккинчиси болалар учун очилди. Ҳозир республикамизнинг деярли барча вилоятлари марказларида аллергологик кабинетлар мавжуд ва беморларга юқори малакали ихтисослашган аллергологик даволаш-профилактика ёрдами кўрсатилмоқда.

Камина М.Ҳақбердиев, ҚҚ ФА академиги Т.Ешчановлар билан бирга ҚҚ нинг Конликўл туманида бўлганмиз, экологик, аллер-

гик вазият оғир худуд. Шунда Мардон ака: «Шу худуддан менга тиббиёт ходимини топиб беринг, аллерголог қилиб тайёрлайман», деб колдилар. Устоз сўзида турди, Корақалпоғистон учун бир эмас учта аллерголог тайёрлаб берди.

Профессор М.Ҳақбердиев республикамизнинг тиббиёт институтларида аллергология курсларини ташкил қилинишида фаол иштирок этиб келди. Ва айни кунда ушбу курслар Тошкент педиатрия тиббиёт институти (мудирни доцент И.Юлдашев) ва Тошкент тиббиёт академияси (мудирни профессор А.Назаров) негизда муваффақият билан ишламоқда.

Олимн Ўзбекистонда биринчилар каторида аллергологлар мактабини яратди. Ўз фаолиятида ватанимиздаги аллергологиянинг минтакавий хусусиятлари, этиологияси, патогенези ва даволашнинг специфик ва носпецифик усулларини ўрганди ва шогирдларига ўргатди. Унинг раҳбарлигида 7 нафар фан доктори ва 50 нафардан ортик фан номзоди тайёрланди. Ўқув ва илмий йўналишлар бўйича унинг раҳбарлигида Россия, МДХ давлатларининг етакчи илмий марказлари ва тиббиёт институтлари билан ижодий алоқалар ўрнатилган эди ва бу алоқалар давом этмоқда. Устозимиз Мардон Мухамедович Ҳақбердиев олим ва педагог сифатида ҳавас қилса арзигулик инсон эди. Шогирдлари ва ҳамкасблари билан самимий, дўстона муносабатда бўлар, ўқиш ва илмий ишларни ривожлантириш бўйича тинимсиз изланишда бўлиб, ўқиш жараёнига янги ўқув технологияларини биринчилардан бўлиб киритар эди.

Устозимиз Мардон Ҳақбердиев фақатгина тиббиёт соҳаси бўйича эмас, шунингдек тарих, адабиёт, фалсафа, маънавият соҳалари бўйича чуқур билим соҳиби эди. У кишининг порлоқ хотираси ҳамкасблари, шогирдлари калбида абадий яшайди.

Эркин Турсунов

ХУДОЙБЕРДИЕВ РАҲИМ



Раҳим Эгамбердиевич Худойбердиев тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. Ўзбекистон анатомия мактабининг асосчиларидан бири, машҳур морфолог анатом, МДХ анатомлар, гистологлар ва эмбриологлар илмий жамияти Тошкент бўлимининг доимий раиси ва ЎЗР АГЭ жамияти раиси ўринбосари эди.

Р.Э.Худойбердиев 1922 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1943 йил Тошкент тиббиёт институтини битириб, одам анатомия кафедрасида аспирантурада ўқиди, кейинчалик докторант бўлди ва унинг бутун хаёти ва ижоди шу одам анатомияси кафедраси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Профессор З.Г.Слободин раҳбарлиги остида «Чанок чигалининг анатомияси» номли помзодлик диссертациясини бажариб, 1947 йил уни муваффақият билан ҳимоя қилди ва 1950 йили Тошкент Давлат Тиббиёт институти нормал анатомия кафедрасининг доценти қилиб тайинланди. 1951 йил сентябрдан ана шу кафедрага мудирлик вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

Ижодий изланишлар ва текширув фаолиятига бўлган интилиш Р.Э.Худойбердиевни эришилган ютуқлар билан қаноатлантириб қўймади ва у 1953–55 йилларда академик В.Н.Терновский раҳбарлиги остида докторантурани ўтди. 1957 йилда «Оёқ нервларининг артериал кон билан таъминланиши» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади.

Р. Худойбердиев 1960 йили Тошкент Давлат Тиббиёт институти нормал анатомия кафедрасининг мудирини этиб сайланди. Энди у мустақил илмий йўналишни таплади. Шу йилларда морфологик ангиология яхши ўрганилган эмас эди ва у бу соҳани чуқур ўрганишга киришди, чунки у ўз докторлик ишида томирлар хақида анчагина маълумотлар тўплаган ва муаммоли жойларни билар эди.

Р.Худойбердиевнинг 50-йилларда олиб борган дастлабки текширувлари чанок чигалининг ўзгарувчанлигини, унинг тармоқлари шаклланиши муаммоларини ўрганишга бағишланган. У чанок чигалининг шакллари ва гавда тузилиши орасида катта боғлиқлик

борлигини аниқлади ва бел-думгаза чигали шаклларини туркумларга ажратиб берди. Оёқ нервлари қон билан таъминланиши манбаларини ва уларга қон келиши бузилишининг сабабларини ўрганиш учун ўтказилган экспериментал тажрибалар олимга қон келиши бузилишининг натижаларини ва йирик тўқималарида қон келиши бузилиши натижасидаги неврологик касалликларни чуқур ўрганиб чиқишга имконият яратди. Олим нерв стволидаги томирлар бузилиши окибатида невралгия-нишиас каби симптомлар пайдо бўлишини биринчи бор морфологик жиҳатдан асослаб берди.

60-йиллардан бошлаб Р. Худойбердиев раҳбарлигида одам анатомияси кафедрасининг жамоаси қон-томирлар тизимининг функционал анатомияси ҳамда қон ва лимфа айланиши бузилиши натижасида айланма йўлларнинг ривожланиши масалалари бўйича чуқур илмий изланишлар олиб борди ва бу соҳада қатор янгиликлар жорий қилинди, механизмлар ишлаб чиқилди, илмий-амалий тавсиялар берилди.

Илмий ишлар режасини тузишда, илмий мавзулар тайёрлашда профессор Р.Худойбердиев раҳбарлигида жамоатчилик соғлигини сақлаш манфаатларини назарда тутган ҳолда, илмий изланишларни амалий тиббиётдаги аҳамияти ва қандай наф келтиришини эътиборга олган ҳолда ёндошилди.

Бўқокни даволашда жарроҳлик усулини қўлланиши боис қалқонсимон безнинг артериал қон томирларини О.Т.Оқилов соғ одамларда ва бўқок касалига чалинган беморларда ҳар томонлама ўрганди. Қалқонсимон безни қон билан таъминловчи артериал томирларни боғлаганда безда рўй берадиган ўзгаришларни Т.М.Миродилов профессор Р.Э.Худойбердиев бошчилигида тажрибада кузатиб, ана шу мавзуларда номзодлик диссертацияларини муваффақият билан ёқладилар.

Жароҳат туфайли қон айланиши бузилган ҳолда одам организмда турли сабабларга кўра коллатерал йўл билан тикланиш муаммоси устида экспериментал усул ёрдамида илмий изланишлар олиб борилди.

Галдаги вазифа илмий ишларнинг самарадорлигини ошириш ва амалиётга татбиқ қилиш эди. Артерия, вена ва лимфа томирлари жароҳатланганда тажриба остидаги ит, қуёнларни жароҳатланган оёқларига деярли кўпчилик муолажалар ишлатиладиган усулларнинг таъсири кўриб чиқилди. Бузилган қон айланишини қайта тиклашда: фаол жисмоний ҳаракат, ультратовуш, УВЧ, диатермия,

балчиққа кўмиш ва шу кабилар қон айланишини тезлатишда ижобий натижа берган бўлса, аксинча турли хил (рентген, нейтрон, гамма) нурлар салбий таъсир қилиши аниқланди. Ички аъзоларда, турли экстремал ҳолларда, ана шу аъзонинг ўзида ва унга қўшни аъзолар бағридаги микро томирлар ўргана бошланди.

Жигарнинг нозик ва мураккаб тузилишини ўрганиш, жигарда ўтказилган жарроҳлик (резекция) дан сўнг аввало жигарнинг ўзида, қолаверса, жигарга қўшни ҳазм қилиш тизимига қирувчи аъзоларда рўй берадиган компенсатор-мослашиш жараёнини ўрганиш Ф.Н.Баҳодировга топширилди.

Илмий изланишлар чоғида барча мавжуд замонавий усуллар билан бир қаторда кафедрада ишлаб чиқарилган ва амалиётга жорий қилинган артерияни – қизил, венани – кўк ранга бўяб кўрсатадиган бихром қуйиш усули олим шогирдлари Х.Х.Комилов ва Ф.Н.Баҳодиров томонидан ишлаб чиқилди. Бу усул айниқса, жигарни қаватма-қават кесиб ўрганишда жуда қўл келди. Жигарни структур-функционал бирлиги 2-3 та жигар оддий бўлакчаларининг комплексидан иборат экани аниқланди ва «жигар комплекси» атамасини киритилди. Жигарни қаватма-қават кесиб ўрганиш эса, жигарда регенерация жараёни рўй беришини аниқ кўрсатди, илмий адабиётда биринчилардан бўлиб жигарда регенерация жараёнини кўрсатишга муваффақ бўлинди.

Ҳазм қилиш аъзоларида компенсатор-мослашув жараёнини ўрганиш учун, профессор Р.Э.Худойбердиев бошчилигида ошқозонни Бильрот-2 усули билан резекция қилингандан сўнг, ошқозон ости беши (Х.Комилов), 12 бармоқли ичак (М.Тешабоева), йўгон ичакда (Ф.Турдиев) рўй берадиган морфо-функционал ўзгаришларни ўрганиб чиқилди. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ошқозонда ўтказилган жарроҳлик аралашуви нафақат унинг қолган қисмида, балки меъда ости бешида, 12 бармоқли ичакда, оч ичакда, ёнбош ичакда, ҳатто йўгон ичакдаги микромирлар деворига кузатилган катта ўзгаришлар, организмга ташқаридан қиладиган таъсирга аъзоларнинг мослашиши компенсатор жавоби эканлиги аниқланди.

Профессор Р. Худойбердиев бошчилигидаги лабораторияда ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ қилинган Г.Г.Каспаров ўтказган тажрибалар ичакнинг катта бир қисмини (40-70%) олиб ташлаб ёки кесилган ичакни марказий учини унинг периферик учига учма-уч улаш (шунт) йўли билан (Ичакни кесилган қисмини ўз

жойида колдириб) ингичка ичакни «ишлаб турган» ва «ишламай турган» қисмларида рўй берадиган ўзгаришларни кузатиш имконияти туғилди.

Профессор Р. Худойбердиев бошчилигида М.Бўриев жигарда ўтказилган жарроҳлик аралашувидан сўнг, айниқса, ошқозоннинг шиллик қаватида катта мослашиш жараёни рўй беришини кузатди.

Профессор Р.Э.Худойбердиев лабораториясида оёқ-қўл ва шунингдек, ички аъзоларда қон ва лимфа айланиши бузилиши ҳолатларини ўрганиш учун анатомик, гистологик, биокимё ва физиологик замонавий услублар комплекси қўлланилди. Бундай комплекснинг қўлланилиши текширувчиларга аъзолар, тўқималар ва қон томирларда экспериментал патология вақтида намоён бўладиган морфо-функционал ўзгаришларнинг тўлиқ кўринишини бериш имкониятини яратди. Бу йўналишдаги изланишлар шуни кўрсатдики, рентген нурлари билан умумий нурланиш жабрлайди, лекин маълум миқдорда жисмоний таъсир қилиш, ультратовуш, электр тўлқинлар, УВЧ тоқлари; шифобахш лойлар қўллаш, аксинча артериал, вена ва лимфа тизимларининг қайта тикланиш жараёни ривожига стимул беради (рағбатлантиради). Шуни ҳам назарда тутиш керакки, маълум стимуляторлар маълум томирлар силсила-сига таъсир кўрсатади.

Сўнгги вақтларда Р.Э.Худойбердиевнинг бутун диққат эътибори ва ижодий куч-ғайрати гистология кафедраси қошидаги илмий лаборатория (лаб.мудир *ЎЗР* ФА академиги К.А.Зуфаров) билан биргаликда меъда ичак ва жигар резекциясидан кейин овқат ҳазм қилиш аъзоларининг компенсатор мослашув жараёнини ўрганишга қаратилди.

Ҳазм тизими аъзоларининг микроциркулятор томирларини коррозия воситасида ёруғлантириш, импрегнация, витал биомикроскопик ва сканерли электрон микроскопиянинг энг замонавий усуллари билан ўрганилди. Айрим аъзоларда фракцион қон оқиш текширилди. Томирлар морфологияси, шунингдек, гистологик ва электрон микроскопик текширувлар ўтказилди.

Функционал-эволюцион йўналиш, олинган далилларни фалсафий англамоқ ҳамда уларни реалистик диалектика ва морфогенезнинг эволюцион назарияси қонунлари нуқтаи назарида изоҳлаш Р. Худойбердиев бажарган ҳамма илмий ишларга хос хусусиятдир. Олим кўп йиллик илмий текширишлари натижалари 170 та нашр этилган мақолаларда, 16 та монографияда, ўзи ва шогирдларининг

жумхурият, МДХ ва халқаро симпозиумлар, съездлар, анжуманларда сўзлаган нутқларида ўз аксини топди. Профессор Р. Худойбердиев раҳбарлиги остида 3 та докторлик ва 40 дан ортиқ номзодлик диссертациялари химоя қилинди.

Р.Худойбердиевнинг илмий фаолияти унинг муаллимлик иши билан ҳамбарчас боғлиқ. У В.Н.Тонковнинг дарслигини ўзбек тилига таржима қилган, 1964 йилда эса муаллифлар билан биргаликда «Одам анатомияси» дарслигини ўзбек тилида ёзди. Бу дарсликдан нафақат Ўзбекистон олий ўқув юртларининг, балки бошқа Ўрта Осиё давлатларининг талабалари ҳам фойдаланишмоқда. Хозир ўқитишнинг давлат тилига ўтиши муносабати билан талабаларга зарур бўлган шу дарслик 1969 йилда иккинчи ва 1992 йилда учинчи марта қайта нашр этилди. Р. Худойбердиев анатомияни ўқитишга, дарслик, кўллапмалар ва маърузалар матнини яратишга катта аҳамият беради. Апа шу боис 1992–2001 йиллар мобайнида анатомиянинг деярли барча бўлимларини ўз ичига олган маърузалар матнини яратди ва китобча шаклида босмадан чиқариб амалиётга жорий қилди.

Сўнгги йилларда доцентлардан иборат муаллифлар гуруҳини ташкил қилиб, Республикамизда биринчи марта рентгеноанатомиядан маърузалар матни ва амалий машғулотлар ўтказиш бўйича услубий кўллапмаларни нашрдан чиқарди. Р. Худойбердиевнинг фактларга бой маърузалари, юқори помойишкороналиги ва оммабоплиги билан ажралиб туради. Улар талабаларни ўрганаётган материалларни чуқур қамраб олишга, ўйланишга ва мантикий фикр юритишга ўргатади.

Р. Худойбердиев талабалар, гуруҳлар билан шахсан ўзи рентгеноанатомиядан амалий машғулотлар ўтказиб борди. Таъкидлаш лозимки, анатомия кафедраси ўқув жараёнининг мувофиқлаштириш, такомиллаштириш бўйича институтнинг етакчи кафедраларидан бирига айланди.

Р. Худойбердиев илмий-педогогик фаолиятини жамоат иши билан муваффақиятли суратда бирга олиб борди. Турли йилларда ТошДавТИ педиатрия ва стоматология факультетларининг декани лавозимида ишлади.

У кўп йиллар давомида анатомлар, гистологлар ва эмбриологларнинг МДХ жамияти бошқармасининг аъзоси ва шу жамиятнинг Тошкент бўлими раиси бўлди. Умрининг охиригача ТошДавТИ «Нуроний» кенгашига раҳбарлик қилди.

Юкори малакали илмий кадрлар тайёрлашда улкан хизматлари учун Р.Э.Худойбердиев «ЎзРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлди ва кўпгина орден ва медаллар, фахрий ёрликлар билан мукофотланди.

Р. Худойбердиевнинг бутун ҳаёти ва меҳнат фаолияти Тошкент давлат тиббиёт институти билан боғланган. Унинг юзлаб шогирдлари даволаш муассасаларида, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тармоқларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқдалар.

Катта олим ва педагог Р. Худойбердиевга хос бўлган камтарлик, меҳнатсеварлик, инсонийлик, мақсад сарни интилиш, одамийлик ва ўзига бўлган талабчанлик хислатлари унга шогирдлари, институт жамоаси ходимлари ҳамда Ўрта Осиё ва МДХ морфологлари орасида унга катта хурмат ва обрў келтирди, уни йирик олим даражасига олиб чиқди.

*Эркин Турсунов.
Файзулла Баҳодиров*

ХОТИМАЎРНИДА

ТИББИЁТИМИЗ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Азиз ўқувчи!

Биз тиббиёт ҳақида гапирар эканмиз, унинг ўзи нима, қачон пайдо бўлган, ким томонидан яратилган деган саволларнинг туғилиши ҳам табиий. Энциклопедияда ёзилганидек, тиббиёт сўзинсон саломатлиги ҳақидаги фанларнинг мажмуаси—тизими деб олсак, балки аниқроқ бўлар. Аслида инсоният пайдо бўлибдики, эмпирик таботат тажрибаси тўпланиб бораверган. Инсоният тараққиёти билан баробар ушбу таботат тажрибаси аста-секин ривожланган. Бу соҳада айрим шахслар кўпроқ билим ва амалий кўникмага эга бўлиб, омма орасида эътиборга тушиши таботатда касбий йўналишга сабаб бўлган Чунки, инсониятда биринчи галда ўз саломатлигига эҳтиёж туғилган, шу туфайли, тиббий билимлар инсониятнинг ҳаёти давомида тўпланиб борган, оқибатда илмий тиббиёт учун замин пайдо бўлган..

Авалло тиббиёт, тиббий тушунчалар, тиббий далиллар, гоёлар маълум бир касалликнинг (шикастланиш, юкумли дард, асаб ёки ички касаллик бўлишидан қатъи назар), унинг даволаш, олдини олиш тўғрисидаги билимларни ўз ичига олиши ҳозирда деярли барчага маълум.

Бироқ узок ўтмишдан бошлаб ва ҳозирда ҳам тиббиётнинг тараққиёт даражаси доимо муайян бир давлатнинг, халқнинг ва миллатнинг шакл-шамойилига, маданиятига, ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий тараққиётига боғлиқ ҳолда ҳар хил даражада бўлган ва ҳозирда ҳам шундай.

Тиббиётни миллатнинг менталитетига мос ҳолда ўзбек, рус, немис тиббиёти, ёки мамлакатига қараб Ўзбекистон, Россия ёки Хитой тиббиёти дейилиши бу рамзий ва шартли маънода қўлланилади. Чунки тиббиётнинг асослари бир, бунинг устига миграция жараёнлари, яъни инсонларнинг бир давлатдан иккинчи давлатга кўчиб юриши, маданият, илм ва ахборотларнинг ўзаро алмашиб туриши, ахборотларнинг глобаллашуви дунё тиббиётини бирлаштирмай иложи йўқ. Яъни ҳар бир давлат ва унинг олимлари мамлакат ҳаётининг бошқа соҳалари каби тиббиётини ҳам ривожлантириш билан дунё тиббиёти тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган.

Бунда ҳар бир давлатнинг иктисодий, сиёсий мустақиллиги, қудрати, фаи ва маданиятнинг тараққиёт даражаси албатта муҳим роль ўйнайди.

Маълумки, буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг тиббиёт илмига оид ғоялари ўрта асрларда Европа кириб борган. Европа олимлари улар ибн Сино асарларини ўқиб, амалий жиҳатдангина эмас, балки илмий-пазарий жиҳатдан ҳам ўз тиббий билимларини ошириб боришган ва талабаларни ўқитишган. Европа университетларида беш юз йилдан кўп (айрим манбаларда стти аср давомида деб ёзилади) вақт давомида Абу Али ибн Сино асрларидан дарслик сифатида фойдаланишган. анча кеч бўлса-да, Европа тиббиёт илми асосчилари Гиппократ, Аристотель ва Галеннинг тиббиётга оид ғоялари ўз навбатида бизгача ҳам етиб келган. Демак, дунё тиббиёти тамаддунида, унинг тараққиётига ҳар бир халқ ёки миллат олимлари ўз мамлакати тараққиёти даражасидан келиб чиқиб, имкон қадар хиссаларини кўшиб келишган ва ҳозирда ҳам шундай.

Ҳар қандай фанни, шу жумладан, мукаммал тиббиёт илмини яратишга бир давлат ёки миллат қанчалик тараққий этган ва қудратли бўлмасин, қодир эмас. Тўғри, тиббиётнинг алоҳида бир соҳасини бирор бир мамлакатда нисбатан жадал ривожлантириш мумкин. Масалан, Тибетда халқ табobati барча давлатлардагига нисбатан устун. Аслини олганда, барча одамларнинг умумий тузилиши ҳам, касалликлар ҳам (ўлқавий, ҳудудий фарқларни шобатга олмасак одатда бир-бирига яқин бўлади.) Айниқса, ҳозирги ахборотларнинг глобаллашуви шароитида ҳар бир мамлакатдаги тиббий ютуқлар ва янгиликлар қисқа муддатда энг қамида 80-90 фоиз давлатлар тиббий амалиётига кириб боради. Масалан, бутун дунё чех олими Т.Шваннинг хужайра назариясидан, рус олимлари А.Максимовнинг қон яралишидаги унитар назариясидан, И.Мечниковнинг иммун назариясидан, И.Павловнинг нервизм назариясидан, ўзбек олими Ё.Туракуловнинг қалқонсимон без гармонлари ҳосил бўлиши тўғрисидаги янги альтернатив назариясидан фойдаланиб келади. Биз бундай қатта ёки кичик назария ва ғояларни санайверсак, уларнинг адоғи бўлмаса керак. Демак, дунё тиббиёти шу асосда яралган ва шу асосда тараққий этиб келмоқда. Бизнингча, фалсафа, маданият, санъат, адабиёт каби фаннинг бошқа соҳалари ривожидан ҳам шундай қонуниятлар мавжуд.

Бирок шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, ҳар бир давлатнинг ва миллатнинг илмий-иҷодий салоҳияти ҳеч вақт бир хил бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Чунки у, биринчи галда, шу давлатдаги ижтимоий-маънавий муҳитга, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ҳам боғлиқдир. Қандайдир бир давлатнинг бир ёки бир қанча олими шу давлатга, унинг халқига ўзининг бирон оламшумул кашфиёти, асари, илмий ғояси билан катта шон-шараф олиб келади ва дунё фани ривожига ўз ҳиссасини қўшади. Буни биз мамлакатимиз ҳудудида яшаб, иҷод қилган печачи печачи алломаларимиз мисолида кўриб келмоқдамиз.

Сир эмаски, ҳар қандай илмий ғоя, назария ёки амалий тажриба бора-бора умуминсоният мулкига айланади, бутун башариятники бўлиб қолади. Бу илмий ҳақиқат, кашф этилган қонуният дунё тараққиётига хизмат қилади, чунки бир илмий ғоя иккинчи бир янги ғояни, иккинчи ғоя эса ўз навбатида учинчи ғояни келтириб чиқариши ва чексиз давом этиши ҳам ҳақиқатдир. Бизга маълумки, дастлаб немис олимлари ирсият назариясини яратишди, шу асосда генетика фани пайдо бўлди. Ҳозиргача бу фан соҳасида бошқа давлатлар олимлари юзлаб янги ғоялар, назарияларни ишлаб чиқдилар ва чиқмоқдалар. Ўзбекистоннинг ўзидаёқ одам генетикаси бўйича ўнлаб янги ғоялар яратилган.

XIX аср бошларида Геккель асос солган Экология фанида юзлаб ғоялар яратилган ва ҳозирда бу фаннинг 20 дан кўп тармоқлари мавжуд. Уларнинг ҳар бирида янгиликлар яратилмоқда, билимлар трансформацияси вужудга келмоқда, шу асосда билимнинг янги соҳалари пайдо бўлмоқда. Мисол учун ер экологияси, ҳаво экологияси, сув экологияси ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ҳар бир мамлакатда тиббий илм тараққиёти бир қанча қонуний ва зарурий босқичларни босиб ўтган. Шундай давлатлар борки, уларда тиббиёт соҳаси олимлари кучли бўлгани учун, мазкур соҳа эртароқ ва шиддатлироқ ривож топган, фан ва маданияти, иқтисодиёти сустроқ давлатларда тиббиёт ҳам сустроқ тараққий этган. Масалан, Германияни олсак, у ерда олимларнинг тиббий салоҳияти ҳам, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий кудрати ҳам кучли бўлиб келган. Африка давлатларини оладиган бўлсак, ҳалигача айримларида тиббиёт ўта заиф, тиббий таълим, тиббий илм у ёқда турсин, ўша Л.Пастер яратган эмлаш ва касалликни олдини олиш тушунчаларини ўзлаштириш ҳам орқада. Шунинг учун бўлса керак, айрим Африка давлатларида яқин-яқингача ўртача умр кўриш 50

ёшдан ошмагани кайд этиб келинар эди.

Масаланинг яна бир муҳим жихати, одатда бирор бир фаннинг тараккиёти албатта бошқа фанлар тараккиётига асос бўлади, ёки бир фан иккинчи фан ривожига асос бўлиб хизмат қилади. Бу ҳол баъзан бир давлат ичида кузатилса-да, давлатлараро кўпроқ учрамоқда. Физика фанининг оптика соҳаси ривож топмаганда, испан олимлари Роберт Гук ва Антони ван Левенгуклар микроскопни яратмаган бўлардилар ёки бўлмаса, ҳозирдагидек тиббиёт ва биологиянинг ривожига жуда катта ҳисса қўшаётган микроскопларнинг 20 дан кўп хили ихтиро этилмаган бўларди. Электрон микроскоп бутун ҳужайра биологияси ҳақидаги тушунчаларни тубдан ўзгартириб юборди ва ҳужайра биологиясини янги сифат даражаси—молекуляр биологияга олиб чиқди. Ёки бўлмаса биокимёгарлар ихтиро этган антиген тушунчаси бўлмаганда, инсонлар кеннинг тўртта гуруҳи маълум бўлмаган ва нотўғри қон қуйишдан, қон гуруҳлари бир-бирига зид бўлган қанчадан-қанча касаллар бевақт ўлиб кетган бўларди. XXI аср бошларида янги яратилган конфокал микроскоп ҳужайра ичидаги макромолекулаларнинг, органеллаларнинг фаолият жараёнини кўрсатиб бермоқда. Келажакда ҳужайра ичида меъра ва касалликда қандай жараён кетаётганини билишимиз имконияти тобора яқинлашмоқда.

Биз сўзни узок тарихдан бошлаб келаятимиз бежиз эмас, ватанимизда ҳам тиббиёт илмининг шаклланиши ва тараккиёти тарихи шундай ўзаро узвий босқичларни босиб ўтган, узок ва яқин аждодларнинг ғоялари асосида янги ғоялар пайдо бўлган. Энг муҳими, Ўзбекистон ҳудудида яшаб ижод қилган буюк алломаларимизнинг шарафли йўлларини, уларнинг дунё тап олган ўлмас асарларини, хорижий давлатлар тиббиёти ютуқларини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланган ҳолда, янада чуқурроқ изланишлар орқали оламшумул янгиликлар яратиш каби қатор жараёнлар ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида тиббиёт илми ривожланиши тарихини йирик тўртта даврга ажратиш мумкин. Бирок биз ушбу тарихнинг турли қирраларини ҳисобга олсак, бу даврларнинг сони кўплиги аён бўлади. Булар:

1- давр. Бундан 2,5-3 минг йиллар илгари қадимги Хоразм ҳудудида яратилган «Авесто» китобида тиббиётга тегишли жуда кўп фикрлар мавжуд бўлиб, уларда тап, тозалик, гигиена, касалликларнинг олдини олиш тўғрисида ва бошқа айрим тиббий-

физиологик маълумотлар берилган. Демак, ҳозирда мавжуд маълумотларга кўра, инсоният тарихида энг биринчи тиббий илмий маълумотлар ҳозирги Ўзбекистон худудида яратилган десак, хато бўлмас, чунки Европа тиббиёт илми асосчилари деб тан олинган Гиппократ, Аристотель ва бошқа йирик олимлар «Авесто» китоби яратилгандан сўнг дунёга келганлар. Эрамиздан олдин IУ асрда Ўрта Осиёга бостириб кирган Александр Македонский 12 минг мол терисига олтин суви билан ёзилган «Авесто»нинг тиббиётга оид қисмларини юнон тилига таржима қилдириб бекорга ўз юртига олиб кетмаган. Энг даҳшатлиси, китобнинг маҳаллий халқ маданият-маънавий ҳаётига тегишли бўлган кўп қисмини ёқиб юборганлиги тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. Бу мисол айрим подшоҳларнинг илм-фан тараққиётига эътиборсизлигидан, илм фан тараққиётига хатто тўғанок бўлганликларидан дарак беради.

Кейинчалик Европа олимлари – Гиппократ, Аристотель, сўнгра Гален, Везалий, Леонардо Да Винчи, Каспр Вольф каби алломалар тиббиётнинг «морфология», «физиология», «эмбриология», «жар-роҳлик» каби муҳим соҳаларида кўп асарлар яратганлари маълум. Улар янги-янги фикр-ғоялар қолдирдилар, айрим фикрлар (айниқса, эмбриология соҳасида) нотўғри бўлса-да, лекин аниқ бир нарсани билишга иштилоқнинг ўзи ҳам катта аҳамият касб этган, чунки бу инсоний ҳақиқатлар кейинги издошлар томонидан аста-секин тўғрилишиб бораверган. Масалан, эркакнинг шаҳвати аёл қони билан қўшилишдан ҳомила ҳосил бўлади ёки эркак уруғида одамчалар бўлади улар аёл организмига ўтиб, ҳомила ҳосил бўлади, деган хато тушулчалар бир неча юз йиллаб ҳукм суриб келган ва бу каби янгилишувлар кейинчалик тўғриланган.

Энди шу ерда бир чекиниш қилсак, УII аср бошларида Аллоҳ томонидан Ерға туширилган муқаддас манба–Қуръони каримда ҳам жуда кўп тиббиётга тегишли оятлар борлиги ҳаммага маълум. Биз ишончамизки, бу оятлар буюк алломаларимиз ижодий камолотида ҳам маълум даражада ижобий роль ўйнаган, иккинчидан, УI–УII асрларда Қуръони карим Испания орқали бутун Европага тарқалиб, китъа фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган. Иккинчи томони, араблар Қуръони карим билан бирга араб тилига ўгирилган жуда кўп юнон олимлари илмий ғояларини ҳам олиб киришган. Чунки, шу асосда ҳозирда Шарқ Ғарб таъсирида эмас, балки Ғарб Шарқ таъсирида ривож топган деган ақидалар дунё бўйлаб баралла айтилаётганлиги бежиз эмас.

II - давр. IX–XII асрлар. Ўрта Осиёда фан ва маданият. санъат ва тиббиёт соҳасида уйғониш даври (буни иккинчи уйғониш даври десак ҳам бўлади). Чунки, бу даврларда Осиё китъасида Бағдодда табобат мактабига асос солган Абу Бакр ар-Розий, Марказий Осиёда Абу Али ибн Сино ва бир қанча тиббиёт илмининг буюк намояндалари пайдо бўлишдики, улар ўз асарлари, илмий гоёлари билан биргина минтақамизда эмас, балки бутун дунёга машхур бўлдилар. Энг қизиғи шундаки, бу олимлар биргина тиббиёт соҳасида эмас, балки илм-фаннинг деярли барча соҳаларида самарали ижод қилганлар. Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Чағмийий, Мирзо Улуғбек каби мутафаккирлар дунё илм бешигининг тебратган олимлар ҳисобланади. Биргина ибн Сино фаннинг ўндаи ортик соҳаси бўйича буюк илмий асарлар ёзганлиги дунёга маълум.

Хоразм Маъмур академиясининг фаолиятида тиббиётга катта эътибор берилган, Улуғбекнинг ўзи ўнга яқин тиббиёт соҳасига тааллуқли асарлар ёзган. Ар-Розий томонидан дунёда биринчи марта касаллик тарихини ёзиш амалиёти киритилган. Ар-Розий тиббиётнинг «анатомия», «физиология» каби соҳаларига оид 200 га яқин асар ёзган олим. У биринчи марта тиббиётда тор мутахассисликлар бўлиши зарурлигини тақлиф этган. Ибн Сино биринчи бўлиб, ишон саломатлигида ташқи муҳитнинг роли катталигига эътибор берган.

Бу қисқача тарихий маълумотлар, Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳаси ривожига каттагина роли борлигидан дарак беради. Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китоби билан тиббиётнинг ҳам назарий, ҳам амалий соҳаларини дунёда биринчилардан бўлиб, тўлиқ ва мукамал ёритиб берган. У касалликларнинг, жумладан; оғриқнинг 15, нафаснинг 26, тери сарғайишининг 3 хили борлигини, ошқозон-ичак трактининг 6 қисмдан иборатлигини ва ҳар қисмининг физиологик ва анатомик хусусиятларини ёзиб қолдирган. Қарапгки, Ибн Сино ўн аср олдин 12 бармоқли ичак тўғрисида алоҳида ёзиб, унга кўпроқ урғу берган. Ҳозирда эса, унинг фикрлари мутлақо тўғри топилиб, ичакнинг бу қисми шох қисм деб юритилади, чунки 12 бармоқли ичакка ошқозон, жигар ўти, ошқозон ости беши ва дуоденал безлар ширалари қуйилади ва асосий ҳазм бошланадиган жой ҳисобланади.

XII аср бошлариданок Абу Али ибн Синонинг асарлари Европа университетларининг Тиббий факультетларида дарслик сифатида

кўллапиб келнади. Рус олими, академик Б.Д.Петровнинг таъкидлашича, «Абу Бакр ар-Розий, ибн Сино ва бошқа Ўрта Осиё олимларининг китоблари ХУІІІ асргача Осиё ва Европа шифокорларининг асосий китоблари бўлиб хизмат қилган». Шу сзда яна бир машхур рус олими В.Н.Терповскийнинг (1961) «Ватанимизнинг буюк шифокор-терапевтлари М.Я.Мудров, Ф.М. Иноземцев, С.П.Боткин, Г.А.Захарьин, А.А.Остроумов, М.П.Кончаловскийлардан тортиб, жуда кўп олимлар маълум даражада ибн Синонинг энг яхши терапевтик аниқлалари, пазариёт ва амалиёт бирлиги назариясиини давом эттирувчилари ҳисобланади» деб ёзган сўзларини келтирсак, жуда кўп нарсга аён бўлади. Шунинг ўзиёк, Шарқнинг, Ғарб тиббиётининг оёкка туриб олишида катта роли борлигини яна бир бор кўрсатади.

Шу сзда бир ҳакли савол туғилади. Нима учун шундай буюк инсонлар Ўрта Осиё ҳудудида яшаган ва тиббиёт соҳасида буюк асарлар яратилиб, тиббиёт кучли тараккий этган экан, нега ушбу билимлар кейинчалик янада чуқурлаштирилмади ва ривожлантирилмади. Тарих кўрсатишича, буниинг бир қанча сабаблари бор.

Биринчидан, VII–VIII асрларда Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истилоси, XII–XIII асрлардаги мўғуллар босқини илм-фан ривожига катта тўскинлик қилди. Маҳаллий олимлар ва уларнинг асарлари йўқ қилинди, илм-фан тарққиётни учун имкон қолмади, олимлар тарққиб кетди, баъзилари қатл этилди.

Иккинчидан, диний ақидаларнинг ўта тушунамасдан тарғибот қилиниши оқибатида илм сирлари умуман ўрганилмай қолди, дунёвий илм вақиллари таъқибга учради, жуда кўп иқтидорли олимлар қувғинда яшади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино ва бошқа олимларнинг илмни ривожлантиришга бўлган фаолиятларига қўйилган тўсиқлар, уларнинг юртма-юрт саргардонликда юрганликлари ташвишли ҳол бўлса-да, ҳақиқатдир. Диндорларнинг хурофотга берилишлари узок давргача илм йўлларини беркитиб қўйди. Табиблик, маълум даражада халқ табобати, диний йўл билан даволаш (қипша солиш, ўқиб қўйиш, дам солиш, туморлар қилиб бериш, мунажжимлик йўллари билан даволашлар) устунлик қилабошлади, илмий пунктга назарлар эътиборсиз қолди.

Учинчи сабаб, Туркистон ҳудудининг хошлиқларга бўлиниб кетиши ва оқибатда ўзаро тўхтовсиз уришлар, қон тўқишлар, илм аҳлига қилинган зулмлар ҳам ўзининг салбий оқибатларини берди. Назаримизча, ушбу ўта салбий омиллар бўлмаганда, тиббиёт илми

баланд чўккиларни забт этган бўларди. Чунки миштақада жуда кўп илмий ғоялар, вужудга келиб, улкан илмий асарлар яратилиб, фан ва маданият ривож учун асослар, шарт-шароитлар яратилган эди. Аксинча, бу асарларнинг кўплари талон-торож қилинди, кўплари ўша даврда илм кадрли бўлган Европа томонга олиб кетилди. Ахир дунёнинг энг катта кутубхоналарида сақланаётган Ўрта Осиёлик алломаларнинг китоблари нимадан дарак беради! Бу даврда Дунёнинг бирон бир миштақасида, олимларининг сони ва сифати жиҳатидан бунчалик кучли бўлмаган. Ахир биринчи илмий академиялар Хоразмда, Бағдодда яратилди-ку. Етти асрдан сўнг Пётр I Россияда академия очди.

Профессор Наима Маҳмудова (1969) ўз китобида (12) «XII–XIII асрлардан то XIX асрнинг 60-йилларигача тиббий билимда чекиниш бўлди» деб бежиз ёзмаган. Тўғри Амир Темур даврида маданият, илм-фан раванг топди, лекин таъбабат илми аввалги ҳолатига келолмади (12), чунки жуда кўп тиббий адабиётлар йўқотилиб юборилганди.

III. Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнг, ўлка халқларининг маънавий ҳаёти яна ҳам топталди, миллий маданият, урф-одатлар, мусурмончилик каби олий ҳис-туйғулар, миллий қадриятлар таъкиб остига олинди, буюк рус шовинизми авж олди. Бирок, шу даврда Марказий Осиё худудига қуролли кучлар билан бирга зиёли шифокорлар ҳам юборилди. Рус шифокорлари, биринчи галда ўша даврларда Ўрта Осиёда авж олган паразитар ва бошқа юқумли касалликларнинг рус амалдорларига, ҳарбий хизматчиларга юкмаслиги ва ҳарбийлар ичида кенг тарқамаслиги учун курашдилар ва бу билан маълум даражада, айниқса, Ўзбекистон худудига тиббий илм таракқиётига ҳам маълум даражада ҳисса қўшдилар.

Бу даврда ҳар хил юқумли касаллик оқибатида келиб чиқадиган ўлим биргина ерлик аҳоли ўртасида эмас, балки ҳарбий хизматчилари орасида ҳам кўп учрар эди. Маълумотларга қараганда 1887–92 йилларда Россияда ҳар 10000 хизматчидан, бир йилда ўртача 466,7 таси ўлса, Туркистон ўлкасида бу кўрсаткич икки баробар кўп эди (12).

Собик иттифок даврида Чор Россияси даврига нисбатан Ўзбекистонда тиббиёт илми ва амалиёти маълум даражада ривож топди.



1946 йил . ТошМИИ профессор ўқитувчилари орасида шаклланаётган биринчи авлод олимларимиз.

Ўзбекистонда тугилиб, тиббий таълим ва амалий тиббиёт ривожига ҳисса қўшган рус олимлари Н.А.Кассирский, М.И.Слоним, Россиядан келган олимлар Н.И.Боровский, А.Н.Крюков, П.П.Ситковский, Н.И.Рогоза, В.Ф.Войно-Ясенецкий ва бошқалар тиббиёт соҳаси бўйича маҳаллий кадрларни етиштиришда, ўша вақтларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган касалликларни ўрганиш, даволаш ишларида ўз хиссаларини қўшдилар. Улар 1918 йилда Тошкентда очилган Тиббий Олий мактабда, Туркистон университети Тиббиёт факультети ва кейинчалик ТошМИда илмий-амалий фаолият кўрсатиб, бир қанча маҳаллий миллат вакилларининг илмий изланишларига қўмаклашганлар. Жумладан, 1923 йилда Бухорода ришта, безгак, пендин яраси-тери лейшманиозини ўрганиш ва йўқотиш мақсадида Троник институтини очилди ва унинг директори лавозимига питерлик олим Л.М.Исаев тайинланди. У бу институтда 40 йилдан зиёд ишлаб, маҳаллий олимлар билан биргаликда безгак, ришта ва бошқа касалликларни тарқалиши сабабларини чуқур ўрганганиб, ушбу касалликларни йўқотишда жонбозлик кўрсатди ва Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

1925–50 йиллар орасида Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида ўнлаб, юзлаб маҳаллий миллат вакиллари ичидан олимлар етишиб чиқди. Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтлари Республика-мизда тиббий кадрлар тайёрловчи асосий ўқув-илмий марказ бўлиб

колди. Маҳаллий миллат вакилларидан етишиб чиққан биринчи профессор олимларимиз Зулфия Иброҳимовна Умидова, Носир Исмоилович Исмоилов, Акбар Аскарлович Аскарлов ва бошқа бир канча ўнлаб маҳаллий олимларимиз 40 - йиллардан эл оғзига туша бошладилар, тиббиёт институти кафедраларида мустақил оёкка туриб олдилар. Профессор Зулфия Умидова юрак - қон томир касалликлари хусусиятларини иклим шароитига боғлаб ўрганди ва 1939 йилдаёқ профессор П.И.Фёдорова билан «Вопросы климатофизиологии» номли монографиясини чоп этишга муваффақ бўлди.

XX асрнинг 50 - йиллардан бошлаб Эргаш Отахонов Самарқанд тиббиёт институтида, М.К.Қулматов, А.Д.Жалолов ва бошқа олимлар «ҳазм аъзолари касалликлари» мавзуси бўйича чуқур излашишлар олиб бордилар.

Биз собиқ иттифок даврида Ўзбекистонда тиббиётнинг Чор Россияси даврига нисбатан анча илгарилаб кетганини, малакали маҳаллий олимлар етишиб чиқганини ва улар Ўзбекистон тиббиёт илми байроғини бутун дунёга ёйганиликларини инкор этолмаймиз. Жумладан, Академик Э.Отахонов 1953 йилда Парижда, 1960 йилда Японияда гастроэнтерология бўйича ўз илмий қарашларини эълон қилган ва Японияда ушунг ичак касалликларида камқончик-анемия касаллигининг келиб чиқиш сабаблари ҳақидаги фикрларини ва энтероколитлар бўйича янги таснифи эътироф этилганининг ўзи ўша даврдаги улкан ютуқлардан эди. Академик Ёлкин Тўрақуловнинг қалқонсимон безда гормон ҳосил бўлиши ҳақидаги назарияси дунё олимлари томонидан қабул қилинган ва унинг бу ҳақдаги асарини АҚШда икки марта нашр этилган. Академик Комилжон Зуфаров ўз шогирдалари билан биринчи марта дунёда тўқима ва аъзоларнинг тўлик ультрамикроскопик тuzилишига бағишланган электронмикроскопик атласини тузди ва дунёнинг деярли барча энг кучли электронмикроскопистларининг (АҚШлик Родин, Сантогатаи-жаҳон морфологлари ассоциацияси раиси ва ш.к.) юксак баҳосига сазовор бўлганлиги, ўзбек олимларининг оламшумул ютуқларидан дарак эди.

Агар З.Умидова, Н.Исмоилов, А.Аскарловлар каби олимларимиз фаолият кўрсатган даврини (XX асрнинг 60 - йилларигача) биринчи авлод даври десак, 70-йилларда иккинчи авлод юзага келди. Бу даврда Эргаш Отахонов, Ёлкин Тўрақулов, Комилжон Зуфаров, Раҳим Худойбердиев, Ўқтам Орифов, Солиқ Маъсумов, Турсунхўжа Нажмуддинов, Адхам Юнусов, Иосиф Кассирский каби катор

олимлар етишиб чиқдилар. 70-90 йилларда Восит Воҳидов, Малика Абдуллахўжасва, Жаҳонгир Ҳамидов, Собир Юнусов, Шокир Алимов, Машнон Азизов, Александр Николаев, Дарвин Ғуломов, Абдурахмон Раҳимжонов, Наби Мажидов, Карим Йўлдошев, Сайфи Шамсиев, Исоқ Мусабоев, Жалол Масумов, Зиё Турсунов, Исом Зокиров, Сайфиддин Турсунов, Фозил Амиров, Маннаф Мирзамухамедов, Наримон Муродхўжаев, Орхон Махмудов, Шариф Отабоев, Тўлқин Искандаров, Комил Муҳаммаджонов ва Нусрат Абдуллаев каби учинчи авлоднинг истеъдодли олимлари кўзга ташландилар. Иккинчи ва учинчи авлоднинг катта ютуғи шунда эдики, улар республикамиз учун юзлаб ёш олимлар, шифокорлар, педагог олимларини етказиб бердилар. Биргина академик К.Зуфаров 56 та фан доктори, 157 та фан номзодини, академик Ё.Тўракулов 36 та фан доктори, 80 та фан номзодини, академик С.Юнусов 200 дан ортиқ фан докторлари ва номзодларини етиштирганлар. Ўртача қилиб олганда ҳар бир олим 20-30 тадан янги олимлар етиштирганлар. Бу рақамларни келтиришимизга сабаб, маҳаллий олимларимиз олий ўқув юртлари ўз миллатини, ўз халқини жуда севиб, ардоқлаб садокат билан юртимизни ёш олимлар билан бойитганлар.

Шу ўринда бир ҳақиқатни айтиш ҳам лозим. Собик иттифок даврида 20, 40 йиллаб тиббиёт кафедраларида раҳбар бўлиб ўтирган, марказдан келган олимларнинг айримлари биронта ҳам мутахассис тайёрламаган ёки шогирдлари сонини бир иккитадан ошмаган, баъзан эса маҳаллий олимларимиз излашишларига нисбатан қаршилиқлар, камситишлар бўлганки, натижада уларнинг баъзилари бошқа шаҳарларга кетиб қолган. Маҳаллий миллат вакилларига йўл берилмаган, ҳатто маҳаллий олимларимиз устидан хат уюштирган русийзабон олимлар бўлган. Шу туфайли бўлса керак, 1946-47 йилларда Ўзбекистон давлати бир қанча ўзбек олимларини (фан номзодларини) Иттифокнинг марказий шаҳарларига ўқишга юборган. Бундай олимларимиз ҳақида очеркларда ёзилган.

Шу оғир даврда (50-60 йиллар) маҳаллий олимларимиз ичидан тиббиёт соҳасининг иқтидорли ташкилотчилари етишиб чиққан (Р. Соатов, Х. Ғофуров, ва ш.к.). Айниқса, узок йиллар Республика соғлиқни сақлаш тизимини бошқарган вазирларимиз профессорлар Башир Мағзумов, Қайом Зоировлар, тиббиёт институтларининг ректорлари-доцент Абдумалик Ғуломов, профессор Юсуф Отабеков, Маннаф Мирзамухамедов, Раҳим Нурмухамедов, академиклар Комилжон Зуфаров, Ўқтам Орифов, Абдурахмон Раҳимжонов, доцент

Мусо Ҳайтов, илмий-текшириш институтлари директорлари-академик Абдулла Зоҳидов, Восит Воҳидов, профессор Комил Муҳаммаджонов, Ҳ.Мўминовлар ўзбек тиббиёти таракқиётига салмоқли ҳисса қўшганлар. Уларнинг кўплари йирик олимлар каторидан жой олишган бўлса-да, ташкилотчилик қобилиятлари ҳам баланд бўлган. Улар биргина тиббиёт илми фаши таракқиётига ҳисса қўшибгина қолмай, тиббиётнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда, маҳаллий олимларимиз салоҳиятини оширишда, янги тиббий иншоотлар барпо этишда жонбозлик кўрсатганлар.

Биз Ўзбекистонда тиббиёт илми ва амалиёти таракқиётига салмоқли ҳисса қўшган олимларимиз ҳақида ёзар эканмиз, шакшубҳасиз бир насага амин бўлдикки, тиббиётимиз тарихини икки катта даврга бўлиб ўрганишни тақозо этар экан. Биринчиси, бу Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгунча бўлган давр ва иккинчиси Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тиббиёти. Ҳар бир давр яна ўз босқичларига эга, яъни биринчи давр ўз навбатида беш босқични ва Мустақиллик даври эса, ҳозирча икки босқични, яъни мустақилликнинг дастлабки ривожланиш босқичи ва кейинги босқични эса эришилган ютуқлар босқичи деб олесак, балки тўғри бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тиббиётнинг таракқиёти янгича, яъни миллий тусда, бошқа давлатлардагидан фарқ қиладиган даражада бошланди ва катта ютуқларга эришилмоқда. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ва кенг камровли ислохотлар бошланди ва ислохотлар бошида Давлатнинг туриши, ислохотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилиши ўз самарасини берди.

Бу тиббиётимиз таракқиётида давлатнинг халқ саломатлигини сақлаш, касалликларнинг олдини олишни бошқариб бориши, тиббий таълим ва амалиётнинг ривожиди намоян бўлди ва бўлмоқда. Кўп давлатларда тиббиётга эътибор Ўзбекистондагидек давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгиланмаган. Биздаги устуворликнинг яна бир моҳияти шундаки, биргина ички резервлардан, маҳаллий олимларимиз эришган ютуқлардан фойдаланибгина қолмай, тиббиётни таракқий эттириш, халқ саломатлигини сақлаш мақсадида, тиббиётни юксак даражада ривожланган хорижий давлатларнинг ютуқ ва тажрибаларидан, энг замонавий тиббий жиҳозларидан фойдаланиш асосида тиббиётимиз ривожини янги сифат даражасига чиқмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки 1993–96 йилларида катор олимларимиз ривожланган Европа давлатларида (Германия, Англия, Испания, Исроил ва ш.к.) тиббий таълим ва тиббий амалиётни самарали ташкиллаштиришдаги тажрибаларнинг ўрганиш мақсадида бир қанча тиббиёт институтлари ва клиникаларида бўлиб даволашнинг энг илгор усулларни ўзлаштириб қайтдилар.

Бирок, очингни айтиш керакки, Давлатимиз ва тиббиётимиз раҳбарияти, кенг олимлар жамоаси чет эл моделларнинг кўпчилиги соғлиғини сақлаш тизими амалиётига, айниқса, Ўзбекистон худудига жуда ҳам мос келмаслигини англаб етдилар.

1997 йилга келиб, Президент Ислам Каримов раҳбарлигида янги «Таълим тўғрисидаги қонуни» ва «Қадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» ишлаб чиқилди. Тиббиёт соҳасини ислох этиш бўйича катор Президент Фармонлари ва Қарорлар қабул қилинди. Шу асосда тиббиётда ҳам икки босқичли узлуксиз тиббий таълим тизими яратилди, ўқишнинг бакалавнатура ва магистратура босқичлари жорий этилди. Амалий тиббиёт учун умумий амалиёт шифокори тайёрлаш, амалий тиббиётнинг дастлабки звеносида ишлаш бошланди, улар учун замонавий ҚВПлар қурилди ва барчаси замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Тиббиётда соҳалар бўйича илмий амалий марказлар, она ва бола муҳофазаси бўйича скрининг, пренатал марказлари, шошилинч тиббий марказлари барпо этилди. Тиббиётимиздаги бу тизимлар ўз моҳияти, амалиёти ва кўлами билан миллийлик хусусиятига эга ва хориждагидан фарқ қилади. Энди хориж давлатлари Ўзбекистонда тиббиётнинг айрим соҳалари бўйича эришган ютуқларини тан олиб, ўрганмоқдалар ҳам. Буни 2011 йил ноябрь ойида тиббиёт, 2012 йил февраль ойида таълим соҳаси бўйича Тошкентда хориж давлатлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган халқаро анжуманлар яққол тасдиқламоқда.

Мустақилликимизнинг 20 йиллигига келиб Қишлоқ врачлик пунктлари 3200 дан ошиб кетди, 14 та шошилинч тез тиббий ёрдам марказлари тизими яратилди. Илмий салоҳиятни сақлаш ва ривожлантириш мақсадида тиббиётнинг турли соҳалари бўйича 10 та ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар ташкил этилди ва улар энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланиб, уларда асосан маҳаллий олимларимиз, профессорлар, академикларимиз хизмат қилмоқдалар.

Иккинчи бир жиҳат шундаки, тиббиётнинг барча соҳасига,

яъни тиббий билим, даволаш ва профилактикага алоҳида ва ўзига хос равишда узвий тизим сифатида катта эътибор берилмоқда.

Мустақиллик йилларида миллий кадрларимизнинг бешинчи авлоди тўлиқ шаклланиб оёққа турмоқда, тўртинчи авлод вакиллари бешинчи авлоднинг шаклланишига муносиб хисса қўшдилар. Жаррохлардан академик Шавкат Каримов, Дарвин Ғуломов, Феруз Назиров, кардиолог терапевт олимлардан Равшан Давлатов, Анис Алавий, болалар жаррохлигида Амин Сулаймонов, Маҳмуд Алиев, гематолог олимлардан академик (ТФА, Россия) Санджалол Бахромов, юкумли касалликлар бўйича академик Турғунпўлат Дамитов, эндокринолог олимлардан Санд Исмонлов, патофизиолог олимлардан Ҳамид Каримов, травматолог ортопед олимлардан Мирҳаким Азизов ва бошқалар республикамизда тиббиёт илми ва амалиёти ривожига ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшиб келишмоқда.

Биз тиббиётимиз тараккиётидаги маҳаллий олимларимизнинг фаолияти ва қилган меҳнатлари ҳақида ёзар эканмиз, албатта Мустақиллик йилларидан бошлаб тиббиётда узлуксиз тиббий таълим тизими яратилганини ва у келажакда ҳар томонлама юксак билим ва қўникмага эга бўлган олимларимиз етишиб чиқишига имонимиз қомиллигини айтиб ўтишимиз шарт. Бизнинг биргина тиббиёт соҳасида йигирма йил давомида эришган улкан ютуқларимиз, келажакда тиббиёт соҳасида буюк алломалар етишиб чиқиши кафолатидир. Ҳозирнинг ўзида Республикамиз тиббий коллежлар ва академик лицей ўқувчиларининг тиббиёт илми учун муҳим бўлган кимё, биология фанлари бўйича дунё, республика олимпиадаларида бир неча мартаба совриндор ўринларга эга бўлишлари умидларимизнинг ишонмасидир.

Яна бир жиҳат, мустақиллик йилларида тиббиёт ахли фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Илгарилари олимларимиз кўпроқ ўз ташаббуслари билан илм чўққисига кўтарилган бўлсалар, эндиликда бу интилиш давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Олимликка давогарларга шарт-шароитлар етарли даражада яратилган, илмий тадқиқотчи стажёрлар, докторантларнинг оёқлик маоши оширилиб, грант тизими ривожланиб бормоқда. Чет эл билан ҳамкорлик йилдан-йилга барқарор тус олиб бормоқда, хориж грантлари ютилмоқда. Жумладан, ТошПТИ ходими Мурод Жафаров Жапубий Кореяда бир неча йил тажриба орттириб, болаларда пластик жаррохлиқни яхши ўзлаштириб келди ва бу ҳозирда ТошПТИ клиникасида шу соҳада пластик марказ очилди. У хорижлик

сафдошлари билан ҳар йили Тошкентда кулоғи касал юздан ортик болаларда пластик операциялар ўтказмоқда. Республикамизда ҳозирда пластик жарроҳлик анча яхши йўлга қўйилди. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда биринчи пластик жарроҳликни академик Ў.Орифов бошлаб берган ва йўлга қўйган.

Яқиндагина юраги касал беморлар Олмонияга, Ҳиндистон каби давлатларга бориб, юрак томирларини кенгайтириб (юрак томирларига стентлар қўйиш) ёки юрак клапанларини операция килдириб эдилар, энди бунга ҳожат қолмади. Маҳаллий олимларимиз юрак жарроҳлигини яхши йўлга қўйиб, эндиликда буйрак томирларига ҳам бемалол стент қўймоқдалар. Бу соҳа Мустақиллик даврида чин маънода ривож топмоқда.

Собиқ иттифок даврида Ўзбекистонда 3 тагина олий тиббий таълим муассасаси бор эди, ҳозирда уларнинг сони 9 тага етди. Эндокринология, кардиология, хирургия каби илмий амалий марказлар пайдо бўлди. Ушбу марказларда етишиб чиққан мутахассис олимлар учун ҳам янги иш жойлари яратилди. Ҳозирда бу марказларнинг, институтларнинг йилдан-йилга илмий нуфузи ниҳоятда ортиб бормоқда. Олимларимиз томонидан аҳоли ўртасида камқонликнинг олдини олиш учун уш таркибига темир моддасини қўшиш, калконсимон без касаллигининг олдини олиш учун ош тузи таркибига йод қўшиш усулларини ишлаб чиқилиши натижасида, аҳоли ўртасида бу касалликлар сони кескин камайиб бормоқда.

Мамлакатимизда репродуктив саломатлик ва болалар соғлигини сақлашга бўлган жиддий эътибор ва эришилган ютуқларнинг 2011 йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргаликда ташкил этилган Халқаро анжуман томонидан эътироф этилиши бу Республикамиз тиббиётининг улкан ютуғидир. Бунда Президент Ислам Каримов томонидан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ 1144, ва 1196-сон ПФ ларининг жуда катта роли бор, албатта. Республикада фаол хизмат қилаётган 14 та скрининг ва перинатал марказларида ўнлаб фидойи олимларимиз фаол хизмат килмоқдалар.

Тиббиётнинг муҳим тармоқлари бўйича мустақиллик йилларида очилган янги ихтисослаштирилган илмий-амалий марказлар, акушерлик-гинекология, кардиология, эндокринология, жарроҳлик, кўз, урологик касалликлари, тез тиббий ёрдам, пренатал, скрининг марказларида хизмат қилаётган олим-шифокорларимиз салоҳиятини янада ошириб юборди.

Эндиликда тиббиётнинг тор мутахассисликларига бўлган эътибор кучайиб бормокда. Биргина отоларингологияни олсак, ундан болалар отоларингологияси ажралиб чиқди ва hozирда бу соҳа вакиллари учинчи марта съезд (хар бир съезд халқаро мақомини олиб бормокда, уларда машхур дунё таниган отоларингологлар катнашмокда) ўтказиб, эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги режаларни белгилаб олишди. Болалар отоларингологияси асосчиларидан бири Саидақром Аскарон номда симптом-комплекс пайдо бўлди. Энг муҳими, hozирда дунё тиббиётининг кўзга кўринган вакиллари Ўзбекистон олимлари билан биргаликда ҳамкорликни йўлга қўйиб, мутахассисларимизнинг хориж ҳамкасабаларидан илм ва амалиётда қилишмасликларини тап олишининг ўзи, бунинг ёркин исботидир. Зеро, собиқ шўролар даврида бирон хориж олими Ўзбекистонлик олимлар билан бирга жарроҳлик столида бирга ишламаган ёки касал кўрмаган, масаланинг бошқа томони, бизнинг олимларимиз учун хорижга чиқшининг ўзи ҳам ўта муаммо эди. Энди аҳвол тамоман бошқача, биргина эндокринолог олим профессор Саид Исмоилов, пластик жарроҳ-доцент Мурод Жаффаров, кардиолог Раҳман Давлатов, кўз микрохирурги Зафар Сиддиков, Хирургия Марказининг жарроҳлари йилида икки-уч мартадан хорижда ёки ўз клиникаларида дунёнинг машхур олимлари билан тенг мулоқотда бўлмокдалар, жарроҳлик столида бирга ишламокдалар. Бу Мустақиллигимиз шарофати, озод Ватанимиз берган инқоният ва меҳрдир. Ўзбек тиббиёт олимларининг парвози бундан юксак бўлишини, бугунги кенг имқоният ва шарт-шароитлардан фойдаланиб, юксак илм олган ёшларининг эртага Ибн Сино, ар-Розий издошлари бўлишларига, ушбу китобимизда тилга олган олимларимизнинг ишларини давом эттиришларига ишонамиз.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I. АКАДЕМИКЛАРИМИЗ	
Воҳидов Восит (<i>Худойбергенов А. Турсунов</i>).....	7
Абдиров Чоржўй (<i>Турсунов Э</i>).....	14
Алимов Шокир (<i>И.Раҳмон</i>).....	18
Аскарлов Акбар (<i>И.Раҳмон</i>).....	24
Зоҳидов Абдулла (<i>Отабоев Ш</i>).....	28
Зокиров Исом (<i>Турсунов Э</i>).....	32
Зуфаров Комилжон (<i>Турсунов Э</i>).....	36
Исмоилов Носир (<i>Турсунов Э</i>).....	42
<i>Кассирский Иосиф (С.М.Бахромов)</i>	46
Мажидов Наби (<i>Турсунов Э</i>).....	50
Мақсумов Жалол (<i>Турсунов Э</i>).....	55
Муродхўжаев Наримон (<i>Турсунов Э</i>).....	59
Мусабаев Исоқ (<i>Зоҳидов А.Ибодова С.</i>).....	63
Николаев Александр (<i>Соатов Т. Турсунов Э</i>).....	67
Обидов Абдурахим (<i>Турсунов Э.А</i>).....	71
Орипов Ўктам (<i>Турсунов Э</i>).....	74
Отахонов Эргаш (<i>Турсунов Э. Дамнов Т</i>).....	80
Раҳимжонов Абдуманноп (<i>Турсунов Э.</i>).....	88
Тўракулов Ёлкин (<i>Бобоев Т. Турсунов Э.</i>).....	92
Умидова Зулфияхон (<i>И.Раҳмон, Қосимов Э.</i>).....	97
Шамсиев Сайфи (<i>Турсунов Э. Файзиев Х</i>).....	101
Юнусов Адхам (<i>Турсунов Э</i>).....	106
Юнусов Собир (<i>Турсунов Э</i>).....	111
Ҳамидов Жаҳонгир (<i>Бобоев Т., Солиҳов Р.</i>).....	115
Ешанов Турсинбай (<i>Турсунов Э</i>).....	120
Юлдашев Карим (<i>Искандар Раҳмон</i>).....	124
II. ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ	
Амиров Фазыл (<i>Н.Шамирзаев</i>).....	127
Аҳмедов Носир (<i>И.Раҳмон</i>).....	130
Войно-Ясенецкий (<i>Турсунов Э</i>).....	134
Насев Леонид (<i>Абдиев Т</i>).....	143
Оқилов Отаулла (<i>Турсунов Э. Шертоев Б</i>).....	145
Нишанбоев Кураш (<i>Турсунов Э</i>).....	150
Сўҳиббоев Дамин (<i>И.Раҳмон</i>).....	154
III. ВАЗИРЛАРИМИЗ	
Ғофуров Холми (<i>И.Раҳмон</i>).....	158
Зокиров Каюм (<i>И.Раҳмон</i>).....	161

Магзумов Башир (Турсунов Э).....	166
Отабеков Юсуф (И.Раҳмон).....	170
Зоҳидов Ҳаким (Алижон З., И.Раҳмон).....	175
IV. ИНСТИТУТЛАР РЕКТОРЛАРИ ВА ДИРЕКТОРЛАРИ	
Абдурасулов Жўра (Турсунов Э).....	179
Абдулласв Рауф (И.Раҳмон).....	182
Ғуломов Абдумалик (Турсунов Э).....	186
Кориев Марат (Турсунов Э).....	192
Мажидов Вали (Турсунов Э).....	197
Мирзамухамедов Маннаф (Турсунов Э).....	201
Мўминов Ақром (Турсунов Э).....	205
Нурмухамедов Раҳим (И.Раҳмон).....	207
Сулаймонов Аминбой (Турсунов Э. Зоҳидов А).....	210
Турсунов Зиё (Ҳамидов Ж. Отабоев Ш).....	213
Ҳайтов Мусо (Хўжаев Н).....	218
Ҳакимов Ҳожиакбар ўгли (И.Раҳмон).....	222
Шоматов Насриддин (Турсунов Э).....	226
V. ФАН АРБОБЛАРИ	
Абдуллаев Нусрат (Турсунов Э).....	230
Ашрапова Муқаддам (Турсунов Э Каримов Ш.).....	235
Долимов Султон (И.Раҳмон. Э.Турсунов).....	241
Комилов Исҳоқ (И.Раҳмон).....	244
Комилов Муҳаммаджон (Турсунов Э).....	248
Кодирова Асолат (И.Раҳмон.).....	254
Қосимов Эркин (А. Зоҳидов).....	259
Маърупов Асадулла (Турсунов Э).....	263
Мансуров Абдухалил (И.Раҳмон).....	267
Масумов Содиғ (И.Раҳмон).....	270
Маҳкамов Султон (Турсунов Э).....	275
Мирзоян Николай (Э.Турсунов).....	282
Миразизов Қўчқор (Э.Турсунов).....	284
Мухторов Одилжон (Турсунов Э).....	286
Ризасв Марат (Турсунов Э).....	291
Тоҳиров Карим (Алижон Зоҳидов).....	293
Ҳақбердиев Мардон. (Турсунов Э).....	298
Худойбердиев Раҳим (Турсунов Э).....	301
Хотима ўрнида.....	307

ЭРКИН ТУРСУНОВ

ТИББИЁТИМИЗНИНГ БАРҶАЁТ СИЙМОЛАРИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2012

Муҳаррир: М.Ҳайитова
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов
Мусаввир: Ҳ.Фуломов
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

**Нашр.лиц. АЛ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 20.11.2012 йил.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 20,75. Нашр босма табоғи 20,25.
Тиражи 300. Буюртма №127.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» da chop etildi.
100066, Toshkent shahri, Olmazor kuchi, 171-uy.**